

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал



Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИД
Наим КАРИМОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Абдурахим МАННОНОВ
Шухрат РИЗАЕВ
Лазиз ТАНГРИЕВ
Алишер ҚОДИРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Шаҳноза НАЗАРОВА
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБОВ
Зилола ЖАЛЛОЛОВА
Жамила АСҚАРОВА
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

- А.НАВОИЙ. Келгуси ул сарви сийминбар... (Рус ва инглиз тилларига
А.Сендик, А.Буматова тарж...)* **3**

МУҲАРРИР МИНБАРИ

- А.МЕЛИБОВЕВ. Она сайёра – ягона кема.* **8**

ЭПОС

- Манаснинг дунёдан ўтиши. Достондан парча. (Қирғиз тилидан
З.Исомиддинов тарж.)* **19**

ҚЎШНИМ – ҚАРДОШИМ

- Т.ҚОСИМБЕКОВ. Тугилган ер. Т.МИЯШЕВ. Биринчи муҳаббат. Ҳикоялар.
(Қирғиз тилидан З. Исомиддинов тарж.)* **27**

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- Замонавий қирғиз шеъриятдан. (Қирғиз тилидан Т.Адашбоев,
А.Мелибоев, З.Исомиддинов тарж.)* **41**

НАСР

- Ф.ДОСТОЕВСКИЙ. Ака-ука Карамазовлар. Роман.
(Рус тилидан И.Ғафуров тарж.)* **48**
Ҳ.ҲЕССЕ. Сиддхартха. Роман. (Рус тилидан О.Асилбек қизи тарж.) **111**
А.де.РЕНЬЕ. Учрашув. Қисса. (Рус тилидан Д.Алиева тарж.) **146**

САНЪАТДАГИ СИЙМОЛАР

- Ч.ЧАПЛИН. Р.МЕРИМЕН. Даҳоликдан беҳабар даҳо.
(Рус тилидан А.Матёқубов тарж.)* **192**
- Глобус.* **178**
Жаҳон хандаси. (Тўпловчи М.Аҳмедов). **197**
Муқовамизда. **201**
Қомус. **204**
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. **206**



АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441–1501)

**КЕЛГУСИ УЛ САРВИ
СИЙМИНБАР...**

*Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек
Ким, танимда ҳар замон титрар кўнгул сиймобдек.*

*Ваҳ, не янглиғ ахтари саъд эрдиким, қилгач тулуъ
Тун кеча кўзум ёрутти меҳри олам тобдек.*

*Қучқамен белин камар занжир илан деб бўлди хам
Нотавон жисмим муталло айлаган қуллобдек.*

*Сажда ул чобуксувор оллинда андин айларам
Ким, оёғи узра нақше кўрмишам меҳробдек.*

*Ақл саррофи лабинг рангину нозук сўз била
Топти гулгун ришта ўтқарган ақиқи нобдек.*

*Силк этак зарришта бирла гул тўқулган жинсдин
Ким, эмас тори чубулган васлалиг мошобдек.*

*Кўр Навоий маснадин ишқ ичраким, гулхан аро
Шуъла олтойиу куллардур анга синжобдек.*

(“Ғаройиб ус-сизар”, 325-газал)

ЛУҒАТ:

Сийминбар – бадани кумушдек оппок
Ахтари саъд – бахт юлдузи
Тулуъ – чиқиш, кўриниш (Куёш ва ойга нисбатан)
Меҳри оламтоб – оламни ёритувчи куёш
Хам – эгилган

Чобуксувор – от минган, чавандоз
Муталло – олтин суви юргизилган, зарҳал
Қуллоб – чангак, илгак
Сарроф – пул алмаштирувчи
Гулгун – гул рангидаги, қизил
Ноб – соф, сара
Ақиқ – қизил рангли қимматбаҳо тош
Чубулған – чириган
Васлалиғ – ямоқли
Мошоб – жундан тўқилган уст кийим
Олтойи – сариқ рангидаги мўйна
Синжоб – олмахон мўйнаси

Байтларнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Сарвиқомат ёрим тоза очилган гулдек мен томон келяпти; буни билгач, кўнглим танамнинг ичида симобдек титрай бошлади.
2. Э воҳ, бу қандай бахт юлдузи эканки, нур тарата бошлагач, ярим кечада кўзимни куёшдек равшан этди.
3. Камар боғлаган белидан қучаман десам, жисмим тилла суви юргизилган илгакдек эгилиб қолди.
4. Бу чавандознинг олдида сажда қилишимнинг боиси шуки, кўзимга отининг тақасидан ўзга меҳроб кўринмаяпти.
5. Сарроф (пул алмаштирувчи)лардек қимматли нарсаларнинг харидори бўлган ақлим қизил лабларингу ширин сўзларингни қизил ипга тизилган соф ақиққа ўхшатди.
6. Зар иплар билан гул солинган матоҳлардан этагингни силкигин, чунки улар дарвешларнинг жундан тўқилган чириган ва ямоқли кийимичалик ҳам эмас.
7. Ишқ ичра Навоийнинг мартабасини кўрки, ишқ ўтининг шуъласи унга олтойи мўйнаси, куллари эса олмахон мўйнасидек хузурбахш этмоқда.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ишқий мавзуда бўлиб, висол онларини интизор кутаётган ошиқнинг туйғу ва кечинмалари тасвиридан иборат. Матлаъда келтирилишича, ёрнинг келишини билган ошиқнинг юраги симобдек титрай бошлайди. Маълумки, симоб табиий ҳолатда суюклик шаклидаги металл бўлиб, кундалик ҳаётда асосан ҳарорат ўлчагич таркибида қўлланилади. Навоийнинг жисм ичидаги кўнгилнинг ҳаяжондан титрашини симобга ўхшатиши аждодларимизнинг ўрта асрлардаёқ симобнинг ушбу хусусиятидан кенг фойдаланганликларини билдиради. Байтда

ёрга нисбатан сийминбар (кумушбадан) таърифнинг қўлланилиши ҳам тасодифий бўлмай, бу симобнинг кумушрангда бўлиши билан боғлиқдир:

*Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек
Ким, танимда ҳар замон титрар кўнгул сиймобдек.*

Иккинчи байтда ёр бахт юлдузи сифатида тасвирланади. У шундай юлдузки, нур тарата бошлагач, ярим кечада ошиқнинг кўзини куёшдек равшан этади. Бир қарашда тунни куёш ёритишида мантиқ бузилгандек, лекин ошиқ ёр таърифидан шундай бахтиёрки, унинг таърифида куёшдан юксакроқ ташбиҳ тополмайди.

*Ваҳ, не янглиг ахтари саъд эрдиким, қилгач тулуъ
Тун кеча кўзум ёрутти меҳри олам тобдек.*

Ошиқнинг ҳижрондан зада бўлган жисми шундай хастаҳолки, у ёрининг камар боғлаган белидан кучмоқчи эди, лекин нотавон жисми тилла суви юргизилган илгакдек эгилиб қолди. Маълумки, олтин юқори ҳароратда эритилганда, турли шаклга кириши мумкин ва бу ўринда шоир олтин ташбиҳидан фойдаланганда, бир томондан, ошиқнинг ишқ ҳароратида эгилган жисмини тасвирласа, иккинчи томондан ёрнинг белидаги олтин камарга ишора қилади:

*Кучқамен белин камар занжир илан деб бўлди ҳам
Нотавон жисмим муталло айлаган қуллобдек.*

Навбатдаги байтда фикр мантиқан давом этади: ошиқнинг эгилган қомати сажда қилаётган инсонни эслатади ва шоир бунга шундай изоҳ беради: от минган ёримнинг олдида сажда қилишимнинг боиси шуки, кўзимга отининг тақаси меҳроб бўлиб кўриняпти. Илгак, тақа ва меҳробдаги шаклан ўзаро ўхшашлик шоир бадийий тахайюлининг юксаклигидан дарак беради.

*Сажда ул чобуксувор оллинда андин айларам
Ким, оёғи узра нақше кўрмишам меҳробдек.*

Кейинги байтда ёр тасвири давом этади. Ёрнинг қизил лабларию ширин сўзлари қизил ипга тизилган соф, сара ақиқ (қимматбаҳо тош)га ўхшатилар экан, бир қарашда мақсад фақат ёр гўзаллигини тараннум этишдек тасаввур уйғонади. Аслида бу ва аввалги байтларнинг ботиний маъноларига эътибор қаратсак, уларда қўлланилаётган “бел”, “лаб” каби тимсоллар тасаввуфий маъно ташиётганига гувоҳ бўламиз. Н.Комиловнинг “Тасаввуф” номли китобида ёзилишича, Алишер Навоий ижодида бел деганда комил инсон хаёлини, лаб деганда пирнинг сўзини, илоҳий файзни англаш орқали солик, яъни тариқат йўлидаги мусофир гавдалантирилади. Демак, ғазалда лирик қаҳрамоннинг пири комил суҳбатига, илоҳий файзга эришган онлари тасвирланган деб ҳам айтиш мумкин.

Мақтадан аввалги байтда анъанавий тарзда мавъиза мазмунидаги фикр келтирилади, яъни Навоий иккинчи шахсга (китобхонга ёки барча-



га) мурожаат қилиш орқали ўзига хитоб қилиб, шундай дейди: Зар иплар билан гул солинган матолардан этагингни силкигин, чунки улар дарвешларнинг жундан тўқилган ямоқли кийимчалик эмас. Бир қарашда фақат зоҳиран фарқланаётган икки тушунча (зарбофт мато ва жундан тўқилган кийим) замирида Навоий ўзининг ёшлик лирикасида мурожаат қилган мавзуси – шоҳ ва дарвеш зиддиятига яна қайтади. Навоийнинг эстетик идеали бўлган дарвеш Ўзини Ҳақ йўлига бағишлаб, бу дунёдан юз ўгирган; бойлик, олтин-жавоҳирга беписанд қараб, илоҳий маърифатни ҳар қандай зебу зийнатдан афзал деб билган; қаноатли-диёнатли шахсдир. Шоирнинг бадиий маҳорати яна шунда намоён бўладики, у айнан кийим билан боғлиқ ўринда “силк этак” деган иборани кўллаяпти ва бу билан байтнинг лисоний жозибасини оширяпти.

Мақтада Навоий ўзининг ишқ йўлида эришган мартабасини фахрия йўли билан шундай баён этади:

*Кўр Навоий маснадин ишқ ичраким, гулхан аро
Шуъла олтойиу куллардур анга синжобдек.*

Яъни ишқ ичра Навоийнинг мартабасини кўрки, ишқ ўтининг шуъласи унга олтойи мўйнаси, куллари эса олмахон мўйнасидек хузур бахш этмоқда. Маълумки, олтойи Олтой тулкисининг терисидан ишланган пўстин, синжоб эса силовсин ёки мўйи ўсиқ олмахон терисидан тикилган устки кийим бўлиб, қиш кунларида совуқнинг захридан сақланиш учун кийилган. Навоий ўзида ишқ ҳароратидан пайдо бўлган ўтни синжоб ва олтойига нисбат бериш орқали ўзининг ишқдаги мартабасига ишора қилади.

Ҳазал рус тилига мутаржим Анатолий Сендик томонидан таржима аслиятдаги каби 7 байт ҳажмида амалга оширилган. Таржимон ҳазал мазмунини беришда тўлиқ муваффақиятга эриша олмаган: байтлардаги кўп ўринларда (4-, 6-байтлар) аслиятдан четга чиқиш кўзга ташланади, таржимада байтларнинг фақат зоҳирий маъносига эътибор қаратилиб, ботиний мазмун акс этмай қолган.

Ҳазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Анатолий СЕНДИК

*Пери, подобная розе, будет сегодня со мной,
Сердце, как ртуть, беспокойно, сладостен плод наливной.*

*Ах, для чего загоралась ночью над садом звезда,
Ах, почему в ней таятся нежность и солнечный зной?*

*Цепью тяжелой я думал пояс звезды оковать,
Чтобы, за крюк зацепившись, к жизни не рвалась иной.*

*Но перед всадницей этой ныне я падаю ниц,
Абрис бровей разглядел я на тупле ее вырезной.*

*Песню, что льется из нежных, ярко окрашенных губ,
Разум счел нитью в кораллах и не стоит за ценой...*

*А все же, наверно, в лохмотьях роза была б милей,
Чем в этой золототканой, пышной одежде цветной...*

*Костер, словно лисья шуба, а пепел, как белчий мех,
Любовь – вот престол Навои, пугающий вышиной.*

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Аида БУМАТОВА

*As comes my snow-white beautiful mistress towards me along,
Fluctuates my soul inside like mercury, for her I long.*

*When that star of good fortune shines brightly the whole night along,
World around lights up as though the sun - its shining does prolong.*

*All I wanted was to enclose her in with my hands around,
But instead my own body got stooped as gilded crook I found.*

*I pray on my knees in front of that rider because I see –
All embroidery of altar there on her footsteps to be.*

*My partial to rarities mind took lips and sweet words of thee
For a string of precious ruby stones collection there to be.*

*Don't let embroidered garments lure you with the golden thread,
None of them is worth the worn out woolen cloth that one could get.*

*See Navoi on fire of love feeling himself as if –
Sparks and ashes of the fire made of sable and mink gift.*



ОНА САЙЁРА – ЯГОНА КЕМА

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига

Ижодкорнинг умри унинг бу фоний дунёда умргузаронлик қилган йиллари билан ўлчанмайди. Бу гап бошқа касб эгаларига ҳам тегишли, аммо қалам аҳлига бевосита дахлдордир. Чунки ёзувчининг маҳорати ва заҳматли меҳнати билан битилган асарлар салобатли қасрлар, маҳобатли иншоотлардан кўра ҳам кўпроқ яшайди. Тош емирилиши, ғишт кўчиши, пойдевор нураши мумкин, аммо мукамал санъат асари, ундаги қуйма фикрлар асрдан асрга, даврдан даврга, қитъадан қитъага ўтиб ҳам маъно-моҳиятини йўқотмайди. Аксинча, ҳар янги авлод ундан баҳраманд бўлиб, ўзи учун зарур хулосалар топа олади. Улуғ бобомиз Алишер Навоий бош бўлиб қурдирган иморатлар, қаздирган ариқлар, ўз даврида барқ уриб яшнаган боғ-роғлар ўрнини бугун топиш қийиндир, лекин бу табаррук зот қаламига мансуб асарлар бугун бизга ҳам, келгуси авлодларга ҳам маънавий ҳамроҳлик қилиши, ҳаётнинг мураккаб чорраҳаларида тонг юлдузидек инсониятга нажот йўлларини кўрсатиб туриши шубҳасиз.

XX аср адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири Чингиз Айтматовнинг муаллифлик умри, ижодкор тенгдошлари қатори собиқ тузум тамойиллари барча-барчанинг қон-қонига, ўй-фикрию турмуш тарзига сингиб кетган йилларга тўғри келди. У адабиётга ҳукмрон фирқа мафкураси тамойиллари сиёсатда ҳам, адабиётда ҳам ягона олий кадрият сифатида кўкларга кўтарилган пайтда кириб келди, аммо бошқа ижодкорлар юрган текис, беозор йўлдан эмас, ўзига мақбул чағир сўқмоқчадан бўй кўрсатди.

Миллий мавзуда ёзилган тоғ ва дашт қиссалари Айтматовга мислсиз шуҳрат олиб келди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарига келиб, дунёнинг турли минтақаларида, жумладан, ўзи туғилиб ўсган Ватанида ҳам юз бера бошлаган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий зиддиятларга, тузум таназзулига, мантиксиз талотўпларга гувоҳ бўлди. Кўз ўнгида “зўр билан бўлган иморат” – шўролар салтанати кулади. Айни шу йиллари матбуотда инсон ва жамият муносабатларининг авваллари мутлақо қаламга олинмаган, бошқалар ёзишга, айтишга журъат этмаган кирралари тўғрисида ўткир публицистик мақолалари эълон қилинди. Улар бадиий мукамал, таъсирчан ва кучли мантиқий мушоҳадага асослангани, ҳаётга, конкрет воқеликка, одамларнинг ўй-хаёлларига бевосита боғлиқлиги билан ажралиб турарди.

Муаллиф ўз бошидан кечирган, ўзи бевосита гувоҳ бўлган, идрок этган, онг-шуурига сингган муаммоларни қаламга олди. Ёзувчилик виждони, инсонийлик бурчи жим туришга, бефарқ бўлишга йўл бермади ва бу ҳолатни ўқувчига ҳам юктиришга ҳаракат қилди. Айтматовни ўқиган ўқувчининг бефарқ кўзлари очилгандай, виждони уйғонгандай бўлади. Она табиатни, ноёб ўрмонларни, дарё, кўл, тоғу тош, неча минг йиллик музликларни асраш тўғрисидаги ташвишли мулоҳазаларидан кейин ўқувчи адибнинг

“Тўғри-да, ўрмонда дарахтлар ўзи униб, ўзи ўсиб ётибди, гўё эгаси йўқдай, хоҳлаган киши кесиб, пайхонлаб кетаверади. Ҳар бир дарахтнинг тагига биттадан қоровул қўйишнинг иложи йўқ. Қоровул одамнинг виждонида, имон-этиқоидида бўлиши керак”, деган фикрларини худди ўзининг хулосасидай қабул қилади.

Чингиз Айтматов публицистикасида, бадиий асарларида бўлгани каби, урушни лаънатлаш, инсониятни бу ёвуз хатардан халос қилиш, ўтмишда содир бўлган мислсиз қирғинбарот жанглардан сабоқ чиқариш ғояси бўртиб кўринади. Иккинчи жаҳон уруши, унинг даҳшатли ҳалокатлари тўғрисида Одил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Иброҳим Раҳим, Назармат, Мавлон Икром ва бошқалар ҳам ёзишган. Аммо Айтматов бу борада ҳам ўзининг ўта дангал, бугунги ва келажак авлодларга сабоқ бўларли огоҳлик сўзини айта олди, асарларида жанггоҳлардаги тенгсиз олишув, танк ва снарядларнинг даҳшатли ўқириклари, бомба портлашлари, олов ичида ёнаётган шаҳар ва қишлоқлар тутуни батафсил тасвирланган бўлмаса-да, публицистик мақолалари, ҳикоя ва қиссалари орқали урушнинг инсон онг-шуури ва тақдирида намоён бўладиган битмас-туганмас фожиаларини кўрсатиб беради.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирида Болгария ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан София шаҳрида “Ёзувчи ва дунё: Хелсинки руҳи ва маданият арбобларининг бурчи” мавзусида дунё адибларининг халқаро учрашуви бўлиб ўтади. Шу нуфузли анжуманда қирғиз адиби сўзлаган нутқни, ҳеч муболағасиз, юксак гражданлик жасорати деб баҳолаш мумкин. Негаки, Айтматов кутилмаганда жаҳоннинг икки қудратли давлати ўртасида олиб борилаётган қуролланиш пойгасининг халқ турмуш тарзига аянчли таъсиридан баҳс очди. Адоқсиз ва мантисиз бу пойганинг тинчлик, тотувлик, манфаатли ҳамкорлик алоқаларига мутлақо хизмат қилмаслигини, аксинча, қурол-яроғларнинг кўпайиши ва уларнинг тинимсиз такомиллашуви ер юзида ҳаётни, омонликни сақлаб қолишни хавф остида қолдиришини исботлаб беради.

БМТ махсус қўмитасининг апартеид сиёсатига қарши махсус сессиясида қатнашган адиб бу сиёсатни ХХ асрнинг энг шармандали воқелиги, деб атади. Бу сўзни минбарда туриб айтди. Унинг фикрича, халқлар тарихи ва тақдири, маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари билан боғлиқ муаммоларни қурол кучи, снарядлар даҳшати билан ҳал этиб бўлмайди. “Эзилган одамгина қул эмас, уни эзаётган, хўрлаётган ёзувчининг ўзи ҳам қул. У ўз зўравонлигининг қулидир. Кимки ўзгалар эркини чекласа, у ўзининг эркини ҳам чеклайди. Бундай зўравонда ички эркинлик бўлмайди”, дейди адиб. “Жамила”, “Юзма-юз”, “Момо ер”, “Эрта келган турналар” ва бошқа асарларида урушни бор овози билан лаънатлайди. “Инсонга азалдан нозил қилинган Ўзгулик энергияси ва унга қарши қаратилган Ўзузлик энергиясини ўзгартириб бўлмайди. Булар бир-бирига тенг миқдорлардир. Лекин, инсонга абадийликнинг мангу ҳаракатини ўзида мужассам этган ақлий афзаллик ато этилганки, агар одамзот омон қолишни, яшашни, тараққиётнинг баланд чўққисига кўтарилишни хоҳласа, ўзидаги ёвузлик устидан ғалаба қозонмоғи зарур”. Яна бир фикри шуки, содир этилган ёзузлик бу ишни қилган киши билан бирга ном-нишонсиз йўқолиб кетмайди. Ирсият қонунлари уни сақлаб қолади ва бир куни қасос ўтлоғида қайта униб чиқиб, ўша ёвузнинг бўйнига ёпишади.



Адибнинг “Момо ер” қиссасини урушни лаънатловчи асар дейиш мумкин. Овулдаги кўлига милтиқ ушлаши мумкин бўлган эркакларнинг бари фронтга кетган. Далани ҳайдайдиган, шудгорга уруғ сочадиган, экинга сув тарайдиган одам қолмаган ҳисоб. Экин экилмаганидан кейин даладан ҳосил йиғилмайди, хирмон хувиллаб қолади. Ўғри, муттахамлар кўпаяди, “Худони ҳам унутиб юборадиган вақт” бошланади. Асар қаҳрамони Тўлғаной фарзандларини фронтга жўнатади, аёл боши билан хўжаликка раҳбарлик қилади. Уйма-уй юриб, бир кафт-ярим кафт уруғлик йиғади. “Айланаинлар, чайнаб турганларингни, тишларингни орасидагини бўлса ҳам беринглар, ерга сепайлик, амаллаб пишиқчиликка етиб олсак бўлди”, дейди. Қўшниси – касалванд Ойшанинг уйига кириб, ундан ҳам уруғлик сўрайди. “Икки-уч кундан бери оғриғи зўрайиб, уйда ётган экан, дарднинг зўридан ранглари синиқиб кетибди. “Эл қатори берадиганингни бергин, Ойша”, деган эдим, “Бори-будимиз шу”, деб тўрвачани кўрсатди. “Шуни бўлса ҳам бергин. Уруғликка ер тайёр, сепмоқчимиз” десам, Ойшанинг қовоғи уюлиб, индамай қўя қолди. Лаънати йўқчилиги-ей, одамни қандай хор қилади. “Ойша, бу билан кўп бўлса ўн кун тирикчилик қиларсан, лекин ҳали қаҳратон киш турибди, келгусини ҳам ўйлаш керак дедим. Ойша ерга тикилиб туриб, ялиниб-ёлворди: “Бор бўлса аяйди дейсанми, Тўлғаной, ўзинг кўриб турибсан-ку, мен бундай яримжон бўлсам, охи-ратли кўшнимсан-ку”. Кўнгилчанлигим тутиб, бўшашиб кетдим, бироқ шу захотиёқ кўнгилчанликни йиғиштириб қўйдим: “Мен ҳозир кўшнинг эмасман!”, деб қаттиқ гапирдим. – Мен бригадирман, кўпчилик учун шу донингни олиб кетаман! – дедим-да, ўрнимдан туриб, тўрвачани кўлимга олдим. Ойша индамай тескари қаради”.

Шундай азобда йиғилган ғаллани ўғрилар уриб кетишади. Тўлғаной зим-зиё тунни, еру кўкни ларзага солиб: “Тўхта! Тўхта, юзи қоралар” дея ҳайқириб, ўғриларнинг ортидан от солади.

“Чўққида қолган овчининг оҳи-зори”да ёш Чингиз – оиланинг тўнғич фарзанди, сигирларини ўғирлаган ўғрилардан қандай ўч олишга қасд қилгани ҳақида ҳикоя қилинади: “...бошимизга тушган кулфат учун ўч олмоғим, курашмоғим лозим эди. Ўша пайтдаги тушунчам бўйича фақат бир нарса кўлимдан келарди: ўғриларни ўлдириш керак, вассалом! Қўшниларимиздан бири бўлмиш Темурбек тракторчининг уйига милтиқ сўраб бордим... У кўрпага ўраниб, терга ботиб ётарди. Бетоб экан. Темурбек бошимизга тушган мусибатни эшитган экан, “Милтиқми, ана, деворда осиглиқ турибди. Патронлар михга осилган сумкада, деди. – Бетоб бўлмаганимда-ку, ўзим бирга бориб, ўша муртадларни учратган жойимдаёқ отиб ташлардим”, деб қўшиб қўйди. Темурбекнинг уйдан вужудимда қасос руҳи ёниб, милтиқни олиб чиқдим. Қалбимни ғам-алам чулғаб олганди... қандай қилиб бўлса-да, ўғриларни топиб, жазолашим керак. Худди осмондан тушгандай, кўлимда милтиқ билан рўпарасидан чиқаману икки кишими, уч кишими – ҳаммасини пешонасидан отаман... Бошқача бўлиши мумкин эмас... Милтиқни маҳкам ушлаганимча юрагимда қасос ўти ёниб борардим...”

“Момо ер”га қайтамыз. Тўлғанойнинг урушга жўнатган ўғилларидан бирови ҳам қайтмайди, келини Алиман бошқа бировдан ҳомиладор бўлиб қолади. Қўшни кўшнининг уйига ўғрилиқка тушади. Бу – қаттол урушнинг даҳшатлари. “Урушга даъвоим кўп, – дейди Тўлғаной. – Отилган ўқ, тўкилган қон тарихнинг ҳисобида, лекин одамларнинг завола топган умри-

чи? Уни кимнинг бўйнига қўйиб, тарихнинг қайси бетига ёзамиз? Бунинг учун ким жавоб беради? Ўққа учрамаган бўлса ҳам, Алиманнинг тақдирини эслаганимда, юрак-бағрим куйиб чўғ бўлади. Унинг уволи кимга? Унинг дардини кимга айтаман? Бечора келиним, гул севган келиним!”

Асарнинг бош ғояси – инсоннинг буюклиги, ҳаёт чархпалагининг тўхтовсиз айланиб туришини кўрсатишдан иборат. “Уруш одамни қаттиққўл қилади, тошбағир, шахсиятпараст, ҳайвон қилади, деб ким айтади? Йўқ, уруш, қирқ йил қирғин келтирсанг ҳам, неча-нечаларнинг ажалини етказиб, ўртаб, қийратиб яксон қилсанг ҳам, одамни сен тобе қилиб, бўйсундира олмайсан. Одам умид қилган ҳамма яхшиликларидан ажралса ҳамки, қандай бўлмасин, бировга яхшилик қилсам дейди, уни суяб, турғизсам дейди, уни озгина бўлса ҳам бахтли қилолсам дейди”.

Асар қаҳрамони Тўлғаной тилидан айтилган бу ҳайқирик, аслида, публицист-ёзувчининг қалбидан отилиб чиқаётган ҳайқириқдир. Юраги ғам-ғуссага тўлган Тўлғаной Ер билан дардлашади: “Ох, баҳорни кўмсаб, доннинг сепилишини орзиқиб кутаётган деҳқон далам! Намиққан юзларинг кўкимтир ранг олиб, оламнинг чор атрофига ястаниб, аллақаерларингда кумуш ранг таратиб, тўшакда ётган жувондек балқиб турганингдан айланайин, бепоён далам!”, “Ажойиб азаматлар, тоғ нураса бўлмасмиди, кўл қуриса бўлмасмиди! Сувонқул билан Қосимим, ота-бола иккови қандай деҳқон эди! Дунёнинг таянчи шунга ўхшаш заҳматкашлар эмасми: элни тўйғизганлар ҳам, ёв келганда қўлга қурол олиб, мамлакатни қўриқлаб, қон тўкканлар ҳам ўшалар. Агар уруш бўлмаганда, Сувонқул билан Қосимим қанча одамларга ризқ-рўз бериб, мушкулини осон қилиб, экин экиб, қанча хирмон кўтариб, қанча ишни бажарган бўларди. Ўзлари ҳам эл меҳнатидан хузур-ҳаловат кўриб, одамнинг қанча роҳатига шерик бўлишар эди. Ўйлаб қарасанг, қизик, айланайин она-Ер, уруш бошланар экан-у, у урушда одамзотнинг энг асл, ҳунари бор азаматлари ўз ишини ташлаб, бирининг қонини бири тўкиб, бирини бири ўлдиришга сафарбар бўлишар экан. Мен бунга кўникмайман, умрбод кўника олмайман. Табиат томонидан яратилган энг олий мавжудотларнинг энг буюги – одамзот, дунёни ўзига бўйсундирган ким – одамзотми, шундай экан, бир-бирига бунчалик зиён келтирмай, тинч-тотув яшолмайдими? Сирдош далам, жавоб бер, айт жавобингни”.

Бу саволга она Ернинг жавоби: “Қийин савол бердинг-ку, Тўлғаной. Мен билганимдан бери, одам одам бўлиб яратилганидан бери урушгани урушган. Баъзан урушда мутлақо қирилиб, ном-нишонсиз кетган эллар ҳам бўлган, кули кўкка совурилиб, тирик жон қолмай, хонавайрон бўлган шаҳарлар ҳам бўлган. Неча асрлар одамзот изига зор бўлиб, бўм-бўш ётган вақтларим ҳам бўлган. Ҳар гал уруш чиққанда, гап уққанларга, урушманглар, қон тўккунча ақл ишлатинглар, деб айтаман. Ҳозир ҳам айтадиган сўзим шу: “Эй, одамлар, дунёнинг тўрт бурчагида яшаётган одамлар, сизга нима керак, Ерми, мана мен, Ерман, барча одам боласига етаман, талашиларингнинг кераги йўқ, менга иноклик керак! Меҳнат керак! Шудгорга битта дон ташласаларинг, юз дона қилиб бераман, хипчин санчсаларинг, чинор қилиб бераман, боғ қилсаларинг, мева тугиб бераман, мол ёйсаларинг, пичан бўлиб бераман, уй курсаларинг, девор бўлиб бераман, уруғ-аймоқларинг кўпайса, ҳаммаларингга жой бўлиб бераман. Мен тугамайман, мен хасис эмасман. Мен конман, ҳаммаларингга етаман...”

Ёзувчининг болалик хотираларида уруш йиллари Шакер овулида почта-льонлик қилгани, солиқ йиғувчи “финагент” бўлиб ишлагани жуда таъсир-



чан ифодаланган: “Овулдан бирор оилага қора хат келса, оқсоқолларнинг олдига бориб, уларга тушунтирар эдик, – деб ёзади адиб. – Улар аввал ҳалок бўлган кишининг қариндошларини чақириб, бўлган воқеадан хабардор қилиб, ўзаро маслаҳатлашгач, сўнг мени эргаштириб, марҳумнинг уйига боришарди. Мен оила аъзоларига қора хатни ўқиб берардим... Овулимиздагилар мени яхши танишарди. Улар менга ёмонликни раво кўришмасди, кимгадир қора хатни топширмак, ўлимнинг совуқ хабарини етказмак зиммамга юкланган вазифа эканини тушунишарди. Аммо, гоҳида ўз ишим билан кўчаларидан ўтиб бораётган бўлсам, аёллар мени кўриб уввос солишарди: “Яқинлашма бизникига, йўқол, қоранг ўчгур. Қани, даф бўл-чи...”

Адибнинг “Жамила” киссасида ҳам урушни лаънатловчи таъсирчан публицистик хитобларга дуч келамиз: “Ў, жонажон бепоеън далам! Қозоқ жондошимнинг ери билан пайванд бўлган азамат далам. Мана, тоғларимизни икки ёққа айириб ташлаб, қамиш ва шувокларга кўмилиб, буюк бир денгиздай чайқалиб ётасан. Нималарга қодир эканингни ким билади сенинг! Қароғим, сиртингдан қараса қимирлаган жон йўқдек бўзариб ётганинг-ётган. Аммо кечагина қон-қардошларинг униб-ўсган бағрингда уруш бошланиб, душманлар ўлкамизга чанг солганда, кучоғингдаги гиёҳлар ёниб, довжорак чавандозларинг душман устига шердек ташланганида, мусаффо осмонингни иссиқ чанг қоплади, еру кўк ларзага келди. Ўшанда қирғоқнинг нариги бетидан от ўйнатиб келган қозоқ хабарчиси: “Отлан, қирғиз, отлан! Ёв келди!”, деб саратон қуюни ичида яна қаёққадир отини елдек учириб кетди... Йигитлар жангга отланганда осмону замин титраб, ёвни маҳв этишга чорлаб бонг урилди... оналар ва жувонлар: “Кенг даламиз мадаккор бўлсин! Хосиятли она ер мадак берсин! Буюк Манаснинг руҳи ёр бўлсин!” – деб бўзлаб қолишди”.

Публицистнинг “Қанотларимиз озод бўлди, аммо оёқларимиз ҳамон турғунлик тушовида”¹ деб номланган мақоласи кучли танқидий руҳи билан “очиқ осмонда чақин чакқандай” бўлган эди. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида икки йирик мамлакат – АҚШ ва Совет иттифоқида космик фазони ҳарбий мақсадларда ўзлаштириш, атмосферага жосус сунъий йўлдошларни жойлаштириш мусобақаси авж олганди. АҚШ ҳукмрон доираларининг “самовий урушлар” режасига қарши советлар ҳам тегишли чора-тадбирларни кўраётганди. Бу қалтис ҳаракатларнинг ҳаммаси ер юзиде тинчликни сақлаш, “душман” томоннинг ногаҳоний зарбасига муносиб жавоб қайтариш ниқоби остида амалга ошириларди. Аслида эса, ҳар икки томон ҳам ўзларига тегишли бўлган аждаҳо янглиғ ҳарбий-саноат комплексининг манфаатлари таъсирида эди. Табиийки, бу режалар иқтисодиётга, одамларнинг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатар, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш тизимида жиддий муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келганди. Давлат бюджетининг қанча қисми ҳарбий харажатларга сарфланаётгани ҳар икки томонда ҳам сир тутиларди. Чингиз Айтматов биринчи бўлиб, космосни ўзлаштиришга сарфланаётган ҳаддан ташқари кўп, астрономик харажатларни қисқартириш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш кераклигини ўртага қўйди. Мамлакат иқтисодиётининг ачинарли аҳволи, аҳолининг деярли ярми кашшоқ кун кечириш даражасига тушиб қолгани хусусида аниқ фактларни келтириб, бундай пайтда космосни ўзлаштириш билан боғлиқ қимматбаҳо лойиҳаларнинг ўринсизлигини, кўрпага қараб оёқ узатиш лозимлигини исботлаб берди. Унинг “Юқори давлат органи

¹ “Правда”, 1989 йил, 2 апрель.

бўлмиш Олий Совет мудрофаа эҳтиёжларининг реал меъёрини аниқлаши керак. Ўз вақтида қўшинлар Олий Совет билан мутлақо маслаҳатлашмасдан Афғонистонга киритилди. Қўшинларни мамлакат ташқарисига олиб чиқишни қатъиян маън қилувчи қонун зарур. Ҳеч бир сабаб, таклиф ким томонидан киритилганига қарамай, бундай ўзбошимча қарорнинг қабул қилинишига асос бўла олмайди. Мана энди, Афғонистонда қанча кишимиз ўлдирилди, қанча киши майиб-мажруҳ бўлди, асирга олинди – булар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинаётир. Чуқур ўйланмаган, аввал бошдан хато, қанчадан-қанча оилаларга ғам-ғусса, жудолик олиб келган бу акция халқимизга нечоғли қимматга тушганини билсак эди”, деган жасоратли сўзлари Кремлнинг энг катта хизмат хоналарида ҳам чакмоқ янглиғ акс-садо берди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарига келиб, узоқ йиллар давомида инсоният онг-шуурига чирмашиб келган халқаро коммунистик ҳаракат таназзулга юз тутди, шарқий Европада, собиқ иттифокдош республикаларда кечаётган тарих, келажак ва, умуман, инсоннинг умри, дунёқараши, тақдири билан боғлиқ жараёнлар ошқоралик эҳтиёжини юзага келтирди. Бу эҳтиёж маълум вақт кун тартибига қўйиладиган шунчаки сиёсат эмас, ҳаётнинг туб моҳиятини белгилайдиган зарурат эди. Айни шу зарурат ижодкор-зиёлилар, публицистларни ижтимоий фаолликка, баҳс-мунозара майдонига бошлади. Айтматовнинг айни шу йиллари ёзган публицистик асарларида жамиятнинг тузалмас “касалликлари” тўғрисида дадил мулоҳаза юритилади. Айтматов, гарчи расмий сиёсатни тўла рад этмаган, унинг “танлаб олса бўладиган” томонлари борлигига ишончи сўнмаган бўлса-да, жамият танаси ва руҳиятида маънавий айнишлар мавжудлигини матбуот саҳифаларига олиб чиқди. Ўқувчини йигирманчи аср адоғида дунёда юзага келган мураккаб вазият моҳиятини тўғри англаш ва тафаккур қилишга, “оммавий маданият” деб номланган офатнинг инсоният бошига олиб келаётган ташвишлари тўғрисида фикрлашга даъват этади, ер юзида ҳаёт-мамотни сақлаб қолишда ҳар ким ўзининг бурч ва масъулиятини англашини, бу борадаги саъй-ҳаракатлар дунё миқёсида бирлашиши зарурлигини қайта-қайта такрорлашдан чарчамади.

“Тарихнинг нотантилиги шундаки, – дейди адиб суҳбатларидан бирида, – инсоният тарихида бўлиб ўтган не-не қирғинбарот урушларнинг миллион-миллион қурбонлари, қатлиомларнинг бегуноҳ жабрдийдалари унут бўлиб кетади. Унут бўлиб кетди ҳам. Ҳар қандай уруш, энг аввало, тинч аҳоли бошига беҳисоб кулфат, азоб-уқубатлар олиб келади. Уруш келиб чиқишига мутлақо алоқаси бўлмаган бегуноҳ кишиларнинг, норасидаларнинг ёстиғи қурийди. Афсуски, бу қурбонлар умумий бир тарзда эсланади, холос. Гитлер, Наполеон, Македонский ва шунга ўхшаш каттаю кичик фотиҳлар эса тарихда қолади. Нима учун шундай? Нима учун биз ўша қурбонларнинг ҳар биттаси ҳақида қайғурмаймиз? Улар ичида Ватан, миллат тақдирини ҳал қилишга қодир буюк истеъдодлар, улуғ саркардалар ҳам бўлиши эҳтимоли тўғрисида ўйлаб кўрмаймиз. Бунинг мутлақо иложи йўқ. Урушнинг энг катта даҳшати шунда”.

1968 йилнинг апрель ойида АҚШда негр халқининг ажойиб фарзанди, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий тенглик учун курашнинг толмас жангчиси Мартин Лютер Кинг ваҳшиёна отиб ўлдирилади. Бу хунрезлик публицист Айтматов қалбини ларзага солади. “Яна қотиллик. Яна Америка. Снайперлар винтовкасида яна ўқ узиш. Бу милтиқнинг оптик мўлжали



қаршисида виждонли Америка химоясиз турибди”– деб ёзади у “Оптик мўлжалли винтовка” сарлавҳали памфлет-мақоласида. – Ўқдонга навбатдаги патрон жойланди, навбатдаги қурбон нишонга олинди, котилнинг бармоғи илмоқда... Қаёққа қараяпсан, Америка? Яхши ўғлонларингни ўлдиришларига нега йўл қўйяпсан? Мана, остонангдан кимнингдир норози оҳангдаги ёвуз овози эшитилмоқда: “Биродар, сизга нима? Юрт бизники, ҳуқуқ бизники, демократия – бизники, сизга нима дахли бор бу ишнинг?” дегандай.

Дахли бор! Она заминда бўлаётган жамики воқеаларнинг бу дунёга дахли бор. Дахли бўлмаса дунё телба, телба ва яна бир бор телба бўлиб кетади”.

Публицист бундай ёвузлик ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашаётган негр халқи иродасини бука олмаслигини, аксинча, бу курашлар янада авж олишини таъкидлайди: “Кинг ваҳшиёна ўлдирилди. Уни баҳорда ўлдиришди. Олдинда эса – ёз. Иссиқ ёз! Негрлар ҳаракати ёзи. Намойишлар, курашлар, озодлик ёзи! Биз эса, албатта, ана шу иссиқ ёз тарафидамыз”.

Публицистик айбнома шундай яқунланади: “Американинг яна бир виждонли фарзанди ҳалок бўлди. Ўқдонга эса навбатдаги патрон жойланди. Огоҳ бўл, Америка!”. Орадан икки ой ўтар-ўтмас, ўқдонга жойланган навбатдаги ўқ сенатор Роберт Кеннедининг кўксига қадалди...

Бу машъум воқеалар тўғрисида жаҳон матбуотида, хусусан, Америкада ҳам жуда кўп мақолалар ёзилган. Аммо Чингиз Айтматовнинг огоҳликка даъвати ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки қонли отишмалар бугун ҳануз давом этмоқда. Қудратли Америка бу хунрезликни тўхтатиш олдида ожиз қолаётир. 2015 йил 14 декабрь куни АҚШнинг Кентукки штатида жойлашган Ньютаун шаҳарчасидаги “Сенди Хук” бошланғич мактабида юз берган фожиа нафақат Американи, диёнатли, ақлли-хушли дунёни ларзага келтирди. Адам Лэнза исмли шахс эрталаб, аввал шу мактабда сабоқ бераётган онасини, сўнг йигирма нафар ўқувчиларни ҳамда мактаб ўқитувчиларини отиб ташлади. Мамлакат Президенти Барак Обама фожиа муносабати билан Америка халқига мурожаат қилар экан, бундай мудҳиш жиноятларнинг олдини олиш учун самарали чоралар кўришимиз керак, деб таъкидлади. Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумберг “Ньютаун фожиаси биз қандай дунёда яшаётганимизни яна бир бор кўрсатди деди, аслида у “Бу фожиа биз қандай жамиятда яшаётганимизни кўрсатди” деса, тўғрироқ бўлар эди.

Қурол нима учун ишлаб чиқарилади? – Одам боласини ўлдириш учун! Бу воситадан бошқа ҳеч бир мақсадда фойдаланиш мумкин эмас. Қурол бор экан ва у кундан кунга, йилдан йилга такомиллашиб бораётган экан, фожиа одамлар ҳаётидан асло узоқлашмайди. 11 сентябрь воқеаларидан кейин дунё ҳамжамияти англаган бир ҳақиқат шу бўлдики, иқтисодий қудрат, ҳарбий салоҳият деганлари осмон қадар буюк бўлса ҳам, бу воситалар инсоннинг энг оддий ва жўн муаммолари ечими олдида ожиздир. Минг километр наридаги нишонни бехато мўлжалга оладиган ракета билан мақтаниш мумкин, аммо бу фахр билан бир кўнгли хуфтоннинг дилига чироқ ёқиб бўлмайди. Ойга етиб бориш мумкин, аммо инсон кўнглига етиб бориш мушкул иш. Ҳарбий куч-қудрат билан исталган жойда чанг-тўзон кўтариш, исталган жойга байроқ қадаш мумкин, аммо инсон қалбини назоратга олиб бўлмайди. Публицист Айтматов ўз асарларида айна шу ҳақиқатни такрор-такрор урғулайди.

Шу ўринда 1989 йилнинг июнь ойида Берлин шаҳрида диний ва дунёвий олимлар иштирокида ўтказилган бир давра суҳбатини ёдга олиш жоиз. Ўша пайтда Европада марксистик ғоя инқирозга юз тута бошлаган, коммунистик идеология тўғрисида танқидий фикрлар ошқора айтилаётган, бунга қўшимча, Чингиз Айтматовнинг диний мавзудаги “Қиёмат” романи хусусида баҳс-мунозара айни авжигача чиққан эди. Давра суҳбатига диншунос олимлар, диний арбоблар қаторида Чингиз Айтматов ҳам таклиф этилади. Суҳбатни бошлаган В. Анастасьев ушбу мулоқотда материалист, коммунист Чингиз Айтматов ва католик Грэм Грин иштирок этаётгани, уларнинг ўзаро суҳбати қовушганини айтиб, “Гапнинг қовушгани ҳали ҳеч нарса эмас, балки, улар шунчаки бир-бирларини ҳурмат қилишаётгандир. Менинг назаримда, “Монсеньора Кихота” муаллифи билан “Қиёмат”нинг муаллифи ўз қарашларида собит қолганлари ҳолда бир-бирларини тушунганлари ғоят муҳим. Агар биз фақат бугун ҳақида эмас, бу ёруғ оламда яшаб қолмоқликнинг келажаги тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу тушуниш сиёсатдонлар ва генералларнинг бир-бирларини тушунишларидан кўра аҳамиятлидир”, дейди.

Давра суҳбатига сиёсий қутблар ҳамда динлар ўртасидаги муносабатларга оид ўта чигал масалалар ўртага қўйилади. К.Фюссель Германия Федератив Республикасида анча йиллардан бери насронийлар билан коммунистлар ўзаро ҳамкорлик қилаётганини айтади. Таниқли драматург ва публицист Фридрих Хитцер (Айтматовнинг болалик хотираларини ёзиб олган муаллиф) Ғарбда узоқ йиллар мобайнида турли диний эътиқод вакилларининг ўзаро мулоқотларига йўл берилмаганини айтиб, бу масала Шарқда, яъни собиқ Совет иттифоқида қандайлигига қизиқади. Давра суҳбатининг бошқа иштирокчиларини эса Чингиз Айтматов ижодида диний мавзу қандай пайдо бўлгани, бетайин, дайди, фикрлари ҳеч бир қолипга тушмайдиган семинарист Авдий Каллистратов қаердан келиб қолгани, умуман, бошқа диний муҳитга мансуб Айтматов ижодидаги бу қутилмаган “бурилиш”нинг сабаби нимада эканлигини билиш қизиқтиради. Олима Доротейя Зёлле саволни янада очик қўяди: “Қиёмат” устида кучли теолог ишлагани кўриниб турибди. Айтматов ўз асарида дунёни диний ва мифологик анъаналарда, халқ донишмандлиги ва адабиётда тўпланган маънавий тажрибадан фойдаланишга даъват этмоқда. Мен ундан бу даъват замирига қандай маъно юклаганини сўзлаб беришини сўрамоқчиман. Ва яна билмоқчиман: биз учун Худо керакми, масалан, Чингиз Айтматов учун Худо керакми?”

Ушбу суҳбат собиқ тузум ўз мақомида яшаб қолиш учун жон-жаҳди билан курашаётган бир пайтда бўлиб ўтганини эътиборда тутмоқ зарур. Бу ҳолат Чингиз Айтматовнинг жавобларида ҳам кўзга ташланади: “Назаримда, бизни бу ерга тўплаган қандайдир тарихий куч борлиги тўғрисида гапириш ўринлига ўхшайди. Қандайдир куч турли диний эътиқодга амал қилувчи одамларни худди бизнинг бугунги учрашувимиздек, бирлашишга чорламоқда, – дейди адиб. – Бора-бора, бундай учрашувлар одатий ҳолга айланиб қолади, аммо ўшанда ҳам, биз – совет жамоатчилиги вакиллари учун улар фавқуллодда муҳим аҳамият касб этаверади. Бунинг боиси шуки, бундан бир йил аввал бундай учрашувни – турли дин вакилларининг бир жойга тўпланиб, бир-бирларини тушунишга ҳаракат қилишлари мумкинлигини ҳатто ҳаёлимизга ҳам келтирган эмасмиз. Бунинг боиси, биз марксистик дунёқараш дунёни руҳан идрок этишнинг энг юксак чўққиси,



барча-барча шу чўққига интилиши керак деб ўйлаганмиз. Бунга шу қадар ишонганмиз ва бу ишончга шу даражада берилганмизки, марксистик категорияларга мос келмайдиган ҳамма нарсаларни зарарли ва умрини яшаб бўлган нарсалар деб инкор этганмиз. Айни мана шу ҳолат турли динлар ўртасида узоқ вақт давом этган шафқатсиз қарама-қаршилиққа сабаб бўлди... Зёлле хоним мендан Худо ҳақида сўради. Жавоб тариқасида айтишим керакки, барча диний таълимотлар, насронийлик бўладими, ислом ёки буддавийликни оламизми, барчаси инсонни меҳр-мурувватга, саховатга даъват этади. Олий ахлоқий меъёр шундан иборат. Таассуфки, тарихда одамларни ўзимизникилар ва ўзгаларга ажратиб юборадиган воқеалар кўп бўлади. Бунинг натижасида олий ахлоқий меъёрларни ўзимизникиларга қўллаш мумкину ўзгаларга тадбиқ этиш мумкин эмас, деган мажбурий тушунча юзага келади. Қандай мақсадларда бўлмасин, сиёсийми, синфийми, бунга тоқат қилиб бўлмайди. Бундай қараш халқ бошига қандай оғир кулфатлар олиб келишини уруш кўрсатиб берди. Эҳтимол, мен соддаларча умидворлик қилаётгандирман, ҳаётнинг ўзи ҳақ ёки ноҳақлигимни кўрсатар. Аммо ишончим комилки, бизнинг жамиятимизда, мамлакатимиз тарихида ноёб бурилиш содир бўлади. Қайта қуриш ва ошкоралик халқнинг тафаккурини ўзгартириб юборди. Биз янги куч, янги илҳом қидирмоқдамиз. Бизда иқтисод билан боғлиқ муаммолар бор, шунга қарамай, бу ҳолатдан чиқишнинг йўлини топамиз”.

Ушбу баҳс бундан салкам ўттиз йил аввал бўлиб ўтган. Ўшанда таниқли руҳшунос олимлар ҳам яқин-келгусида турли диний эътиқод вакилларининг эзгулик, бағрикенглик йўлида бир-бирлари билан маънавий яқинлашишлари мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмаганлар. Чингиз Айтматов мамлакат ҳаётида улуғ бурилиш, маънавий тозариш, эътиқод эркинлиги содир бўлишига қатъий ишонган. Бугунги авлод ана шу буюк бурилишнинг ҳаётбахш самараларидан баҳраманд бўлиб яшаётгани адиб тафаккурининг нечоғли теранлигидан далолат беради. Ёзувчи таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан шу йил 4-7 октябрь кунлари ўтказилган Иссиққўл форумида бу фикр такрор-такрор тилга олинди.

1986 йили Чингиз Айтматов дунёнинг Петр Устинов, Федерико Майор, Лисандро Отеро, Дэвид Болдуин, Артур Миллер, Клод Симон, Александр Кинг ва бошқаларни умуминсоний муаммоларни биргалиқда муҳокама қилиш ва уларнинг ечимини топиш учун мовий Иссиққўл бўйига таклиф этади. Ушбу форум адибга янада катта шухрат келтиради.

“Иссиққўл форумини ўтказиш ғояси дабдурустан пайдо бўлгани йўқ, албатта, – деган эди адиб суҳбатларидан бирида. – Биз бунда бугунги кунимизнинг реал воқелиги ва ҳолатидан келиб чиқдик. У ўзида, аввало, инсон тафаккурининг янгиланишини мужассамлантиради. Очиғи, бундан ўн-йигирма йил илгари даврнинг энг долзарб масалалари юзасидан гаплашиб олиш мақсадида бутун жаҳондан маслақдошларни бир жойда тўплаш, фикр-мулоҳазаларни эмин-эркин баён қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди. Бу муҳим ғоя ўз вақтида пишиб етилди ва амалга ошди. Гарчанд бизлар тамомила бошқа-бошқа одамлар, сиёсий, маданий тузумларимиз фарқли, дунёвий воқеа-ҳодисаларга муносабатларимиз айрича бўлса-да, мен барибир бир-биримиз билан тил топишишимизга, бутун инсониятга дахлдор муаммолар ечимини топиш йўллари кидиришда фикран бир жойдан чиқишимизга ишонган эдим. Бу ишонч тусмол ёки таваккалга асосланмаганди: мен бу одамларнинг имконият даражасини,

дунёқарашини, онг-сезимини яхши билардим, аксарияти таклифимни рад этмаслигини юрак-юрагимдан сезардим, чунки бизлар тез-тез турли халқаро анжуманларда, расмий маросимларда учрашиб, суҳбатлашардик, фикр-мушоҳадаларимиз инсониятни жиддий хавотирга солаётган муаммоларга, мантиксиз ҳарбий пойгага, сохта даъват ва чақирикларга бориб тақаларди. Худди шу суҳбатларнинг мантикий ривож сифатида сайёрамиз ва, умуман, инсоният тақдирига боғлиқ глобал ташвишлар ҳақида ўйлайдиган, нималарнидир таклиф этишга қодир, ўз атрофига бир-бирларига руҳан яқин одамларни уюштирадиган, уларнинг сўз ва бошқа имкониятларидан унумли фойдалана оладиган норасмий бир уюшма тузиш зарурлигига эҳтиёж туғилди. Айтишим керакки, ижодкор зиёлиларнинг ижтимоий маънога эга публицистик сўзида, таъсирчан нуткида гўзаллик, эзгулик, юксак инсонийлик туйғулари улуғланади. Бу – исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Муҳими, бундай чиқишлар ижтимоий адолатнинг қарор топишида, гражданлик масъулиятини ҳис этишда, нималарнидир бошқалардан кўра аввалроқ сезишда ва огоҳ бўлиб яшашда чўнг аҳамият касб этади”.

Биринчи форум тинчлик-тотувлик, яхши кўшничилик, сайёрамизда инсон ҳаётини сақлаб қолиш, ер, сув ва ҳавони келгуси авлодларга мусаффо ҳолда қолдириш масалаларида маънавий жиҳатдан бирлашиш, бефарқ бўлмаслик, имкониятлардан мақсадга мувофиқ ва ҳамманинг манфаатларига мос равишда фойдаланиш зарурлигини кўрсатди. “XXI аср маданиятининг глобал ва миллий аспекти” мавзусида ўтган бу йиғинда Чингиз Айтматов маъруза қилиб, ер юзида тирикликни сақлаб қолишда бундан буён миллий маданиятлар ва уларнинг ўзаро уйғун ҳолда ривожланиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деган, авваллари ҳеч қаерда айтилмаган фикрни ўртага ташлади. Дунё бу дадил фикрни эшитди ва унга эътибор қаратди. 2004 йили Иссиқкўлда ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган Евроосиё саммитида, адиб вафотидан сўнг 2013 йили Бишкек ва Чўлпон-отада бўлиб ўтган “Чингиз Айтматовнинг Иссиқкўл форуми: миллий маданиятлар диалоги ва цивилизацияларнинг ўзаро яқинлашуви” шиори остидаги мулоқотда айни шу ғоя яна бир бор ўз тасдиғини топди. Бу тасдиқ инсоният ҳаётини жиддий хавф остида қолдираётган муаммолар ечимини топиш йўлидаги амалий ҳаракатларни бирлаштиришда янгича, “умумбашарий тафаккур зарурлигини” аниқлагани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Бу муҳим ғоя Чингиз Айтматовнинг кўплаб асарлари, публицистик мақолалари, халқаро анжуманлардаги нутқлари, давра суҳбатларида ҳам мавжуд бўлиб, адиб дунёқарашини нақадар кенглигидан, дунёда кечаётган мураккаб жараёнлардан яхши хабардорлигидан далолат эди.

Чингиз Айтматов умрининг сўнгги дақиқаларигача миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғун ривожланиши тарафдори бўлиб яшади. Бугун адиб таваллудининг 90 йиллиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам давлатимиз раҳбарининг қарори асосида кенг нишонланаётган экан, адибнинг мовий Иссиқкўл бўйида туғилган, маданий дунё эътирофига сазовор бўлган – муаммоларни фақат бугунни эмас, эртани, олис келажакни ўйлаб биргаликда ҳал этиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари янада яққол кўзга ташланади. Зеро, дунёнинг бугунги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳолати адабиёт, маданият, санъат соҳалари намояндаларининг аниқ мақсад йўлида бирлашишларини, бамаслаҳат ҳаракат

қилишларини тақозо этмоқда. Шу боисдан ҳам Иссиққўл диалогларининг қайта тикланиши дунё маданий жамоатчилиги эътиборини ўзига қаратди.

Анжуман Чингиз Айтматовнинг уй-музейи билан танишиш, Ота-Бейит қабристониде ёзувчи хотирасини ёдга олиш маросими билан бошланди. Хаяжонли ушбу дақиқаларда виқорли Олатоғ этагида, ўттиз еттинчи йилги сиёсий катағонда ҳалок бўлган ватандошлари, жумладан, отаси Тўракул Айтматов билан бирга мангу қўним топган адиб бугун ҳам бутун вужуди, қолдирган бебаҳо ижодий-фалсафий мероси билан тоғларнинг қуламаслиги, инсон ўзининг маънавий қиёфасини йўқотмаслиги, бу она заминда ҳаёт ва тириклик қўшиғи сўнмаслиги ҳақида ўй суриб ётгандай туюлди менга. Зиёратгоҳдаги ёзув – Чингиз оғанинг “Бугун инсон олдидаги энг қийин вазифа – инсонликни сақлаб қолишдир”, деган сўзларини ўқиб, кўнглимдан шу мулоҳазалар ўтди.

Йигирма беш мамлакатдан келган таниқли жамоат арбоблари, ёзувчи ва олимлар, маданият ва санъат намояндалари тўрт кун давомида Чингиз Айтматовнинг бу дунёда инсон ҳаётини, инсоний фазилатларни асраб қолиш, миллий-маънавий меросни ривожлантириш, бошқаларга нисбатан куч ишлатмаслик, зўравонлик қилмаслик, инсон эрки ва туйғуларини ҳақоратлаш, диний эътиқодни менсимаслик каби ғайриахлоқий иллатларга бефарқ бўлмаслик ҳақидаги даъватларини янада кучайтириш йўллари муҳокама қилдилар. Маърузаларда дунё минтақаларида уруш ҳаракатлари кучайиб бораётгани, қонли тўқнашув ва можаролар туфайли минглаб бегуноҳ одамлар уй-жойидан, мол-мулкидан ажралиб қолаётгани, атроф-муҳитга жиддий зарар етказилаётгани, оқибат натижада дунёни иқтисодий манфат нуктаи назаридан қайта бўлаклаш, ижтимоий-ҳуқуқий принципларга амал қилмаслик ҳаракатлари, маънавий қашшоқланиш, худбинлик, миллий туйғуларни менсимаслик илллати юзага келаётгани айтиб ўтилди. Форумда иштирок этган ўзбекистонлик олимлар Иброҳим Ғафуров, Ҳамидулла Болтабоев, Зухриддин Исомиддинов, Тўланбой Қурбонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид Чингиз Айтматовнинг адабий-маънавий мероси дунёда юзага келаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда бундан буён ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Қирғизистонлик ҳамкасбларимиз Ўзбекистонда Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодини илмий жиҳатдан ўрганиш, асарларини тарғиб қилиш, таваллуд кунининг 90 йиллигини мамлакат миқёсида нишонлаш борасида амалга оширилаётган ибратли амалий ишларга, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яхши кўшничилик, иқтисодий, илмий, адабий-маданий ҳамкорлик алоқаларини ўзаро ҳурмат-эҳтиром руҳида кучайтириш борасидаги янги халқчил йўлига юксак баҳо бердилар. Давлатимиз раҳбарининг махсус қарори асосида тайёрланган “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” хотира китоби, шунингдек, адибнинг янги сайланмаси, “Чингиз Айтматов: Давр. Инсон. Ҳақиқат”, “Чингиз Айтматов ва XXI аср” монографиялари адибнинг уй-музейига, Қирғизистон Давлат Миллий кутубхонаси, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ижодий ташкилотларга, айтматовшунос олимларга топширилди.

Форум якунида анжуман қатнашчиларининг дунё мамлакатлари раҳбарлари, маданият ва санъат арбобларига мурожаати қабул қилинди.

*Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ,
Тошкент-Бишкек-Чўлпон-ота.*



EPOS

МАНАСНИНГ ДУНЁДАН ЎТИШИ¹

Қирғиз тилидан
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
таржимаси

* * *

Асил янганг Хоникей
Олти ойлик ҳар ишни
Кўнгли сезиб олдиндан,
Аниқ-тиниқ биларкан.
Азоблар тушиб бошига,
Чирқираб йиглаб тура олмай,
Қорақашқа от миниб,
Йўл олди Манас қошига.

Толасга яқин қолганда,
Назаркарда Манас шер
Ўқ ўтмас Ўлноқ совутни,
Жангга кирар ботирдай
Кийиб олган кези экан.
Ардоқли тулпор Тойбурул
Миниб олган кези экан.

Хоникей етди бир хомуш,
Ойкўлингнинг олдига:
– Борса келмас Бэжиндан
Подшоҳим, эсон келдингми?
Беран²ларнинг барини
Бэжинга “совга” бердингми?
– Бекам, тирнама ортиқ ярамни!

Олиб кел-чи, бер ёққа
Ўлганда кўрган боламни!
Полопонни олиб кел,
Кўзи чўлпонни олиб кел!

Хоникей бунга кўнмади,
Боласин шерга бермади.
Бешикдаги болани
Бекитибди кўрсатмай,
Кўрғазмаслик сабаби,
Болага ботир Манаснинг
Суқи тушса, бўлмайди.
Кўзида қора холи бор,
Юзида ёмон захри бор,
Назар солса болага,
Гўдак омон қолмайди.

Сирин билган Хоникей
Сиртлонингнинг қамчисин
Чаккасига теккизди.
Чаккага теккан бу қамчи
Қувват бўлиб арслонга,
Боладан ҳид етказди.

¹ Қирғиз халқининг машхур “Манас” эпоси ҳақидаги илк маълумот ўзбек тилида 1922 йили “Билим ўчоғи” журнали саҳифаларида пайдо бўлган. Достоннинг аввалги қисми 1958 йили Қирғизистон пойтахти Фрунзе (аввалги Бишкек) шаҳрида чоп этилган “Қирғизистон ҳақиқати” газетасининг бир неча сонида босилган. Кейинчалик, 1964 йили Миртемир унинг биринчи қисм, биринчи бўлимини таржима қилиб чоп эттирди. Орадан ўттиз йил ўтгач, бу асарнинг иккинчи қисмини Султон Акбарий ўғирди. Достоннинг болалар учун тайёрланган вариантыни 1995 йили Турсунбой Адашбоев ўзбекчалаштирган. Ушлик шоира Малика Комилова 1911 йили достоннинг бир вариантыни рус тилидан таржима қилиб чоп эттирди.

Фольклоршунос олим Зухриддин Исомиддинов ўтган йили “Манас” эпосини Қирғизистон халқ ёзувчиси, Қирғизистон Қаҳрамони, профессор Бексултан Жакиев тайёрлаган якуний вариантдан ўғирди. Ёдингизда бўлса, журналимизнинг 2017 йил сентябрь сонида ушбу таржимадан “Достон бошламаси” эътиборингизга ҳавола этилган эди. Бу сафар мазкур асарнинг хотима қисми берилляпти. Чингиз Айтматов “қирғиз эли миллий руҳининг сарбаланд чўққиси” деб таърифлаган бу достон ўзбек ўқувчиларининг китоб жавонларида “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби буюк сўз обидалари қаторидан жой олади, деб умида қиламиз.

Таҳририят

² Беран – сор бургут, бу ўринда: ботир, мард аскар.

Йўл юриб яна борганда,
Толаснинг чети кўринди.
Алмамбет ёри Арууке
Аяшининг қошига
Ботир бағрини ўйиб,
Дунёи дундан тўйиб,
Ўқириб етиб борибди.
– Оққулани ўққа учирдим, аяш!¹
Алмамбетни шаҳид кечирдим, аяш!
Қанотимдан қайрилдим, аяш!
Таянсам тоғдай дўстим
Эр Чубоқдан айрилдим, аяш!
Бэжинни чопдим, йўл топдим,
Оламни кезсанг топилмас
Сиргагимни йўқотдим, аяш!
Қанотим ўққа уздирдим, аяш!
Қоплонлардан айрилиб,
Қора жоним бездирдим, аяш!
Эл номуси деб юриб, аяш,
Эгизлардан айрилдим, аяш!
Қанотим ўтга куйдирдим, аяш!
Қоплонларнинг барини
Хоқоничинга сўйдирдим, аяш!
Оч арслон, нарра шер
Борлигида ўлмадим, аяш!
Алмамбет, Чубоқ, Сиргагим
Ёрлигида ўлмадим, аяш!
Айтсам, армон битмайди, аяш!
Охират кетган азизлар
Армон қилсам, қайтмайди, аяш!..

Хон Манас шуйтиб борганда,
Тол йиғлаб, чинор йиғлаб,
Халойиқнинг бари йиғлаб,
Тўқсондаги чол йиғлаб,
Алмамбет ёри Арууке
Бўтадай бўзлаб, ҳирқираб,
Йиғлаб-йўқлаб, чирқираб,
Ойқўлингнинг олдига
Есирлар чиқди зирқираб.

Қоплон Манас шўрликнинг
Дарди тутиб қолибди.
Орқа бўйин ораси –

Битмай қолган яраси
Кундан кунга кучайди:
Орқа магиз йиринглаб,
Хон озангиз букчайди.
Асил хотин Хоникей
Йиғлар эди чирқираб,
Бошини суяб, бурқираб:
– Белинда яранг бормиди?
Умуртқадан келган суе
Азобга солар дард эди!..
– Белимда дардим бори чин,
Кенг Бэжинда саҳарда
Бомдод ўқиган маҳалда
Соқчи турган Ҳожибой
Ухлаб қолган наҳорда
Кечилнинг хони Кўнғирбой
Белимга найза солибди.
Ўша қолган найзани
Арғин хон ўғли Ҳожибой
Бураб тортиб олибди.
Найзанинг тиги қирт этиб,
Белимда синиб қолибди...
Шунда бўзлар Хоникей:
– Вой дод, тўрам, ўнглагур!
Белдаги яранг билмаслик
Амалимнинг кетгани!
Орқа магзинг йиринги –
Ажалингнинг етгани!
Афсус, мен ҳам эр бўлсам,
Тан соқчиси ўзингнинг
Ҳожибой бўлмай, мен бўлсам,
Жоним фидо этардим,
Ўрнингга мен кетардим!

– Ойим, кел, бер қўлингни,
Ажсал етиб, мен ўлсам,
Ўти ўчган бўлмагин.
Қути қочган бўлмагин.
Хон ўлганда, хотиннинг
Туққани яқин бўлади.
Отанг томон қочиб кет.
Гўдагинг Семетейни
Қилич дамдин ҳатлатиб²,
Берининг Исмоилга!

¹ Аяш – дўстнинг хотини. Аяш ота – отанинг дўсти. Аёвли, аяладиган деган сўздан (тарж.).

² Қилич тигидан ҳатлатиш – қадимги одат, гўё “ўлдириб”, яъни унинг жонидан кечиб, бировга фарзандликка бериш. Шунинг баробарида алоқалар, ота-оналик ҳам “кесилган”.

Ота томон билдирмай,
 Она томон сездирмай
 Семетейни асраб юр!
 Менинг кўзим ўтганда
 Бу Толас сенга ер бўлмас,
 Туққаним сени тек қўймас.
 Ажалим етиб ўлганда,
 Менга эргашиб сен ўлсанг,
 Семетей етим қолмасми!
 Абики, Кўбаши – палидлар
 Эсипасти қилиб болани,
 Мол боқтириб қўймасми.
 Кунда ҳайдаб нарига,
 Улоқтириб қўймасми!
 Уриб юриб бошига,
 Қўрқоқ қилиб қўймасми!
 Ўн икки ёшга тўлганда,
 Эсли-хушли бўлганда,
 Ўқ ўтмас тўн кийгизгин,
 Ота-она, аслин билгизгин,
 Толасни шунда кўргизгин.
 Куним битиб мен ўлсам,
 Белгили жойга сен кўманг,
 Кўлим теккан хонлар бор,
 Хўрлигим кўрган жонлар бор,
 Қон тўкишиган ёвлар бор –
 Ўликдан ўч олгудай
 Гўримни сўнг очмасин,
 Суягим итга сочмасин!
 Бекам, гўримни қазиб,
 Ўзгалардан хуфия,
 Бир Бақайга билгизиб,
 Билинмас жойга қўйгин.
 Қатагондан хон Қўшай –
 Ақли тўкис жон ўшал.
 Қўшай хонга хабар бер.
 Эломон ўгли эр Тўштук –
 Қирғиз юртин бели ўшал.
 Мен ўлганда олтимши кун
 Таъзиянда бўлгум деб,
 Ваъдаси бор, онти бор,
 Хабар еткиз Тўштукка.
 Кенг Турфанда қишлаган
 Қорача хон қизи Сайқал
 “Ўлар бўлсанг қирқ куни
 Таъзиянда тургум” деб,

Қарорин айтган ўшал
 Қиз Сайқалга бер хабар.
 Қирқ кунлик йўл Қримда
 Урумхон ўгли Кўкбўри –
 Бола чоғ бирга ўйнашган,
 Қиёматлик дўстлашган,
 Кўкбўрига хабар бер.
 Ёвга ярар Оқўлпоқ,
 Устимга ёпиб қўйгин.
 Қонли милтик Оққалта,
 Ёнимга топиб қўйгин.
 Ўша эски Бўзкисса,
 Ёнбошимга илиб қўй,
 Хосиятли Зулфиқор,
 Тартиб билан билиб қўй.
 Санчишига олган Сирнайза,
 Суя уни қошимга,
 Бел боғлаган Булдурсун,
 Тирагил ёнбошимга!¹
 Қоплон Бақай, хон оғам,
 Чақиртганда айтарим:
 Ўзан бўйлаб кўнмай юр,
 Ботиринг Манас унингнинг
 Борлигидан бўлмай юр.
 Хон ўлганда, оқсоқол,
 Қирғоқ бўйлаб кўнадир,
 Қалин бир тўпга йўлама.
 Тўраси ўлса, оқсоқол,
 Тоққа яқин кўнадир,
 Туяни қайтар, оғажон!
 Чин нортуя Желмаян
 Бўйнига тумор тақиб қўй!
 “Инимдан қолган ҳадя” деб,
 Етим туяни боқиб қўй!
 Тўй-томоша дуч келса,
 Тўп бўлган ерга йўлама.
 Овул эли уришса,
 Назарингни солмагин,
 Орасига бормагин.
 Жиши қушни бургут қилдим,
 Оломон йиғиб, юрт қилдим.
 Олтин йиғмай, эл йиғдим,
 Манов турган халқимга,
 Дарбадар эрни бий қилдим.
 Халқим туриб бошида,
 Ўтар бўлдим дунёдан
 Элик икки ёшимда...

¹ Қадимда шоҳлар, ботирларнинг қабрига унинг оти, қурол-яроғи, ҳатто бироз озиқ-овқат бирга кўмилган.

Чирқираб йиғлаб Хоникей
Аргин хон ўгли Ҳожибой,
Ўшанга кенгаши солибди:
– Адирда йилқи ола бош,
Оламга хабар берувчи
Орқада ўғил бола ёш.
Етмиши турлик тил билган
Гапга чечан Ҳожии ога,
Уқ бебахтнинг ўтинчин,
Хабар бергил айланиб,
Теваранинг тўрт бурчин!
Ойкўлга яқин жон бўлса,
Ўшани йиғиб тўпласанг,
Урумхон ўгли Кўкбўри,
Аяшга хабар айт, дейман.
Ташлаб қўймай Олойга
Тўштукка айтиб қайт, дейман.
Унутмагин, илойим,
Қўшай шерга еткизгин!
Қорача хон қизи Сайқал –
Ўшанга ҳам айткизгин!
Тезлаб-тезлаб елсанг-чи,
Олти кунда келсанг-чи!

Тойбурул миниб чопибди,
Тунда ҳам йўл топибди,
Ер туби Елпинишига
Бориб келди Ҳожибой.
Ер юзига хабарни
Бериб келди Ҳожибой.

Кўкбўрининг ёлғизи
Қўёнали дер ўзин:
“Аяш отам Манасни
Қўлим билан кўмай” деб,
Қўшилиб келди Толасга.
Эломон ўгли эр Тўштук
Ул ҳам келди Толасга.
Қатагон ўгли Қўшай чол
Бул ҳам келди Толасга.
Ёстиқда Манас ётганда,
Хоникей жафо тортганда,
Довулбасни бўзлатиб,
Тўққиз келин, тўққиз қиз –
Ўн саккизин қўшлатиб,
Ойкўлга тул¹ торттириб,
Қиз Сайқал келиб етибди.
Қора кийиб, қон ютиб,
Қоплонга аза тутибди.

* * *

Уй кўтариб Толасда,
Кўрсатмай ботири Манасни
Асил янганг Хоникей
Сумбул-сумбул қора соч
Бош устига тугибди.
Ўйлаб барча тадорик
Эл бошқариб юрибди.
Олти юз туя тўплатиб,
Гилвата тупрогини
Қураклатиб қоплатиб,
“Олти юз йил ўтгунча
Ойкўлимнинг гумбази
Омон турсин” деб солди.
Олти минг серка мойига
Гишит қайнатиб, хўп солди.
“Очиқ кўмсам, ойкўлнинг
Гўрини очиб олар, деб,
Беран эрнинг суяги

Кўптакларга қолар” деб,
Бояқши бу Хоникей
Ҳеч одамга билдирмай,
Елпинишининг еридан
Етмиши полвон олдирди.
Эчкили деган қора тоғ,
Кўз илгамас чуқур зов,
Зовнинг бетин қаздирди,
Битта одам сиққудай
Оғзини тор очтирди,
Бошқа ёгин зов қилиб,
Олти минг қўй ётқудай.
Ичи ёруғ ётсин деб,
Ёқут тошлар тердириб,
Олтин супа қурдириб,
Устига бахмал ёптириб,
Чиримасин ости деб,
Арча қулин тўктириб,

¹ Тул, тул тортиш – хотиннинг ўлган эри кийимларини бир ёғочга кийдириб, ўшанинг тагида ўтирган ҳолда йўқлаб йиғлаши; кейинчалик эри ўлган хотин тул деб аталиб кетган. Ўзбекча тулум, русча тулуп сўзлари ҳам шундан.

Ҳеч кимсага билгизмай
 Парвариилар ойкўлни
 Ажаб, Манас қирон эр
 Гоҳо тилга келолса,
 Гоҳо тилга келолмай,
 Тўзиб қолган кези экан,
 Жон кўринмай кўзига,
 Ажал келиб, оёгин
 Чўзиб қолган кези экан:
 – Хоникей, ишинг битдимми?
 Олиб кир энди алпларни
 Кўзимни бир солайин.
 Қиёматлик дўстлар-ла
 Видолашиб қолайин.

Манас хон чўнг ўрдасин
 Эшигин ойим очибди.
 Чақирилган дўстлари,
 Халқи қўша уларга,
 Ойкўл сари шошибди.
 Қўёнали ёлғизнинг
 Юраги уриб тошибди.

Асил янганг Хоникей
 Уни қўймас Манасга:
 – Аяш отанг Манаснинг
 Кўзида холи бор дейман,
 Юзида заҳри бор дейман,
 Тик боққани соғ қолмас,
 Борма, ўзим ўрғулай! –
 Дея шунда болани
 Кўлидан маҳкам тутибди,
 Юпатиб, овутибди.

Қиронларнинг бариси,
 Қўл олишиб ўтибди.
 Қурқ этиб Манас қоплон
 Қиёмат сари кетибди.

Қўёнали йиғлади,
 Ер тепиниб, биғлади:
 – Аяш отам Манаснинг
 Учрашиб қўлин тутмадим!
 Майли, шўрлик жонимни
 Аяш отам шер учун
 Қурбонликка чалайин!
 Аяш отам Манаснинг
 Пойгагида қолайин!

Азиз юзин кўрайин,
 Йўлдош бўлай ёнида
 Юбормай ёлғиз ўлайин! –
 Салом айтиб севиниб,
 – Хон отам! – деб ялиниб,
 Гўдак кириб кетибди.
 Қўлидан маҳкам тутибди.
 Юмилиб кетган Манаснинг
 Кўзи қайта очилиб,
 Қайта ўйгонди Манас шер.
 Назарин болага солибди,
 Қўёнали гўдакка
 Кўзи тушиб қолибди:
 – Эсиз, чатоқ бўлибди,
 Гул чоғида сўларкан,
 Етти кунда ўларкан!..

Шўрлик она Хоникей
 Йиғлаб чиқди чирқираб,
 Бўзлаб чиқди бурқураб:
 – Ўнмаган тўрам, ўнмайсан,
 Қачон бўлса, о худо,
 Очкўзлигинг қўймайсан!..

Қоплон Манас нарра шер
 У дунёга кетди, дер.
 Вафот бўлган ери шул.
 Халойиқ йиғлаб, бари йиғлаб,
 Қўшай, Тўштук тагин йиғлаб,
 Ҳожибой, Бақай қари йиғлаб,
 Хон Манас жўралари
 Найза санчиб бақириб¹,
 “Ойкўлим!” деб чақириб,
 Тилдан қолиб гунг бўлди.
 Олти оқшом ой чиқмай,
 Ой қоронғу тун бўлди.
 Ер титради дунгураб,
 Қоя, зовлар қулади,
 Тўнтарилиб тубидан
 Не тўқайлар сулади.
 Зилзила бўлган қора ер
 Бир ҳафтада тўхтади.
 Етти кунча гимирлаб
 Йўл босган банда бўлмади.
 Япалоқ ўркак қора нор –
 Елганига ел етмас,
 Гувлаб келган сел етмас –
 Бошида олтин нўхта бор,

¹ Эҳтимол, ўлган кишининг яқинлари ҳасса тутиши ўша қадимда найзани ерга санчишдан қолган удумдир.

Ўқ-дорининг барини
Юклаб юрган Желмаян
Манас ётган турбатга
Чўкиб олди Желмаян.
Кўздан ёшин шашқатор
Тўкиб қолди Желмаян.
Унинг бери ёнига
Қумбулоқнинг белига
Ётиб олди Қумойиқ¹.
Оёғида Манаснинг
Қотиб қолди Қумойиқ.
Оғзин чўзиб осмонга
Очиб олди Қумойиқ.
Туз тотмасдан неча кун
Ули солди Қумойиқ.
Хон Манас Оқ шунқори
Айланиб учиб чарх уриб,
Тескари учиб чалпоқлаб,
Таққан ипак богини
Титиб кетди Оқ шунқор.
Кўкка қараб юксалиб,
Йитиб кетди Оқ шунқор.
Асил тулпор Тойбурул
Ботир Манас ўлганда,
Бойласа ҳам тўхтамас,
Етакласа, ўтламас,
Аза тутиб олибди.
Ҳайвон бўлса ҳам жонвор
Ғамга ботиб қолибди.

Асил хотин Хоникей
Юзин тирнаб ўйибди,
Қалин сочин ёйибди,
Қора рўмол бошида,
Қоплонидан айрилмиш
Ўттиз икки ёшида.
Чорасиз, кун-тун биглабди,
Манасга йиғлаб-йўқлабди.
– Халойиқ!
Нури кетди юлдузнинг,
Нори кетди қирғизнинг!
Арвоҳи кетди юлдузга.
Ота бўлган жон эди
Оқ қалпоқли қирғизга!
Ҳар матодан кўйлагим
Тортсам етмас бўйнимга.
Толиқтирмай, ойкўлим,
Тортиб кетгин кўйнингга!

У дунёга сафар қип,
Орттирдинг менда аламни.
Кимга ташлаб кетдинг-эй,
Олти ойлик ёлғиз болангни!
Йиғлаган йиғлаб, жим бўлар,
Ўтиб кетдинг дунёдан,
Сиртлоним, ўрнинг босар ким бўлар?!
Койиған койиб, жим бўлар,
Кетибсан ўтиб дунёдан,
Кенгашинг олган ким бўлар?!
Ойдин тун равшан бўлар,
Ойдининг юртга шаън бўлар.
Шўрлик қирғиз кўп элинг
Ортингдан сарсон бўлар?!

Хоникей жафо тортганда,
Ўкириб йиғлаётганда,
Абике, Кўбўш – кўш ҳароми,
Чийбит, Қўчқор – тўрт ҳароми,
Адибой, Қўлбой² – шаш ҳароми.
Олтови тушиди адирдан.
Манас билан ота бир
Олти пес кичик хотиндин.
Уларда ғам йўқ, томоша:
“Эсиз одам, ўв-в!” деб қўйиб,
Гоҳ-гоҳида хўнграйди,
Эшак каби ҳанграйди.

Олтовин кўнглин пайқаган
Омилкор янганг Хоникей
Шубҳада кўнгли бўлиниб:
– Ўғиллар! – дер ялиниб. –
Хон ўлса, ҳамма ўлиб,
Ўт ўчгандай бўлмайлик.
Пайт пойлаган душманлар
Тепамиздан босмасин.
Ўлганга келган меҳмонни
Қайниларим бошқарсин.

Мулойимроқ Абике
Янгасига кўнибди.
Толасда қирғиз юртига
Беармон кўноқ бўлибди.
Ҳар уйга кўноқ белгилаб,
Олти кун олти ҳароми
Таиши қилмай, ғам қилмай,
Кўноқ бўлиб юрибди.

¹ Қумойиқ – Манаснинг вафодор ити.

² Манаснинг ўғай инилари, ишбузуқилар.

Кун қизариб ботганда,
Элнинг олди ётганда,
Асил янганг Хоникей
Ботир Манас суягин
Қўшай, Тўштук эрларга
Пок-покиза ювдириб,
Кафанга сон, бўғдириб,
Тобутига солибди.
Жанозасин ботирнинг
Алп Қўшайга ўқитиб,
Гидамга ўраб, тангитиб,
Сир билги жўраларга
Яёв кўтариб олдириб,
Асил янганг Хоникей
Тойбурул миниб олибди.
Танланганнинг барисин
Бошлаб чиқиб тун чоги
Яқин йўлга солибди.
Ўлмай туриб Манасга
Жой қаздирган зовига,
Эчкили деган тоғига
Ўзи бошлаб борибди.

Тўштук, Қўшай қариси,
Кириб кетди унгулга
Яқинларнинг бариси.
Амри улуг Оллоҳнинг
Буйругига бош эгиб,
Жойига қўйиб Манасни,
Кирганлар чиқиб олишиди.
Унгур оғзин билдирмай
Тош опкелиб қалашиди.
Тонг оқариб отқунча
Хон Манас ўрдасига
Қайтиб келиб қолишиди.

Устомон оғанг Бақай шер
Бўлак эл, бўлак ерда ўлган
Аёл лошин топқизди.
Нақ Манасдай кенг ўраб,
Тобутига ётқизди.

Қўлига қўлин тўғрилаб,
Бўйига бўйин ўхшатиб,
Бахмал билан ўратиб,
Совут ёпиб устига,
Чарм қоплаб қоқтирди,
Оқ кийгизни ёптирди.
Олти ҳароми келганда,
Айттирмасдин кўнибди,
Тобутни “Мана Манас!” деб,
Олти ҳаромига сунибди.

Олиб юрди малъунлар
“Ойкўлим!” деб ҳўнгираб,
“Хон Манаснинг гўмбази” –
Турбатга олиб бордилар.
“Ойкўлим” деб аёлни
Кўмиб ҳам юбордилар.

Қўшай, Тўштук туришиди,
Ўлгунча онт қилишиди:
“Ойкўлдан қолган бола ёш,
Найзага ялов тақайлик,
Ойкўл шернинг боласин
Ўн икки ёшга киргунча
Кўз солиб юриб боқайлик.
Хон ўлганда ҳамма ўлиб,
Ўт ўчгандай қилмайлик!..
Урумхон ўгли Кўкбўри,
Қорача хоннинг Сайқали,
Аҳдни аниқ қилингиз,
Манасга ош берганда,
Туғ тубида турунгиз.
– Халқ отаси хон Қўшай,
Эр қоплонинг Манасга
Ош берганда бош бўлгин.
– Эломон ўгли эр Тўштук,
Сен унга қўлдош бўлгин.
Хон Манаснинг ошини
Берганда донги ёйилсин.
Кўкатой хон ошидан
Ортиқ бўлди дейилсин!”

¹ Толас яқинида шарқона услубда қурилган бир мақбара бор. Унга амир Абуkenинг 1334 йилда ўлган қизи Канизакхотун кўмилган. Бу ерга XVI асрда кўчиб келган қирғизлар уни “Манаснинг қабри” деб атай бошлашади. Афтидан, Манасчи оқин бу ерга ким кўмилгани маълум бўлгач, воқеаларни шундай тарзда ўзгартирган кўринади. Бу эса ушбу эпос ёзиб олинган XX аср ўрталарида ҳам қирғиз сўз санъатида ҳали акад. В.В. Радлов айтган эпик муҳит мавжуд бўлгани, дoston эса яратилишда давом этганининг далилидир.

Ўшандан сўнг мунграган,
Йиғлаб-йиғлаб ҳўнграган
Қўшай кетди элига.
Қаттиқ койиб, ичи куйиб,
Тўштук кетди ерига.
Қорача хоннинг Сайқали
Хосиятли жон экан,
Ботир Манас султонга
Қиёматлиқ ёр экан.
Азали қора кийимда
Шўрлик Сайқал қайтибди.
Отаси Қорача хон:
“Қизим қайтди”, деб айтибди.
Олтмиш хотин – йўқловчи
Тул торттириб берибди.
Ўшал тун Сайқал қўнганда,
Бир тунамай шу оқиом
Дунёдан Сайқал ўтибди.
Қорача хон Сайқалин
Изласа, суяги топилмас.
Ўрдаси қолиб, йўқ ўзи,
Ҳеч қаерда йўқ изи,
Қиёмат ёри – Манаси
Қўшилган ўхшар хулласи.

Урумхон ўгли Кўкбўри
Кўкёл Манас шерингининг
У дунёлик дўсти экан,
Қўёнали ўгли икков
Тикка кесиб йўл юриб,
Чамбилбелнинг қирига
Энкайиб ошиб борганда,
Қўёнали – ёш бола
Чарчаб, ухлаб қотганда,
Жонаали деган бир баттол

Йўлларин тўсиб олибди
Манасдан кела ётганда:
“Қовурга суягин қоши, – деб, –
Қоқ юракнинг боши”, – деб,
Ажал ўқин дўлаяра
Қўёнали ёлғизга.

Гул чоғида кул бўлиб,
Қараса кўзга чопилмас,
Боланинг суяги топилмас,
Отажони Кўкбўри
Чўкиб қолди шу ерда.
Қон аралаш кўз ёшин
Тўкиб қолди шу ерда.
Қўёнали чирози
Учиб қолди шу ерда.
Қиёматлик отаси –
Манасга кетмиш шу ерда.
Кўкбўри элга борибди,
Қайғу тушиб ичига,
Ёлғизидан айрилиб,
Бу ғамлар оз келгандай,
Абике, Кўбаи – ҳароми
Хоникейни зор қилиб,
Азобни қаттиқ солганда,
Кўкбўри келмай қолди, дер.
Манасга зиёратга.
Кўкбўри келмай қолди деб,
Тўштук келмай қолган дер.
Тўштук келмай қолганда,
Қатагон ўгли хон Қўшай,
Ул ҳам келмай қолган дер.
Қаттиқ аҳд-паймон қилган
Хон бекларнинг бири йўқ,
Ойкўлинг турбатига
Бари келмай қолган дер...¹

¹ “Манас” эпосида қахрамонлик дostonларининг барча хоссалари мавжуд. Бунга унинг хотимасини мисол қилиб келтириш мумкин. “Адабиёт назарияси”да кўрсатилишича, қахрамонлик эпослари ўзағида йиғи, қайғу ва мотам туради: “Халқ ўз фарзандлари учун, олам башарият учун кўз ёши тўқади. Эпосда йиғи рамзий маънога эга. Эпик воқеалар, халқларнинг дахшатли жанг-жадаллари тасвир этилган қахрамонлик дostonларида ғолиблар бўлмайди. Ҳамма ҳалок бўлади, улардан ёлғиз хотира қолади. Хуллас эпосда жанг ва йиғи муштарак бўлиб, ҳаммаша ёнма-ён келади...”

Кўрамазки, “Манас” эпоси, жумладан, унинг якуни ҳам, бу таърифга тўла мувофиқ.



QO'SHIM – QARDOSHIM



ТЎЛАГАН ҚОСИМБЕКОВ

(1931–2011)

*Қирғизистон халқ ёзувчиси,
Қирғизистон Қахрамони*

ТУҒИЛГАН ЕР

*Қирғиз тилидан
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
таржимаси*

Жавзо. Қоқ туш махали. Ёлғиз ўзим Оқсув тарафдан келаётибман. Атрофга бокиб, кўз яйрайди. Гир айлана ўрқач-ўрқач адирлар. Минг хил гиёхларнинг анвойи гуллари, ўт-ўлан шунақа қалин ўсганки, орасига сичкон ҳам сиғмайди. Ҳар жойда бир улкан ёнғоқ, оқтол, қайин кўзга ташланади, хув олисда ўткир учи паҳлавонларнинг найзасидай бўлиб қарағай, арча дарахтлари кўкка санчилиб туради. Мевали дарахтлар-ку, тўлиб ётибди. Йўл иланг-биланг, бирда пастликка қараб энқайса, бирда ўрлаб кетади. Отим ҳам хийла ҳориди, орқа оёқларини судраб силтаганида бир хилда шитир-шитир овоз чиқариб, мени алахситади. Онда-сонда думини силкитади, бош ирғайди, пишқиради. Бўйни терлаб кетди, қарчиғайига қарасам, эти қуруқ бўлса-да, қуношқон олди оқ кўпикланиб қолибди.

Теваракка кўз югуртираман, булбул сайрайди, ноласига қулоқ тутаман. Қанотлари тинимсиз пириллаган капалаклар, тинимсиз ғинғиллаган асаларилар гуллар узра чарх уришади, қайси бирлари ҳавога кўтарилиб, зув этганча, жуда шошилинич иши бордай кўздан ғойиб бўлиб кетади. Мен ҳам зерикканимдан димоғимда ғинғиллаб хониш қилган бўламан, энгашиб, отнинг ёлини силайман, ҳар хил ўйларга ботаман.

Юра-юра, Бурчука яйловининг кунга терскай сойи ўзанига тушиб олдим. Шарқираб оққан тиниқ суви, сув бўйида ўсиб, осмонга кучоқ очган толлар, қайрағочлар, ёнғоғу қайинлар оралаб ўтиб бораман. Уларнинг таги ҳам бўлиқ ўсган ўт-ўлан билан тўла. Бироқ ялпиз ҳиди барчасидан бошқача анқийди. Ёввойи узум қоплаб турган бир чуқур ҳовузи бор экан, яхшилаб чўмилиб, ҳордиқ чиқаришни ўйлаб турган эдим ҳамки, чап томонда итнинг хургани эшитилиб қолди. Сал юриб қарасам, бир бўз ўтов тикилган экан, ёнида тол новдасини эгиб ясалган бир қапа ҳам бор. Ўтов теварагида бир тўда улоқ ирғишлаб юрибди. Икки қулочча чўзилган дорга кир ёйилган. Ўтов билан қапа ўртасидаги чоғроқ хонтахта устига қурут ёйиб терилган.

Ўша томонга қараб юрган эдим, мени кўра солиб, “Э тавба, бу одамни ўтказиб бўпман!” дегандай бир қора бароқ ит ҳуриб кела бошлади. Ўзиям эшакдай келар экан, важоҳатидан, мени от-потим билан ағдариб ташлагу-



дай. Мен кулдим-да, ўтовни кўзлаб юра бердим. Бирон коса айрон ичиб, бирпас дам олиб йўлга чиқсам ҳам бўлади.

Ўтов томондан бир аёлнинг шарпаси келди. “Ким бўлса экан бу?” дегандай серрайиб бирпас қараб тургач, менинг юриб келаётганимни кўриб, ичкаридаги кимгадир хабар бермоқчи бўлиб, ўтовга кириб кетди.

Мен йўталиб-чучкурган киши бўлиб, овоз чиқариб отимга камчи шилтаб, тепиниб, қапага яқинлашиб қолдим. Ит унга сари авжига чиқиб, отни тумшуғидан тишлаб олгудай бўлиб сапчир, бўғиқ хураб эи.

– Кет, куриб кеткур! – дея бўз ўтов ичидан бир овоз чикди, бирпасдан кейин ранги захилгина бир қора хотин бўсағада кўринди.

– Ҳорманглар! – дедим мен.

– Бор бўл!.. Кимнинг боласисан?

– Мен эдим... – дедим хижолат бўлиб, бироқ кампирдан кўзимни узмадим. Аёл ташқарига чикди.

– Ҳой, кет! Ху, товушинг ўчсин! – деб, итига пўписа қилиб, уни нарига қувиб юборди. Сўнг ичига ботган кўзларини яна менга тикди:

– Кимнинг боласиман дединг?

Мен танидим. Бизнинг овулда Маъмурбой деган бир киши бўлар эди. Ўша одамнинг кампири.

– Сейди эна, мени танимаяпсизми? – дедим кулган бўлиб. – Мен Тилаганман-ку?

Кампир уёқ-буёққа аланглади, шунда мен унинг буришган юзлари, чуқур ботган кўзларига қандайдир бир илиқлик инганини пайқадим.

– Вой тавба, қарилик-да, – деб койинди-да, отнинг жиловидан тутди: – Сенмидинг, болам?

Мен оддан тушиб, Сейди эна билан сўрашиб турсам, ичкаридан тарашадай ориқ бир кампир чиқиб келди. Менга тикилиб қараб, саломимга лабларини қимирлатган бўлиб алик олиб, бош ирғади. Ёши хийлага бориб қолган бўлса-да, ҳали тетик. Белига кўзи терисидан бўлган пўстакни танғиб олган. Бу кампир – Сейди холанинг онаси.

Шу орада бўз уйнинг ортида ўйнаб юрган ўн-ўн бир ёшлар чамали бир бола ирғишлаб етиб келди.

– И-и! – деди у менга кўзи тушган заҳоти ва қулочини кенг очиб келиб мени кучоклаб олди. – И-и, Тилаган акам!..

Мен уни қўлтиғидан кўтарган бўлиб юзидан ўпиб эркалатдим:

– Соттибек!.. Катта йигит бўлиб юрибсанми? – деб, пешонасини силадим.

– Уни қаранглар, жигари-да! – деди тарашадай ориқ кампир бош чайқаб. – Отаси тирилиб келгандай суюнади-я!

Сейди кампир неварасининг қувонганини кўриб, нимагадир тўмсариб тикилиб қолди, чуқур ботган кўзларида ёш йилтирагандай бўлди. Иккита пўстакни судраб келиб, тутнинг соясига жой тўшади.

– Ўтир, айланайин, – деди мени сийлаб.

Қарасам, капанинг ичи ҳам, бўз уйнинг ичи ҳам бўш эмас, ичкаридан худди бир кўра улоқ ўт киртиллатаётгандай шитирлаган овоз чиқяпти. Ипак қурти экан. Тут баргини кемираётган куртлар тўлишиб-тўлишиб қопти, баъзилари барг ҳам емай, бошини осмонга кўтарганича чайқалтиради – пилла ўрашга келиб қолгандай. Қандайдир бир оғир хид ўрнашиб қолгандай.

Соттикул бир тиззамга тиралиб ўтирди-да, мунчокдай кўзларини менга тикиб, ҳали уни, ҳали буни сўраб бижирлашга тушди:

– Тилаган ака, қаердан келяпсиз?

– Қорақўнгайдан. Мен ўша ерда муаллимлик қиламан.

– Ҳа-а, – деди Соттикул ажабланиб. – Энди қаёққа борасиз?

– Ўзимизнинг овулга, Соттибек. Оқйўлга бораман. Ундан кейин, районда ҳам ишларим бор.

Соттикул ердан бир чивикни олиб, икки қўллаб тутганича, бир учини тишлаб, ерга қараб термулиб қолди. Ўйчан ўтирарди. Шу маҳал Сейди она катта коса тўла қатиқ олиб келди. Пишиқчиликнинг аввали, деб ясси бир лаганга оппоқ марварид тутлардан солиб дастурхонга қўйди. Мен муздек-кина қатиқни хўплаб-хўплаб симириб, Соттикулга узатдим:

– Ма, Соттибек, қатиқ ич!

Бола қатиққа қараб ҳам қўймади. Ямалган, офтобда кўп кийилганидан ранги униқиб кетган, тут шираси юққан қўйлаги этагини тутамлаб:

– Менам бораман!.. – деб бидирлади.

– Қаёққа борасан, сен? – дея бувиси уни жеркиди. – Гапни уқмай, нималар деб довдирайди бу?

– Оқйўлга... – деди Соттикул. Кекса бувиси унинг дилидагиларни укиб:

– Э, қўй! – деди овозини кўтариб. – Йўловчига эргашиб кета берадиган юрумсақ бўлма! Сен кетиб қолсанг, бу ерда онанг нима қилади. Ундан кўра, бидирламай, амакинг берган қатиқни олиб ич!

Соттикул бўйнини бир томонга қийшайтириб, қулт этиб ютинди;

– Ичмайман...

– Амакинг ич, деб узатди-ку, ол, ўғлим, ичиб қўй!..

Соттикул хоҳламаса ҳам, алланечук ботирсиниб, қатиқни хўриллатиб ичиб қўйди.

– Ана, баракалла, ўғлим...

Бўшаган косанинг четларини бармоғи билан сидириб, ялаб қўйди-да, Сейди эна:

– Онанг яхши юрибдими? – деб сўраб қўйди мендан. – Ҳм... тутдан олиб ўтир.

– Онам Оқйўлда. Яхши. Уч ойдан бери ўзим ҳам боролганим йўқ.

– Э, ҳа-а, боя Қорақўнгдай ёқдан келяпман дединг-а!..

– Айили бўшатилиб, қуошқони чиқарилиб катта ёнғокнинг соясида боғлиқ турган отим хийла тери қотди. Биз уёқ-буёқдан гаплашиб, анча ўтирдик. Сейди эна Оқйўл овулидан чиқиб бу ёқларга келиб қолганига уч йиллар бўлиб қолди. Бунинг сабаби, Маъмурбой ота ўлганидан кейин мана шу Оқсувдаги қариндоши Тўқоналини қора тортиб келиб қолганди. Ҳозир мана шу тутзор ёқасидаги уйда курт боқиб ўтиришган маҳали.

Мен отланмоқчи бўлдим. Соттикул этагимга ёпишиб олди:

– Мен ҳам кетаман!..

– Вой, қаёққа кетасан сен! – деб қичқирди ориқ бувиси. – Уйинг шу ерда бўлса... Бориб, юртингдаги тош ўчоқни кўриб ўтирасанми?

– Қўй, жоним болам!.. – деди онаси ҳам.

Мен боланинг пешонасини силаб, алахситишга уриндим:

– Соттикул, кап-катта йигит бўлиб қолибсан. Оқйўлга кейиноқ ўзинг борарсан. Онанг бормагин деса-ю, сен кета берсанг, хафа бўлади! – дедим. Бироқ Соттикулнинг кўнадиган авзойи йўқ, хўнграб юборди:



– Боргим келяпти-и-и... Ии-й...

– Э қўй, қўй деган гапни қулоғингга ол! – дея бувиси унга ўдағайлаб, қўлини ушлади. – Ҳой, эси йўқ!..

Мен отни ечдим, Соттикул эса менга маҳкам ёпишиб олди. Онаси негадир товуш чиқармай қараб турарди.

Бувиси ҳеч кўнмай, болани у ёққа тортади, Соттикул эса юлқиниб, бўш қўлининг муштуми билан кўзининг ёшини ишқалаб, жон-жаҳди билан менга интилади. Нима қилишни билмай, ўртада қолдим. “Қўй, менга илашма, мен сени олиб кетмайман!” деб, бир амаллаб ундан қутулсамми, ёки “жиян эл бўлмайди, камзул тўн бўлмайди, сиз боланинг шаштини қайтарманг!” деб кекса аёлнинг ҳафсаласини пир қилсамми?.. Бир қарорга кела олмадим. Шундай қилиб, қўлдан чиқишга уриниб типирчилаётган Соттикул бир маҳал бувисининг қўлини тишлаб олди.

– Вой-вой, ҳаҳ, қуриб кеткур!.. – Кампир қўлини қўйиб юбориб, боланинг бошига тарсаки урди. – Тиш ҳам шунақа ўткир бўладими?!

Онаси келиб этагидан тутай деганда Соттикул шилт этиб қўлдан чиқди-да, хўнграб йиғлаган қўйи пилдираб югуриб тўппа-тўғри мен кетадиган йўл устига чикиб борди.

– Мен бораман... бора-а-ман!.. – Нарирокқа яна қочиб бориб, “энди юрмайсизми” дегандай, мени кўзлаб тўхтаб турди. Их-ҳи... их-ҳи-и...

– Ҳой бола, буёққа кел! Ҳаҳ шумтака, тил укмас-а! – дея бувиси тишланган қўлига бир қараб қўйиб, Соттикул томон қадам босди. – Бўлмайди шекилли, бу қуриб кеткур... Ялангоёқ, ялангбош аҳволда...

Сейди эна ҳам ўша томонга юрди:

– Бери кел, болам, буёққа кел, – деб овоз берди у. – Эртага икковимиз борамиз!..

Отга шартта миниб йўлга чиқишга кўнглим бўлмади. Ё бу ўжар болани қолдириш керак, ё бўлмаса, онасини кўндириб, уни олиб кетиш керак эди. Индамай жўнаворсам, бола олдимга тушиб югургилаб кета бериши тайин. Бир амаллаб болани онасининг қўлига тутқазиб, бўйнимдаги бу юкдан қутулмоқчи бўлдим:

– Соттибек, кел, укажон! Отга мингаш, бу ёққа кел! – деб алдадим. Аммо Соттикул ўчакишиб, яна нарирокқа юрди. Нима қилсак экан?

– Уч йилдан бери бир қайрилиб кўриб кетмайди-я... – деб ғудранди кампир. – Бояқиш бола, Оқйўл деса ўпкаси кўринади. Оқйўлликлардан биров-ярим дуч келиб қолса, ўзида йўқ қувониб кетади. Отаси тирилиб келгандай бўлади-қолади.

– Вой, садағанг бўлайин, болам-а! – деб Сейди эна пиқиллаб йиғлаб юборди. – Ота қўшнилари, қариндош-уруғларини соғиниб... Майли энди, борсанг бор. Кел, кийимларингни кий!..

– Ҳо-о, алдаб ушлаб оласизлар!..

– Алдамайман, садағанг бўлайин, алдамайман. Борсанг бориб келарсан, амакингнинг отига мингаш!..

– Яёв кетавераман!.. – деди Соттикул ўжарлик билан. Камзулимни бериб юбор!

– Ростан ҳам жўнатаверасизларми? – деб сўрадим мен. – Қайтага, шундай қилганингиз маъкул. Соғинчини босиб келади-да.

– Нимаям қилардик? Тўпалонини кўриб турибсан-ку...

Мен Соттикулга қараб қўл силкитдим:

– Соттибек, кел энди. Тезроқ кийин, кетамиз!

Бироқ Соттикул олайиб қараб қўйди-да, яқинлашиш тугул, яна нарироққа кетди:

– Бор-май-ман!..

Чораси қолмаган Сейди эна унинг камзулини, қалпоғини, кўпдан бери кийилмаганлигидан ғижимланиб қолган чармдан қилинган пошнагли этигини менга тутқазди. Ўзи ҳам бир сўзини иккинчисига улаб бидирлаб гапирадиган аёл эди, бу ёруғ дунёда топган нуридийдасини менга омонат тайинлади:

– Садағанг бўлайин, иним, – деди менга. – Обориб қўй... Қариндош-уруғларининг дийдорига тўйсин, соғинчи босилсин. Садағанг бўлайин, боланинг яқинларидан бирига ўзинг тайинлаб айтиб қўй, боланинг қорни оч қолмасин, иссиқ ўтиб кетмасин!.. Кейин... садағанг бўлайин, Тилаганбой, ўзинг бу ёққа қайтар маҳалинг мингаштириб олиб келиб ташлаб кет!.. Соттижон, жон болам, бўптими, амакинг билан қайтиб кел!.. Соттижо-он!..

* * *

Эринчоқ тўриқ отим бирпас дам олгани учун хийла тетикланиб, ўз-ўзидан йўрғалаб, чакқон юра бошлади. Онда-сонда шип этиб қамчи уриб қўйганимни демаса, мен ҳам унинг юришини жадаллатмай, ўз холига қўйдим. Откулоқ юлиб, сағриси устига ёйдим-да, кўрпачамнинг бир учини унинг устига тўшаб, Соттикулни мингаштириб олдим. У белбоғимни кўшқўллаб ушлаб келяпти. Индамайди. Ана Қорасувнинг лиқиллаб турган кўпригига ҳам етдик. “Мудраб қолмадимикин бола...” деб ўйлайман. Ахир, отим кўккисдан чўчиб сакраса, ёки тошга қоқилса, бола тап этиб ерга йиқилиши мумкин-да. Шунинг учун, ортимга бурилиб қараб:

– Соттибек, ухлаб қолганинг йўқми? – деб сўрадим.

– Йўқ... – деди у. – Ухлаганим йўқ, Тилаган ака!..

Лопиллаб турган кўприкдан ўтиб ўнгга бурилдик-да сой ёқалаб кетдик. Қорасув пишқириб оқиб ётибди. Дарёнинг жанубий томони қалин тўқай, шимол ёғи эса шиға тошлоқ. Салқин, негаки, ҳаммаёқ дарахтлар кўланкаси, қолаверса, сувнинг шабадаси бор.

Дарё қайрилган жойда кичкина ҳамроҳим билан отдан тушдик. Кун пешинга яқинлашиб, ола кўланка камайиб қолган. От айилини бўшатиб, сувлуғини чиқариб, кулф уриб ўсган ўтга қўйдик. Чилвирини ҳар эҳтимолга қарши Соттикул ушлаб олган.

Бу жой тоғ деб айтилмагани билан, хийла баланд довон. Бошқа ерларга қараганда сирти ёйикроқ. Тепасига чиқсангиз, Учқурт, Молколди, Оқйўл овуллари яққол кўриниб туради.

– Во-ой... Оқйўл... Қаранг, Тилаган ака, Оқйўл!.. – Соттикул қувониб, мен у жойларни энди кўриб турганимдек, қўли билан узоқларни кўрсатиб бидирлай бошлади – Ҳў ана, во-ой, бизнинг уй!.. Мингбой оғамнинг уйи... Нурқулларнинг уйи... Ия, хали ҳам бор экан-ку!.. Тилаган ака, биз-чи... Нурқул икковимиз ху анов ерда ўйнаб юрар эдик, думбул пишириб ердик!..

– Нурқул... ҳозир ҳам юргандир, – деб қўйдим мен. – Аммо макка чопикка энди кирди-ку. Думбул йўқ.



– Биладан, – деди Соттикул. – Биз Нуркул икковимиз ёзда сойга қармоқ солардик. Ву-уй, ўшанда-чи, Тилаган ака, роса катта, каттако-он балиқ тутганмиз. Кейин туш маҳали ўзимиз ҳам балиқдай сузиб ўйнаганмиз, во-ой, ўшанда жуда мазза бўлган эди-да!..

Қатор қилиб экилган мевали дарахтлар, бўйида оқ тол билан мирзатераклар қулф уриб ўсган, қирғоғида қамишлар дириллаб турган арик, оралари ўқарик билан чегараланган чорбоғлар, ундан нарига иланг-биланг бўлиб кетган йўллар, томига қамиш босилган оппоқ уйлар юрагида соғинчи тошган боланинг кўзларига ўз онасининг бағридай меҳрибон туйилар эди.

Соттикулнинг юзи булут ўтиб, қуёш чиққан дала каби ёришиб кетди, юзлари яшнаб, пирпираган кўзларида қувонч балқир эди. Бўйинини чўзиб, Оқйўл овулидаги ҳар бир дарахту тошга тўймай тикилар, агар тақдир бўлиб, унга қанот битса туғилган овули устида юз марта, минг марта чарх уриб учгудай, ўшанда ҳам соғинчи босилмагудай эди!..

Дилим алланечук бўлиб, секин сўраб қўйдим:

– Ҳа, Соттибек, овулингни соғиндингми?

Бола ҳали ҳам Оқйўл тарафдан кўзини узмай, бош ирғади:

– Ҳа-а...

– Соттибек, бояги уйингларда қийинчиликмиди, озиқ-овқат озмиди?

– Йў-ўқ, яхшийди. Кейин-чи, онамни Оқйўлимизга кетайлиқ, десам унамайди. Кузроқда, дейди... юраверади... Мен роса йиғлардим. Ўшанда-чи... Тилаган ака... ўшанда мен мана бундай деб қўшиқ айтардим. Айтиб берайми?

– Қани, айт-чи, Соттибек!..

*Адирда ўсган тиканман,
Арғумоқ минармиканман,
Арғумоқни эгарлаб, о-о,
Овулимга кетармиканман?*

*Тепада ўсган тиканман,
Тўриқ минармиканман.
Тўриқ отни эгарлаб, о-о,
Туққан еримга етармиканман.*

Юрагим титраб кетди. Болани даст кўтариб, пешонасидан ўпиб-ўпиб юбордим!.. Бу норасида боланинг юрагида шунча ғам-ғусса! Бирга ўйнаб ўсган ўртоқларини, қариндош-уруғ, яқинларини соғиниб-ўртаниб эслайди, киндик қони томган, биринчи марта оёқ чиқариб юрган ота уйини учиб-қўниб кўмсайди... Ҳозирча бижирлабгина турган бу гўдак, вақти келиб, бир овули эмас, жами эл-юрти учун жонини фидо қиладиган, ажалга ҳам қўрқмай тик боқадиган бир азамат ўғлон бўлиб вояга етса – не ажаб!

Бирпасдан кейин чарчаган тўриғимизни ниқтай-ниқтай, одамларигина эмас, ҳар бир дов-дарахт, оққан сувлар бўйидаги катта-кичик тошларию қамишлар бошини дириллатиб эсаётган шабадасидан тортиб, кечки маҳал томлар устида ёкимли бўлиб тараладиган тутунларига қадар дардимизга даво бўлган ўзимизнинг Оқйўл овулимизга кириб бордик.

ТОШ МИЯШЕВ

(1931 йилда туғилган)

БИРИНЧИ МУҲАББАТ

Тош Мияшев 1931 йилда Ўш вилоятининг Қорасув туманига қарашли Папан қишлоғида туғилган. Биринчи китоби – “Тўнғич куй” 1960 йилда нашр этилган. Кейинчалик “Муҳаббат билан хайрлашув”, “Марҳумларга таъзим” каби кўплаб асарлари босилиб чиққан.

I

Троллейбус гувиллаганича мен учун қадрдон бекатга етиб келиб, оҳиста тўхтади.

Йўлакдаги одамлар оқимига қўшилиб, шошилганча юриб кетаман. Нақ каршимда, баландда осмон бағрига санчилган игна сингари телеминора юксалиб туради. Унинг олдидаги икки қаватли бинога бирпасда етиб бораман. Сўнг суҳандонлар хонасига кириб, кўзгу олдида бир оз куймалангач, студияга ошиқаман. Рўпарага ўрнатилган экранда ўз киёфамни кўриб, юрагим бир ҳапкириб кетади. Дақиқалар соатларга чўзилаётганга ўхшайди.

Режиссёр ишора қилиши билан:

– Ассалому алайкум, азиз телетомошабин дўстлар! – дейман. Бироқ қалбимнинг энг қаърида “Ассалому алайкум, азиз оғажон!” – деган бир нидо бор. Шу дамдаги майин, оҳангдор, латиф овозимни сиз эшитсангиз, мийиғимдаги ним табассумни сиз кўрсангиз эди, – дейман. Ҳамиша шундай қиламан, шуни ўйлайман.

Сиз-чи, қимматли оғажон, шу тобда қаерда бўлсангиз экан?

Балки одатингиз-чи, креслога ястаниб, менинг экранда пайдо бўлишимни кутаётгандирсиз? Ёки ўша, иккимиз учрашадиган кўприк бошида сувнинг оқишига қараб хаёлчан турибсизми? Эҳтимол, ўзингиз севган Держинск хиёбонида оҳиста сайр этаётгандирсиз? Ё бўлмаса, баайни симёғочга тортилган уч қатор симга ўнг-терс – қўниб ололган қалдирғочларга ўхшатиб нота чизиб, янги оҳанглар, янги мусиқа қидириб, мени ҳам тамоман унутганча ўлтирибсизми?

Қайда бўлсангиз ҳам майли...

Мовий экранга чиқиб айтадиган дастлабки сўзим, илк табассумим сизга аталган, қимматли оғажон. Мана, Сиз билан кўришмаганимизга ҳам бир йилча бўлиб қолди. Бир шаҳарда яшаб туриб, бундай қилишимиз, албатта, жуда ғалати. Мен ҳар замонда телефон гўшагини қўлга олиб, рақамингизни тераман. Бирпасдан сўнг бу ёруғ оламда фақат мен учун яралгандай ёқимли овозингиз эшитилади. Шу бир лаҳзалик товушингизни эшитиш учун атайлаб кўнғироқ қиламан.

– Алло! Алло, ким бу? – дейсиз.

Мен товуш чиқармайман. Ҳа, товуш чиқара олмайман ҳам. Сизни қаттиқ

ранжитганман. Балким ранжимаган ҳамдирсиз. Бирок юрак ютиб овоз бериш мен учун маҳол.

Шундай қилиб, бироз вақтдан сўнг гўшакни қўясиз. Мен бўлсам, “дуд-дуд” лаган товушни тинглаб, узоқ туриб қоламан. О, биз илгари шундай-мидик? Сизга телефон қилаверардим. Жавоб беришингиз билан:

– Менман, – дердим.

Сиз суюниб кетардингиз, товушингиздан билардим.

– Сўзла, Аноржон, гапир, – дердингиз.

– Нимани сўзлай, оғажон?

– Нима тўғрисида бўлса ҳам сен сўзлайвер...

– Мен шундай, иш орасида бир...

– Аноржон, кўйсанг-чи ишингни. Гапир... Ахир, битмаган иш борми? Қулоғим сенда. Сўзла, Аноржон!

– Автомат-телефондан... бошқалар кутиб қолди, – дердим. Бу гапим гоҳо ёлғон бўларди.

– Ҳа-а, – дердингиз бўшашиб. – Аноржон, яна телефон қиласанми?

– Билмадим...

– Бугун учрашамизми?

– Билмасам, – деб туриб олар эдим. Кўнглимда яна бир нарсаларни сўраса эди дейман.

– Ҳалиги жойда учрашайлик... соат...

– Бугунми, майли оғажон...

– О, қимматли оғажон! Ўша кунлар мен учун қандай бахтли кунлар эди. Йўқ! Тиллога тортиб олса бўладиган дамлар эмасмиди? Ростдан ҳам биз ундай кунларга энди етиша олмаимизми? Бунга ким айбдор? Менми?

II

Ўша йили сиз янги ишга келгандингиз. Дарров исмингизни, ким-лигингизни, уйланганмисиз-йўқми – билишга ошиқдим. Биз аёл зоти шундаймиз, оғажон. Қарангки, мен сизнинг айрим асарларингизни билар эканман. Ўзингизни ҳеч кўрмаган эканман. Муҳаббатга бағишланган бир куйингиз менга жудаям ёқади. Ўрта мактабда ўқиб юрганимиздаёқ уни тинглаганман. Шаҳарга келгач, у кўпчилик ёшларнинг суюкли асари эканини билдим. Ўша, қалбимни жунбушга келтирган асарнинг муаллифи сиз экансиз, оғажон!

Одатда бизнинг ишхонага одамлар кўп келади. Кўп одам ишлайди. Ғала-ғовур орасида сизни бот-бот кўриб турардим. Сиз ҳам менга бир-икки кўр зимдан қараб кўйганингиз билан, ҳеч нарсадан хабарсиз эдингиз. Гоҳо даҳлизда учрашиб қолсак, бош ирғаб саломлашамиз.

Бир куни ишга эртароқ келсам, бизникилар суратга тушишаётган экан. Орада сиз ҳам турибсиз. Аммо сизнинг ёнингизда бошқа суҳандон қиз турибди. Билмадим, негадир ғашим келди. Мени чақирсалар ҳам бормадим. Сураткаш йигит ўзи чақириб, тўп турганлар орасига қўшиб, расмга олди. Чимирилиб тушдим суратга. Ҳозир мен уйда ёлғиз қолиб, сизни эсласам, ўша суратга қарайман. Сиз ҳеч нарсадан беҳабар турасиз. Эгнингизда жигарранг енгил плашингиз, бошингизда чет эл шляпаси. Оқ-сарикдан келган юзингиз ҳам ўйчан, ҳам сирли. Гўё бошқа одамлардан ҳеч фарқингиз



йўқдай. Бироқ мен фақат кейингина сизнинг кимлигингизни англадим. Ахир менинг сиз билан икки йилга яқин сирдош бўлишим менинг учун икки асрга татийдиган таъсир қолдирмадимми? Адолат, ҳақиқат тўғрисида, инсонийлик, ҳаёт, давр, эртанги кун ҳақида тушунчаларим авваллари чалкаш, чалакам-чатти бўлса, энди фикрим равшанлашди. Муҳаббат тўғрисида энг юксак сўзларни тингладим.

Аслида кичкина бир жилға бўлсам, сиз билан ёнма-ён юриб тўлиқдим, кўнглимдаги мавжлар теранлашди. Нима бўлса ҳам, қимматли оғажон, сиз мен учун бир мактаб бўлдингиз.

Мен сизга учрай олмай бир четда яшайман. Бироқ умр бўйи жонтанимга бир нур бўлиб сингган, бундан кейин ҳаётимнинг қайси палласида бўлмасин, кулоғимда қайта-қайта сасланиб, янграб турувчи сўзларингизни асло унутмайман. Улар менинг умр йўлимдаги бир маёк, юрагимга бир қувват бўлиб туюлади. Менга қилган насиҳатларингизни, ифбат ва одоб, покликка ундовчи сўзларингизни эслаб, ҳозир ўзимдан-ўзим уяламан. Ҳа, шундай, оғажон! Мен сиз айтган ўша офтобли боғда етилиб пишган нукрадай тоза анор бўла олмадим-ку? Шунинг учун ҳам ўзимдан ўзим уяламан, оғажон. Ёдингиздами, бир вақт сиз менга “меваларнинг ичида энг асили қуёшли боғда етилиб пишган анор бўлади. Унинг сирти қўполгина

кўрингани билан ичи нуқрадай тоза, биллурдай мағиз. Анорни олтинга тенг баҳоласа бўлади. Шунга ўхшаб, биз одамлар ҳам гоҳо асил нарсаларни кўролмаёмиз, қадригаём етмайёмиз. Мана, сен менинг учун асил ҳақиқдай Анорсан, демак, олтинсан. Менинг олтинимсан!” – деб айтган эдингиз. Бу сўзларингизга муносиб бўла олмаганга ўхшайман. Сиз бу гапларни бир менга айтгансиз. Қайтиб бошқа бировга тиш ёриб сўзламайсиз ҳам. Сиз унақа кишилардан эмассиз. Бунга ишонаман. Бутун борлиғим билан ишонаман, менинг қимматли оғажоним!

III

Шундай қилиб, бир-биримизга унча қаттиқ тегмай, кўнглимизни оғритмайгина узоқлашиб, кўришмай қолганимизга ҳам мана, бир йилча бўлиб қолди. Умрга қиёслаганда – қисқа, бироқ мен учун ўта узоқ туюлган шу бир йил ичида юз-кўзларимга унча-мунча чизик туша бошлаганини бугун эрталаб кўзгу ортида кўриб қолдим. Муҳаббат одамни ёшартиради, деган гапни эшитган эдим. Муҳаббат одамни қаритиши ҳам мумкинлигини энди билиб турибман...

Ўзи, сиз қандай қилиб мен учун энг қимматли киши бўлиб қолдингиз?

Сизни қандай севиб қолдим? Баъзи бир қизлар одамнинг ташқи кўринишига мафтун бўлишса, бошқалари кишининг шухратига, бойлиги ёки амалига ошиқ бўлишаркан. Ростини айта қолай, оғажон, сизда ундай хусусиятлар мана мен деб кўзга ташланмайди, ижодингиз ҳам жуда юксалиб кетган эмас, яхши дейилганлар қаторида холос-ку. Суйганингни гоҳо кўзинг билан эмас, кўнглинг билан кўрасан, дердилар. Балки менинг юрагим сизни авваллари ҳам кўргандир...

Сиз бизнинг телестудияга хизматга келганингиздан бошлаб мен ҳам ишга боғландим-қолдим. Кўпинча, эшиттириш бошланишига анча эрта бўлса ҳам, барвақт келиб, хийла кейин кетадиган бўлдим. Гоҳо эса, дам оладиган кунларимни ҳам шу ерда ўтказаман. Сиз бўлсангиз, менга унча эътибор бермагандай юрардингиз. Бошқа йигитларга ўхшаб, йўлимни тўсиб, кинога қистаб, ё бўлар-бўлмас гапларни сўзлаб бош оғритмадингиз. “Қандай қилиб, ахир қандай қилиб, менга бир оғиз сўз айтмайди? Гўзалликка завқланмаган бу қандай йигит ўзи? Қадди-қоматим келишган, сулув деса сулувман-ку. Сухандонлик танловидан беҳуда ўтказишмаган-ку! Нега мени пайқамади?” – деб ўйлаб кутиб юрдим. Бироқ кутишимдан натижа чиқмади.

Кунларнинг бирида атай хонангизга кириб борсам, ёлғиз ўтирган экансиз.

– Э, келинг, келинг, – деб ўрнингиздан ирғиб турдингиз.

– Йўқ, мен шунчаки бир кирувдим, – дедим шошиб, – Сиз шу ерда экансиз-да?

– Ҳа, ҳа шу ердан. Ўтиринг бундай.

Бир дақиқа жимиб қолдик. Нимага кирганимни, ё нима деяримни билмай, ўзимни йўқотиб, сизнинг муҳаббат ҳақидаги бир асарингиз тўғрисида сўзлай бошладим. Сиз жимгина менга қараб турардингиз. Ўшанда, кўзларингизда қандайдир сирли учқунлар чакнаб, улар менинг хиссиётимни жунбушга келтириб, тушунарсиз тортинчоқлик пайдо

бўлиб, қалбимга илгари менга нотаниш бўлган илиқ бир оқим “шир” этиб қуюлиб кетди. Икки юзим қип қизариб, ловуллади. Сиз бўлсангиз, менинг сўзларимни унчалик укмай, сал кулимсираб, нимадандир мафтун бўлгандай яйраб, хумор боқиб турар эдингиз. Шу тикилишингиз менга ёққандан-ёқар эди.

Севгига бағишланган асарингиз ҳақидаги гапларимни айтиб битирдим ҳамки сиз боягидай кулимсирабми, хуморланибми ўтиравердингиз. Энди нима қилдим? Шошиб қолдим.

– Мен бора қолай – дедим ўрнимдан туриб. “Ия, нима учун келувдим ўзи бу ерга? Тағин нималар деб жавраб қаёққа боряпман?” – деган ўй бошимга келди.

– Ишдан кейин бир учрашсак майлими? – дедингиз бошқача қилиб.

– Қўйсангиз-чи, – деб ерга боқдим – нега учрашамиз?

Ўзимни йўқотиб, нима деяётганимни ҳам англамасдим. Куриб кетгур, тортинчоқлигим панд бериб қолди. Шундай бўлса ҳам қишлоқда йигитларга берган жавобимни эслаб ўшаларни такрорладим.

– Нимага бўларди? – деб сочингизни силаганингизча жовдирадингиз, гаплашамиз, сирлашамиз дегандай ...

– Бировлар нима дейди?

– Яхши бўпти, дейишади-да.

– Қандай қилиб.

– Шундай икковлари бирга юришибди дейишади-да. Бунинг нимаси ёмон, бирга ишласак, бирга юрсак нима бўлибди? Ахир ўз бошимизга ўзимиз хўжайин эмасмизми?

“Рост айтасиз, оғажон”, деган гап хаёлимга келди. Бироқ боягидай ўзимни йўқотиб, бир қувониб, бир уялиб турардим.

– Тўғри, суҳандонларни ҳамма танийди, – дедингиз яна ўзингиз, – гап-сўз қилишлари ҳам мумкин. Аммо биласизми, менинг шаҳарда уйим йўқ, ҳозирча ётоқхонада турибман. Агар рози бўлсангиз, ҳордиқ қуни ўша ерда учрашсак.

Мен индамадим. Бирор нарса дейишга ожиз эдим, фақат ётоқхона шаҳар четроғида эканини эсладим. У ерда бўлганман – ям-яшил боғ. Сувлари тип-тиник, муздай. Кўнглим “бор-борақол”, деб қистайди. Қизлик нозим билан анча таранг қилдим. Бироқ қимматли оғажон, сизнинг оҳанрабодек кўзларингиз мени ўзига тортарди. Охири мен у ерга бордим.

IV

Биз жуда яқинлашиб кетдик. Бирга ишлайдиган айрим ўртоқларимиз кўз қарашларимиздан дарров пайқаб, гап-сўз қила бошлашди. Ҳаммасидан ҳам анови, сизга ёндашиб расмга тушган суҳандон қиз қизғонганини сездириб қўйди. У ҳозир бошқа ёққа ўтиб кетди. Ўзи икки марта ерга тегиб чиққан нарса эди. Ёлғонниям ямламай ютарди.

– Анов янги ходимнинг оиласи бор дейишади. Ростмикан? – деди у сизни кўрсатиб, – сўнг сир бой бермай тикилди. – У туришидан анча-мунча қизларнинг бошига сув қуйган одамга ўхшайди ўзиям...

Мен индамадим. Унинг ёлғон гапираётганини фаҳмладим. У яна сўз улади:



– Анорхон! Бу дейман, шу йигит келгандан бери сен ҳам ўзгариброк қолдингми? – дейди кулгуга олган бўлиб.

– Қандай?

– Билмадим. Энди шу, киймаганингни кийиб, ясаниб дейман-да, кейин... Икковларинг кўчада бирга юриб қоласизлар?

– Бирга ишлагандан кейин бирга юриб қолсак керак-да.

– Айтаман-да.

– Ия, бу кўйлагингни кўрмаган эканман. Роса ярашибди ўзиям, – деди.

Бу гапларда жон бор эди, оғажон. Сизга кўриниш, ё ёкиш учунми, билмадим, туфлиларгача янгилаб, ҳар куни бир бошқасини кийиб келар эдим. Аммо сиз бунга эътибор бермасдингиз. Ростини айтсам, ўша вақтларда мода бўлган бирор кўйлақдан қолган эмасман. Ҳамма тишларимга тилла қоплатсаммикин деб ўйлардим. Олтин балдоққа, олтин билагузукка етсам дердим. Кичикроқ тилла сирғам бор эди, унғаям кўнглим тўлмай қолди.

Бир сафар сиз шифохонага ётиб қолдингиз. Узлуксиз қатнаб турдим. Ўша кунларда шаҳарда яна бир янги кўйлақ ўлгур пайдо бўлди. Майин ҳилвираган бу кўйлақни кийиб юрганларни кўрсам, суқланиб, улардан уялмай, қаердан топишганини, қанчага олишганини сўраб эдим. Япониядан келадиган бу кўйлақ тушларимга ҳам кириб юрди. Кунларнинг бирида бояги диктор қиз кийиб келса бўладими? Уни кўриб, куймаган жойимда кул бўлиб кетдим. У бўлса, олдимдан ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа шох ташлаб ўтади, десангиз. Ахийри чидай олмай, қаердан топганини сўрадим.

– Керак бўлса топиб бераман, – деб бурнини кўтарди у. – бир омбор мудури бор. У етти қават ернинг тагидан бўлса ҳам топади. Ўзиям келишган йигит. Машинаси бор. Қуриб кетгур, бирам шўхки...

– Таништириб кўйинг, барака топгур.

Омбор мудури Алим деган йигит экан. Худди айтганидай бир жойда тинч туролмайдиган, одамнинг ёқасидан кириб, енгидан чиқадиган уддабурон кўринади. Мени кўрганда нақ бир қошиқ мойдай эриб кетди ўзиям.

– Бўпти-да, – деди у дарров, – Сизга топиб бермаган кўйлақни кимга топиб берамиз?

Ўша куни у мени яп-янги машинасига ўтқазиб икки-учта омборга олиб борди. Борган жойида дарров менинг пинжимга тиқилиб, бошқаларга шу тақлид кўриниб мақтанаётганга ўхшади. Гоҳо сўзлашаётиб, гап орасида кўзини қисиб, имо-ишоралар қилаётганини пайқадим. Ҳайтовур, кўйлақни осонликча топиб бергани йўқ. Ана-мана деб юриб ахир бир куни кўлимга тутди. Бироқ елимдай ёпишиб олди. Ресторанга, меҳмонхонага олиб борди. Бойлик, шон-шавкат мени ўз домига торта бошлади. Гоҳо кўнглим юмшаб Алимнинг айтганларига кўндим...

– Бугун театрга борсак, – ялиниб туриб олди. – Ўзи бу кўйлақ фақат сизга ярашаркан.

Бир ёғи бу кўйлақни кийиб, театрдагиларнинг кўзини ўйнатгим келиб иккиландим. Бироқ шифохонага бормай қолганимга бир неча кунлар бўлганини эслаб, сиз томонга жўнадим.

Алимнинг машинаси билан ғизиллаб етиб бориб, йўл четида тўхтадик. Алим аллақанча вақт маҳкам ёпишиб, юз-кўзларимни ўпиб олди. Театрда кўришгунча соғиниб қолишини айтиб, билетларни сумкачамга солиб кўйди. Шундан сўнг машинадан тушиб қолдим. Буларнинг барини сиз ичкаридан кўриб турган экансиз. Анчагача билдирмадингиз. Илгаригидай самимий,

илик сўзлашдингиз. Мен ҳам ҳеч нарса бўлмагандай эркаланиб, ёнингизда ўтирдим. Кўйлагимни кўриб табриклайди, деб кутдим. Унга қараб ҳам кўймадингиз. Охири ўзим айтдим.

– Кўйлагим ярашибдими?

– Жуда ярашибди, чиройли экан, – дедингиз қадди-бастимга қараб ҳам кўймай. – Бунақа кўйлак ҳақида шифохонада ётган аёллар ҳам гапиришиб, хўжайинлари кўргани келса, шундан топасиз, деб тайинлашаётибди. Кўпчилик тополмаганини айтиб келса, аччиқ қилганлариям бор. Ўзинг қаердан топдинг?

– Бир танишим топиб берди...

– Бояги, сени машинада олиб келган йигитми?

Нима дейишимни билмай, қотиб қолдим. Вой менинг сезгир оғажоним-ей... Қанақа қилиб кўриб қолдингиз экан? Ё сизнинг ҳам юрагингиз мени узоқлардан кўриб турармикан? Иккаламизнинг ўртамизга оғир сукут тушди. Чаккамдан муздай тер чиқиб, ўзимни бироз йўқотиб қўйдим.

– Қани гулзорни бир оралаб келайлик-чи, – дедингиз тирсагимдан тутганча ўриндикдан турғазиб, – Анорхон, сенга ҳар қандай кийим ярашади. Икковимиз танишгандан бери хилма-хил модадаги ўндан ортиқ кўйлақларингни кўрдим. Ҳаммаси сенга жуда боп. “Ярашади ёлғиз сенинг ўзингга, қайси куни қандай либос кийсанг ҳам...” деган шоирнинг сўзи қандай теран-а. Узр, Анорхон! Бу менинг ўзимча ўйлаган ўйим-да. Наҳот одам ҳар турли тусдаги латта-путта билан гўзал бўлса? Ё олтин сирға, олтин балдоқ, тилла тиш билан чиройлими? Айт менга, Анорхон, гўзаллик нимада?

Икковимиз гулзор орасидаги йўлак бўйлаб боряпмиз. Йўқ, мен текис йўлакдан эмас, жар бўйидаги тойғоқ сўкмоқдан юриб бораётгандай, рўпарамнигина кўриб, кўққисдан бошимни ўнг ёки чап томонга бурсам, кулаб кетадигандай аранг юриб боряпман. Бугун тушдан бери танимни яйратиб, ҳилвираб турган, янгилигидан ёқимли хид таратаётган енгил ҳавойи кўйлагим энди сизнинг олдингизда ўхшовсиздай туюлиб, бутун баданим сесканиб кетди. Сиз яна айтдингиз:

– Ҳар бир одамнинг бутун борлиғи гўзал. Ҳар бир инсон ўзича бир дунё! Кўнгли мавжланган кўл, фикри – кирғоқларга тўлқин уриб сапчиган дарё, умр йўли – минг-минг оҳангли мусиқанинг ўзи! Инсон боласи табиатан жимитдай бўлгани билан, еру осмоннинг борлиғини кўра била оладиган зийрак, бошига тушган тоғдай зил қайғуни кўтара оладиган алп! Яхшилигига чегара йўқ! Муҳаббати қуёш каби оташ! О, инсон, инсон, сен нақадар хислатларга бойсан! – дея ҳаяжонланиб кетдингиз. Мен бу сўзларни сизнинг оғзингиздан эшитдим. Балки илгариям уққандирман, аммо маънисини билмаганман. Ҳозир бўлса ҳар бир сўзингиз ҳиссиётимни жўш урдириб, бир уялиб, бир ичимдан фахрланиб боряпман. Бора-бора олдимдаги йўл ёришиб, кенгайиб кетгандай туюлди. Танимга қандайдир яшириниб ётган, илгари ўзимга белгисиз бир куч уйғонгандай. Энди мен бошқача яшаб, бошқача феъл-атворга ўтадигандай руҳланиб, дадилланиб кетдим. Наҳот буларнинг бари сизнинг шу сўзларингиз туфайли бўлса? Алимдан рашк қилиб, кўполлик билан ёки аччиқланиб пўписага ўтмай, аксинча, менга насиҳат қилганингиз учунми? Нима учун мени тергамайсиз, қаттиқ койимайсиз? Дилимга озор берадиган сўзлар айтиш керак эди-ку! Нега мени аядингиз экан ўшанда?



Қимматли оғажон! Ўшанда ўзим билан ўзим бўлиб, сизнинг бошқа сўзларингиз қулоғимга кирмай қолди. Хайрлашар пайтимиз ҳам бўлди. Сиз қўлларимни кафтингизга олиб, узоқ турдингиз. Мен ана шундагина тушундим. “Мен ардоқлаган қўлларингни, менга кун сайин телефон рақамини терган бармоқларингни анави, машинасида олиб келган йигитга ушлатдинг-а!”, деган дилингиздаги сўзларингизни ҳис этдим. Сиз мени аяб турар эдингиз. Ҳа, менинг турмушга, ҳаётга енгил-елпи қараганимни, илк муҳаббатим қадрига етмаганимни, ҳаммасидан ҳам қуёшли боғдаги анордай нукра соф Анор бўлолмаганимни юзимга солмай, мени аяб турдингиз, қимматли оғажоним! Мунчаём бағрингиз кенг бўлмаса!

Мен шифохонадан чиқиб, йиғлаб жўнадим. Бир-бир қадам босиб, йўл четида бировлардан пана бўлиб қадам ташладим. Икки юзимни ювган ёшнинг шўрига қўшилиб, мендаги бетайинлик, ташқи гўзаллигимга ҳаволаниш, яна бир қанча иллатларим ювилиб оқиб кетгандай бўлди. Алим берган театр билетини майда-майда қилиб йиртиб, сувга отдим. Эртасига эса унинг омборига бордим. Мени кўрибоқ кеча роса кутганини айтиб сайрашга тушди.

– Мана, кўйлагингиз, – деб қоғозга ўралган ўша чиройли, ўзим қачонлардан бери ҳавас қилиб юрган япон кўйлагини қўлига тутқаздим.

– Раҳмат сизга!

– Ия, сизга ёқмадим?

– Ёқмади, – деб қисқа жавоб бердим-да, чиқиб кетдим.

Ўша, шифохонадан қайтиб келган кунимдан бошлаб, сизга бўлган ҳурматим янаям ошиб кетди, оғажон! Сизнинг кўп сўзларингиз юрагимдан жой олиб, мени ҳамиша тўғри йўлга соладиган бўлиб қолди. Анча оғир, сермулоҳаза бўлиб кетдим. Одамзод ёшлигингда ақл-ҳушни ота-онангдан, тарбияни мактабдан олар экансан. Улар кифоя қилмайди, шекилли. Одамнинг ёшига ёш қўшилгани сайин унга яна ақл, яна тарбия керак бўлавераркан. Хом сут эмган бандамиз-да. Бир куриб, бир тошиб, бир камайиб, бир ошиб тураркан киши. Бугунги кунга келиб, бир одам қатори нимаики фазилатим бўлса, буларни сиздан ўрганганим учун минг марта бахтлиман!

Сиз шифохонадан чиқибок бошқа ишга ўтиб кетдингиз, шу шаҳарнинг ўзида яшаб, ишлаб юрибсиз. Мен эса, ҳар бир янги асарингизни орзиқиб кутаман, қимматли оғажон. Балким, бир кун учрашиб ҳам қолармиз! Иккимиз илгаригидай ёнма-ён суҳбатлашармиз ҳам кўпдан бери бизни кутаётган дам олиш уйининг боғига ё бўлмаса анави кўприк бошига тагин яёв борармиз. Эҳтимол бир-биримизни тушунармиз... Ҳеч кимга айтилмаган, айтилмайдиган гапларимизни айтишармиз.

Яна ким биледи, балки шу тариқа умуман юз кўришмай ўтиб ҳам кетармиз. Шундай бўлганда ҳам сиз менинг энг азиз одамим бўлиб, мангу юрагимда қоласиз... Менинг илк муҳаббатимсиз.

... Мана, тролейбус гувиллаганича келиб, қадрдон бекатда тўхтайтиди. Мен телестудияга шошиб боряпман. Бир пасда етаман ҳам. Кўзгу олдида бироз куймалангач студияга кириб, режиссёр белги беришини кутаман.

– Ассалому алайкум, азиз телетомошабин дўстлар! – дейман. Ичимда эса “Ассалом алайкум оғажон”, дея хитоб қиламан.

Ҳа, ҳар доим шундай қиламан. Агар умр бўйи шу жойда ишласам, умр бўйи...

ЗАМОНАВИЙ ҚИРҒИЗ ШЕЪРИЯТИДАН

СОВРОНБОЙ ЖУСУЕВ

(1925–1916)

*Қирғиз тилидан
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
таржимаси*

КУННИНГ СИРИ

– Нега кўзи қип-қизариб кун ботар,
Ёки кимдир уни хўрлаб, йиғлатар?

– Кун ботган сўнг тинган қалблар кўп жуда,
Қанча одам айтар: “Ҳаёт, алвидо!”
Кун уларни қайта кўра олмайди,
Юзин силаб, сочин тарай олмайди.
Кун мунгланар, қайта кўрмас уларни,
Ғам-аламга ботган кўнгил куларми?

– Коинотнинг гўё танҳо эркаси,
Кўёш нега кулиб чиқар эртаси?

– Кун чиққунча дунё яна ўзгарар,
Тугилади яна минг-минг ўзгалар.
Хурсанд бўлган ота каби кун кулар,
Тонг уфқидан ёйилади кулгулар.

КЕЛИН БИЛАН ТОШ

Ёз бўлса ҳам жунжиккандай қалтираб,
Ёлғиз кўкда мунгли-мунгли ой турар.
Ўз эридан хўрлик кўрган келинни
Юпатомай олислардан мўлтирар.

*Овул чети, эл уйқуга ботган вақт Шод этайин, деса тошнинг гули йўқ,
Шўрлик қизнинг киприга тўлган ёш Далда бўлай деса, эвоҳ, тили йўқ.
Чак-чак томар ёнидаги бўз тошга, Кўзидаги ёшларини артсам дер,
Ғамга ботиб, унсиз турар муздек тош. Дум-думалоқ ишўрлик тошнинг қўли йўқ.*

СОЛИЖОН ЖИГИТОВ

(1936–2006)

СЕН ҲАҚИНГДА

1

*Бу тун менинг
тушимга кирдинг.
Кўйлак кийиб описан, ям-яшил, гулгун.
Одамлар кўп экан. Менга боқиб,
Чехранг гул очилди – бир яйраб кулдинг.
Бу тун менинг
тушимга кирдинг.*

*Кулдинг-да, сўнг қош чимирдинг,
“Энди менинг ёрим бошқа биров”, дединг,
“Кеч қолдинг” деб гўёки сал ўпкаладинг,
мен ишонмай кўзларингга қараб кулдим.
Бу тун менинг
тушимга кирдинг.*

2

*Бу туш ўзи менинг учун бежиз эмас,
сенинг кўнглинг ҳам ненидир туйса керак,
юрагимнинг туб-тубида ухлаб ётган
сезгиларни гоҳ уйғотиб турса керак,
қиши-қаҳратон дийдиратган туйғуларга
келса керак баҳорий ой нур севалаб...*

3

*Дуч келганда одамлар табассум-ла,
меҳрин тўкиб иззатингни қилишса ҳам,
жон дўстларинг кўтаришиб бош устига,
эркалатиб, эъозлаб юришса ҳам,*

*барибир, сен гирт етимсан
бу дунёда,
барибир сен якка-ёлғиз
бу дунёда,*

*агар сени ҳар тун тушида эркаловчи
бу оламда бирон киши топилмаса,
агар сени йироқлардан дили вайрон,
армон билан сарғайиб соғинмаса!*

*Яйрабгина, кўйлак кийиб кўкиш-гулгун
бу тун менинг тушимга кирдинг...*

СЎНГГИ ОҚШОМ

*Бари битди,
Сўзлар йитди.
Сўнгни бор
Қилган ишим – таъмсиз лабдан ўпкилаб,
Чиқиб кетдим.
Нетай, кўнглинг тўлдими?
Ё қисматдан нолидингни ўпкалаб?..*

*Ётган экан тош кўчалар хувилаб,
Шаҳар зангор ёғду ичра мунаввар.
Ўшал тунда севги мендан қувилиб,
Ўшал тунда гулин тўкди ўриклар...*

НОДИРБЕК АЛИМБЕКОВ

(1944 йилда туғилган)

*Қирғиз тилидан
Турсунбой АДАШБОЕВ
таржимаси*

УЙ ТАШВИШИ

*Ёғоч керак, темир керак, тош керак,
Маблағ зарур, фаросату бош керак.
Белни боғлаб лойга тушган пайтингда,
Оқибатли дўстлару қурдош керак.*

*Минг бир ташвиши – озиқ-овқат, нон керак,
Қассобга ёғ, эчкига-чи жон керак.
Қурган хужранг улкан Ватан тимсоли,
Сенга қувват, устига имон керак.*

*Уйинг битгач, демакким рўзгор керак,
Ош тортасан, номус керак, ор керак.
Бешик узра қувнаб алла айтгувчи
Садоқатли, меҳрибон дилдор керак.*

ОРИЯТ

Ўғил дейсан, қиз боладан яхшими?
Қиз буюммас қирқ йилқига сотгудай.
Қалинига согин сигир, қўй олиб,
Қаймоқ билан мойга ботиб ётгудай.

Ширин-шакар қизларим кўп, ёронлар,
Буёғидан бадавлатман, бардам мен.
Қиздан яқин меҳрибон йўқ отага,
Бахтиёрман кеча - кундуз, ҳар дам мен.

ТОШКЕНТИМ

Ўқиб, билим олгани
Тошкент сари отландим.
Ишим келиб ўнгидан,
Шодландим, қанотландим.

Дош қозонда ош тайёр,
Нон юртисан азали.
Ихлос билан ўқийман
Мир Алишер газалин.

Марказий Осиёнинг
Зўр таянчи – бош шаҳрим.
Қўйнингда топдим камол,
Омон бўлгин, Шош шаҳрим.

Чорак асир, ажабо,
Тошкент сари чопаман.
Устозларни кўрганда,
Дилдан таскин топаман!

АКБАР РИСКҲУЛ

Қирғизистон халқ шоири

(1953 йилда туғилган)

Қирғиз тилидан
Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ
таржимаси

ХОТИРА

Отамни қўйдим ўрнига,
Онамни қўйдим жойига,
Ўлимнинг ҳақлигин кексалар
Эслатиб туришар доимо.

Йўқ, бундай демайлик койиниб,
Уларнинг умр йўли хўб узоқ,
Ўлим ҳақ, демакки, биродар
Умрингни бегагин, яхишироқ.

Отанг қартайганин билмайсан,
Онанг букчайганин билмайсан,
Кейин бу хатони қайтарар –
Беғам бўй чўзишган болалар.

Отамнинг қабрига тош қўйдим,
Онамнинг қабрига тош қўйдим,
Вақт ўтиб емрилар темир, тош,
Хотира қолажак, у – бардош.

БИШКЕК БАҲОРИ

*Баҳор келса чирой очар Бишкегим,
Хаёлингиз ўгирлайди нозланиб.
Қарагайлар эмин-эркин боғларда
Қайинларга интилади суқланиб.*

*Келиб кўр-чи, Бишкегимни кўкламда,
Кўчаларин ёмғир ювиб ўтганда.
Бир-бирига суюнчилар қиз-жувон
Гул япроқлар япроқларни ўпганда.*

*Жонга роҳат, дилга даво бу онлар,
Кўчалардан ўтиб борар меҳмонлар.
Ёшларинг-чи, бир-бирига қоқар им,
Булар бари – ошигингдир, Бишкегим.*

*Дунё кезиб, кўп сулув шаҳар кўрдим,
Аммо согинч ҳисси чулғар танимни.
Ўз ерини севмаган кас ҳеч қачон
Согинмагай ўрдаси – Ватанини.*

*Лондон, Париж, Москва – ўз йўлига,
Бишкегимга ҳурматимни билдирсам.
Барқ уравер яшил шаҳрим, ёш қалъам,
Ўрда қалъам, қирғизимга бош қалъам.*

*Жон-танзимиз бирлиги тақдиримдир,
Баҳорда у муҳаббатдай эркали.
Бишкегимнинг оёғига тўшалган
Олатогнинг алвонранг лолалари.*

ҚИРҒИЗИСТОН

(Вано Мурадели куйига)

*Азалий қирғиз элимиз,
Эркинлик излаб келганмиз.
Дўзахни ҳам кўрганмиз,
Азобни ҳам кўрганмиз.*

*Йўлимизни кўп тўсди
Тарихнинг не-не бўрони,
Зулмат оғушида қолсак-да
Туғимизни тутдик юқори.*



*Осмонда гар булут кўринса,
Мен сени ўйлайман, Ота юрт.
Сен борсан, юраман шерланиб,
Сен борсан, элим тинч, бағрим бут.*

*Ғанимлар хуружсин қайтарган
Ғайратли элмиз биз хур, омон,
Эрк туғи ҳилпираб, қирғизим
Кўксига ел тегсин бу замон.*

ИНИЛАРИМ

*Ўнғ қанотим мисоли бири менинг,
Чап қанотим мисоли бири менинг.
Қўш қаптолдай қўшлашиб кириб келар,
Бўй-бастаи кўримли иниларим.*

*Бўйларига тикилиб, ният қилдим –
Беклар чиқсин, иниларим, орангиздан.
Оғам йўқ деб ўкинмайман бу дунёда,
Чунки ўзим сизларнинг оғангизман.*

*Яхшиликда сизлардан қолишмайман,
Яхши сўз, ниятимни бағишлайман.
Асқар тоғдай кўраман Асқаримни,
Омон бўлсин Жаништойим, Байиштойим.*

НАТЮРМОРТ

*Қора кофе.
Бир чақмоқ қанд.
Бир бурда нон.
Човғум қайнар. Пиёла. Лаби учган.
Турайин, егулик мўл дастурхонда,
Қуруқ қолмай эрталабки насибамдан.*

*Бир ой муддат. Бир нима ёзмоқчиман.
Аммо... йил ўтиб кетар. Битмайди у.
Оғир меҳнат пешонамда бор экан-да.
Демакки, Худойимнинг буйруғи бу.*

*Қуруқ қолмай тонгдаги насибамдан,
Човғум қайнар. Пиёла. Лаби учган.
Қаранглар, бу ўзгармас натюрмортга:
Қора кофе.
Бир чақмоқ қанд.
Бир бурда нон.*

ЮЗ ҰНИНЧИ МАРШРУТ

*Кенг шаҳарни айланиб,
Хизматга хўб шайланиб,
Юрарди бизнинг Бишкекда
Юз ўнинчи маршрут.*

*Қўшилар кутар эди,
Куттирмай ўтар эди.
Тонгда бошланган бозор
Кеч маҳал битар эди.*

*Улуглар билан бирга,
Сулувлар билан бирга,
Беи-олти йил йўл босдим,
Ўзим ҳам бу маршрутда.*

*Бой бўлиб қопмиз, чоғи,
Ҳамма ёқда ўзгариш.
Маршрутнинг рақами
Нақд бир юзга кўпаймиш.*

*Маъмурлар сал шошдимми?
Ё рақам ҳам ошдимми?
Бу ўзгариш сабабли
Хазинамиз тошдимми?*

МАОШ ТЕГСА

*Маош тегса, айғир сотиб олсамми?
Уни миниб, Ойга учиб кетсамми?
Бойлик нима? Билмам, қандай яралар,
Маош билан муродимга етсамми?*

*Қулмат бу йил дабдабали уй солди,
Ойжамоллар арзон-гаров мол олди.
Яқин дўстим, доллар топиб олганми,
Дарданелле бўғозида дам олди.*

*Янги йилни кутиш сизга осонми?
Янги замон қимматми ё арзонми?
Маош тегса, нима бўлса бўлар деб,
Айғиримда ойга кетиб қолсамми?*



ФЕДОР ДОСТОЕВСКИЙ

(1821–1881)

АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР¹

Тўрт қисмли, эпилогли роман

*Рус тилидан
Иброҳим ҒАҒУРОВ
таржимаси*

БИРИНЧИ ҚИСМ

Учинчи китоб

IX

ЛАЗЗАТПАРАСТЛАР

Дмитрий Федоровичнинг орқасидан залга Григорий билан Смердяков ҳам югуриб киришди. Улар эшикда уни ичкарига қўймаслик учун уринишганди (Федор Павлович бир неча кун бурун уни уйга киритманглар деб тайинлаганди). Дмитрий Федорович залга отилиб киргач, бир зум у ёқ-бу ёққа разм солиб тўхтади, Григорий бундан фойдаланиб, столни айланиб ўтди-да, залдан ичкаридаги бошқа хоналарга кириладиган икки эшикни ҳам беркитди ҳамда ёпиқ эшикни тўсиб иккала кўлини кўксига чалкаштирганча, ўлсам ҳам ичкарига қўймайман деган маънода тек қотди. Дмитрий буни кўриб қичқирдигина эмас, ҳатто чинқириб юборди ва Григорийга ташланди.

– Демак, қиз шу ерда! Уни шу ерга яширишган! Қоч, аблаҳ! – У Григорийни улоқтириб ташламоқчи бўлди, аммо хизматкор уни итариб юборди. Ғазабдан эс-хушини йўқотган Дмитрий бор кучи билан Григорийни кулочкашлаб урди. Хизматкор шу заҳот ерга кулади, Дмитрий эса унинг устидан сакраб ўтиб эшикка ўзини урди. Смердяков ранги оқариб, қалтираб залнинг бу чеккасида Федор Павловични маҳкам кучоқлаб турарди.

– Қиз шу ерда, – қичқирарди Дмитрий Федорович, – ўзим ҳозир кўрдим шу ёққа бурилганини, фақат қувиб етолмадим. Қани у? Қани у?

¹ Давоми. Бошланиши 8,9-сонларда.

“Қиз шу ерда!” – деган нидо Федор Павловичга ақл бовар қилмас даражада қаттиқ таъсир кўрсатди. Бир зумда барча кўркувларидан халос бўлди.

– Ушла, ушла уни! – бўкирди у ва Дмитрий Федоровичнинг орқасидан чопди. Бу ўртада Григорий йиқилган қаддини ростлади, аммо у ҳали ўзига келмаганди. Иван Федорович билан Алеша ота ортидан югуришди. Учинчи хонада бирдан ниманингдир ерга қулагани, жаранглаб сингани эшитилди, бу мрамор тагликда турган катта шиша ваза бўлиб (унча қимматбаҳо эмас), Дмитрий Федорович чопиб ўтаётди уни кулатиб юборганди.

– Тутларинг уни! – ўкирди қария. – Қоровул!

Иван Федорович билан Алеша охири қарияни қувиб етиб, уни зўрлаб залга қайтаришди.

– Нега орқасидан чопасиз! Сизни у ерда ростдан ўлдириб қўяди-ку? – газаб билан қичқирди Иван Федорович отасига.

– Ванечка, Лешечка, қиз демак шу ерда экан, Грушенька шу ерда экан, ўзим кўрдим чопиб кирди деяпти...

У ҳиқиллаб қолди. Бу гал у Грушенькани кутмаганди, бирдан шу ерда деган хабарни эшитиб, дарҳол эс-хушини йўқотди. Унинг бутун аъзойи бадани қалтирар, худди ақлидан айрилгандай эди.

– Э, ахир ўзингиз кўрдингиз-ку, у келгани йўқ! – деб қичқирарди Иван.

– Балки нариги эшикдан киргандир?

– Нариги эшик берк, калити чўнтагингизда...

Дмитрий бирдан яна залда пайдо бўлди. Нариги эшикнинг ёпиқлигига ўзи ишонди, калити ҳақиқатда Федор Павловичнинг ёнида эди. Барча хоналарнинг деразалари ҳам берк эди, бундан чиқди, Грушенька қаердан ҳам кирсин, қаердан ҳам чиқсин.

– Ушланглар уни! – деб қичқира бошлади қария яна Дмитрий Федоровичга кўзи тушиб, – у ётоғимдан пул ўғирлади! – У Иваннинг кучоғидан иткиниб чиқиб ўзини Дмитрийга отди. Аммо Дмитрий иккала кўлини кўтариб чолнинг икки чаккасидаги қолган-қутган сочларидан чангаллаб олди-да, азот кўтариб ерга гурсиллатиб урди. Яна икки-уч марта товони билан башарасига тепди. Чол чинқириб додлади. Иван Федорович у қадар кучли бўлмаса-да, Дмитрий биродарини кучоқлаб зўр билан чолдан ажратиб олди. Алеша ҳам акасини олдидан тутиб унга кўмаклашди.

– Жинни, ўлдириб қўйдинг-ку уни! – қичқирди Иван.

– Жазоси шу! – хансираб деди Дмитрий: – Ўлмаган бўлса, бошқа келиб ўлдираман. Қутқаролмайсизлар!

– Дмитрий! Ҳозироқ йўқол бу ердан! – амирона қичқирди Алеша.

– Алексей! Сен ўзинг менга айт, ёлғиз сенга ишонаман, бу ерга у келдими ё келмадимми? Мен ўзим ҳозир тор кўчада уни четандан бу томонга бурилганини кўрдим. Мен чакирувдим, у қочиб кетди...

– Сенга қасам ичиб айтаманки, бу ерда у бўлгани йўқ, ҳеч ким кўзи тўрт бўлиб уни кутгани ҳам йўқ!

– Лекин мен уни кўрдим... Бундан чиқди, у... Ҳозир биламан унинг қайдалигини... Хайр, Алексей! Эзопа¹ энди пул тўғрисида оғиз очма, Катерина Ивановнанинг дарҳол олдига бор, албатта: “Куллуқ қилдилар

¹ Эзоп – эрампдан аввалги VI асрда яшаган юнон масалчиси. Кўчма номга айланиб кетган. “Эзоп тили” ибораси ҳам бўлиб, масал, киноя билан сўзлаш, ёзиш тушунилади.

де, куллуқ килдилар де! Ҳа, айнан куллуқ, минг бора куллуқ!” Бу томошани унга айтиб бер.

Бу орада Иван билан Григорий чолни кўтаришиб, ўриндикка ўтқизишди. Унинг бетидан қон оқар, аммо эс-хуши ўзида, Дмитрийнинг бақир-чақирларига қулоғи динг эди. Назарида, ҳалиям Грушенька ҳақиқатан қаердадир шу ерда, уйда эди. Дмитрий Федорович чиқиб кета туриб, унга қаҳр ва алам билан қаради.

– Қонингни тўкканимга ачинмайман! – дағдаға қилди у, – эҳтиёт бўл, қария, хаёлингни йиғиб ол, зеро менинг ҳам орзу-хаёлим бор! Сени ўзим лаънатлайман ва ўзим сендан юз ўгираман бутунлай...

У уйдан югуриб чиқиб кетди.

– Қиз шу ерда, ҳақиқатда шу ерда! Смердяков, Смердяков, – Смердяковни бармоғи билан имлаб чақириб базўр хирилларди чол.

– У йўқ бу ерда, йўқ, мияси айниган чол, – унга қаҳри келиб қичқирди Иван. – У ҳушидан кетди! Сочик келтир! Тезроқ қимирла, Смердяков!

Смердяков сув келтиргани югурди. Чолни ниҳоят ечинтиришиб, ётоққа олиб киришди ва тўшакка ётқизишди. Бошини ҳўл сочик билан боғлашди. У шаробхўрликдан, қаттиқ кечинмалар ва таёқланишдан тамомила ҳолдан тойганча, боши ёстикқа теккан заҳоти кўзини юмди ва донг қотди. Иван Федорович билан Алеша залга қайтиб чиқишди. Смердяков кўзанинг синиқларини олиб чиқарди, Григорий эса стол олдида қовоғини солиб ерга тикилиб турарди.

– Сенинг ҳам бошингга ҳўл сочик босайликми ё тўшакка ётсангмикин, – деди Григорийга Алеша. – Биз унга қараб турамыз, акам сени ёмон урди... бошингга.

– У мени сўқди! – хафа бўлиб деди Григорий.

– У сенигина эмас, отамни ҳам “сўқди”! – деб қўйди оғзини қийшайтириб Иван Федорович.

– Мен уни тоғорага солиб чўмилтирганман... у эса мени сўқди! – такрорлади Григорий.

– Жин урсин, агар уни тортиб олмаганимда, ўлдириб қўярди. Эзопга кўп керакми? – шивирлади Иван Федорович Алешага.

– Худо сақласин! – деди Алеша.

– “Сақлаб” нима қилади? – яна ўшандай шивирлади Иван юзи ғазабдан қийшайиб. – Бир ғаддор иккинчи ғаддорни еб битиради, ҳар иккови жаҳаннамга қиради! Даф бўлсин!

Алеша сесканиб тушди.

– Мен, албатта, одам ўлдиришга йўл қўймайман, ҳозир ҳам сақлаб қолдим. Сен шу ерда қол, Алеша, мен ҳовлини айланиб келай, бошим оғрияпти.

Алеша ётоқхонага отасининг олдига кирди ва тўсиқ орқасида бир соатча ўтирди. Қария бирдан кўзини очди, нималарнидир эслаб ва фикрлаб Алешага узок индамай қараб қолди. Бирдан юзида қаттиқ ҳаяжонланиш акс этди.

– Алеша, – қўрқа-писа пичирлади у, – Иван қани?

– Ҳовлида, унинг боши оғрияпти. У бизни қўриқлаяпти.

– Ойнани олиб бер, ҳов ана, олиб бер!

Алеша комод устидаги кичкина очилиб-ёпиладиган думалоқ ойнакни келтириб берди. Чол ойнага қаради: бурни шишиб кетибди, пешонаси чап кошининг тепаси каттагина қонталаш ғурра бўлиб чиқибди.

– Иван нима деяпти? Алеша, жоним болам, бирдан-бир ўғлим, мен Ивандан кўрқаман, мен Ивандан ановдан ҳам кўпроқ кўрқаман. Мен ёлғиз сендан кўрқмайман...

– Ивандан ҳам кўрқманг, Иваннинг жаҳли чиқяпти, аммо у сизни химоя қилади.

– Алеша, анов-чи? Грушенькани қидириб кетими? Жоним фариштам, ростини айт, боя Грушенька келганмиди, йўқми?

– Ҳеч ким уни кўргани йўқ. Бу ёлғон, у келмади!

– Ахир Митька унга уйланмоқчи, уйланади!

– У қиз унга тегмайди.

– Тегмайди, тегмайди, тегмайди, тегмайди, ўла қолса тегмайди!.. – ушбу дамларда шундан ортиқроқ қувончли сўз йўқдай чол хурсанд бўлиб кетиб типирчилади. Азбаройи хурсандлигидан Алешанинг қўлини ушлаб олди-да уни маҳкам юраги устига босди. Кўзларида ҳатто бир томчи ёш йилтиради. – Мен боя сенга Биби Марям санамини гапириб берувдим, ўшани сен ўзинга ола қол, олиб кет. Монастирга қайтишга ҳам ижозат бераман... Ҳали ҳазиллашдим, хафа бўлма. Бошим оғрияпти, Алеша... Леша, жонимга таскин бер, фариштамсан, тўғриси айт!

– Ҳалиям ўша гапми, ўша қиз келувдими, йўқми, шуни айтяпсизми? – куюниб деди Алеша.

– Йўқ, йўқ, йўқ, сенга ишонаман, гап бундай, сен ўзинг Грушенькани топ, у билан кўриш, тезроқ бориб ундан сўра, ўз кўзинг билан кўриб ишонч ҳосил қил, тезроқ бўл: у кимни хоҳлайди ўзи, меними, уними? Лаббай? Нима? Қиласанми, қилолмайсанми?

– Агар уни кўрсам, сўрайман, – гўлдиради Алеша қисиниб.

– Йўқ, у сенга айтмайди, – унинг сўзини бўлди қария, – у шўх. У сени кучоғидан бўшатмайди, ўпиб, сенга тегаман дейди. У алдоқчи, уят йўқ, йўқ, сени унинг олдига юбориб бўлмайди, мумкинмас!

– Ҳа, отажон, яхши бўлмайди, жудаям яхши бўлмайди.

– Анави сени қаёққа юбораётган эди бақириб, “бориб кел” деб, кетаётганида?

– Катерина Ивановнанинг олдига бориб кел деди.

– Пулгами? Пул сўраяптими?

– Йўқ, пул сўрамаяпти.

– Унинг пули йўқ, бир тийини ҳам йўқ. Қулоқ сол. Алеша, мен кечаси ётиб ҳаммасини ўйлаб кўраман, сен ҳозирча боравер. Балки, ўша қизни ҳам учратиб қоларсан... Фақат эртага эрталаб, албатта, олдимга кел, албатта, кел. Мен сенга эртага айтадиган битта сўзим бор, келасанми?

– Келаман.

– Келсанг, шундоқ ўзинг келгандай бўл, отангни кўргани. Мен чақирганимни ҳеч кимга айтма. Иванга билдирма.

– Хўп бўлади.

– Хайр, фариштам, боя менинг ёнимни олдинг, ўла-ўлгунча унутмайман. Сенга эртан бир сўз айтаман... фақат ҳали яна ўйлаб кўриш керак...

– Ўзингиз тузукмисиз ахир?

– Эртагаёқ туриб кетаман, отдай бўламан, соппа-соғ, соппа-соғ бўламан!..

Алеша ҳовлидан ўтиб кетаётиб биродари Иванни дарвозахонада скамейкада ўтирганини кўрди: у ён дафтарига қалам билан нималар-



нидир ёзарди. Алеша Иванга қария кўзини очгани, ақли-хуши жойида эканлигини айтди, менга монастирда ухлагани рухсат берди, деди.

– Алеша, мен эртага эрталаб жон-жон деб сен билан учрашмоқчи эдим, – ўрнидан туриб очик юз билан деди Иван – бу самимият Алеша учун ҳатто бутунлай кутилмаган нарса бўлди.

– Мен эртага Хохлаковаларникида бўламан, – жавоб берди Алеша. – Эртага Катерина Ивановнани ҳам кўришим керак, агар бугун тополмасам...

– Энди ҳар ҳолда Катерина Ивановнанинг ҳузурига борасан! Қуллуқ қилиш, куллуқ учун? – илжайди бирдан Иван. Алеша хижолат чекди.

– Мен бояги хитоблари ва яна бошқа аввалги гап-сўзлардан ҳаммасини тушунгандайман, Дмитрий сендан илтимос қилган бўлса керак унинг қошига бориш ва... ва... хуллас, “куллуқ қилишликни”...

– Ака! Бу отам билан Дмитрий ўртасидаги низо қачон тугайди ўзи? – хитоб қилди Алеша.

– Айтиш қийин. Балки ҳеч нарса бўлмас, бости-бости бўлиб кетар. Анави хотин – чатоқ. Ҳар ҳолда, қарияни уйдан чиқармаган маъқул, Дмитрийни эса уйга йўлатмаслик зарур.

– Ака, яна бир нарсани сўраб олай, нахотки ҳар қандай одам бошқа одамларга қараб туриб ким улардан яшашга муносиб ва ким муносиб эмас деб ҳукм чиқаришга ҳақли бўлса?

– Бу ерда муносиб, муносиб эмас деган нарсани аралаштиришнинг зарурати бормикин? Бу савол одамларнинг қалбида, кўпинча, муносиблик асосида унчалар ҳал этилмайди, бунга бутунлай бошқа анчайин табиий бўлган сабаблар мавжуд. Ҳақ масаласида, ким исташ ҳақиқага эга эмас?

– Бировнинг ўлимини исташ ҳақи эмасдир-ку?

– Ўлимини истаса ҳам, нима бўлибди ахир? Барча одамлар шундай яшаганларидан сўнг нима учун ўз-ўзингни алдашинг керак, ҳар ҳолда улар бошқача яшолмайдилар-ку. Сен менинг бояги икки ғаддор бир-бирини еб битиради деган сўзларимни айтяпсанми? Ундай бўлса, сендан ҳам сўрашга ижозат эт, сен мени ҳам худди Дмитрий каби Эзопнинг қонини тўқишга, яъни уни ўлдиришга қобил деб ҳисоблайсанми?

– Нима деяпсан, Иван! Буни ҳеч қачон хаёлимга ҳам келтирмаганман. Дмитрийнинг ўзини ҳам мен ундай демайман...

– Шунга ҳам раҳмат, – илжайди Иван. – Билиб қўй, мен уни доим ҳимоя қиламан. Аммо ушбу ҳолатда мен ўз истакларим учун кенг маконлар қолдираман. Эртагача хайр. Менга ғаддор деб қарама ва ўпкалама, – деб қўшиб қўйди у илжайиб.

Улар бир-бирларининг қўлларини маҳкам қисдилар, илло, илгари ҳеч қачон бундай қилмаган эдилар. Алеша, акаси ўзи биринчи бўлиб у томонга қадам ташлагани ва буни, албатта, қандайдир бир ният билан ненидир кўзлаб қилганини сизди.

Х

ИККОВЛОН БИРГАЛИҚДА

Алеша боя отасининг қошига кириб борганидан кўра ҳам оғирроқ аҳволда руҳи каттиқ эзилиб, абгор бўлиб ота уйидан чиқди. Ақли-идроки

хам парчаланган ва тарқоқ, шу билан бирга у бу парча-пурчаларни бир жойга жамлаб бирлаштириш, бугун бошидан кечирган барча изтиробли зиддиятларнинг баридан битта умумий хулоса фикр чиқаришдан кўрқаётганини ҳис қиларди. Негадир бу теран умидсизликка менгзар, Алешанинг юраги ҳеч қачон бунақасига дуч келмаганди. Буларнинг ҳаммасининг устида худди тоғ каби юксалиб асосий, ечиш қийин бўлган, машъум савол турарди: отаси билан акаси Дмитрийнинг ўша кўрқинчли аёл олдида қисматлари қандай кечади? Нима билан тугайди? Мана энди ўз кўзи билан кўрди. Ўзи гувоҳ бўлди, уларни юзма-юз дуч келганларида учратди. Дарвоқе, бунда фақат акаси Дмитрийгина бир йўла даҳшатли тарзда бахтсиз бўлиб қолиши мумкин эди: ҳеч шубҳасиз кулфат унинг изига тушганди. Бу ишга аралашиб қолган яна бошқа бир қанча одамлар ҳам йўқ эмасди, бу илгари Алеша ўйлагандан кўра ҳам бешбаттарроқ бўлиши мумкин эди. Бунда қандайдир сир ҳам борга ўхшарди. Акаси Иван унга яқинлашиш учун бир қадам илгари босди, буни Алеша анчадан бери истарди, мана энди бу яқинлашиш учун ташланган қадамдан нечундир чўчиётганлигини сезиб турарди. Анави хотинлар-чи? Қизиқ бўлди, боя у Катерина Ивановна ҳузурига қисиниб-қимтиниб йўл олган эди, энди эса ўша хижолатдан асар ҳам қолмаганди, аксинча, тезроқ бориш пайига тушиб қолган, гўё ундан керакли тавсиялар олишга ошиқарди. Бироқ шундай бўлса-да, қизга топшириқни етказиш энди мушкуллашгандай туюларди: уч минг рубль масаласи узил-кесил хал бўлганга ўхшарди ва эндиликда биродари Дмитрий ўзини бутунлай ғирром деб топиб, умидсизликка тушиб, бу ёғига ҳеч қандай тубанликдан қайтмайди. Бунинг устига ҳозиргина отаси ҳузурида бўлиб ўтган машмашани Катерина Ивановнага оқизмай-томизмай гапириб беришни топширди.

Алеша Катерина Ивановнанинг Катта кўчадаги кенг ва қулай уйига етиб келганида, кеч соат еттилар бўлиб қолган, қоронғи туша бошлаганди. Алеша у қиз икки холаси билан бирга яшашини биларди. Уларнинг бирови фақат опаси Агафья Ивановнагагина хола бўларди, бу отасининг уйида бўладиган ўша камгап аёл эди, у институтдан отасиникига қайтганда, опаси билан шу аёл унга қарашарди. Бошқа иккинчи холаси назокат, муомалани жойига қўядиган масковлик сипо хонимлардан бўлиб, бироз қашшоқлашиб қолганди. Ташқаридаги гап-сўзларга қараганда, ҳар икковлари ҳам тўлалигича Катерина Ивановнага бўйсунитар, расм-русум одобига кўра ҳам унинг ҳузурида бўлишарди. Катерина Ивановна эса бетоблиги туфайли Масковда қолган валинеъмати генерал ойимгагина бўйсунар ва ҳар ҳафтада ўзининг туриш-турмуши ҳақида унга икки марта батафсил хат йўллаб турмоғи жоиз эди.

Алеша эшикдан ичкарига кириб, оқсоч қиздан ўзи ҳақида уйдагиларга маълум қилишини сўраганда, катта хонада ўтирганлар, чамаси, аллақачон бундан хабар топишганди (балки уни деразадан кўришгандир), фақат Алешанинг қулоғига қандайдир шовқин чалинди, аёллардан кимнингдир югургани, либосларнинг шилдираши эшитилди: балки икки ёки уч аёл чопишиб ўтгандир. Алеша ўзининг келиши бу ердагиларни мунчалар ҳаяжонга солишини ўйламагани учун бу қизиқ туйилди. Бироқ уни дарҳол залга бошлаб киришди. Бу катта хонага кўркам ва турли-туман жиҳозлар қўйилганди, бутунлай одатдаги маҳаллийча жиҳозлашга ўхшамасди. Унда жуда кўп диванлар, диванчалар, суюнчиқли қиялама ўриндиқлар,

катта-кичик столлар, столчалар кўзга ташланарди; деворларга мой бўёқ суратлар осилган, столларда кўзалар ва чироқлар турар, ҳамма ёқда гуллар, гулдасталар, дераза токчасида эса ҳатто аквариум бор эди. Хуфтон чоғи бўлгани учун хона қоронғироқ эди. Чамаси, ҳозиргина аёллар ўтиришган, Алешанинг диван устида елкага ташлаб юриладиган шол рўмол, диван олдидаги стол тепасида эса чала ичилган шоколад, бисквит ширинликлар ва икки биллур тақсимчага солинган майиз ҳамда попук конфетларга кўзи тушди. Кимнидир меҳмон қилишаётган экан, шекилли. Алеша меҳмондорчилик устидан чиққанини фаҳмлади ва пешонаси тиришди. Лекин худди шу дамда дарпарда сурилди-да илдам қадам ташлаб Катерина Ивановна кўринди, у кувонч ва ҳайрат ила табассум қилиб иккала кўлини Алешага узатди. У билан изма-из оксоч қиз кириб столга иккита ёниб турган шамчироқ ўрнатди.

– Худога шукур, ниҳоят келар кунингиз бор экан-а! Мен кун бўйи худодан фақат сизнинг келишингизни сўрагандим! Ўтиринг.

Бундан уч ҳафталар бурун Катерина Ивановнанинг кутилмаган фавқулудда илтимосига кўра биродари Дмитрий уни биринчи марта таништириш учун олиб келганида қизнинг гўзаллиги Алешани жуда қаттиқ ҳайратга солиб қўйганди. Аммо ўша кўришганларида ўрталарида гап унча қовушмади. Катерина Ивановна Алеша қаттиқ уялаётган бўлса керак, деб ўйлаб, унинг ҳиссиётларини авайлаб, бутун вақтини Дмитрий Федорович билан гаплашиб ўтказди. Алеша оғиз очмади, аммо жуда кўп нарсаларга разм солиб чиқди. Димоғдор қизнинг ҳукмфармолиги, мағрур бепи-сандлиги, ўзига қаттиқ ишонганлиги Алешани лол қилиб қўйди. Қизнинг бор бўй-басти ҳақиқатан шундай эди. Алеша баҳони ошириб-тоширмаётганига ишонарди. Қизнинг чўғдай ёнган катта чарос кўзлари мафтункор ва унинг биров чўзинчоқроқ оқпар ва ҳатто оқпар-сарғиш чехрасига бениҳоя ярашарди. Лекин мана шу кўзлар, худди шунингдек, жозибали дудокларда унинг акасини телба қилиб қўйган алланималардир зухур этар, лекин эҳтимолки, шу нарсаларни узоқ вақт яхши кўриб бўлмасди. Дмитрий танишувдан сўнг қайлиғим сенда қандай таассурот қолдирди, мендан ҳеч нарсани яширмай ҳаммасини айтасан деб туриб олганда, у мана шу фикрини беркитмай очиқ маълум қилди.

– Сен у билан бахтли бўласан, аммо, балки... тинчлигинг бўлмайди.

– Шунақа, шунақа, ука, булар худди шунақа бўлиб қолаверишади, улар тақдирга бўйсунмайди. Демак, мен уни доим ҳам севмас эканман-да, сен шундай деб ўйлайсанми?

– Йўқ, сен балки уни ҳар доим севарсан, лекин, балки, у билан доим ҳам бахтли бўлавермайсан...

Алеша ўшанда акасининг илтимосини рад этолмай қизариб-бўзариб шунақанги “аҳмоқона” гаплар айтганидан ўзидан ғаши келиб, норози бўлди. Ҳақиқатан ҳам, айтган заҳоти ўзининг фикри ўзига жудаям тентакнамо туюлиб кетди. Аёл киши борасида шундай қатъият билан кескин фикр билдирганидан уялди. Мана энди ҳузурига югургилаб чиққан Катерина Ивановнага илк кўзи тушгандаёқ, ўшанда балки жудаям хато қилганини англаб қаттиқ ажабланди. Бу сафар унинг юзи ажиб оққўнгилик, меҳр билан яшнаган, унда завқ-шавқ, самимият ўйнади. Алешани ўша вақтда шундай ҳайратга солган “мағрурлик ва димоғдорлик” ўрнида энди фақат жасорат, олийжаноб куч-ғайрат ва қандайдир ўз-ўзига аён-

равшан қудратли ишонч барқ урарди. Алеша унга биринчи қарагандаёқ, илк сўзлар айтилгандаёқ тушуниб етдики, у жонидан ҳам ортиқ севган киши билан боғлиқ ўз фожиали ахволининг энди ҳеч қандай сирли жойи қолмаган, эҳтимол, у энди ҳаммасини миридан-сиригача биларди. Бирок шунга қарамасдан унинг юзи порлаб нур сочар, келажакка шунчалар ишонч гуркирарди. Алеша бирдан унинг олдида ўзини худди олдиндан билиб туриб қилингандай, жуда жиддий тарзда айбдор ҳис қила бошлади. У батамом енгилган ва дарҳол ясоққа тортилганди. Яна буларнинг ҳаммасидан ташқари, унинг илк сўзлариданоқ шуни пайқадими, қиз аллақандай жуда кучли ҳаяжонда эди, бу унинг учун ғоят қутилмаган ҳол бўлиб кўринар, унинг бу ҳаяжонида қандайдир завқ-шавқ аён кўзга ташланарди.

– Мен сизни шунинг учун бундай қаттиқ интизор бўлиб кутдимки, энди фақат сиздан бутун ҳақиқатни билиш мумкин, бошқа ҳеч кимдан!

– Мен келганим... – тили тутилиб ғўлдиради Алеша, – мен... у мени сизга юборди...

– Э, у сизни юбордими, ўзим ҳам сезган эдим, энди ҳаммасини биламан, ҳаммасини! – шахд билан деди Катерина Ивановна кўзларидан ўт чақнаб. – Шошманг, Алексей Федорович, сизни нега бунчалар интиқ кутганимни олдиндан айтай. Кўряпсизми, мен ҳатто сизнинг ўзингиздан ҳам кўра кўпроқ нарсаларни балки биламан, менга сизнинг айтадиган хабарларингиз керак эмас. Менга бошқа бир нарса керак: мен сизнинг, у ҳақдаги шахсан ўзингизнинг охирги фикрингизни билишни истайман, мен кўпол, яланғоч бўлса ҳам, энг тўғри гапни айтишингизни хоҳлайман (майли, ҳар қанча кўпол, дағал бўлаверсин, о!) – сиз ўзингиз унга ҳозир қандай қарайсиз, унинг бугун сиз билан учрашгандан кейинги ахволи қандай? У менга қорасини кўрсатмай қўйди, ўзим у билан кўришиб орани очик қилгандан кўра, балки сиздан эшитиб билганим яхшироқ. Сиздан нима истаётганимни тушундингизми? Энди айтинг, сизни нима деб юборди (мен билардим сизни шундай жўнатишини!) – оддий қилиб айтинг, энг охирги гапни айтинг!

– У сизга... қуллуқ айтиб юборди, бошқа ҳеч қачон бормайман деди... қуллуқ қиламан, деди.

– Қуллуқ қиларканми? У худди шундай айтдим, шу сўзларни дедими?

– Ҳа.

– Балки шунчаки тасодиф, балки сўзда адашгандир, керакли сўзни тополмагандир?

– Йўқ, у айнан мана шу “қуллуқ” деган сўзни айтишни буюрди. Мен эсимдан чиқармаслигим учун уч марта такрорлаб айтди.

Катерина Ивановна қизариб кетди.

– Энди менга ёрдам беринг, Алексей Федорович, мана энди менга сизнинг ёрдамингиз керак: сизга ўз фикримни айтаман, сиз эса унга қараб тўғри ё нотўғри ўйлаётганимни айтасиз. Қулоқ солинг, агарда у менга шунчаки йўл-йўлакай, айнан шу сўзни таъкидламай қуллуқ қилишни сўраганда, бу иш тугагани бўлади... Тамом-вассалом! Аммо мабодо, у худди мана шу сўзни таъкидлаб айтган бўлса, алоҳида таъзим қилишни сўраган бўлса, унда буни қаттиқ ҳаяжон ичида айтган, балки эс-хуши ҳам жойида бўлмагандир? Бир қарорга келган-у ўзининг бу қароридан кўркиб кетган! Мендан қадамини шахдам, дадил ташлаб кетмабди,



тоғдан тўғри пастга қулабди. Бу сўзни таъкидлаб айтиб, ўзини ботир қилиб кўрсатмоқчи бўлибди...

– Шундай, шундай! – қизғин маъқуллади Алеша, – менга ҳам hozir шундай туюляпти.

– Ундай бўлса, ҳали умид бор! У қаттиқ умидсизликка тушган, аммо мен ҳали уни кутқаришим мумкин. Тўхтанг, у сизга пул ҳақида ҳеч нарса демасин, уч мингни тилга олмасинми?

– Айтганда қандоқ! Лекин энг кўп уни қийнаётган нарса мана шу. У номусимдан айрилдим деяпти, менга энди ҳаммаси барибир бўлиб қолди дейди, – қайнаб-тошиб деди Алеша, юрагига аллақандай умид учқунлари ёғилаётганини ҳис қилиб, балки ҳақиқатан ҳам акам учун қутулиш ва халос бўлиш йўли беркилмагандир деб ўйлаб. – Аммо сиз... бу пул ҳақида биласизми? – деб қўшимча қилди у ва тилини тишлаб қолди.

– Анчадан бери биламан, аниқ биламан. Мен Масковдан телеграмма жўнатиб сўраганман, пул обориб берилмаганидан хабарим бор. У пулни юбормади, лекин мен индамай келдим. Охиригга ҳафта яна шуни ҳам билдимки, унга яна пул керак экан. Мен бунинг ҳаммасида битта мақсадни кўзлайман: у билсин кимга қайтиб келишини ва энг садоқатли дўсти кимлигини тушунсин. Йўқ, мен унинг энг садоқатли дўсти эканлигимга ишонгиси келмаяпти, менга қарагиси йўқ, менга фақат хотин киши деб қараяпти. Бир ҳафтадан бери мени шу ташвиш қийнайди: қандай қилсам у уч мингни исроф қилгани учун мендан уялишни бас қилади? Майли, ҳаммадан ва ўз-ўзидан уялаверсин, аммо мендан уялмасин. Ахир худога у уялмай ҳаммасини айтади-ку. Нега ахир шу пайтгача у мен қанчалар бардошли эканлигимни билмайди? Нима учун, нима учун у мени билмайди, ўртамизда шунча нарсалар бўлиб ўтгандан кейин нега у мени билмайди? Мен уни абадул-абад халос этаман. Майли, мен қайлиғи эканимни унутсин! Ана, у менинг олдимда ўз номус-ори учун кўрқади! Ахир у сизга, Алексей Федорович, юрагини очишдан кўрқмабди-ку? Нима, мен ҳам шу пайтгача бунга арзимабманми?

У кўзига ёш олди, ёшлари юзидан шашқатор окди.

– Мен сизга яна шуни ҳам маълум қилишим керакки, – деди овози қалтираб Алеша, – отам билан ораларида жанжал чикди. – Шундан сўнг бор машмашани ҳикоя қилиб берди, пул олиб келишга жўнатилгани, кейин тўполон чиқариб отасини ургани ва охирида Алешадан бориб “қуллуқ” қилишликни қаттиқ илтимос ва илтижо этганини сўйлади... – У анов хотинни кетди... – оҳиста яқунлади Алеша.

– Сиз мени ўша хотинга чидамайди деб ўйлайсизми? У, чидамайди дейдими? Аммо унга уйланмайди, – заҳарханда кулди у бирдан, – ахир Карамазов шундай хирсу ҳаво билан мангу ёниши мумкинми? Бу хирсу ҳаво, муҳаббат эмас. У уйланмайди, чунки қиз унга тегмайди ҳам... – яна ғалати қилиб илжайди Катерина Ивановна бирдан.

– У балким уйланар, – кўзларини ерга тикиб маъюс деди Алеша.

– Сизга айтяпман, у уйланмайди! Бу қиз мисоли фаришта, сиз бунинг биласизми? Сиз биласизми бунинг! – хитоб қилди бирдан Катерина Ивановна хориқулудда жўшиб. – Бу хаёлийларнинг энг хаёлий хилқати! Мен унинг жуда офатижон эканини биламан. У жуда оқила, қатъиятли ва олийжаноб эканлигини ҳам биламан. Нега сиз менга бундай қараясиз, Алек-

сей Федорович? Балким, сўзларимга хайрон қолаётгандирсиз, балким менга ишонмаётгандирсиз? Аграфена Александровна, фариштагинам! – деб кичқирди у бирдан бошқа хона томонга қараб кимгадир, – бу ёққа келинг бизнинг ёнимизга, бу яхши йигит, Алеша келибди, у ҳаммасидан хабардор, келинг!

– Мен қачон чақираркансиз деб парда орқасида кутиб турувдим, – кизнинг майин, бироз чучмалроқ овози эшитилди.

Тўсиқ парда очилиб, шу... Грушеньканинг ўзи хушчақчақ кулиб стол ёнига келди. Алешанинг бутун ичи бир тўнтарилиб тушгандай бўлди. Нигоҳи кизга қадалди-да, кўз узолмади. Мана, ўша “чатоқ” аёлнинг ўзи, бундан ярим соат аввал биродари Иван уни шундай деб эди. Бироқ, қаранг, унинг олдида бир қарашда жуда оддий, одми бир хилқат – оқила, ёқимли бир аёл, кўҳликкина, аммо бошқа барча кўҳлик, лекин “оддий” аёлларга ўхшаган дилбар сиймо турарди! Рост, унинг истараси жуда ҳам иссиқ, ҳатто жуда ҳам иссиқ – чинакам рус гўзали эди, кўплар бундайларни эҳтирос билан яхши кўрадилар. Унинг қадди-қомати баланд, лекин Катерина Ивановнага қараганда бўйи пастроқ эди (Катерина Ивановна анча бўйдор қиз эди), у тўладан келган, лобар, гавдасининг ҳаракатлари сассиз ва майин, нозиклиги тантикликка айланган, гап оҳанглари ҳам шунга ўхшашроқ ясамароқ эди. У Катерина Ивановна каби шахду шиддат, пот билан солланиб эмас, балки овоз чиқармай сассиз яқинлашди. Кўйган қадам товушлари эшитилмасди. У юмшоқ ўриндикка оҳиста ўтирди, башанг қора ипак кўйлаги оҳиста шилдиради, сутдай оппоқ тўлғин бўйни ва кенгчил елкасига нозикча қилиб қимматбаҳо қора шол рўмол ташлаганди. Унинг ёши йигирма иккида, чехра кўриниши шу ёшига монанд эди. Унинг бети тўлин ойдаи оппоқ, ёноқларида нимтатир қизиллик ўйнади. Юзининг тархи ой гардишидек кенг, бўлиқ даҳани бироз илгари чиққанди. Дудоғининг устки лаби жуда нафис, пастки лаби худди кўпчигандай бўлиқ ва бўрсилдоқ эди. Аммо ажойиб-ғаройиб, қалин қорамтир-сарғиш сочлари, қора қундуз кошлари, камон ўқидек узун-узун киприклари, кўкимтирга мойил мафтункор кўзлари қарамайман деган одамни ҳам, қаерда бўлмасин, тўда ичидами, сайлдами, издихомдами ҳеч иложсиз ўзига жалб этар ва узоқ вақт эсида қоларди. Алешани ҳаммадан ҳам унинг чехрасидаги болаларча содда, маъсум ифода хайратга солди. Болалардай нигоҳ солар, болалардай қувонар, у стол олдига ҳам худди алланималарнидир кутгандай “шодланиб”, нима бўларкин дегандай болаларча бесабр қизиқиб келди. Унинг қарашидан одамнинг кўнгли ёришарди – Алеша буни ҳис қилди. Қизда яна алланарсалар бор эдики, Алеша ҳали бунинг тагига, маъносига етолмас, лекин ғайришуурий тарзда онгига етиб борар, балки бу ўша ҳаракатларидаги юмшоқлик, майинлик, бу ўша фақат мушукларда бўладиган қадамлардаги сассизлик эди. Ҳа, ҳар чоғлик бу ниҳоятда лобар, билқиллаган латофат эди. Қора шол рўмол оғушида бўлиқ елкалар гуркирар, навраста кўкси ҳали ғунчадек қулф урарди. Минослик Венеранинг шаклу шамойили балки шундай эди, озгина муболағаси бўлган тақдирда ҳам, лекин бу албатта, шундай эканлиги сезилиб турарди. Рус аёллари гўзаллигининг билағонлари Грушенькага қараб туриб шуларни ҳам беҳато олдиндан башорат қилишлари мумкин эдики, бу бениҳоя тароватли, навраста гўзаллик ёш ўттизга бориб мавзунлиги, оҳанрабосини йўқотади, юз буришади, кўз атрофлари ва



манглайда жуда тез ажин чизиклари пайдо бўлади, юзнинг ранги-туси ўзгаради, балки бўғриқади – хуллас, бир сўз билан айганда, чирой бир зумлик, чирой тезда ўчади, мана шундай чирой айнан рус аёлларида кўп учрайди. Албатта, Алеша бу ҳақда ўйлаётгани йўқ эди, гарчи у шу тобда мафтун бўлиб турган бўлса ҳам, лекин қандайдир ёқимсиз сезгилардан қутулолмас, қизга ачиниб туриб, ўзидан ўзи сўрар эдики, нега у бу қадар чўзилиб, сўзларни ямлаб гапиради, нега табиий қилиб сўйламайди? Чамаси, қиз сўзларнинг бўғинлари ва товушларини атай чўзиб, чучмал оҳангга солиб ямлаб талаффуз қилишликда ўз наздида бир гўзаллик кўрса керак. Албатта, бу ёмон одатланиш, ёмон ўрганиш ва ёмон тарбиянинг натижаси эди, яхши хулқ, чин одоб нималигини болаликданок тўғри англамаслик, сийқа тушуниш эди. Қизнинг болаларча содда ва хушхол юз ифодаларига, Алеша назарида, сўзларни бундай ясама чўзиш, ямлаш мутлақо ярашмасди, маъсум гўдакдек кулиб, порлаб турган, осуда, бахтиёр бу кўзларга бутунлай тескари эди! Катерина Ивановна уни дарҳол Алешанинг рўпарасига юмшоқ ўриндиққа ўтқизди ва унинг кулиб турган серҳанда лабларидан бир неча маротаба завқ-шавқ билан ўпиб кўйди. У худди қизга ошиқ бўлиб қолганга ўхшарди.

– Биз биринчи марта кўришиб турибмиз, Алексей Федорович, – деди у тўлиқиб-тошиб, – мен уни билгим, кўргим келди, унинг олдига борай дедим, аммо у бир оғиз сўзим билан ўзи етиб келди. У билан ҳаммасини бирга ҳал қилишимга ишонувдим, ҳаммасини! Юрагим шундай сезувди... Мени бу йўлдан қайтармоқчи бўлишди, аммо мен охиригача ишондим, хато қилмабман. Грушенька ҳаммасини, ўзининг барча ниятларини менга тушунтирди, у худди чин фариштадай бу ерга учиб тушди, ором ва қувонч келтирди...

– Мендан сира жирканмадилар, бу ширин-шакар яхши ойимқиз, – деб чўзилиб-сузилиб сўйлади Грушенька ҳамон ўша ширин, қувноқ табассум билан.

– Менга бундай сўзларни асло айтманг, эй оромижон, эй фусунсоз! Сиздан жирканарканманми? Мана мен сизнинг дудоқларингиздан яна бир бор ўпиб кўяман. Лабларингиз шундай пўрсилдоқ, майли у янада пўрсилласин, яна, яна... Қаранг, унинг қандай ажойиб кулишини, Алексей Федорович, юрагинг яйрайди бу фариштага қараб... – Алеша қизариб бўзарар ва билинар-билинимас титраб қалтирарди.

– Сиз мени эркалатиб юбордингиз, ширин ойимқиз, мен эсам сизнинг бу эркалатишингизга балки ҳечам арзимамайман.

– Арзимасмиш, у арзимасмиш! – яна ошиб-тошиб жўш урди Катерина Ивановна, – Алексей Федорович, сиз билиб кўйинг, биз мана шунақа самовий хилқатмиз, биз ўхшаши топилмас мағрур-гурурли юраккина-миз. Биз эзгу-олийжанобмиз, Алексей Федорович, бизнинг ҳимматимиз баланд, сиз буни биласизми? Биз фақат бахтсиз эдик. Биз ўзимизни ўйлаб ўтирмай арзимаган, номуносиб одамга, енгилтак одамга қурбон келтирмоқчи эдик, яна биттаси бор эди, у ҳам зобит эди, биз уни севиб қолдик, унга жонимизни бағишладик, анча бўлди бунга, беш йил орада ўтди, у эса бизни унутди, бошқага уйланди. Энди у хотини ўлиб бева қолди. Мен ҳузурингга боряпман, деб хат ёзди, билиб кўйинг, биз унинг ўзини, ёлғиз уни ҳанузгача севадим, бир умр севганмиз! У қайтиб келади ва Грушенька яна бахтини топади, ўтган беш йил у ўзини бахтсиз деб

юрди. Лекин ким уни айбсита олади, ким унинг ҳиммат-марҳамати билан мақтана билади! Фақат анави, чўлоқ савдогар чол, аммо у кўпроқ бизга ота ўрнида эди, дўстимиз, мададкоримиз, кўриқчимиз эди. У бизни умидсизликка тушган чоғимизда, азоб-укубатда қолганимизда қўллади. Биз жондан севган одам бизни шундоқ гирифтормоқчи килиб кетганди... ахир у бечора ўшанда ўзини сувга ташламоқчи эди, ахир ўша чўлоқ чол уни қутқарди, қутқарди!

– Сиз жудаям менинг ёнимни оляпсиз, ширин ойимқиз, жудаям шошқалоқлик қиляпсиз, – яна чўзилиб-сузилиб деди Грушенька.

– Ёнингизни оляпманми? Биз ёнингизни оламизми, сизни ҳимоя қилишга журъат қиламизми? Грушенька, фариштам, менга кўлингизни беринг, мана шу лўппи, миқти, чиройли кўлчани кўринг, Алексей Федорович, сиз уни кўряпсизми, у менга бахт келтирди, мени қайта тирилтирди, мана ҳозир мен уни ўпаман, кафтларини ҳам ўпаман, устини ҳам ўпаман, мана, мана ва мана! – У уч марта ошиб-тошиб Грушеньканинг ҳақиқатан чиройли, момикдай кўлларида бўсалар олди. Грушенька эса унга кўлини узатиб, жаранглаб кулиб “ширин ойимқиз”нинг қилиқларини кузатар, афтидан, унинг кўлидан шундай бўса олишаётгани ўзига жуда ёқарди. “Балки бу завқу шавқ ҳаддан ошиб кетяпти” – деган фикр ўтди Алешанинг хаёлидан. У қизарди. Унинг юраги тўхтамай нотинч урмоқда эди.

– Сиз менинг кўлимни Алексей Федоровичнинг олдида ўпганингиз учун уялтириб ўтирмассиз, ахир, ширин ойимқиз.

– Наҳот мен сизни уялтирмоқчи бўлсам? – деди бирмунча ҳайрон қолиб Катерина Ивановна, – оҳ, жонгинам, сиз мени чакки тушунибсиз!

– Сиз ҳам, ширин ойимқиз, мени бутунлай бошқача тушунапсиз, мен балки, сиз кўриб тургандан кўра анча-мунча чаккироқдирман. Менинг юрагим чакки, мен ўзбошимчаман. Мен шўрлик Дмитрий Федоровични ўша маҳалда бир кулгилик учун кўлга олганман.

– Аммо сиз энди ахир уни қутқармоқчисиз-ку. Сиз сўз бердингиз. Сиз унга тушунтирмоқчисиз, бошқа бировни анчадан бери севишингизни айтмоқчисиз, сизга уйланмоқчи эканлигини билдирмоқчисиз...

– Оҳ, йўқ, мен сизга бундай сўз бермадим. Буни доим сиз ўзингиз айт-япсиз, мен сўз берганим йўқ.

– Демак, мен сизни бошқача тушунибман, – андак туси оқариб оҳиста деди Катерина Ивановна, – сиз ваъда бердингизки...

– Оҳ, йўқ, фаришта ойимқиз, мен сизга ҳеч нима ваъда қилмадим, – ҳамон ўша юзида маъсум ва қувноқ ифода билан унинг сўзини аста ва равон кесди Грушенька. – Мана кўрдингизми, аржуманд ойимқиз, сизнинг олдингизда қанчалар ярамас ва ўзбилармонман. Мен нимани хоҳласам, шуни қиламан. Боя мен сизга бир нима ваъда қилгандай бўлгандирман, ҳозир эса яна бошқача ўйлаб қолдим: бирдан шу Митя менга тагин ёқиб қолса-чи, бир гал менга у жудаям ёққан эди, ҳатто тўла бир соат ёқувди. Мана, ҳозир мен бориб унга шу бугунданок уйимда қол десам-чи, деб турибман... Мен шунақа айнимачи одамман...

– Боягина сиз бутунлай... бошқача гапирган эдингиз... – зўрға сўзлади Катерина Ивановна.

– Оҳ, боягина денг! Ахир, менинг юрагим нозик, тентак. Ўйлаб кўринг, у мени деб нималарни бошидан кечирмади. Бирдан уйга борсам-да, уни хоҳлаб қолсам – унда нима бўлади?



– Мен кутмовдим...

– Эҳ, ойимқиз, менинг олдимда қандай яхши, олийжаноб кўринасиз. Мана, энди сиз менга ўхшаш ақлсиз тентакни феълим учун ёмон кўриб қоласиз. Менга кўлингизни беринг, фаришта ойимқиз, – мулойим сўради у ва худди эъзозлагандай Катерина Ивановнанинг кўлини тутди. – Мана, ширин ойимқиз, сизнинг кўлингизни оламан-да худди сизга ўхшаб ўпаман. Сиз мени уч марта ўпдингиз, мен эса бунинг учун сизни уч юз марта ўпишим керак, шунда баравар бўламиз. Майлига, шундаёқ бўла қолсин, кейин у ёғи худога ҳавола, балки, сизнинг бир умрлик чўрингиз бўлиб қоларман ва ҳамма нарсада чўрилардек кўнглингизни оларман. Худонинг айтгани бўлсин, ўртамизда ҳеч қандай аҳду паймонлару ваъдаларсиз шундай бўла қолсин. Вой, кўлингизни қаранг, вой, кўлингиз-ей, азизам, вой, кўлингиз-ей! Азизам, ойимқизим, гўзалларнинг гўзали бетимсол!

У шу кўлни оҳиста лабига олиб борди – ғалати мақсад билан ўпичда “баравар” бўлайлик деб. Катерина Ивановна кўлини тортиб олмади, у Грушеньканинг охирги “чўрингиз бўлай” деган сўзларини ботинмай, юрагида умид чўғланмай эшитди, танг бир ҳолатда ундан кўзларини узмай тикилиб турди: унинг кўзларида ҳамон ўша соддадиллик, эминлик ифодаларини укди, уларда ҳамон ўша хуррамлик акс этарди... “У балки, жуда ҳам лакқи-гўл бўлса керак!” – деган ўй Катерина Ивановнанинг юрагига умид шуъласини солиб ўтди. Бу орада Грушенька ойимқизнинг “чиройли кўли”дан завкланиб, уни аста лабларига олиб борди. Аммо лабларига етай деганда худди алланимани ўйлагандай бўлиб, уни икки-уч сонияга тутиб турди.

– Биласизми, яна нима, фаришта-ойимқиз, – ўзининг бениҳоя майин, асалдай ширин овози билан чўзилди бирдан у, – биласизми, нима, хоҳласам, сизнинг кўлингизни ўпмаёқ кўя қоламан. – У шундай деб қиска ва хушчақчақ кулди.

– Ихтиёрингиз... Сизга нима бўлди? – сесканди бирдан Катерина Ивановна.

– Шундай бўлаверсин, сизга хотира, сиз менинг кўлимни ўпдингиз, мен эса ўпмадим. – Бирдан унинг кўзларида нимадир чакнади. У Катерина Ивановнага жуда ҳам каттиқ тикиларди.

– Сурбет! – Бирдан ниманидир тушунгандай бўлиб деди Катерина Ивановна ва дув кизариб, сакраб ўрнидан турди. Шошилмай Грушенька ҳам кўзгалди.

– Мен Митяга ҳаммасини айтиб бераман ҳозир кўлимни ўпганингизни, мен эса ўпмай кўя қолганимни. Маза қилиб кулади-да ўзиям!

– Қанжик, йўкол!

– Оҳ, қандай уят, ойимқиз, оҳ қандай уят, сизга бундай сўзлар асло ярашмайди-я, ширин ойимқиз.

– Йўкол, сотқин махлуқ! – чинқириб юборди Катерина Ивановна. Унинг бутунлай ўзгариб кетган юзи дир-дир титрарди.

– Жудаям сотқин эмасдир. Ўзингиз қиз пайтингизда қоронғида йигитлардан пул сўраб келардингиз, чиройингизни пуллардингиз, ахир мен яхши биламан.

Катерина Ивановна чинқириб юборди, унга ташланмоқчи бўлди, аммо уни бор кучи билан Алеша ушлаб қолди:

– Индаманг, қимирламанг! Гапирманг, жавоб қайтарманг, у кетади, hozир кетади!

Шу дамда хонага бақир-чақирни эшитиб Катерина Ивановнанинг иккала холаси югуриб киришди, хизматкор қиз ҳам чопиб кирди. Ҳаммалари Катерина Ивановнани ўраб олишди.

– Кетаман-ей, – деди Грушенька диванда ётган рўмолини қўлга олиб, – Алеша, жоним, мени кузатиб қўй!

– Кетинг, кетинг тезроқ! – унга қўлларини қовуштириб ёлворди Алеша.

– Алеша, жоним, кузатиб қўй! Сенга йўлда жуда аломат, жуда аломат бир сўз айтаман! Мен бу томошани сен кўргин деб кўрсатдим. Кузатиб қўй, барака топкур, кейин яхши бўлади.

Алеша қўлларини қисирлатиб орқасига бурилди. Грушенька қаҳ-қаҳ отиб кулиб, уйдан чопиб чиқиб кетди.

Катерина Ивановна хушини йўқотди. У хўнграб йиғлар, нафаси бўғиларди. Ҳамма унинг атрофида куймаланарди.

– Мен сизни огоҳлантирган эдим, – дерди катта холаси, – сизни тўхтатиб қолмоқчи бўлдим... сиз жуда тезсиз... шундай қилиш мумкинми ахир. Сиз бу махлуқларни билмайсиз, анавини эса ҳаммасидан чатоқ дейишади... Йўқ, сиз жуда ўзбошимчасиз!

– Бу вахший шер! – чинқирди Катерина Ивановна. – Мени нега тутиб қолдингиз, Алексей Федорович, мен уни боплаб дўппослардим, дўппослардим! – У ўзини Алешанинг олдида тўхтатишдан ожиз эди, балки тўхтатишни истамасди ҳам.

– Уни одамлар ўртасида сазо қилиш керак, камчилаш керак, кундага қўйиш керак!..

Алеша эшик томон йўналди.

– Оҳ, худойим! – қичқириб юборди бирдан Катерина Ивановна қўлларини қарсиллатиб уриб, – анов кишини қаранг-а! Одам шунчалар номуссиз, виждонсиз бўладими! Анов киши манави махлуққа ўша машъум воқеани гапириб берибди-да, лаънат бўлсин ўша кунга, лаънат! “Ҳуснингизни сотгани борибсиз!” – дейди-я! Қулоғига қуйиб олибди! Сизнинг биродарингиз аблаҳ экан, Алексей Федорович!

Алеша нимадир демоқчи бўларди, аммо ақлига битта ҳам сўз келмасди. Юраги сиқилиб оғрирди.

– Кетинг, Алексей Федорович! Мен уялиб кетяпман, ёмон бўляпман! Эртага... ўтинаман, олдингизда тиз чўкаман, эртага келинг. Айбга буюрманг, кечиринг, мен билмайман ўзимни нима қиламан!

Алеша кўчага худди гандираклагандай чиқди. Унинг ҳам ўкраб йиғлагиси келарди. Дахватан, унинг орқасидан хизматкор қиз етиб келди.

– Ойимқиз Хохлакова хонимдан келган бу хатни сизга беришни унутибди, боя тушда келганди.

Алеша кичкина пуштиранг конвертни олиб беихтиёр чўнтагига солиб қўйди.

ЯНА БИР ТЎКИЛГАН ОБРЎ

Шахардан монастиргача бир чакиримдан сал ошиқроқ эди. Алеша шу бемаҳалда кимсасиз йўлдан жадал юриб кетди. Қоронғи тушиб қолган, ўттиз одим наридаги нарсаларни кўриб бўлмасди. Йўлнинг ярмида чорраҳа келарди. Чорраҳада якка оқ тол тагида аллақандай қора кўринарди. Алеша чорраҳага қадам босиши биланоқ қора жойидан отилиб чиқиб, унга томон бостириб келди-да кутурган овоз билан бақирди:

– Ё ҳамён, ё ҳаёт!

– Э, Митя, сенмисан! – деди қаттиқ сесканиб сапчиб тушган Алеша.

– Ваха-ха-ха! Кутмовдингми? Сени қаерда кутсам экан дедим, кизнинг уйи олдидами? У ердан учта йўл чиқади, сени йўқотиб қўйишим мумкин. Охири мана шу ерда кутадиغان бўлдим, чунки сен бу ердан, албатта, ўтасан, монастирга бошқа йўл йўқ. Қани, чинини айт, суваракдай эзиб ташла мени... Э, сенга нима бўлди?

– Ҳеч, ака... мен кўрқиб кетдим. Оҳ, Дмитрий! Боя отамнинг қони... – Алеша йиғлаб юборди, анчадан бери йиғлагиси келаётган эди, йиғи томоғида ҳиқиллаб турарди, мана энди ҳаммаси бирдан ёрилди... – Уни ўлдириб қўяй дединг... лаънат ёғдирдинг... мана энди... ҳозир... сен ҳазил қиляпсан... “ҳамён ё ҳаёт!”

– Э, ҳа, нима бўпти? Одобсизликми? Тўғри келмайдими?

– Ундаймас... Мен шундоқ...

– Тўхта. Кечага қара, қандай зимистон, булут босиб келяпти, шамол турганини кўр! Оқ тол тагида беркиниб сени кутдим, бирдан калламга шундай фикр келди (Худо ҳақи!), шунча эзилиб абгор бўлганим етмайдими, яна нимани кутаман? Мана, оқ тол, рўмол бор ёнимда, қўйлагим бор, ҳозир улардан арқон яшаш мумкин – етар ер юзини булғатиб юрганим, номусу оримни йўқотганим! Шунда сенинг қадамларингни эшитдим – о, худойим, худди бошимга бир нарса учиб тушгандай бўлди: ахир дунёда мен севган инсон ҳам бор экан-ку, ахир мана унинг ўзи, жоним, азизим укажоним, мен уни дунёда ҳаммадан ортиқ яхши кўраман ва фақат ёлғиз уни севаман! Мен сени шундай яхши кўриб қолганман, шу дамда ҳам яхши кўраман, ҳозир унинг бўйнидан кучоқлаб оламан, деб ўйладим! Шунда тентаклигим тутди: “Уни бир кулдирай, бир кўрқитай!” – дедим. Жиннига ўхшаб “ҳамён!” – деб бақирдим. Тентаклигимни кечир, бу ҳаммаси бўлмағур нарсалар, юрагимни кўрсанг ҳозир... не одоб... Э-ҳа, жин чалсин, лекин айт, у ёқда нима бўлди? У нима деди? Эзиб ташла мени, найза санч, аяб ўтирма! Қутуриб кетгандир?

– Йўқ ундаймас... у ерда бутунлай бошқача гаплар, Митя. У ерда... У ерда мен икковларини бирга кўрдим.

– Қайси иккаласи?

– Грушенька билан Катерина Ивановнани.

Дмитрий Федорович донг қотди.

– Мумкинмас! – кичқирди у. – Сен алахсираяпсан. Грушенька уникада эканми?

Алеша, Катерина Ивановна хузурига кириб борганидан бошлаб нима воқеалар рўй берган эса барини ҳикоя қилиб берди. У ўн дақиқача

хикоясини давом эттирди, текис ва жуда келиштириб бўлмаса ҳам, энг асосий сўзлар, энг муҳим хатти-харакатларни равшан ва ёрқин ифодалаб ўтди, бир аниқ чизги билан ўз таассуротларини ҳам билдирди. Биродар Дмитрий хомушгина тинглади, қимир этмай бир нуқтага қаттиқ тикилиб турди, аммо у ҳаммасини фаҳмлагани, воқеани фикрлаб етгани Алешага равшан бўлди. Аммо воқеанинг баёни давом этган сайин унинг афт-башараси тобора тундлашиб, қўрқинчли тус олиб борарди. У қошларини чимирди, тишларини ғижирлатди, бир нуқтага тикилган нигоҳи янада қотиб қолгандай, янада ўжарлашгандай, янада қўрқинчлироқ тусга кирди... Кейин унинг шу дамгача дағдағадор ва қахрли бети бирдан ақл бовар қилмас шиддат билан ўзгариб кетиши кутилмаган иш бўлди, қаттиқ қимтилган лаблари бирдан очилди ва шунда Дмитрий Федорович ҳеч ўзини тўхтатолмай юракдан ҳоҳолаб кулиб юборди. У ичаги узилгудай бўлиб кулди, анчагача сўзломлади кулгисининг зўридан.

– Қўлини ўпмадими, а! Ўпмадими қўлини! Қочиб чиқиб кетдими, а! – деб қичқирарди у қандайдир завқли изтироб билан – унинг бу завқланишида сурбетлик, уятсизлик ҳам йўқ эмасди табиийлик билан бирга... – Анов қичқириб уни шер дедими, а! Ҳа, ҳақиқий шер! Кундага бошини қўйиш керак эканми, а! Қанийди, қанийди, қўйиш керак, мен ўзим ҳам шу фикрдаман, қўйиш керак кечиктирмай! Майлига, биродар, кунда бўлса кунда, аммо олдинига соғайиб олиш керак-да. Беҳаёлик маликасини тушуниб турибман, у бор бўйи билан гавдаланиб турибди, вой, бу дўзахи-ей, қўлини ўпмайман дедими, а? Ер юзидаги барча дўзахийларнинг маликаси, мунақасини тасаввур қилиш қийин! Вой, бунинг завқланиши! Уйига шундай чопиб кетдими, а? Ҳозир мен... оҳ... югуриб борай-чи унинг олдига! Алеша, мени айбситма, мен розиман, уни бўғиб ўлдирсанг ҳам оз...

– Э, Катерина Ивановна нима бўлади? – маъюс деди Алеша.

– Э, уни ҳам кўриб турибман, бор бўй-басти билан кўряпман, ҳеч қачон бундай кўрмагандим! Дунёнинг тўрт томонини, ҳатто беш томонини очгандай бўляпман! Вой, унинг ташлаган бу қадами! Э-ҳа, бу худди ўша талаба Катенька, отасининг номусини сақлайман деб, бемаъни бир зобитнинг олдига бемаҳалда шарманда бўлишдан қўрқмай пулга келган Катенька! Ғурурни қаранг, таваккални қаранг, қисматга қарши чиқишни қаранг, чексизликка қарши борса-я! Холаси уни қайтариб турди деяпсанми? Бу холаси жуда ҳам ҳукмфармо хотин, анов масковлик генерал ойимнинг туғишган синглиси, унинг бурни опасиникидан ҳам кўтарилган эди, фақат эри ғазна ўмариб, бор буд-шудидан, мол-мулкларидан айрилгандан сўнг такаббур хотин сал димоғини пасайтирган ва ўшандан бери ўнланган эмас. Э, Катяни у қайтариб турган эканми, Катя эса унга қулоқ солмабдими, а? “Ҳаммасининг устидан ўзим енгиб чиқаман дегандир-да, а, ҳаммаси ўз қўлимда деб хаёл қилгандир-да, хоҳласам, Грушенькани ҳам гаҳ деб қўлимга қўндираман, дегандир”. Ўзи бунга қаттиқ ишониб қолган, кеккайиб кетган, ким бунга айбдор? У бекорга биринчи бўлиб Грушеньканинг қўлини ўпган дейсанми? Айёрлик қилганми? Йўқ, у чиндан ҳам, чиндан Грушенькани ёқтириб қолган, лекин аслида Грушенькани эмас, ўз орзу-хаёлини, ўз уйдирмасини ёқтирган – ҳар қанақасига бу менинг орзу-хаёлим, бу менинг уйдирмам деган! Эй, оғайним Алеша, сен



уларнинг қўлидан қандай қутулиб чиқдинг, биродар? Этагингни кўтариб урра қочиб қолдингми, а? Ва-ха-ха-ха!

– Ака, сиз Катерина Ивановнани қанчалик хафа қилганингизга ҳатто эътибор ҳам бермадингиз. Грушенькага ўша воқеани айтиб берган экансиз, у Катерина Ивановнанинг юзига солди: “Кечаси йигитларнинг олди-га ҳуснингизни пуллагани борган экансиз!” – деб. Кишини бундан ҳам ортиқ хафа қилиш мумкинми? – Алеша акам Катерина Ивановнанинг хўрланганидан хурсанд бўлса керак, деган фикрдан қийналаётган эди, лекин аслида бундай бўлиши мумкин эмасди.

– Вох! – бирдан қовоқ-тумшуғи тушиб кетди Дмитрий Федоровичнинг ва пешонасига қарсиллатиб урди. Боя Алеша ҳаммасини бирваракай оқизмай-томизмай сўйлаб берган эса-да, у фақат энди эътибор қилди Катерина Ивановнанинг хафа бўлгани-ю, “Акангиз ғирт аблаҳ экан!” – деганига. – Ҳа, ростдан ҳам, мен Грушенькага ўша “машъум кун” тўғрисида айтгандирман, ҳа, эсимда, буни айтганман! Мокрое қишлоғида ишрат қилаётгандик, лўлилар ашула айтишарди, мен ғирт маст эдим... Аммо мен ўшанда ўзим санам олдида тиз чўкиб, ўкириб-ўкириб йиғлаганман, Грушенька эса буни тушунган эди. Ўшанда у ҳаммасини тушунган ва ўзи ҳам йиғлаганди... Э, шайтон! Энди бошқача бўлиши мумкинми? Ўшанда кўз ёши тўккан, энди эса... Энди “юрагига ханжар ур!” Хотинлар шунақа.

У ерга қаради ва ўйланиб қолди.

– Ҳа, мен аблаҳман! Чин аблаҳман, – деди бирдан ўша нохуш товуш билан. – Барибир йиғлаганманми, йўқми, аблаҳман! Йўлинг тушса айтиб кўй: бу таърифига розиман, лекин бу тасалли берармикин. Бўпти, етар энди, омон бўл, эзмалик нимага керак! Мойи чиқармиди. Сен ўз йўлингга бор, мен ўз йўлимга. Энди бошқа кўришмасмиз, балки охирги дақиқаларгача. Яхши қол, Алексей! – У Алешанинг қўлини маҳкам қисди ва ҳамон ерга қараб, бошини кўтармай худди мункигандай шаҳд билан шаҳар томонга кетди. Алеша у бутунлай бирдан кетганига ишонмай оркасидан термилиб қолди.

– Шошма, Алексей, сенинг ўзингга яна бир нарсани бўйнимга олиб айтишим керак! – Бирдан Дмитрий Федорович ортига қайтди. – Мана, мена кара, дикқат қилиб кара, кўряпсанми, мана, мана бу ерда – даҳшатли бир номуссизлик тайёрланяпти. (“Бу ерда”, “бу ерда” деб Дмитрий Федорович мушти билан кўкрагига урди ва буни шундай ғалати киёфада қилдики, гўё беномуслик унинг айнан шу кўкрагида қандайдир ҳамёни ё бўйнига осилган туморидами сақланиб ётгандай.) Сен энди мени билиб олдинг, аблаҳман, ғирт аблаҳман тилга тушган! Аммо билиб қўй, мен илгари нима қилган бўлсам, ё энди, ё кейин қиладиган бўлсам – қабиҳликда, пасткашликда ҳозир айнан шу тобда, айнан шу дамда мана шу кўкрагимда, мана бу ерда, мен бу ерда олиб юрган беномуслик билан ҳеч қачон тенг бўлолмайди, у ҳаракатга тушган ва ўзига йўл изламоқда, уни бутунлай тўхтатиш ўз қўлим, ўз ихтиёримда, уни тўхтатиб қола билман ва ё адо эта оламан, буни билиб қўй ўзинг! Ана энди билиб қўй, мен уни адо этажакман, тўхтатмайман. Мен боя сенга барини сўйлаб бердим, аммо буни ҳали айтмагандим, хомқаллалик қилгандим! Мен ҳали ўзимни тўхтатишим мумкин, тўхтатсам, эртагаёқ йўқотган номусимнинг ярмини қайтаришим мумкин, аммо мен тўхтамайман, қабиҳ ниятимни амал-

га ошираман, сен олдиндан бунга гувоҳ бўл, ўз тилим, ўз оғзим билан олдиндан айтиб қўйяпман! Ҳалокат ва зимистон! Эзмалик нечун, кейин билиб олурсан. Сассиқ тор кўча ва дўзахий қиз! Хайр. Мени дуо қилиб ўтирма, арзимаيمان, кераги ҳам йўқ, кераги йўқ... зор эмасман ҳеч! Қоч!..

У кўздан ғойиб бўлди, бу сафар энди бутунлай кетди. Алеша монастирға жўнади. “Нега, нега энди мен уни ҳеч қачон кўрмас эканман, у нима деяпти ўзи? – тангриқиб дерди у, – эртагаёқ уни кўраман, топаман, атай қидириб топаман, нима деяпти ўзи!..”

У монастирни айланиб ўтиб қарағайзор орқали тўғри қаландархонага ўтди. Бемахалда ҳеч ким қўйилмаса ҳам, лекин унга эшик очилди. У табаррук қариянинг хужрасига кириб борганда, юраги қалт-қалт титрарди. “Нега, нега ташқарига чиқдим, нега қария мени “дунёни кўриб кел” деб юборди? Бу ер жим-жит, бу ер муқаддас, у ёқда эса саросима, тахлика, у ёқда қоронғи зимистон, дарҳол ўзингни йўқотиб қўясан, адашиб кетасан...”

Хужрада мурид Порфирий билан роҳиб ота Паисий бор экан, у кун бўйи ҳар соатда ота Зосиманинг соғлиғини сўраб кирарди, Алеша авлиё отанинг аҳволи дам сайин ёмонлашаётганини эшитиб, юраги пўкиллади. Биродарлар билан ўтадиган оқшом суҳбатлари ҳам бу гал қолдирилди. Одатда, ҳар оқшом уйқу олдида монастирдаги биродарлар ҳазрат ота хужрасида йиғилишар ва ҳар бирлари унга бугун йўл қўйган ноқисликлари, гуноҳ деб ҳисобланган ўй-хаёллари, орзу-армонлари, васвасалари, ўзаро бўлиб ўтган низо-жанжаллари борасида изҳори дил қилардилар. Айримлар иқрорига тиз чўкиб ўтирардилар. Ҳазрат ота низоларни ҳал қилар, яраштирар, ўғит айтар, тавбага буюрар, дуо қилар ва йўлга соларди. “Оталар”га қарши бўлган кимсалар худди мана шу “иқрор”ларни назарда тутишар, бу иқрорнинг асрорийлигини оёқ ости қилиш куфронийлик дейишар, ҳолбуки, бу ерда тамомила бошқа нарса воқеа эди. Бундай иқрорлар эзгулик мақсадларига хизмат қилмай, аксинча, гуноҳга бошлайди, васвасага солади деб юқори диний идораларга ёзиб юборишарди. Аксар биродарлар ҳазрат ота ҳузурига боришни ўзларига оғир олишади, иложсизликдан келишарди деб ёзишарди улар – ҳамма қатнагандан сўнг бормай қўйсалар, такаббурлик қилишаяпти, фикрлари бузилган деб айбашлари мумкин. Яна шуларни ҳам айтишардики, айрим биродари киромлар кечки иқрорга бора туриб, олдиндан бир-бировлари билан келишиб олишаркан: “Мен эрталаб сендан жаҳлим чиққанини айтаман, сен буни тасдиқлайсан” – буни нимадир дейиш керак бўлгани учун, нимадир деб қутулиш учун қилишаркан. Алеша ҳақиқатан ҳам баъзан шундай бўлишини биларди. Ҳатто қаландархонада яшовчи дарвешларнинг қариндош-уруғларидан келадиган хатлар ҳам одат бўйича аввало ҳазрат ота олдиға очиш учун келтирилар, бундан баъзи биродарлар қаттиқ норози бўлардилар. Алеша бундан ҳам хабардор эди. Булар ҳаммаси эркин ва самимий тарзда, чин дилдан, қаноат ҳамда ҳалоскор ўғит юзасидан бўлиши назарда тутиларди, лекин аслида, гоҳида бу нарсалар жуда носамимий, сохта ясамагарчилик билан адо этиларди. Аммо биродари киромларнинг ёши улуғроқ, тажрибалироқлари ўз таомилларида маҳкам туришар ва “кимда-ким холис ният бирла бу ерга қадам ранжида қилган эса, улар учун бу талаб ишоратлар ва шахду

жасоратлар халоскор бир вазифани адо этажак ва уларга бузург фойда, танбехлар етказажак; кимда-ким, аксинча, буни ўзига оғир олиб, шиквашикоют қилса, у дарвешга ҳам ўхшамайди, монастирга келганининг маъноси ҳам қолмайди, бундай киши дунёвий ишларини бажариб юргани тузук. Гуноҳдан ва иблисдан очиқ дунёдагина эмас, ибодатгоҳда ҳам сақланиб қололмайсан. Инчунин, журму гуноҳга йўл беришга на ҳожат”, деб рушду хидоятга чақиришарди.

– Ҳоли йўқ, уйку босган, – пичирлаб деди Паисий ота Алешани дуо қилгач. – Кўзини очолмайди. Аммо уйғотишнинг ҳожати йўқ. Кўзини беш дақиқага очди, биродарларга салом ва дуо йўллади, улардан тунги ибодатларда ўзини дуо қилишларини тилади. Азонда яна ибодатга турмоқчи. Сени сўради, Алексей кетдими, – деб қизикди, шаҳарда деб жавоб беришди. “Уни шундай деб дуо қилдим, унинг жойи шаҳарда, ҳозирча бу ерда эмас” – деб гуфти шунид қилди сени. Меҳр билан эслади, раҳм-шафқат билдирди, нимага сазовор бўлганингни англармикинсан? Фақат нега сени маълум бир муддат ташқарида бўлсин деяпти? Демак, қисматингда унга бир нарса маълум бўлган, Алексей, шуни яхши тушуниб олгилки, ташқи дунёга чиқсанг ҳам, буни муршиднинг сенга тайинлаган йўли деб бил, бунга енгил-елпи қарама, ўйин-кулги деб тушунма.

Ота Паисий чикди. Ҳазрат ота Зосима жон таслим қилаётганини Алеша англади, балки ҳали яна бир ёки икки кун яшаса ҳам ажабмас. Алеша отаси, Хохлаковалар, акаси ҳамда Катерина Ивановна билан эртага кўришаман деб ваъда берган бўлса-да, эртан бутунлай монастирдан чиқмайман, ҳазрат ота то ўтмагунча унинг бошида бўламан деб, жўшқин ва қатъий қарор қилди. Юрагида муҳаббат ўти аланга олди, ўз-ўзига таъна қилди, дашном берди, шаҳарда юрганимда бир зумга бўлсин дунёда энг суйган, эъозлаган кишимнинг монастирда ўлим тўшагида ётганини унутдим, деди. У ҳазрат ота ётган хужрага кириб борди, тиз чўкди ва бошини ерга теккизиб таъзим қилди. Қария қимирламай, осуда ухлар, билинар-билинимас равон нафас оларди. Чехраси сокин эди.

Алеша ҳазрат ота эрталаб зиёратчиларни қабул қилган хонага қайтиб келди, уст-бошини енгиллатмай, фақат этигини ечиб, анчадан бери ҳар кеча ўзи ётадиган қаттиқ саҳтиён диванчага чўзилди. Боя отаси қичқириб эслатган тўшакни кўп вақт бўладикки, тагига солишни унутар, фақат ёстик олиб келарди. У фақат узун камзулини ечар ва уни кўрпа ўрнида устига ёпарди. Аммо ухлашдан аввал ерга тиз чўкди-да узоқ вақт ибодат қилди. У тўлиқиб-тошиб дуолар ўқиркан, худодан ўз ўқинчларини тушунтириб беришни сўрамади, фақат кўнгли шодумон юмшашини тилади, ҳар доим худойимга ҳамду сано айтиб, ёлвориб нолалар қилганда, унинг кўнгли шундай шодумон юмшар ва тинч-осуда уйкуга ғарқ бўларди. У ҳозир жондилдан ибодатга бериларкан, тасодифан чўнтагида қоғоз шилдираганини пайқади, пайпаслаб кўриб бу боя Катерина Ивановнанинг ходимаси келтириб берган хатлигини билди. У андиша қилди, ибодатни охирига етказди. Сўнг, бироз иккиланиб тургач, хатни очди. Хат унга ёзилган бўлиб, тагида Lise имзоси қўйилганди, бу ўша Хохлакова хонимнинг навниҳол кизи, эрталаб у ҳазрат қариянинг хузурида Алеша устидан роса қолган эди.

“Алексей Федорович, – деб ёзарди қизча, – сизга ҳаммадан, онамдан ҳам беркитиб хат ёзяман, мен бу яхши эмаслигини биламан. Аммо юрагимда туғилган нарсани сизга айтмасам, мен бошқа асло яшолмайман, буни эса то вақти соати келгунча сиз билан мендан бошқа ҳеч кимса билмаслиги керак. Аммо сизга айтмоқчи бўлаётган нарсамни мен қандоқ қилиб айтаман? Айтишадики, қоғоз қизармайди, сизни ишонтириб дейманки, бу гап нотўғри, у ҳам ҳозир худди мен каби дувва қизарди. Азизим Алеша, мен сизни севаман, болалигимдан, Москвадан бери севаман, унда сиз ҳозиргидай эмас, бошқача эдингиз ва ҳаётим борича севаман. Юрагим сизни сайлади, сизнинг висолингизни истади, қўша қариб ҳаётимизни бирга тугатсак дейман. Шарти шуки, сиз монастирдан чиқасиз. Бизнинг ёшимизга келганда, қонунда қандай айтилган бўлса, шунча кутамиз. Унгача мен албатта соғаяман, юриб кетаман, рақс тушаман. Бу ҳақда сўз бўлиши мумкин эмас.

Кўрдингизми, мен ҳаммасини ўйлаб қўйганман, фақат бир нарсани билолмай ҳайронман, буни ўқигандан кейин мен ҳақимда нима деб ўйларкинсиз? Мен шўх, кулонғич қизман, боя жаҳлингизни чиқардим, лекин ишонинг, қўлимга қалам олганимдан сўнг мен Биби Марямга ибодат қилдим, ҳозир ҳам ибодатдаман, йиғлаб юборай деяпман.

Менинг сирим қўлингизда, эртага келганингизда билмайман юзингизга қандай қарайман. Оҳ, Алексей Федорович, яна жиннидай ўзимни тутолмасам ва боягидай сизга қараб кулиб юборсам, нима бўлади? Унда мени ярамас кулонғич деб ўйлайсиз ва менинг хатимга бовар қилмайсиз. Ана шунинг учун, азизим, агарда сизда менга зиғирча раҳм-шафқат бор бўлса, эртага бизникига келганингизда, менинг кўзимга ундоқ тик қараманг, чунки сизнинг кўзингиз билан тўқнашиб, балки, албатта, кулиб юборарман, бунинг устига сиз анов узун камзулда бўларсиз... Шуни ўйласам, ҳозирданок музлаб кетяпман, шунинг учун кириб келганингизда бир қанча вақт мен томонга сира қараманг, яхшиси, ойимга ёки деразага қаранг...

Ана сизга ишқий мактуб ёздим, худойим-ей, мен нима қилиб қўйдим! Алеша, мендан юз ўғирманг, сизнинг жиғингизга тегиб, ранжитиб қўйган бўлсам, унда мени кечиринг. Мана, энди балки абадул абад тўкилмиш обрў-эътиборимнинг сири сизнинг қўлингизда.

Мен бугун албатта йиғлайман. Кўришгунча, юрагим ёрилгунча, хайр!
Lise.

Р.С. Алеша, сиз албатта, албатта, албатта келинг! *Lise!*”

Алеша ҳайрон бўлиб ўқиди, икки марта ўқиди, ўйланиб қолди, кейин бирдан оҳиста, ширин кулиб қўйди. У сескангандай бўлди, ҳозир кулиш гуноҳдай туюлди. Аммо бир сония ўтмай у яна шундай оҳиста ва бахтиёр кулди. У хатни авайлаб жилдига солди ва шукрона айтиб ўрнига ётди. Юрагидаги талваса бирдан ғойиб бўлди. “Худойим, уларнинг ҳаммаларига раҳм қил, ҳалигилар, бадбахтлар ва исёндагиларни ўз паноҳингда асра, уларга йўл кўрсат! Сен роҳи раҳбонсан, йўлларингдан бошлаб бор, уларни қутқаргайсан. Сен меҳрдирсан, сен уларнинг барчаларига шодлик ато қилгайсан!” – уйқу ҳаловатига чўмаркан пичирларди Алеша.



ИККИНЧИ ҚИСМ

Тўртинчи китоб

АЗОБ

I

ФЕРАПОНТ ОТА

Алеша тонг қоронғисида уйғониб кетди. Қария уйқудан кўз очди ва ўзини ғоятда беҳол сезди, шунга қарамай тўшакдан юмшоқ ўриндикка ўтиб ўтиришни маъқул кўрди. Унинг эс-хуши жойида эди, юзи жуда ҳам эзилган, хорғин кўринса-да, аммо очик ва хушнудга ўхшарди, нигоҳи эса қувнок, хушҳол ва чакноқ эди. “Балки мана шу кундан нарига ўтмасман”, – деди у Алешага, кейин дарҳол иқроп ва покланишни истади. Унинг иқрорини ҳар доим ота Паисий қабул қиларди. Ҳар иккала диний расм адо этилгач, кетидан баданига зайтун сурта бошлашди. Барча ота роҳиблар жам бўлишди, хона хилватгоҳ дарвешлари билан тўлди. Тонг отди. Монастирдан ҳам кишилар келишди. Расм-русум тугагач, ҳазрат қария ҳамма билан хайр-хўшлаша бошлади ва ҳаммани ўпиб чиқди. Хона тор бўлгани учун олдин келганлар чиқиб туришар, янги келганларга жой бўшатишарди. Қария яна креслога чўкди. Алеша унинг ёнида турарди. Ҳазрат қурби келганча сўйлар ва панд-насихат қиларди, овози ғоят заиф бўлса-да сўзлари дона-дона эди. “Неча-неча йиллар сизларга ўғит айтдим, биноан алайх, шунча йиллар овоз чиқариб сўйладим, эндиликда сўйлашга ўрганиб ҳам қолдим, сўйлаб туриб ўғит бердим, бунга шундоқ одатланибманки, энди менга жим туриш жуда қийин, сўйлаш эса осонроқ, мен ҳолсиз бўлиб турганимда ҳам бундан холи эмасга ўхшайман”, – деб зарофат қилди у атрофини ўраб турган кишиларга илтифотли назар ташлаб. Алеша мана шу ҳолатда айтилган сўзлардан нималарнидир эслаб қолди. Ҳазрат равон ва қатъиятли овоз билан дона-дона сўзлаётган бўлса-да, нутқ бирмунча боғланмаган, узук-юлук эди. Ўлим эшик қоқиб тураркан, у кўп нарсаларни сўйлар, дилида тўпланган барча сўзларни айтгиси, айтиб адо қилгиси, кўнглини тўла бўшатгиси келарди, ҳаёти давомида айтиб улгурмаганларини ўртага соларкан, буни фақат қуруқ ўғит учун қилмасди, балки барча жам бўлганлар, бутун жамоат билан ўз хуррам шодумонлиги-ю завқу шавқини бўлишгиси келар, яна юракдаги барча меҳрибонликларини дарёдай оқизсам дейди...

“Бир-бирларингизга меҳрли бўлингизлар, падарсиймолар, – дея панд айтарди ҳазрат (Алеша имкон қадар эсида сақлашга уринарди). – Худо қавмларига меҳрибон бўлғайсиз, биз бу ерда истиқомат қилаётганимиз учун, бу хилватни макон тутганимиз учунгина авомдан кўра табаррукроқ эмасдирмиз, аксинча, ҳар ким бу масканга келган экан, шу келишининг ўзи биланок бир нарсани англаб етадики, у барча авому носдан ёмонроқ, ҳаммадан, ер юзидаги ҳаммадан ёмонроқ... Кейин роҳиб бу хилватларда қанча узоқ иқомат айласа, буни янада нозикроқ ва теранроқ тушунгай. Акс

холда унинг бу маконга келганидан ҳеч қандай маъно йўқ. Қачонки у авоми носнинг ҳар бири, ҳар қайсисидан ёмонроқ эканини, шу билан бирга бошқа барча одамлардан, ҳаммадан ёмонлиги, барча-барчанинг хузурида барча одамлар, авом, барча шахсларнинг гуноҳлари учун айбдорлигини англаб етса, фақат ана ўшанда бизнинг бирлигимиздан мақсад ҳосил бўлмай. Зеро, шуни яхши билингларики, азиз жонларим, бизнинг ҳар биримиз бошқа ҳар биримиз қошида гуноҳқормиз ва ер юзидаги ҳар бир нарса олдида, шубҳасиз, айбдоримиз ва бу нафақат умумдунё айбичагина эмас, балки ёлғиз ҳар бир одам бошқа олдида айбдор. Токи англам шу ергача етиб келибдими, демак, бу роҳиб сулуку роҳининг гултожи бўлур, билъакс, бутун ер юзида ҳар бир одамнинг айнан гултожидир. Зотан, роҳиблар бошқа моҳиятдаги одамлар эмас, балки ер юзида барча одамлар қандай бўлишлари кераклигига ишорадир. Ана ўшанда бизнинг юрагимиз бепоён, самовий, ташналиги ҳеч қачон қонмайдиган ажиб меҳр билан лиммо-лим тўлурди. Ана ўшанда сизнинг ҳар бирингиз бутун оламни меҳр билан қамраб ола билурди ва жаҳоний гуноҳларни ўз кўз ёшлари билан юва олурди... Ҳар ким ўз юраги теграсида юрсин, ҳар ким ҳеч тиним билмай ўз-ўзига иқрори том қилсин, ўз журму гуноҳингизни англагач ҳам ундан кўрқмангиз, фақат тавба бўлсин, аммо худо олдида шарт қўймангиз. Яна айтаман – кибрга кетманг. Кичиклар олдида ғурурга кетманг, улуғлар қошида ҳам. Сизни рад этгувчилар, шарманда-шармисор қилгувчилар, сизни ёмонлагувчилар ва бошингизга туҳмат-бўхтон ағдарувчилардан нафратланмангиз. Худосизлар, бадкирдор муаллимлар, моддиюнчилар, хатто уларнинг энг жоҳилларидан ҳам нафрат қилмангиз, аммо уларнинг ичларида, айниқса, бизнинг замонимизда яхшилари ҳам бисёр. Уларни ўз ибодатларингизда шундай деб дуо қилгайсиз: дуогўйи йўқларни, худойим, ўз паноҳингда асра, сенга ибодат қилишни хоҳламаганларни ҳам, худойим, ўз паноҳингда сақлагайсан. Ва худди шу ерга келганда шуни ҳам қўшиб қўйингиз: худойим, буни такаббурлик боис айтаётганим йўқ, илло, ўзим ҳам бошқа ҳаммадан кўра ҳам баттарроқман... Худойим халқ қилмишларга меҳрингизни берингиз, оллоҳимнинг подаларини келгинди босқинчиларга ташлаб қўймангиз, зеро кўзларингизни танбалликда юмсангиз, такаббурликда ижирғансангиз, тамагирилик, ғаразгўйлик қилсангиз, бошқа барча мамлакатлардан келиб подаларингизни тортиб олурлар. Худонинг китобини асло ҳормай-толмай ўргатингиз. Порахўрлик балохўрликка йўл қўймангиз... Олтин у кумушларга хирс қўймангиз, қўлингизга олмангиз... Имон келтиринг ва туғни баланд тутингиз. Уни юксакларга кўтарингиз”.

Ҳазрат қария бу ерда баён қилингандан кўра ва сўнг Алеша ёзиб олгандан кўра узук-юлуқроқ сўйлаганди. Гоҳо у гапидан тўхтаб қолар, кучини йиғишга уринар, хансирар, аммо қандайдир сафо ичида эди. Уни кўнгиллари ажиб бир эриб тинглашар, кўплари унинг сўзларидан ажабланишар, уларни мажҳуллиқка йўйишарди... Кейин унинг бу сўзларини ҳамма эслаб юрди. Алеша зарурат юзасидан ҳужрадан ташқарига чиққанида, у ҳужра ва ҳужра ташқарисида йиғилганларнинг интизор ва ҳаяжон ичида тўлқинланиб турганларидан ҳайратга тушди. Бу интизорликда ташвиш-изтироб кўзга ташланар, айрим биродарлар тамкин, муарро кўринардилар. Барчалари гўё ҳазрат қария жон таслим



қилиши биланоқ дарҳол улуғ бир ҳодиса рўй берадигандек кутардилар. Бу интизорлик бошқа бир ёқдан қараганда бир мунча енгилтаклик ҳам бўлиб кўринар, аммо энг жиддий ҳамда вазмин бузруклар ҳам бу ҳолдан мустасно эмасдилар. Ҳаммадан ҳам Паисий отанинг чехраси жиддийроқ эди. Алешанинг хужрадан чиқиши боиси – Ракитин деган бир роҳиб шаҳардан Хохлакова хонимнинг ғалати бир хатини олиб келганди. Хоним Алешага шу тобда фавқулудда жуда жойига тушган хабарни маълум қилганди. Гап шунда эдики, кекса ҳазрат ҳузурига таъзим бажо келтириш ва дуо олиш ниятида келган художўй оддий аёллар ичида унтер-офицер беваси бўлмиш Прохоровна деган шаҳарлик битта кампир ҳам бор эди. У ҳазрат отадан шундай бир масалани сўраган эди: унинг ўғли Васенька хизмат юзасидан узоқ Сибирга, Иркутскка кетган ва ундан бир йилдан бери хат-хабар йўқ экан, аёл сўрарди: черковда ўғлимга марҳум сифатида жаноза ўқитсам бўладими? Ҳазрат ота унга ғоятда жиддий жавоб бериб, бундай жанозанинг жодугарликдан фарқи йўқ деб, бу йўлдан қайтарибди. Лекин кейин аёлнинг жаҳолатини кечириб, Хохлакова хонимнинг ёзишича, “Худди башорат китобига қарагандай бўлиб”, кўнглига таскин берибди: ўғлинг Вася ҳеч шубҳасиз омон-эсон юрибди, тез орада ё унинг ўзи ўз оёғи билан келиб қолади, ё хат ёзиб жўнатади, уйингга бориб кутиб ўтиргил”. Кейин нима бўлди денг? – деб завқ-шавқ билан ёзарди Хохлакова хоним, – башорат юз фоиз амалга ошди, балки ундан ҳам ўтиб кетди. Аёл уйига қайтиши ҳаманоқ унинг кўлига Сибирдан, ўғлидан келган хатни тутқишибди. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Вася йўлда кела туриб Екатеринбургдан уйга юборган хатида, мен бир амалдор ҳамроҳлигида Россияга бораётирман, бу хат кўлга бориб теккач, уч ҳафталардан сўнг “онамни кучоқлаб бағримга босаман”, дебди. Хохлакова хоним Алешадан шуни куйиб-пишиб ёлвориб сўрардики, шу “рўёбга чиққан башорат”ни барча дарвеш ва роҳиб биродарларга дарҳол маълум қилсангиз, “Буни ҳамма, албатта, билиши керак!” – деб нидо қилиб хатини тугатганди хоним. Унинг хати шоша-пиша ёзилган, ҳар бир сўзда унинг ҳаяжони сезилиб турарди. Аммо Алешага буни маълум қиладиган жойи қолмаган, ҳаммаси аллақачон ҳаммага маълум бўлганди. Ракитин роҳибни жўнатиб, Паисий отага дарҳол барини билдиришни тайинлаганди. Роҳиб бу хабарни ота Паисийга ҳали Алеша беҳабар экан, етказгандир. Алешага хатни ўқиб, уни хужжат тариқасида ота Паисийга кўрсатишдан бошқа иш қолмаганди. Ота Паисий ҳамма нарсага ишонавермайдиган жиддий киши бўлиб, “мўъжиза” ҳақидаги хабарни ўқиб, қовоғи солинди ва гоҳи ички ҳиссиётини-да енголмади. Унинг кўзлари чакнади, лабларида бирдан жиддий ва теран табассум ўйнади.

– Кўрганимиз шуми? – қандайдир кўксидан отилиб чиқди унинг.

– Ҳали кўрганимиз шуми, ҳали кўрганимиз шуми? – атрофдаги роҳиблар такрорлашди, аммо Паисий ота қовоғини солиб, вақт-соати келгунча бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликни сўради. “Ишончимиз мустаҳкамроқ бўлсин, дунёвий одамларнинг ҳовлиқмаликлари кўп, умуман, бу ҳодиса табиий рўй берган бўлиши ҳам мумкин”, – деб кўшиб қўйди у кўнгил эминлиги учун, аммо ўзи бунга ишонмагани сезилиб турарди. Эшитиб турганлар ҳам буни яхши фаҳмлашди. Ўша соат ичидаёқ “мўъжиза” дараги бутун монастирға ва зиёрат, маросим ўтказиш учун келганларга тарқалди. Рўй берган мўъжизакор воқеадан ҳаммадан ҳам

кўра узоқ шимолдаги Обдорск деган жойдан, бир кичикроқ “муқаддас Сильвестр” ибодатхонасидан келган зиёратчи роҳиб қаттиқ ҳайратга тушди. У кеча Хохлакова хонимнинг ёнида туриб, ҳазрат отага таъзим бажо келтирган ва дардига шифо топган Хохлаковнинг қизини кўрсатиб: “Бундоқ ишларга қандоқ журъат этурсиз?” – деб тўлиқиб сўраганди.

Гап шундаки, у ҳозир бирмунча хайрон бўлиб турар ва нимага ишонишини ҳам билмасди. У кеча кечга томон монастир қарияларидан Ферапонт отанинг ҳузурига – унинг асалари қутилари орқасида жойлашган алоҳида ҳужрасига борган, бу учрашув унда жуда қаттиқ таассурот қолдирган, ҳайратдан ёқасини ушлаганди. Ферапонт ота деган бу қария биз юқорида Зосима отанинг рақиблари қаторида эслаб ўтган мўйсафид бўлиб, ном қозонган рўздор ва индамаслар тоифасидан эди, у асосан оқсоқолчиликни зарарли ва таги бўш бидъатлардан деб ҳисобларди. У индамаслардан бўлиб, ҳеч ким билан гаплашмаса ҳам, аммо рақиб сифатида ниҳоятда хатарли эди. Хатарли экани шундаки, биродарларнинг аксарияти унга хайрихоҳ эдилар, зиёрат қилувчиларнинг кўплари ҳам уни девона қатори санасалар-да, бироқ зоҳидваш ва порсо деб тақдирлашарди. Шу девоналиги уларни асир этарди. Мана шу Ферапонт ота ҳеч қачон ҳазрат Зосима олдида бормасди. Хилватхонада истиқомат қилса-да, уни хилватхона расм-русумлари билан безовта қилишмасди, боз устига у ўзини худди девона каби тутарди. У етмиш бешлардан ошганди, асалари қутилари жойлашган кандухонанинг орқасидаги эски, хароба ёғоч ҳужрада яшарди, ҳужрани илгари ўтган замонларда, аввалги асрда улуғвор рўздор ва индамас ота Иона учун қуришган, Иона ота бир юзу беш ёшга кириб ўтган, унинг кўрсатган жасорат ва фидойиликлари ҳақида монастирда ҳам, атроф жавонибда ҳам ҳозиргача жуда қизиқ афсоналар айтиб юришади. Ферапонт ота бундан етти йил аввал ниҳоят уни ҳам мана шу хилват ҳужрага жойлаштиришларига муяссар бўлди, аммо бу уй кичкина ибодатхона ёки жомхонага ўхшарди, унда жуда кўп тортиқ қилинган санамлар сақланарди, уларнинг ҳар бири олдида ҳеч қачон ўчмайдиган шамчиروқлар ёнарди, уларни қария Ферапонт ёқар ва доим қараб турарди. Айтишларича (бу гап рост эди), чол уч кунда икки қадоқча¹ нон истеъмол қиларди, емакни унга шу асаларихонада турадиган асаларичи келтирарди, аммо унга хизмат қилиб турувчи шу асаларичи билан ҳам Ферапонт ота жуда кам гаплашарди. Монастир муршиди қариянинг бир ҳафталик озуқаси бўлмиш ушбу тўрт қадоқ нон ва якшанба ибодатидан сўнг бериладиган оқ кулчани ўз вақтида қанда қилмай жўнатарди. Ичадиган сувини ҳар куни идишда янгилаб кўйишарди. У зиёфат дастурхонига камдан-кам борарди. Зиёрат қилгани келган мухлислари унинг баъзан уззукун тиз чўккан кўйи, ҳеч қаёққа қарамай ибодатда турганини кўрардилар. У зиёратчилар билан ўқтин-ўқтин суҳбатлашишга майл билдирса ҳам, қисқа, узуқ-юлуқ, ғалати ва доим кўрс гаплашарди. Жуда камдан-кам ҳолларда ўзи гап очиб қолар, лекин кўпинча қандайдир қизиқ бир сўз айтар, зиёратчи бунинг маъзини қандай чақишни билмай боши қотар, шундан сўнг илтижоларга заррача кулоқ солмай ҳеч нарса демас, тушунтириб ўтирмасди. У ҳеч қандай руҳоний унвонига эга эмасди, оддий роҳиб эди. Дарвоқе, хурофий қарашдаги одамлар ўртасида жуда ғалати миш-мишлар юрарди, улар

¹ Бир килога етар-етмас.

наздида, Феррапонт ота самовий рухлар билан алоқада бўлиб турармиш, фақат ўшалар ила суҳбат тутармиш, шунинг учун одамлар билан гаплашмас эмиш. Обдорскдан келган роҳиб камгап ва доим ковоғи солиқ асаларичи роҳибнинг сўзи билан асалари боқиладиган жойга ўтиб, Феррапонт отанинг хужраси жойлашган бурчакка етиб борди. “Узоқдан келган мусофир деб гаплашса ҳам ажабмас, балки умуман эътибор ҳам бермас”, – деб огоҳлантирди уни асаларичи роҳиб. Мусофир роҳиб, кейин ўзининг ҳикоя қилиб беришига қараганда, каттиқ кўрқиб, ҳадиксираб яқин борибди. Вақт анча кеч бўлиб қолган экан. Феррапонт ота бу сафар хужра эшиги олдида пастак курсичада ўтирган экан. Унинг тепасида улкан гужум шамолда енгил шовулларди. Кечки салқин туша бошлаганди. Обдорсклик мусофир роҳиб порсо чол қошида тиз чўкиб, ундан ўзини дуо қилишини сўради.

– Истайсанми, эй худонинг роҳиби, мен ҳам сенинг қошингда тиз чўкай, – деди Феррапонт ота. – Тур ўрнингдан!

Роҳиб оёққа турди.

– Дуо қилиб, дуо олгайсан, ўтир ёнимда. Қаерлардан шамол учирди?

Мусофир роҳибни ҳаммадан ҳам ҳайратга солган нарса шу бўлдики, Феррапонт ота шу улуғ ёшига қарамай, доимий тарзда рўза тутса ҳам, кўринишидан бақувват, гавдали қария бўлиб, қаддини эгмай тик тутар, чехраси тароватли, юзи ориқ, аммо соғлом эди. Куч-қуввати яхши сақлангани кўзга ташланарди. Гавдаси паҳлавонлардек эди. Ёши шунчалар улғайган бўлишига қарамай, соч-соқоли у қадар оқармаганди. Қуюқ қалин соч-соқолида ҳали қора мўйлар кўзга ташланарди. Катта-катта кўзлари шоҳ косасидан ҳайратомуз бўртиб чиққан, оқиш кулранг товланарди. Сўзларида о товушини кучли урғу билан талаффуз қиларди. У илгари аристон деб аталадиган дағал матодан малла чакмон кийган ва йўғон аркон билан белини боғлаганди. Бўйни ва кўкраги очиқ валангар эди. Чакмон остидан ойларча ечилмаган, жуда қалин, қорайиб кетган каноп кўйлак кўринарди. Уни чакмон тагидан ўттиз қадокли қалин занжир боғлаб юради дейишарди. Яланг оёғига жуда эски сизилиб кетган бошмоқ кийганди.

– Кичик Обдорск ибодатгоҳидан, муқаддас Сильвестрдан келдим, – итоат билан жавоб берди мусофир роҳиб аланг-жалаңг, бироз хуркак кўзлари билан дарвешни қизиксиниб кузатаркан.

– Ўша Сильвестрингга борганман. Туз тотганман. Сильвестринг ўзи омонми?

Мусофир роҳиб чайналди.

– Фаҳм-фаросатларинг йўқ сенларнинг! Қандай рўза тутасизлар?

– Бизнинг тамаддимиз қадим дарвешлар одати бўйича шундай ўтади: тўрт ўн кунликда душанба, чоршанба ва жумада тамадди кўймаслар. Сешанба ва пайшанбада биродарларга оқ нон, асал қайласи, майда мева ёки тузланган карам билан аралаш талқон. Шанбада оқ шўрва, нўхат угра, шарватга қорилган каша, ҳаммасига ёғ қўшилган. Ҳафтада оқ шўрва, қотирилган балиқ ва каша. Охириги етти кун душанбадан то шанба оқшомигача – олти кун давомида нону сув еб ичилади, овқат пиширилмайди ва тановул этилмайди, агар овқат ейиш мумкин бўлса-да, аммо барча кунларда ҳам қабул қилинмайди, биринчи етти кунликда шундай дейилган. Муқаддас беш кунликда эса ҳеч нарса ейилмайди, улуғ шанба-

ликда ҳам худди шундай – соат учгача рўза тутилади, кейин озгина нон билан сув еб ичилади ва бир аёқдан май тотинилади. Муқаддас улуғ пайшанбада ёғ қўшмай мураббо еб, май ичиб, қуруқ таом қабул қиламиз. Лаодикияда йиғилган жамоа улуғ пайшанба ҳақида шундай деган¹... Бизда мана шундай. Лекин буларнинг ҳаммаси сизнинг ижтиҳодингиз олдида нимадир, о падари бузруквор, – ўзини ўнглаб олиб деди мусофир роҳиб, – зотан бутун йил бўйи, ҳатто муборак пасхада ҳам² фақат нону сув тановул қиласиз, биз икки кунда ейдиган нонни сиз бутун бир ҳафтага етказасиз. Сиз доим шундай буюк рўзадорсиз.

– Оқ саллалари кўзқоринлар-чи? – деб сўради Феррапонт ота қ товушини худди юмшоқ қ товушдай талаффуз этиб.

– Оқ саллаларми? – ҳайрон бўлиб қайта сўради мусофир роҳиб.

– Ҳа-да. Мен-ку уларнинг ошу нонига зор эмасман, бошимга ҳам урмайман, ўрмонга кетаман-бораман, у ерда оқ салла, мева-чева билан кунимни кўраман, улар эса бунда нонсиз кун кўролмайдилар, инчунин жинга чалинганлар. Ҳозир ҳаромилар бунақа рўза тутишнинг кераги йўқ дейди. Бу такаббурлар ва ҳаромиларнинг гапи.

– Оҳ, рост айтасиз, – хўрсинди мусофир роҳиб.

– Сен уларнинг жинларини кўрганмисан? – сўради Феррапонт ота.

– Улар деганингиз кимлар? – ботинмай қизиксинди мусофир роҳиб.

– Мен ўтган йили пасхадан кейинги эллигинчи троица куни³ игумен ота қошига бориб эдим, ўшандан бери оёқ босмадим у ёққа. Қарасам, унинг кўкрагида ўтирибди, жубба тагига беркиняпти, фақат мугузлари кўриниб турибди, яна бировнинг чўнтагидан бошини кўтариб қараяпти, кўзи ялт-юлт қилади, мандан кўрқади, яна бошқа бировнинг ичига кириб олибди, ошқозонининг энг ифлос ерида ўтирибди, аллакимнинг эса бўйнига осилиб олган, чангаллаб турибди, шундоқ кўтариб юрибди, ўзи кўрмайди.

– Сиз... кўрасизми? – ўсмоқчилади мусофир роҳиб.

– Айтяпман-ку – кўраман деб, нарироқ-берироғигача кўриб тураман. Игумен ота олдида чикаётсам, мундоқ қарасам, биттаси мандан девор орқасига беркиняпти, бўйи бир ярим газ чиқар-ов, жуда ашаддийси, думини айтсанг жуда йўғон, кўнғир, думининг учи эшик тирқишига кириб қолса бўладими, э, мен тентак қараб ўтираманми, дарҳол таппа эшик билан босдим, думини тирқишга қисдим. Ана, чинқиришини кўринг, типир-типир қилади, мен уни уч карра чўқинтирдим. Шу заҳоти мажақланган ўргимчак каби жони чиқди. Энди бурчакда ўлиб ётгандир, сасиб кетгандир, улар эса кўрмайдилар, пайкамайдилар. Йил бўлди, бормайман. Сен мусофирга гапириб беряпман, холос.

– Сизнинг сўзларингиздан одам кўрқади! Эй, буюк порсо падар, – деб юрак ютиб мурожаат қилди мусофир роҳиб, – сизнинг шуҳратингиз узоқ-узоқларга ёйилган, сиз муқаддас руҳ билан доим алоқада бўлар эмишсиз, шу тўғрими?

– Учиб келади. Бўлиб туради.

– Қандай учиб келади? Кўриниши қандай?

¹ Лаодикия – Кичик Осиёдаги шаҳар. Бу ерда айрим черков қонунлари, қоидалари қабул қилинган.

² Пасха – яҳудийлар ҳайити, насронийлар байрами. Уларнинг Мисрдан чиққанликлари муносабати билан қиладиган байрамлари.

³ Троица – насронийларда уч қиёфадаги ягона худо: Ота, Ўғил, Муқаддас Руҳ. Троица куни – шу ақида муносабати билан черков томонидан қилинадиган байрам.

- Куш бўлиб.
 - Муқаддас рух кабуатар қиёфасига қирадимми?
 - У муқаддас рух, бошқаси қуддусрух. Қуддусрух бошқача, у бошқа куш бўлиб ҳам учиб келади: гоҳи қалдирғоч, гоҳи саъва, гоҳи читтак бўлиб.
 - Сиз уни читтакдан қандай фарқлайсиз?
 - Гапиради.
 - Қандай гапиради, қайси тилда?
 - Одам тилида.
 - У сизга нима дейди?
 - Мана бугун хабар бердики, бир тентак келади ва кераксиз нарсаларни сўрайди. Дарвеш, кўп нарса билмоқчи бўласан.
 - Сизнинг сўзларингиз одамни кўрқитади, эй табаррук порсо падар, – бошини чайқарди мусофир роҳиб. Унинг ҳадиксираган кўзларида шубҳа, ишончсизлик акс этарди.
 - Э, манави оғочни кўряпсанми? – биров жим ўтиргач сўради Феррапонт ота.
 - Кўряпман, порсо падар.
 - Сенинг-ча бу бужун дейилади, менга эса бошқача.
 - Қандай у? – мунтазир бўлиб сўради мусофир роҳиб.
 - Кечаси рўй беради. Анави икки бутокни кўряпсанми? Кечалари Исо Масих менга қўлларини чўзади ва қўллари билан мени қидиради, шундоқ кўриб тураман ва қалтираман. Кўркаман, кўркаман!
 - Исо Масихнинг ўзи бўлса, нимаси кўрқинчли?
 - Тутиб олиб кўтариб кетади.
 - Тирик одамни-я?
 - Рухда ва Илёс шонида, эшитмаганмисан? Бағрига босиб олиб кетади...
- Мана шу суҳбатдан сўнг Обдор роҳиби биродарлардан бирининг хужрасига жуда лолу хайрон қайтган бўлса-да, кўнглида Феррапонт ота Зосима отага қараганда афзалроқ туюларди. Обдор роҳиби ҳаммадан бурун рўза тутишни ёқларди, назарида, улуғ рўзадор Феррапонт ота шундай “мўъжизалар” кўриши табиийдай туюларди. Унинг сўзларига одамнинг ақли бовар қилмасди, аммо ёлғиз худойимга аён бундай сўзларнинг тагида не маънолар яширинган, Исо Масих йўлидаги девоналарнинг кўпларида бундан-да беҳроқ сўзлару қилиқлар бисёр. У жиннинг эшикка қисилган думига мажозийгина эмас, балки тўппа-тўғри маънода бажону дил ишонишга тайёр эди. Бундан ташқари, монастирга келишидан бурун ҳам оқсоқолчиликни кўпда ёқтирмас, уни шу пайтгача фақат бошқалардан эшитган ҳикояларидан билар ва бошқаларга эргашиб бу нарсани мутлақо бидъат деб тушунарди. Монастирда бир неча кун бўлиб, у оқсоқолчиликка қарши бўлган бир қанча енгилтакроқ биродарларнинг хуфия норозиликларидан ҳам хабар топди. Шу билан бирга у табиатан ҳар ёқда изғиб ҳид олиб юрадиган, эпчил, ҳар нарсага қизиқадиган дарвеш эди. Мана шунинг учун ҳам Зосима отанинг янги “мўъжизаси” уни фавкулудда ҳайратга солиб қўйди. Алеша кейин ҳазрат ота ва унинг хужраси атрофида куймаланиб юрган роҳиблар орасида Обдорскдан келган меҳмон дарвишнинг у ёқдан-бу ёққа чакқон ўтиб турган, ҳамма нарсага бурнини тикиб кўрадиган ҳамда қизиқадиган, тинглайдиган

хам савол-сўроқ қиладиган жуссасини эслади. Аммо ўшанда унга у қадар эътибор бермаган, фақат кейин эслаганди... Бунга вақти, фурсати ҳам бўлмаганди. Яна қаттиқ ҳолдан тойган ва тўшакка чўзилган ҳазрат Зосима кўзларини юмаркан, уни эслаб қолди ва ўз олдига чақирди. Алеша дарҳол югуриб келди. Бу пайтда ҳазрат отанинг қошида фақат Паисий ота, иеромонах ота Иосиф ва мурид Порфирий бор эдилар. Ҳазрат ота кўзларини хорғин очиб, Алешага диққат билан тикилиб қаради-да, бирдан ундан сўради:

– Сени уйда кутишяптими, бўтам?

Алеша эсанкиради.

– Сенда ишлари йўқми? Бугун бораман деб, кеча ваъда бермаганмисан?

– Ваъда берганман... отамга... акаларимга... яна бошқаларга ҳам.

– Кўрдингми. Албатта, бор. Ташвиш қилма. Сенинг олдингда ер юзидаги охириги сўзимни айтмагунча ўлмаман, шуни билиб қўй. Бу сўзимни сенга айтаман, ўғлим, уни сенга васият қиламан. Ҳа, сенга, азиз ўғлим, ахир сен менга меҳрибонсан. Энди ваъда берган одамларинг олдига бор.

Гарчи бу ердан кетиш жуда оғир бўлса ҳам, дарҳол буйруқни адо этди. Аммо ҳазратнинг ер юзида охириги сўзини эшитиш ва энг асосийси, бу сўз унга васият эканлиги Алешанинг юрагини завқ-шавққа тўлдирди. У шаҳардаги барча юмушларини тугаллаб бу ерга тезроқ қайтиш учун жадаллади. Йўлга отланаркан, Паисий ота ҳам унга панд-насихат қилди, бу Алешанинг юрагида чуқур из қолдирди. Бу улар икковлари ҳазрат отанинг ҳужрасидан бирга чиқишганда рўй берди.

– Шуни ҳам эсингда тут, бўтам, – гапни тўғридан-тўғри бошлаб қолди Паисий ота муқаддима қилиб ўтирмай, – дунёвий илм-ирфон улуғ куч бўлиб бирлашиб, айниқса, кейинги асрда бизга авлиёларнинг битикларида васият қилинган самовотни кўздан кечириб чиқиб, бу дунё олимларининг қаттиқ таҳлилларидан сўнг илгариги муқаддас нарсалардан энди ҳеч вақо қолмади. Аммо улар қисм-қисмларга бўлиб ўрганишди, ҳатто шуниси ҳайратга соладик, улар худди кўрга ўхшаб орада бутунни кўрмай қолишди. Қолбуки, бутунлик улар кўз ўнгида худди олдингидек қимирламай мустаҳкам турибди ва жаҳаннам дарвозалари уни ютиб юборишдан ожиз. Ахир у ўн тўққиз аср яшамадими, ҳозир ҳам айрим кўнгилларнинг интилишларида, халқ оммасининг интилишларида яшамаяптими, ҳатто ўша ҳаммасини вайрон этган даҳрийларнинг юрак интилишларида худди аввалгидек пойдор яшамокда! Бинобарин, насронийликдан қайтган, унга қарши исён кўтарганлар ўз моҳиятига кўра ўша Исо Масих сиймосидан айро эмас ва айнан шундай бўлиб қолишди, зотан ҳозир ҳанузгача на уларнинг танишлари ва на юрак кўрлари инсонга ва унинг кадр-қимматича муносиб қадимиятда Исо Масихо кўрсатган сиймога тенг келадиган шундан ўзга олий сиймо ярата олди. Уринишлар-ку бўлган, аммо улардан фақат айниган нарсалар чиққан, шуни эй навқирон болам, яхши эсингда тут, зотан, сен бу дунёга ҳозир ўтиб бораётган пири муршид томонидан чорлангансан. Эҳтимолки, ушбу улуғ кунни эслаганда, сенга чин дилдан айтилган ўғитларимни ҳам ёд этарсан, алҳол, ёшсан ҳали. Дунё васвасалари ғоят оғир, уларни кўтармоққа кучинг ҳам етмас. Ана энди бас, йўлга туш, етимча.

Паисий ота уни дуо қилди. Алеша монастирдан чиқар ва бу барча кутилмаган сўзларни ўйларкан, у бирдан шуни тушуниб қолдики,



Ўзига шу пайтгача жиддий ва қаттиққўл муносабатда бўлган роҳиб ота тимсолида энди кутилмаган янги ошно ва уни қайноқ юрак билан севадиган янги раҳнамони топди – бу фоний дунёни тарк эта туриб Зосима ота Алешани унга васият қилиб қолдириб кетаётгандек эди. “Балки икковлари ўртасида ростдан ҳам шундай гап ўтгандир”, – деган хаёл келди Алешанинг бошига бирдан. Ҳозиргина унинг оғзидан эшитган ҳикматли мулоҳазалар, ҳа, бошқа эмас, худди шулар ота Паисийнинг юрак қўридан далолат берарди: у навқирон ақл эгасини васвасаларга қарши курашда тезроқ куроллантиришга, ўзига васият қилинган ёш юракни ҳаттоки ўзи ҳам тасаввур эта билмайдиган энг мустаҳкам тўсик ҳавоза билан ҳимоялашга жадал киришганди.

II

ОТА ЁНИДА

Алеша ҳаммадан бурун отасиникига йўл олди. Уйга яқинлашаркан, отаси кеча Иван акангга билдирмасдан олдимга келиб кетгин, деб тайинлаганини эслади. “Нимага ундай экан? – деб ўйланиб қолди Алеша ҳозир. – Агар отам биронта гапини бир ўзимга оҳиста айтмоқчи бўлса, нега мен оҳиста киришим керак? Рост, у кеча тўлқинланиб бошқа бир нимани айтмоқчи бўлган-у, лекин улгурмаган”, – деган фикрга келди у. Шунга қарамасдан, унга кўча эшикни очган Марфа Игнатъевна (Григорий касал бўлиб қолиб ҳовлидаги уйда ётган экан) унинг саволига Иван Федорович икки соат бурун чиқиб кетганини маълум қилганда хурсанд бўлиб қўйди.

– Отам-чи?

– Турган, қаҳва ичаяпти, – куруққина жавоб берди Марфа Игнатъевна.

Алеша ичкарига ўтди. Қария туфлиси ва эски пальтосини кийган ҳолда стол ёнида бир ўзи ўтирар, унча ҳам диққатини қўймай, эрмак учун аллақандай ҳисоб-китоб қоғозларини ўқирди. Бутун уйда у ўзи ёлғиз эди (Смердяков тушликка озиқ-овқат олиб келишга кетганди). Аммо хаёли ҳисоб варақларида эмасди. У эрталаб барвақт тўшакдан турган ва тетик кўринса-да, барибир афтидан ҳорғин ва заиф эди. Унинг тунда қонталаш ғуддалар билан шишиб чиққан манглайи қизил рўмол билан танғиб ўралганди. Тунда тумшуғи ҳам шишиб кетди, унча катта бўлмаса ҳам, қорайиб доғлар босди, булар бари унинг башарасига қандайдир ўзгача қаҳрли ва тажанг тус берарди. Қария буни ўзи ҳам билар, шунинг учун кириб келаётган Алешага ёвқараш қилди.

– Қаҳва совуқ, – кескин қичқирди у, – ичмай қўя қол. Мен, бўтам, бугун ёвғон балиқ шўрвадан бошқасини ичганим йўқ ва ҳеч кимни таклиф қилмадим. Нимага келдинг?

– Соғлиғингизни билай дедим, – деди Алеша.

– Ҳа. Ундан ташқари кеча ўзим сенга келишингни айтгандим. Ҳаммаси бекор. Ортиқча ташвиш чекибсан. Мен ўзим ҳам билувдим сен қўймай келишингни...

Буни у ичи ёмон ғаш бўлиб айтди. Кейин ўрнидан туриб норози бўлиб ойнага, ўзининг бурнига қаради (эрталабдан бери балки қирқинчи мартадир). Манглайига боғланган қизил рўмолни тузата бошлади.

– Қизил рўмол яхши, оқида касалхонага ўхшайди, – ҳикматомуз деди у. – Ҳўш, қани нима дейсан? Устозинг қалай?

– Жуда мазаси йўқ, балки бугун ўлиб қолса керак, – жавоб берди Алеша, аммо отаси эшитгани ҳам йўқ, ўзининг саволини ҳам дарҳол унутди.

– Иван чиқиб кетди, – деди отаси бирдан. – У Митьканинг қайлиғини жони борича тортиб олмоқчи, шунинг учун бу ерда турибди, – қўшиб қўйди қаҳр билан ва оғзини қийшайтириб Алешага қаради.

– Наҳот унинг ўзи сизга шундай деган бўлса? – сўради Алеша.

– Ҳа, анча бўлди айтганига. Нима деб ўйлайсан, бунга уч ҳафтача бўлди. У ҳам мени хуфия сўйиш учун келмагандир бу ерга? Нимагадир ахир келгандир-ку?

– Нима деяпсиз? Нега ундай гапиряпсиз? – жуда хижолат бўлди Алеша.

– Рост, у мендан пул сўрамаяпти, барибир мендан ҳеч вако ололмайди. Мен, жондан азиз Алексей Федорович, дунёда иложи борича узоқ яшамоқчиман, бу маълумингиз бўлсин, шунинг учун менга ҳар бир тийин керак, қанча узоқ яшасам шунча кўпроқ керак, – у ёзги сарик кенг ва чирк босган коломянка пальтосининг чўнтақларига қўлларини тикиб уйнинг у бурчидан-бу бурчига бориб келаркан, гапида давом этарди. – Ҳозир мен ҳали эркакман. Бор-йўғи эллик бешда, аммо мен яна йигирма йил эркак мақомида турмоқчиман, қарисам, дейлик, ифлос замбуруғ бўлиб қоламан, унда менинг олдимга ўзлари ўз оёқлари билан келишмайди, э, ана ўшанда менга муллажиринг асқотади. Ана шунинг учун, менинг азиз ўғлим Алексей Федорович, бир ўзим учун кундан-кунга кўпроқ жийнаб бораман, бу маълумингиз бўлсин, чунки мен ўз булганч ҳаётимда охиригача яшашни истайман, маълумингиз бўлсин. Булганч лаззатли: ҳамма уни сўқади, ҳамма унга ботиб яшайди, фақат ҳамма беркитади, мен эса очикчасига, беркитмайман. Мана шу менинг очик соддалигим учун анов ифлослар бари менга ташланишади. Сенинг жаннатингга, Алексей Федорович, мен бормайман, маълуминг бўлсин, бунинг устига ўзини билган одамга сенинг жаннатинг ярашмайди, мабодо у ерда ўзи бўлган тақдирда ҳам. Менимча, кўзингни юмдингу очмадинг, ҳеч нарса йўқ, мени ёд этгайсиз, агар истасангиз, истамасангиз нари туринг. Жин урсин сизни. Менинг фалсафам мана шу. Кеча бу ерда Иван яхши гапирди, ҳамманинг кайфи тароқ эди-да. Иван мақтанчоқ, ҳеч қанақа олим ҳам эмас... билимлари ҳам ҳаминқадар, индамай туради, индамай устингдан кулади – шунисини қойил қилади.

Алеша уни жим туриб эшитарди.

– У нега мен билан гаплашмайди? Гаплашса ҳам оҳангжама қилади, Иванинг аблаҳ! Хоҳласам, Грушкага ҳозир уйланиб оламан. Чунки пулинг бўлса, нима хоҳласанг қиласан, Алексей Федорович, ҳаммаси қўлингга қиради. Анов Иван мана шундан кўрқади, мени уйланмасин деб, қоровуллик қилади, шунинг учун Митькани гиж-гижлайди. Грушкага уйланиб олсин деб, шуйтиб, мени Грушкадан кўрғайди (Грушкага уйланмаса, пулини менга қолдиради дейди!), бошқа бир томондан агар Митька Грушкага уйланса, унда Иван унинг бой қайлиғини ўзи олади, унинг ҳисоб-китоби ана шундай! Сенинг Иванинг аблаҳ!

– Кўп жаҳлингиз чиқмасин. Кеча сизга ёмон таъсир қилди, ётиб тузалиб олсангиз бўларди, – деди Алеша.

– Сен, мана шундай деяпсан-у, – деди қария бу худди биринчи марта калласига келгандай, – гапларингга жаҳлим чиқмаяпти, агар Иван шу

сўзларни менга айтганда, жаҳлим чиққан бўларди. Фақат сен билан менинг яхши дамларим бўлган, мен ўзи баджаҳл одамман.

– Сиз баджаҳл одам эмассиз, сиз пачақ одамсиз, – кулиб қўйди Алеша.

– Кулоқ сол, мен қароқчи Митькани бугун қамокқа тикмоқчи эдим-у, ҳалиям бир фикрга келганим йўқ. Албатта, бизнинг янги замонимизда ота-оналарни қолоққа чиқариш одат бўлиб қолган, аммо қонун бўйича бизнинг замонимизда ҳам ахир оталарни сочларини чангаллаб судраш, башарасига пошнаси билан тепишга йўл қўйилмайди, яна ўз уйида-я, яна келиб ўлдираман деб ҳамманинг олдида мақтанади-я. Агар хоҳласам, уни етти буклаб ташлайман ва кечаги қилмиши учун қамокқа тикаман.

– Сиз шикоят қилишни истамайсиз, тўғрими?

– Иван қайтарди. Иванни бошимга урмайман-ку, ўзим бир нарсани биламан-да...

У Алешага бошини эгиб, бир сирни айтаётгандай шивирлади:

– У аблаҳни қамокқа тиксам, анави қиз эшитади-да, дарҳол олдига югуриб боради. Агар у қари отасини уриб-тепиб ўлдириб қўяй деганини эшитса, унда уни ташлайди-да, менинг олдимга чошиб келади... Э, куриб кетсин, феъл-хўйи шунақа – ҳаммасини тескарисини қилади. Авра-астаригача биламан уни! Э, нима, коньяк бор, ичмайсанми? Қаҳва совиброқ қолган бўлса ҳам, ича қол, сенга қадаҳнинг тагида қуйиб берай, жуда мазали бўлади-да ўзиям.

– Йўқ, керакмас, раҳмат. Манави кулчани олардим агар берсангиз, – деди Алеша ва уч тийин турадиган француз кулчасини олиб камзули чўнтагига солди. – Сиз ҳам коньяк ичмасангиз бўларди, – хавотирланиб деди у қариянинг башарасига тикилиб.

– Рост айтасан, кўнглингни ёзиш ўрнига ғаш қилади. Биттагина қадаҳ бўлса... Жавондан олай...

У калит билан жавонни очди, қадаҳга қуйиб ичди, кейин жавонни беркитди-да калитни яна чўнтагига солиб қўйди.

– Шу етарли, бир қадаҳ ўлдирмайди.

– Ана энди сал боягиндан очилдингиз, – кулиб қўйди Алеша.

– Ҳм! Мен сени коньяксиз ҳам яхши кўраман, аблаҳларга мен ҳам аблаҳман. Ванька Чермашняга бормаяпти – нега ахир? Айғоқчиликдан қолиб кетади, Грушенька келиб қолса, отам унга қанча бераркин дейди. Ҳаммаси аблаҳ! Мен Иванни сира тан олмайман. Қаердан келиб қолди у? Ҳеч бизга ўхшамайди. Ҳақиқатан унга нима қолдираман? Э, мен ҳатто васият ҳам қолдирмайман, маълумингиз бўлсин. Митькани эса мен худди суваракдек мажақлаб ташлайман. Мен суваракларни кечаси туфли билан пачақлайман, чирсиллаб ўлади. Сенинг Митьканг ҳам кирсиллаб ўлади. Сенинг Митьканг, чунки сен уни яхши кўрасан, мана сен уни яхши кўрасан, мен эса уни яхши кўришингдан кўрқмайман. Мабодо уни Иван яхши кўрса, мен бундан кўрққан бўлардим. Аммо Иван ҳеч кимни яхши кўрмайди. Иван бизнинг одам эмас, бу Иванга ўхшаган одамлар, бўтам, булар бизнинг одамлар эмас, булар шамолда кўтарилган тўзон... уни шамол олиб кетади... Кеча бир аҳмоқлик хаёлимга келган эди, шунга бугун келгин дегандим, сен орқали Митькадан бир нарсани билмоқчи эдим, агар мен унга, Митькага ҳозир бир-икки мингни санаб берсам, у йўқсил ва ярамас бу ердан дарҳол жўнаб кетишга кўнармикин, айттайлик беш йилга, яхшиси, ўтгиз беш йилга Грушкасиз, ундан бутунлай воз кечармикин, а?

– Мен... сўрайман... – пичирлади Алеша . – Агар уч минг бўлса, балки, у...

– Ёлғон! Керак эмас ундан сўраш, ҳеч нарса керакмас! Мен бошқа фикрга келдим. Кеча калламга бу аҳмоқлик келиб қолувди. Ҳеч вақо бермайман, бир чақа ҳам бермайман, пулим ўзимга керак, – қўлларини силкитиб деди қария. – Мен уни шусиз ҳам суваракдек эзиб ташлайман. Унга ҳеч нарса айтма. Яна хомтама бўлиб юрмасин. Бу ерда бошқа ишинг бўлмаса, бора қол энди. Анави қайлиғи Катерина Ивановнамиди, доим мендан уни яшириб келди, унга турмушга чиқармикин, йўқми? Сен кеча унинг уйига бординг, шекилли?

– У Митькани ҳеч қачон ташлаб кетмоқчи эмас.

– Бу нозанин бойвучча ойимлар мана шунақа ишратпараст ва пасткашларни яхши кўришади, хайрон қоласан киши! Сенга айтсам, жуда ярамас бу ойимқизлар, туслари курсин, ановларни айтаман... Хўш! Қани эди унинг ёшлиғи менда бўлса, яна ўша пайтлардаги чехрам (мен йигирма саккиз ёшимда ундан кўра анча кўркамоқ эдим), унда мен ҳам худди шундай ғолиб чиқардим. Шум бош у! Барибир Грушенькани олмайди, олмайди, ҳа... чангини чиқариб юбораман.

Охирги сўзларини айтиб у яна ғазаб отига минди.

– Сен ҳам боравер, бугун меникида қиладиган бошқа ишинг йўқ, – кўрслик билан деди у.

Алеша унинг ёнига хайрлашиш учун борди ва елкасидан ўпиб қўйди.

– Ийе, нима қилганинг бу? – бироз хайрон бўлди қария. – Ҳали яна кўришамиз-ку ахир. Ё кўришмаймиз деб ўйлайсанми?

– Ундаймас, мен ўзим шундай, бехос.

– Мен ҳам шундай, шундай ўзим... – унга қараб қолди қария. – Менга қара, менга қара, эшитяпсанми, – қичқирди унинг орқасидан, – тезроқ бир келиб кет, балиқ шўрвага кел, балиқ шўрва қилиб бераман, алоҳида ўзингга, албатта, кел, хўпми! Майли, эртан кел, эшитяпсанми, эртага кел!

Алеша эшикдан чиқиб кетиши билан қария яна жавон олдида борди-да, яна ярим қадах қуйиб отиб юборди.

– Бошқа ичмайман! – тўнғиллади у ва томоғини қириб қўйиб яна жавонни ёпди, яна калитни чўнтагига солди, кейин ётоғига ўтди-да ўринга ҳолсиз чўзилди ва шу ондаёқ кўзи уйкуга кетди.

III

ЎҚУВЧИ БОЛАЛАРГА ДУЧ КЕЛДИ

“Худога шукур, отам мендан Грушенькани сўрамади, – деб ўйлади ўз навбатида Алеша отасининг олдидан чиқиб Хохлакова хонимойимнинг уйига йўл оларкан, – бўлмаса Грушенька билан кечаги учрашувни ҳикоя қилиб беришга тўғри келарди”. Алеша ўтган кечадан бери муборизлар жанглари олдидан янгидан куч тўплаб, янги кунни юраклари тош қотиб кутиб олганликларини ҳис этиб жони оғриди: “Отам тажанг ва қаҳр-ғазабга минган, у ниманидир кўнглига туккан ва шунда қаттиқ турибди, а Дмитрий-чи? У ҳам тун-кечада аҳду қарорини мустаҳкамлади ва тажанг, қаҳр-ғазаби ортган, у ҳам бир нимани кўнглига тугиб пайт пойлапти... О, бугун уни қандай бўлмасин топишим, кўришим зарур...”



Аммо Алешага узоқ ўйлашга имкон бўлмади: йўлда у бир воқеага дуч келдики, кўринишидан унча муҳим бўлмаса-да, лекин унга қаттиқ таъсир қилди. У майдондан ўтиб, Катта кўчага ёндош Михайловский йўлига чиқиш учун торроқ кўчага бурилганида (кўчалар бир-биридан фақат зовурлар билан ажралар, бутун шаҳар шундай зовурлар билан чирмалганди), пастда, кичик кўприк олдида болакайларнинг кичикроқ бир тўпини кўриб қолди, бари тўққиз ёшдан ўн икки ёшгача бўлган кичкинтойлар эди. Улар синфларидан чиқиб орқаларига сумкаларини осган, бошқалари елкаларига саҳтиён халталарини камар билан илдирган, баъзилари калта куртка, баъзилар пальточалар, бировлари кўнжи баланд бурамали этикчалар кийгандилар, болалар шундай этикчаларни яхши кўришар, давлатманд оталар ҳам суюкли жужуқларини шундай эркалатгилари келарди. Тўда ҳаммаси бир-бирларига жон куйдириб нималарнидир уқтирар, чамаси, маслаҳатлашардилар. Алеша ҳеч қачон болалар олдидан бепарво ўтиб кетолмасди, Масковда ҳам у билан шундай ҳол-аҳволлар бўлиб турарди, у ҳаммадан ҳам уч яшар ё шу атрофдаги болакайларни яхши кўрса-да, ўн-ўн бир яшар ўқувчи болаларни ҳам жуда ёқтирарди. Шунинг учун ўз ташвишлари ўзига етиб-ортиб турган бўлса-да, бирдан болалар қошига боргиси, улар билан сўзлашгиси келди. Уларга яқинлашаркан, аввало, ҳаяжондан қирмизи бўлиб кетган, бўғриққан юз-бетларини кўрди ва бирдан барчаларининг қўлларидан биттадан, айримларида иккитадан тош борлигини пайқади. Зовурдан нарида, тўдадан ўттиз қадамлар олисроқда девор тагида яна бир бола турар, у ҳам ўқувчи, елкада саҳтиён халта, ўн ёшлар ёки ундан ҳам ёшроқ бу болакайнинг касалмандроқ юзи бўздай оқарган, қоп-қора кўзларидан ўт чакнарди. У тўдадаги олтита ўқувчи болани диққат билан синчиклаб кузатар, афтидан, унинг синфдошлари ҳозиргина мактабдан бирга чиқишган, аммо нимагадир энди ёвлашмоқда эдилар. Алеша яқинроқ келиб, қора курткача кийган, сочлари жингалак, оппоққина, юзи кип-қизил бир болага қаради-да, сўз қотди:

– Сизга ўхшаб халта кўтариб юрган пайтимизда уни чап ёнимизда олиб юрардик, ўнг қўлимиз билан олиш осон бўлади деб, сизнинг халтангиз ўнг томонингизда экан, олиш ноқулай. – Алеша олдиндан ҳеч қандай муғамбирлик қилиб ўтирмасдан гапни тўғри шундан бошлади, агар ёши каттароқ одам боланинг ёки бир тўда болаларнинг ишончини қозонмоқчи бўлса, шундан бошқача йўл тутмаслиги лозим. Гапни айнан шундай жиддий ва ишчан тарзда, болакайлар билан теппа-тенг туриб бошлаш жоизроқ, Алеша буни савқи табиий билан англарди.

– Э, у чапақай, – дарҳол жавоб берди кўринишдан азаматроқ, соғлом, ўн бир ёшлардаги йигитча. Қолган беш болача Алешага тикилиб қолдилар.

– У тошни ҳам чап қўлида отади, – деб қўйди учинчи бола. Шу аснода болалар тўдасига тош отилди, чапақай болакайга бироз тегиб ўтди ва нарига бориб тушди, аммо у чаққон ва куч билан улоқтирилганди. Уни зовур ортидаги бола отганди.

– От уни, бошига сол, Смуrow! – деб қичқиришди болакайлар. Аммо Смуrow (чапақай) ўзини куттириб ўтирмади ва дарҳол жавоб қайтарди: у зовур орқасидаги болага тош отди, аммо тоши тегмади, қуруқ ерга тушди. Зовур ортидаги бола яна тўдани мўлжаллаб тош улоқтирди, тош бу сафар тўғри келиб Алешанинг елкасига тегди ва оғритди. Зовур нарисидаги боланинг чўнтаклари тўла тош эди. Ўттиз қадам наридан ҳам пальтосининг чўнтаклари дўппайиб кўринарди.

– Сизга отди, атай сизни мўлжаллаб отди. Ахир сиз Карамазов, Карамазовсиз-ку? – деб хоҳолаб кулиб қичқиришди болалар. – Хўп, ҳаммамиз бирга отамиз, қани отдик, от!

Тўдадан бир йўла олти тош отилди. Битта тош боланинг бошига тегди, у йиқилди, аммо дарров дик этиб турди ва жон-жаҳди билан тўдани тошбўронга тутди. Икки томондан тошбўрон бошланди, тўдадаги болаларнинг ҳам чўнтақларига тош тўлдирилган экан.

– Нима қиялпсизлар! Уят эмасми, жаноблар! Олти киши биттагами, ахир уни ўлдириб қўясизлар! – қичқирарди Алеша.

У зовур нарёғидаги болани тўсиш учун отилаётган тошларга кўксини қалқон қилди. Уч ёки тўрт бола бирдан шахдидан қайтди.

– У ўзи биринчи бўлиб бошлади, – қичқирди қизил кўйлак кийган бола жаҳли чикқан овозда, – у пасткаш, боя синфимизда Красоткинга пакки пичоғини тикиб олди, қон окди. Красоткин чақиб ўтирмади, ановни боплаб уриш керак...

– Нимага ахир? Сиз балки ўзингиз унинг жиғига тегаётгандирсиз?

– Ана, у яна елкангизга тош отди. У сизни билади, – қичқиришди болалар. – У бизга эмас, энди сизга тош отяпти. Қани, ҳамма барабар отсин, мўлжалга ур. Смулов!

Яна отишма бошланди, жанг ёмон қизиди. Зовур ортидаги боланинг кўкрагига тош тегди; у чинқирди, йиғлади ва тепага – Михайловское кўчаси томонга қочди. Тўдадаги болалар сурон солдилар: “Оҳа, кўрқок, қочиб қол, дасмол!”

– Сиз ҳали у қандай ярамаслигини билмайсиз, Карамазов, уни ўлдириш камлик қилади, – такрорлади куртка кийган, кўзлари чўғдай ёнган бола, у, афтидан, ҳаммаларидан каттароқ эди.

– У қанақа ўзи? – сўради Алеша. – Нима, чақимчими?

Болалар бир-бирларига кулгандай бўлиб қарашди.

– Сиз ўша ёққа, Михайловское томонга боряпсизми? – давом этди халиги бола. – Уни қувиб етиб олинг... Ҳов, кўряпсизми, у яна тўхтади, кутиб турибди, сизга қараяпти.

– Сизга қараяпти, сизга қараяпти! – шовқинлашди болалар.

– Ана ундан сўраб кўринг, у ҳаммом дасмолини яхши кўрармикин, титилган дасмолни. Эшитдингизми, шунини сўраб кўринг.

Болалар қийқириб кулишди. Алеша уларга, улар Алешага тикилиб қарашарди.

– Борманг, у пачағингизни чиқаради, – огоҳлантириб бақирди Смулов.

– Жаноблар, мен ундан дасмолни сўрамайман, сиз уни бу билан балки масхара қилаётгандирсиз, аммо мен нега сиз уни бундоқ ёмон кўришингизни сўраб биламан...

– Била қолинг, била қолинг, – деб кулишди болалар.

Алеша кўприкчадан ўтиб, девор ёқалаб, тепага шўрлик болага томон кўтарилиб борди.

– Эҳтиёт бўлинг, – қичқиришарди болалар унинг орқасидан огоҳлантириб, – у сиздан кўркмайди, у сизга пичоқ тикиши мумкин... Красоткинга қилгандай.

Бола уни жойидан қимирламай кутарди. Алеша яқинроқ бориб олди-да ёши тўққизларга чиққан, заифроқ, пастак бўйли, узунчокроқ юзи озгин ва оқарган болақайни кўрди, бола катта қора кўзлари билан унга ўқрайиб тикиларди. У тўзиб, эскириб кетган, унга ҳозир кичкина бўлиб



қолган пальто кийганди. Яланғоқ құллари енгларидан чиқиб турарди. Иштонининг ўнг тиззасига каттакон ямоқ солинган, ўнг оёғидаги этикчасининг бошмалдоқ турадиган жойи ўймоқдек тешик, у қора сиёҳ билан чапланганди. Пальтосининг қаппайган чўнтақларига тош тўлдирилганди. Алеша болакайдан икки қадам берида тўхтади ва унга саволомуз қараб турди. Бола Алешанинг кўзларига қараб, унинг урмоқчи эмаслигини кўриб, бироз ҳовридан тушди ва ҳатто ўзи тилга кирди.

– Мен бир ўзимман, улар эса олтига... Мен бир ўзим уларнинг ҳаммасини абжағини чиқараман, – деди у кўзлари ёниб.

– Битта тош сизга жуда ёмон тегди, шекилли, – деб қўйди Алеша.

– Мен эса Смуровнинг бошини ёрдим! – қичқирди болакай.

– Болалар сиз мени биласиз деб айтишди, нима учундир менга тош оттингиз? – сўради Алеша.

Бола унга хўмрайиб қаради.

– Мен сизни танимайман. Сиз мени танийсизми? – сўрарди Алеша.

– Менга ёпишманг! – бирдан жаҳл билан қичқирди бола, ўзи эса ниманидир кутгандай турган жойидан жилмади ва яна унинг кўзларида қахру ғазаб учкунлади.

– Майли, мен кетаман, – деди Алеша, – фақат мен сизни танимайман ва ғашингизга ҳам тегмайман. Болалар менга ғашингизга тегишаётганини айтишди, аммо мен ғашингизни келтирмоқчи эмасман, хайр, омон бўлинг.

– Шойи иштон кийган роҳиб! – деб қичқирди бола Алешага тўнг ҳамда жаҳлдор қараб ва яна Алеша энди ургани ташланса керак деб, бунга тайёрланиб турди, аммо Алеша унга бир ўгирилиб қаради-ю, йўлига кетаверди. Бироқ у ҳали уч қадам қўймай орқасига бола отган энг катта тош гурсиллаб тегди.

– Э, орқадан урасизми ҳали? Болалар тўғри айтишган экан-да сизни биқиниб ҳужум қилади деб? – деб яна орқасига ўгирилди, аммо болакай бу сафар энди тўғри унинг башарасини мўлжаллаб жон-жаҳди билан яна тош отди, бироқ Алеша ўзини пана қилишга улгурди ва тош тирсагига келиб тегди.

– Уялмайсизми! Мен сизга нима қилдим? – қичқирди Алеша.

Болакай индамай мана энди Алеша ўзига албатта ташланишини жўжаҳўроздай бўлиб кутарди, бироқ мана энди ҳам унга ташланмаётганини кўриб қуфри кўзиди, ҳайвондек кутурди: у турган жойидан отилиб бориб Алешага ёпишди, у ўзини ўнглаб улгурмай, бошини қуйи эгиб, иккала қўли билан унинг чап қўлини чангаллаб тутди-да ўрта бармоғини қаттиқ тишлади. У тишларини бармоққа бор кучи билан ботириб, ўн сонияча қўйиб юбормади. Алеша қаттиқ бақириб юборди ва жон ҳолатда қўлини тортиб олди. Бола ниҳоят унинг қўлини қўйиб юбориб, яна бояги жойига бориб турди. Бармоқ тирноққа қўшиб ёмон тишланган, тиш суяккача ботганди, қон окди. Алеша рўмолчасини чиқариб жароҳатланган бармоғини маҳкам ўради. Бир дақиқаларча шу билан машғул бўлди. Болакай ҳамон пойлаб турарди. Ниҳоят, Алеша унга сокин қаради.

– Бўпти, майли, – деди у, – кўрдингизми, мени қандай ёмон тишладингиз, хўп, бўлдим энди, шундайми? Энди айтинг, мен сизга нима қилдим?

Бола бақрайиб қаради.

– Мен сизни ҳеч танимайман, биринчи марта кўриб турибман, – худди ўшандай хотиржам сўйлади Алеша, – балки сизга бир ёмонлик

килгандирман, мени бекорга бундай урмасдингиз-ку. Хўп, айтинг, мен нима қилибман, сизнинг олдингизда гуноҳим нима, айтинг қани?

Болакай жавоб бериш ўрнига бирдан бўриллаб йиғлаб юборди ва бирдан Алешадан нари қочиб кета бошлади. Алеша унинг ортидан Михайловское кўчасига осуда юриб борди, анча вақтгача боланинг орқасига қарамай, қадамларини секинлатмай ва афтидан, ҳамон хўнграб йиғлаётганча қочаётганини кўриб борди. У вақт бўлиши билан болани кидириб топиш ва бу фавқулудда сирли жумбоқни, албатта, ечишни кўнглига туғиб қўйди. Ҳозир бунга имкон йўқ эди.

IV

ХОХЛАКОВАЛАР УЙИДА

У кўп ўтмай Хохлакова хоним ойим уйига етиб келди, ғиштин хусусий икки қаватли кўркам, шаҳримиздаги энг яхши уйлардан эди. Гарчи хоним Хохлакова аксар бошқа вилоятдаги мулкида ё Масковдаги ўзига тегишли уйда истиқомат қилса-да, бизнинг шаҳарчамизда ҳам унинг ота-боболардан мерос қолган уй-жойлари бор бўлиб, ҳар учала мулклари ичида энг каттаси шу эди, бироқ шу вақтгача бизнинг вилоятимизга камдан-кам қадам ранжида қиларди. У Алешани қаршилаб эшик олдига югуриб чиқди.

– Олдингизми, олдингизми янги мўъжиза ҳақидаги хатимни? – ҳовлиқиб сўради у.

– Ҳа, олдим.

– Тарқатдингизми, ҳаммага кўрсатдингизми? У онасига ўғлини кайтарди.

– У бугун ўлади, – деди Алеша.

– Эшитдим, биламан, о, сиз билан қанчалар гаплашгим келади! Сиз биланми, бошқалар биланми, ишқилиб шул воқеалар ҳақида. Йўқ, фақат сиз билан, сиз билан! Жудаям ачинаман, уни кўришнинг сираям иложи йўқ! Бутун шаҳар ҳаяжонда, ҳамма кутяпти. Аммо энди... сиз биласизми, энди бизникида Катерина Ивановна ўтирибди.

– Оҳ, қандай яхши! – хитоб қилди Алеша. – Сизникида у билан кўришадиган бўлдим, – кеча у бизникига эртага, албатта, келинг деганди.

– Ҳаммасини биламан, ҳаммасини. Кеча унинг уйида бўлган воқеаларни майда-чуйдасигача биламан... анави манжалақини қаранг... *C'est tragique*¹. Мен унинг ўрнида бўлганимда, унинг ўрнида бўлганимда, нима қилардим билмайман! Аммо акангиз Дмитрий Федоровични ҳам айтинг-да, бу қандоқ-а! О худойим! Алексей Федорович, мен чалкашиб кетяпман, тасаввур қилинг, у ерда сизнинг акангиз ўтирибди, йўқ, кечаги анов чатоқ эмас, бошқаси, Иван Федорович, ўтириб қиз ойим билан гаплашяпти: гаплари жуда оҳангжамали... Ишонсангиз эди улар ўртасида ҳозир нима бўлаётганига – бу жуда чатоқ, бу, сизга айтсам, азоб, изтироб, бу жуда қўрқинчли эртақлар, унга ҳеч, сира ишониб бўлмайди: икковлар, нимагалиги номаълум, ўзларини ўзлари ҳалок қиляптилар, ўзлари би-лишади буни ва ўзлари бундан лаззатланишади. Мен сизни кутдим! Сизга интизор бўлдим! Энг муҳими, мен бунга чидолмайман. Мен сизга ҳозир

¹ Бу хайратомуз (франц.).

хаммасини айтиб бераман, аммо энди бошқаси ва хаммасидан муҳими, оҳ, мен эсимдан чиқариб қўйдим бу хаммасидан муҳимини, айтинг-чи, нега Lise жиннилик қияпти? Сиз келаётганингизни ҳозир эшитгани заҳоти унинг ана шу жиннилиги бошланди! Жазава!

– Мапан, сиз жазавага тушяпсиз, мен эмас, – ён томондаги хона тирқишидан бирдан чиркиллади Lisenинг мурғак овози. Тирқиш тор эди, овоз эса зириллаган, худди жуда кулгинг келиб туради-ю, лекин зўр бериб ўзингни бу кулгидан тўхтатолмаётгандек. Алеша дарров бу тирқишни пайқади, афтидан, Lise ўз аравачасида ўтириб, шу тирқишдан унга мўралаётгандай, аммо бу унинг кўзига ташланмасди.

– Ажаб эмас, Lise, ажаб эмас... сенинг инжиқликларингдан мени ҳам жазава тутади, айтмоқчи, унинг жуда тоби йўқ. Алексей Федорович, кечаси билан мазаси бўлмади, иситмаси чикди, инграб ётди! Тонг отгунча, Герценштубе келгунча зўрға чидадим. Доктор ҳеч нарса ни тушунмаяпман, бироз кутайлик деяпти. Бу Герценштубе дегани доим шундай, ҳеч нарса тушунмаяпман дейди. Сиз уйга келишингиз ҳамон у қичқириб юборди ва бирдан тутқаноғи тутди, кейин ўзини мана шу олдинги хонасига олиб ўтишни сўради.

– Ойи, мен у келганини билганим йўқ, бу хонага ўтганим унгамас.

– Ёлғонингни қўйсанг-чи, Lise, сенга Юлия чопиб келиб айтди, Алексей Федорович келяпти деди. Уни қоровул қилиб қўйган эдинг.

– Ўзимнинг ширин ойижоним, бу гапингиз унча қизик чиқмади. Агар жудаям ёқаман деб турган бўлсангиз, битта ақлли гапингизни айтинг, ойижоним, ҳозиргина кириб келган марҳаматли жаноб Алексей Федоровичга маълум қилингики, ул жаноб кечаги воқеадан кейин бугун бизникига келишга бўйни ёр берган экан, бу унинг доно ва зукко эмаслигидан дарак беради, ҳамма унинг устидан кулиб турганда шундай қиладими.

– Lise, бироз оғзингни юмсанг бўларди, билиб қўй, мен қаттиқ тартибга чақирим мумкин. Ким кулаётибди унинг устидан, у келганидан мен жуда хурсандман, у менга керак, жудаям керак. Оҳ, Алексей Федорович, мен жуда ҳам бахти қаро хотинман!

– Сизга нима бўлди, менинг ширин-шакар ойижоним?

– Оҳ, сенинг бу инжиқликларинг, Lise, бетайинлик, касалинг, кечаси билан иситмалаб чиқдинг, бу ўша чаток, ўша Герценштубе, ҳаммадан ҳам ўша, ўша, яна ўша! Яна ниҳоят, ҳаммаси, ҳаммаси... Яна ўша, ҳатто ўша мўъжиза! Ҳайратимнинг чеки йўқ, мен лол бўлиб қолдим, азизим Алексей Федорович! Бунинг устига анави меҳмонхонамиздаги машмаша, мен буни сира кўтаролмайман, чидолмайман, мен сизга олдиндан маълум қилиб қўяй – чидолмайман. Комедиядир балки бу, трагедиямас. Айтинг-чи, Зосима ота эртагача яшайдими, йўқми? О худойим! Менга нима бўляпти ўзи, дам-бадам кўзимни юмаман-у кўз олдимга келтирмаман, ҳаммаси беҳуда, ҳаммаси беҳуда.

– Сиздан ўтиниб сўрайман, – бирдан унинг сўзини бўлди Алеша, – менга тоза бир латта беринг, қўлимни боғлаб олай. Бармоғим лат еб қаттиқ оғрияпти.

Алеша тишланган бармоғини очди. Рўмолча жиққа қон бўлиб қолганди. Хохлакова хоним қичқириб юборди ва кўзларини чирт юмди.

– О худойим, бу яра-ку, қанчалар даҳшат!

Аммо Lise эшик тирқишидан Алешанинг бармоғини кўриши билан дарҳол эшикни ланг очиб юборди.

– Киринг, кириг, менинг олдимга, – қатъият ва ҳукмпармолик билан қичқирди қизча, – тентакликни бас қилинг! Вой, худойим, нега индамай турдингиз шунча вақт? Ойи, у кўп қон йўқотиши мумкин эди! Қаерда бундай, нега бундай? Дарров сув, сув! Ярани ювиш керак, совуқ сувга ботирса оғриқ қолади, сувга ботириб, ботириб туриш керак. Ойи, тезроқ, тезроқ сув, сувдонда сув. Бўла қолсангиз-чи, – жонсарак бўлди у кўрқиб кетган ҳолда, Алешанинг жароҳати уни ларзага солди.

– Герценштубега одам юборсакмикин? – сўради Хохлакова хоним.

– Ойи, жонимни чиқарманг. Герценштубе келиб, ҳеч нимани тушунмаяпман дейди. Сув, сув! Ойи, қимирлай қолинг, Юлияни тезлатинг, қай гўрга кетди у, кела қолмайди! Тезроқ, тезроқ, ойи, бўла қолинг, ўлиб қоламан...

– Э, арзимаган нарса! – хитоб қилди Алеша уларнинг кўрқувларидан юраги олиниб.

Юлия югургилаб сув келтирди, Алеша сувга бармоғини солди.

– Ойи, худо ҳақи, лос олиб келинг, лос ип билан кесилган ярага кўядиган малҳам, ҳаҳ, оти нимаиди! Бизда бор, бор, бор... Ойи, шиша идиш қаердалигини биласиз, ётоқхонангизда ўнг томондаги жавончада, катта шиша идиш билан лос ип ўша ерда...

– Ҳаммасини ҳозир олиб келаман, Lise, фақат бақирма, ўзингни бос. Кўряпсанми, Алексей Федорович матонат билан чидаб турибди оғриққа. Қаердан бу жароҳат сизга ёпишди, Алексей Федорович?

Хохлакова хоним шошиб чиқиб кетди. Lise худди шуни кутиб турганди.

– Энг олдинига саволга жавоб беринг, – тез-тез сўзлай кетди у Алешага, – қаерда ҳам дарров бундай яралана қолдингиз? Ундан кейин мен сиз билан бошқа нарса ҳақида гаплашаман, хўш?

Алеша қизга онаси қайтиб келгунча бўлган вақт жуда қимматли эканлигини сизди ва кўп нарсаларни тушириб қолдириб, қисқартириб, бироқ аниқ ва равшан қилиб мактаб ўқувчилари билан аломат учрашувини ҳикоя қилиб берди. Lise уни эшитиб, қўлни кўлига уриб чапак чалиб юборди.

– Сизга манави либосингизда болалар билан ади-бади қилиб ўтириш ярашадими? – ғазаби кўзиб қичқириб юборди у худди бундай гапни унга айтишга ҳуқуқи бордай, – э, ўзингиз ҳам боладай бўлибсиз-да, айнан кичкина бола, ортиқ эмас. Бироқ менга, албатта, ўша ярамас болани билиб беринг. Чунки бу ерда бошқа бирон гап борга ўхшайди. Энди иккинчи бошқа саволимга ўтайлик, сиз, Алексей Федорович, ярангиз оғриб турган бўлса ҳам, бошқа бир нарсалар устида бемалол гаплаша, фикрлаша оласизми?

– Албатта, албатта, ҳозир оғриқ ҳам босилиб қолди.

– Бармоғингиз сув ичида турганда оғримайди. Сувни дарров алмаштириш керак, чунки тез исиб қолади. Юлия, омбордан бир бўлак муз билан янгидан совуқ сув олиб кел, тез бўл. Ана, у кетди, энди ўзимнинг гапим: Алексей Федорович, мен кеча сизга жўнатган хатни дарров менга қайтариб беринг, дарров, тез, чунки ҳозир онам келиб қолади, мен унинг олдида...

– Хат ёнимда эмас.

– Ёлғон, хат сизда. Билардим шундай жавоб беришингизни. Хат мана-ви чўнтагингизда. Бу тентак ҳазилим учун тун бўйи пушаймон еб чикдим. Хатимни ҳозироқ қайтариб беринг. Беринг!

- Хат у ёқда қолган.
- Менинг жинни хатим, ҳазилимдан кейин мени кичкина бир қизча, кичкина, кичкина жужук қизча деб ўйламассиз, ахир! Сиздан тентакларча ҳазилим учун узр сўрайман, аммо агар ҳозир ёнингизда бўлмаса, уни албатта, менга олиб келиб беринг. Шу бугундан қолмай келтириб беринг, албатта, албатта!
- Бугун сира иложи йўқ, чунки мен монастирға кетаман, сизнинг олдингизга икки-уч, балки тўрт кун келолмайман, чунки Зосима ота...
- Тўрт кун-а, шу ҳам гапми! Менга қаранг, устимдан роса кулдингизми?
- Заррача ҳам кулмадим.
- Нимага?
- Чунки ҳаммасига ишондим.
- Масхара қилманг!
- Асло, асло. Ўқишим билан дарров билдимки, ҳаммаси худди шундай бўлади, чунки Зосима ота қазо қилгач, мен дарҳол монастирдан кетаман. Кейин мен курсдаги ўқишимни давом эттираман, имтиҳон топшираман, қонуний вақт бўлгач, биз никоҳдан ўтамыз. Сизни севиб, қўлимда кўтариб юраман. Ҳозирча вақт бўлмай ҳали ўйлаб кўрмадим, аммо сиздан яхшироқ хотин тополмасам керак дейман, устозим ҳам менга уйлангин деди...
- Э, мен баднамонан, мени ғилдирашиб олиб юришади! – жаранглаб кулди Lise икки бети олчадай қизариб.
- Мен ўзим сизни ғилдирашиб юраман, лекин у вақтгача сиз соғайиб кетасиз деб ишонаман.
- Сиз девона экансиз, – деди овози қалтираб Лизе, – оддий ҳазилдан шунақа хулоса чиқарибсиз бемаъни!.. Оҳ, ана, ойим ҳам келиб қолди, айни вақтида. Ойи, мунча кеч қолиб юрасиз, шунақаям узоқ кетадими! Мана, ниҳоят Юлия ҳам муз олиб келяпти.
- Оҳ, Lise, бақирма, ҳаммадан ҳам сен қичқирма. Бундай қичқирсанг, мен... Ўзинг лос ипни бошқа жойга қўйган бўлсанг, нима қилай... Зўрға қидириб топдим... Атай шундай қилганмисан, нима бало.
- Мен билганим йўқ-ку унинг бармоғини тишлатиб келишини, йўқса, балки, атай ҳам қилардим. Ойижоним, фариштам. Сиз ҳаддан ортик ўткир гапларни айтаётирсиз.
- Ўткир бўлса ўткирдир, аммо Lise, Алексей Федоровичнинг битта бармоғига шунчалар оҳангжамами! Оҳ, азиз Алексей Федорович, менинг жоним чиққани майда-чуйда, аллақандай Герценштубедан эмас, ҳаммаси бир бўлиб яхлит ҳолда жонимни чиқаради, мен мана шунга асло тоқат қилолмайман.
- Етар, ойи, етар, Герценштубени кўп гапирдингиз, – хушчақчақ куларди Лиза, – тезроқ лос ип билан сувни беринг, ойи. Бу оддий кўрғошин эритмаси, Алексей Федорович, мен энди отини эсладим, бу жуда яхши дори. Ойи, қаранг, у кўчада болалар билан уришибди, уни бир бола тишлабди, қаранг. Худди ёш боламасми, ёш бола, ойи, шу ахволда у қандай қилиб уйланади, қаранг, тасаввур қиласизми, у уйланмоқчи-я, ойи. Унинг уйланганини кўз ўнгингизга бир келтиринг, ғирт кулги эмасми бу, қанақаси ўзи бу?
- Лиза шу кўйи Алешага айёрона қараб қикир-қикир таранг қилиб куларди.
- Уйланиши у ўзи нима эди Lise, нега сенга бунинг кўйи тушиб қолди, ҳеч сенга алоқаси йўқ, ярашмайди... анави тишлаган бола кутурган бўлиши ҳам мумкин-а.

- Оҳ, ойижон! Дунёда қутурган болалар ҳам бўладими?
- Нега бўлмас экан, Lise, нима, мен ўйламай гапирибманми, ўша болани қутурган ит қопган, шунинг учун у бола қутурган, яна ён-веридагиларни ҳам қопади. Қўлингизни қандай чиройли бойлаб қўйди, Алексей Федорович, мен ҳеч қачон бундай яхши бойлолмасдим. Энди оғримаяптими?
- Сал-пал оғрияпти.
- Сиз сувдан кўркмайсизми? – сўради Лиза.
- Бас, етар, Lise, мен балки қутурган бола деб ўйламай гапириб қўйгандирман, сен дарров шунга гапни тўғрилай қолдинг. Катерина Ивановна сиз келганингизни ҳозиргина билди, Алексей Федорович, менга дарров ёпишиб олди, жуда интизор, интизор.
- Оҳ, ойи! У ёққа ўзингиз боринг, у ҳозир боролмайди, қўли оғрияпти.
- Унча оғримаяпти. У ёққа борсам бўлади... – деди Алеша.
- Йўғ-ей! Сиз кетасизми? Вой, сиз шунақамисиз? Шунақамисиз?
- Майли. Мен у ерга бориб, яна қайтиб келаман ва биз яна истаганингизча гаплашаверамиз. Мен тезроқ Катерина Ивановнани кўрсам девдим, чунки мен қандай бўлмасин, бугун тезда монастирга қайтишим керак.
- Ойижон, уни тезроқ олиб кетинг. Алексей Федорович, Катерина Ивановнадан кейин олдимга келманг, тўғри монастирингизга жўнанг, худо хайрингизни берсин! Мен ухлайман, тун бўйи ухлаганим йўқ.
- Эҳ, Lise, нукул ҳазилингизни қўймайсан, лекин ростдан ҳам ухлаб олсанг яхши бўларди! – хитоб қилди Хохлакова хоним.
- Билмадим, сизни... Агар хоҳласангиз, мен яна уч дақиқа, балки беш дақиқа қолишим мумкин, – пичирлади Алеша.
- Ҳатто беш дақиқами! Вой, уни тезроқ олиб кетинг-чи, ойи, бу ажванди!
- Lise, сен ақлдан озибсан. Юринг кетдик, Алексей Федорович, бугун у жуда инжиқ бўлиб турибди, ғашига тегишга кўркаман. О, тажанг аёл билан кўрган кунинг курсин, Алексей Федорович! Аммо ҳақиқатан сизнинг олдингизда унинг уйқуси келган бўлса ажабмас. Дарров уйқусини келтириб қўйибсиз-да, вой, бахтимдан айланай!
- Оҳ, ойижон, мунча тилингиз ширин бўлиб кетибди, ойижон, бунинг учун сизни ўпиб қўяман.
- Мен ҳам сени ўпиб қўяман, Lise. Алексей Федорович, кулоқ солинг, – тез-тез шивирлаб сирли ва жиддий қилиб сўйлай кетди Хохлакова хоним Алеша билан хонадан чиқаркан, – мен сизга ҳеч қандай гап ўтказмоқчи ёки бу пардани кўтармоқчи эмасман, аммо сиз ўзингиз кириб, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўринг, вой нима бўляпти ўзи-я, бу ҳеч ақлга тўғри келмайдиган афсона: Катерина Ивановна акангиз Иван Федоровични яхши кўради ва яна бутун кучи билан мен Дмитрий Федоровични яхши кўраман деб ўзини ишонтиради. Вой, бу қанақаси-я! Мен сиз билан бирга кираман, агар мени кувиб юборишмаса, охиригача эшитаман.

V

МЕҲМОНХОНАДАГИ АЗОБ-ИЗТИРОБ

Аммо зангин меҳмонхонада суҳбат охирлаб қолганди, Катерина Ивановна кўринишдан дадил ва ўктам, ғоятда ҳаяжон ичида эди. Алеша ва Хохлакова хоним кириб боришганда, Иван Федорович кетмоқчи



бўлиб ўрнидан тураётганди. Унинг ранги оқарганди ва Алеша унга ташвишланиб бокди. Гап шундаки, Алешани бир мунча вақтдан бери бир хавотирли жумбоқ ташвишлантириб келарди, бугун шу ерда унинг шубҳаларига жавоб топилиши керак эди. Бир неча ойлardan бери биродари Иван Катерина Ивановнани севади деб, бир неча маротаба ва ҳар томондан уқдириб келмоқда эдилар, муҳими, ҳақиқатан қизни биродар Митядан “тортиб олмоқчи” дейишарди. Энг охирги пайтларгача бу Алешага ҳаддан ортиқ даҳшатли кўринар, уни қаттиқ хавотирга соларди. У ҳар иккала акасини ҳам яхши кўрар ва улар ўртасида бундай рақобат пайдо бўлишидан ёмон кўрқарди. Бу орада акаси Дмитрий Федоровичнинг ўзи кеча унга очикдан-очик, биродарим Иван менга рақиблик қилаётганидан хурсандман ва бу менга кўп жиҳатдан ёрдам беради, деб маълум қилди. Нимасига ёрдам қиларкан? Грушенькага уйланишигами? Аммо буни Алеша ўтакетган ишқал таваккалчилик деб ҳисобларди. Буларнинг ҳаммасидан ташқари, то кеча кечкурунгача шу нарсага шубҳасиз ишонардикки, Катерина Ивановнанинг ўзи Дмитрийни эҳтирос билан қаттиқ севади, аммо бу ишонч кеча оқшомгача давом этди, холос. Бунинг устига, бундай қиз Иванга ўхшаган бундай йигитни севиши мумкин эмас, у акам Дмитрийни севади, бундай муҳаббатнинг бутун мудҳиш-мушкуллигига қарамай уни қандай бўлса айнан шундай севади, деб ўйларди. Кеча эса Грушенька қатнашган воқеадан кейин хаёлига қандайдир бошқа бир нарса келди. Ҳозиргина Хохлакова хонимнинг оғзидан чиқиб кетган “изтироб” сўзи уни бироз сескантириб юборди. Чунки айни шу тун кечада тонг қоронғисида чала уйғониб, ўзи кўрган тушнинг таъсирида бўлса керак, бирдан: “Изтироб, изтироб!” – деб қичқирди. Катерина Ивановнанинг уйида бўлиб ўтган кечаги воқеа кечаси билан тушига кириб чиқди. Мана энди бирдан Хохлакова хонимнинг Катерина Ивановна Иванни севади, фақат қандайдир “изтироб” боис ўзини ўзи Дмитрийни севаман деб алдаб, чалғитиб келади ва буни қандайдир миннатдорчилик юзасидангина қилади, – деб енгиб ишонтиргани Алешани ҳайратга солди: “Ҳа, балки чиндан ҳам, барча ҳақиқат айни мана шу сўзлардадир!” Аммо ундай бўлса, биродар Иваннинг аҳволи нима кечади? Алеша ички туйғуси билан яна шуни ҳам фаҳмлардики, Катерина Ивановна каби феъл-атворга эга одам ҳукмфармолик қилмоғи даркор, у эса фақат Дмитрий каби шахс устидангина ҳукм юритиши мумкин, лекин асло Иван каби одам устидан эмас. Зотан, фақат Дмитрийгина (то узоқ муддатларгача) қиз олдида “ўз бахти-икболи учун” бўйсунуши мумкин (буни Алеша ҳам жон-дилдан хоҳларди), аммо Иван эмас, Иван қиз олдида ҳеч қачон бўйсунмасди, бўйсунган тақдирда ҳам бу унга бахт-саодат келтирмасди. Алеша нимагадир Иван ҳақида ўзида беихтиёр шундай тушунча ҳосил қилганди. У меҳмонхонага қадам босиб кирган мана шу онда хаёлидан мана шу барча иккиланишлар ва мулоҳазалар ялт этиб учиб ўтди. Бирдан бошқа бир фикр ҳам тутиб бўлмас даражада ялт этиб ўтди: “Қиз ҳеч кимни, на уни ва на буни севмаса-чи?” Қайд қилиб ўтайки, Алеша кейинги ойда шундай фикрлар бошига келганда, улардан хижолат тортар ва ўзига ўзи танбех бериб кўярди. “Муҳаббат бобида мен нимани ҳам тушунардим, аёл зотини билармидим, ким кўйибди менга бунақанги фикрларни”, – деб ўзига шундай хаёлий тахминлари учун дашном берарди. Аммо не қилсин, ўйламасликнинг ҳам иложи йўқ. У шундай тушунардикки, эндиликда,

мисолига, ҳар иккала акасининг тақдирида мана шу рақобат ғоятда муҳим гап ва жуда-жуда кўп нарсалар унга боғлиқ. Кеча акаси Иван отаси билан Дмитрий ўртасидаги аччиқ-тизиклар борасида сўзлай туриб, “нима бўпти, бир газанда бошқа бир газандани ейди”, деб айтди. Бундан чиқадики, унинг назарида, акаси Дмитрий газанда, эҳтимол, анчадан бери газандадир? Акаси Иван Катерина Ивановна билан танишганидан бери шундаймикин? Бу сўзлар кеча акаси Иваннинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетгандир балки, аммо шу беихтиёрлиги билан ҳам муҳимдир, эҳтимол. Бироқ шундай бўлса, унда тинчлик-омонлик қолармиди? Аксинча, улар хонадониди қаҳру қазаб ва адоват яна аланга олиб кетмайдими? Ҳаммадан ҳам Алеша кимга кўпроқ ачинсин? Кимга нимани раво кўрсин? У ҳар икковни яхши кўради, лекин манавиндай оғир аросатлар аро ким учун нимани истасин? Бундай аросатда бутунлай чалкашиб кетиш мумкин. Алешанинг юраги мавҳум чалкашликни кўтаролмайди, чунки унинг муҳаббатининг сажияси интилувчан. У суст, бўш севолмайди, муҳаббат кўйгач, у дарҳол мадакорликка киришади. Бунинг учун олдига мақсад кўйиши, уни қатъиян аниқ билиши керак, уларнинг ҳар бирига нима зарур-у нима яхши, мақсад аниқлигига амин бўлгач, шунга кўра ҳар бировига ўзига яраша ёрдам кўрсатган маъқул. Аммо мутамаккин мақсад ўрнида ҳозир ҳаммаси ноаён ва чалкаш эди. “Изтироб” дейилди энди! Лекин ушбу изтиробда у нимани ҳам тушунсин? Бутун чалкашлик, мажхулликнинг ўртасида турган энг биринчи сўзнинг ўзиниёқ у ҳали англаб, фаҳмлаб етолмайди!

Катерина Ивановна Алешани кўргач, кетиш учун отланиб ўрнидан турган Иван Федоровичга қараб шаҳдам ва қувонч билан шундай деди:

– Кетмай туринг! Яна бир зум қолинг. Мен манов кишимнинг фикрини билмоқчиман, мен бутун вужудим билан унга ишонаман. Катерина Осиповна, сиз ҳам кетмай туринг, – деди у Хохлакова хонимга мурожаат қилиб. У Алешани ёнига ўтқазди, Хохлакова эса рўпарасида, Иван Федорович билан ёнма-ён ўтирди.

– Бу ерда менинг барча дўстларим, дунёдаги бору йўғим, азиз кишиларим жам бўлишган, – қизғин сўз бошлади у титраган, азобгир овоз билан, киприкларида гирён ёшлари йилтирар ва зирилларди, шунда Алешанинг юраги бу самимиятга мойил бўлди. – Алексей Федорович, сиз ўша... даҳшатни ўз кўзингиз билан кўрдингиз, менинг аҳволимга гувоҳ бўлдингиз. Иван Федорович, сиз буни кўрмадингиз, у кўрди. Кеча у мен ҳақимда нима деб ўйлади, билмайман, фақат шуни биламанки, ўша ҳолат бутун, мана ҳозир такрорланса, мен у ҳолда кеча қандай ҳиссиётларим, кечинмаларимни баён қилган бўлсам, яна худди шундай қилардим – ўшандай туйғулар, ўшандай сўзлар ва ўшандай интилишлар. Сиз менинг туғёнларимни биласиз, Алексей Федорович, сиз ҳатто менинг кўлимдан ҳам тутиб қолдингиз... (Буни айтarkan, у қизариб кетди, кўзларида ўт чакнади.) Маълумингиз бўлсинки, Алексей Федорович, мен ҳеч нарса билан келишолмайман. Қулоқ солинг, Алексей Федорович, мен энди ҳатто билмайман уни севаманми, йўқми. У менга қизғанч бўлиб қолди, бу муҳаббатнинг ёмон белгиси. Мен агар уни севганимда, севгим давом этганда, унда балки унга ачинмасдим, аксинча, ёмон кўрардим...

Унинг овози титради, киприкларида ёш йилтиради. Алеша ичдан сесканди: “Бу қиз рост ва самимий гапиряпти, – деб ўйлади у, – ва... ва у энди Дмитрийни севмайди!”

– Шундай ўзи! Шундай! – нидо қилди Хохлакова хоним.

– Озгина шошманг, азиз Катерина Осиповна, мен ҳали бугун кечаси келган энг муҳимини, узил-кесил қароримни айтганим йўқ. Сезиб турибманки, балки менинг қарорим жуда даҳшатлидир мен учун, аммо аниқ сезиб турибманки, уни ҳеч қачон ўзгартирмайман, ҳеч қачон, бутун ҳаётим давомида шундай бўлажак. Менинг азиз, меҳрибон, доимий олийжаноб маслаҳатгўйим, юрак сирдошим ва ягона дўстим, дунёдаги бору йўғим – Иван Федорович мени қўллади, интилишларим ва келган қароримни маъқуллади... Уни билади.

– Ҳа, уни маъқуллайман, – деди оҳиста, аммо қатъият билан Иван Федорович.

– Аммо мен Алеша ҳам (оҳ, кечиринг, Алексей Федорович, сизни оддий қилиб Алеша деганимни), мен истардимки, Алексей Федорович ҳам, ҳар икки дўстим олдида айтса – мен ҳақманми, йўқми? Мен ич-ичимдан сезиб, ҳис қилиб турибманки, сиз, Алеша, менинг жонажон биродарим-сиз (чунки сиз жонажон биродаримсиз), – жўшиб-тошиб сўзлади қиз унинг совуқ қўлларини қайноқ кафтларига тутиб, – мен ичимдан сезиб турибманки, бошимдан кечирган бутун азобу қийноқларга қарамасдан, сизнинг фикрингиз, сизнинг қўлловингиз менга ҳаловат бағишлайди, чунки сизнинг сўзингиздан кейин мен оғзимни юмаман, тан оламан ва рози бўламан – буни мен сезиб турибман!

– Мен билмайман, сиз мендан нимани сўрайсиз, – базўр сўзлади Алеша юзи қизариб, ёниб, – мен фақат шуни биламанки, сизни яхши кўраман ва худди мана шу тобда сизга ўзимга тилагандан ҳам ортиқ бахт-саодат тилайман!.. Аммо мен бу ишларда ҳеч нарсани билмайман... – бирдан у шоша-пиша қўшиб қўйди.

– Бу ишларда, Алексей Федорович, бу ишларда энди энг муҳими – орномус ва бурч, билмайман, яна нима, аммо қандайдир юксак бир нарса, балки ҳатто бурчнинг ўзидан ҳам юксакроқ. Юрагим шундай енгиб бўлмас туйғудан дарак бераётир ва у енгиб бўлмас тарзда мени ўзига ошуфта қилмоқда. Дарвоқе, ҳаммаси икки оғиз сўз, мен бир қарорга келдим, агарда у анов... махлуққа уйланган тақдирда ҳам, – тантанавор қилиб бошлади у, – мен у қизни ҳеч қачон, ҳеч қачон кечиролмайман, унда мен барибир, барибир ўғлонни ташлаб кетмайман! Мана шу, мана шу дақиқадан эътиборан уни ҳеч қачон, ҳеч қачон ташлаб кетмайман! – деди у қандайдир азоб-изтироб ичида, қандайдир зўриқиш ичида жўшиб завқшавқ билан, – йўқ, унинг кетидан тинмай судралиб юраркан, кўзидан нари кетмай қийнаркан, деб ўйламанг, о, ундаймас, мен бошқа шаҳарга кетаман, хоҳлаган жойингизга кетай, аммо мен умрим бўйи, бир умр уни кўзимдан қочирмайман, бунда чарчаш нималигини билмайман. У анов махлуқ билан бахтсиз бўлса, бу, албатта, шундай бўлажак, ана унда майлига қошимга келсин, ўз дўсти, синглисига учрасин... Ва фақат синглиси, холос ва бу то азал-абад шундай бўлиб қолажак, аммо ана шунда у тўла ишонч ҳосил қилажак, ниҳоят, бу синглиси унга бутун ҳаётини фидо қилган, уни жондан севган синглиси. Мен шундай қиламанки ва шунга муяссар бўламанки, ниҳоят, у мени англаб етади ва ҳамма-ҳаммасини тортинмай мен билан баҳам кўражак! – хитоб қилди у аллақандай жазавада. – Мен у сиғинадиган худога айланаман. У кам деганда хиёнати эвазига шундай қилгай, кеча уни деб бошимдан кечирганим қийноқлар эвазига шундай қилади. У ўзининг бутун умри давомида ўз кўзи билан кўрсин унга бўлган

садоқатимни, бир марта берган сўзимнинг устидан қандай чиқишимни кўрсин, ҳолбуки, унинг вафоси йўқ экан, хиёнат қилди. Мен шундай қиламанки... Мен унинг бахт-саодатининг воситасига (яна нима десам), куролига айланаман, машинаси бўламан ва бу бир умр, бир умр у буни бир умр олдиндан кўрсин! Мана, менинг қарорим шу! Иван Федорович энг юксак даражада мени маъқуллайди.

У ҳарсилларди. У ўз фикрини бундан кўра муносиброқ, нозикроқ ва табиийроқ тарзда билдиришни хоҳлагандир балки, аммо нутқи ҳаддан зиёд шошқалоқ, ҳаддан зиёд яланғочроқ чиқди. Ёшлигига бориб апил-тапил сўзлади, кечаги зўриқиш ва туғёнлар таъсири кўп сезиларди, ўз ғурур ва нафсониятини тиклаш эҳтиёжи ҳам анча-мунча кўзга ташланарди, буни унинг ўзи ҳам фаҳмлади. Бирдан чехрасидан нур кетди, тундлашди, кўз ифодасида нахслик пайдо бўлди. Алеша буларнинг ҳаммасини дарҳол пайқади, юрагида унга раҳми келди. Шунда Иван унинг юрагида нима кечаётганини билгандай тилга кирди:

– Мен фақат ўз фикримни билдиргандим, — деди у. — Сиздан бошқа ҳар қандай одам бунақа гапларни зўриқиб, қийналиб айтган бўларди, сизда эса бошқача чиқди. Сиздан бошқа ноҳақ бўлиши мумкин эди, сиз эса – ҳақсиз. Мен буни қандай далиллашни билмайман, аммо кўриб турибманки, сиз энг олий маънода самимийсиз, шунинг учун ҳам, сиз ҳақсиз...

– Аммо ахир бу фақат шу дамда... Шу дам дегани ўзи нима? Бор-йўғи кечаги ҳақорат – дам деганимиз мана шу! – ўзини тутолмай сўзлади Хохлакова хоним, у афтидан, бунга аралашини истамас, аммо охири чидамай ниҳоятда тўғри бир фикрни билдирганди.

– Шунақа, шунақа, – деб унинг сўзини бўлди Иван бирданга қандайдир шаҳди кўзиб ва чамаси, унинг гапини чала қолдирганликларидан куфри келиб, – шунақа, бошқа бир кимса учун ушбу дақиқа фақат кечаги таассурот ва фақат дақиқа, холос, лекин Катерина Ивановнанинг феъл-атвори билан бу – бир умрга чўзиладиган дақиқа. Бошқаларга фақат ваъда бўлиб туюладиган нарса эса унинг учун азал-абад, оғир, балки ҳасратли, аммо ҳеч тинмайдиган бурч. У ана шу бурчни тўхтовсиз ўташ билан қувватланади! Сизнинг ҳаётингиз эндиликда, Катерина Иванова, ўз ҳиссиёт-кечинмаларингиз, ўз жасоратингиз, ўз қайғу-ғамларингизни изтироб ва азоб ичида кузатиш билан ўтади, аммо кейинроқ бориб бу азоб-уқубат юмшайди ва сиз бир йўла ва бутунлай амалга оширган, адо этилган қатъий ва мағрур азму қарорингизга назар ташлаб ширин хаёлларга толасиз, бу ҳақиқатан ҳам, ўзига яраша мағрур, ўша мушкул, лекин сиз енгиб ўтган азму қарор ва сиз ниҳоят ундан тўла қаноат топурсиз ва у сизни бошқа ҳамма нарсалардан рози ва қоим қилур... – У буларни қандайдир дадил қатъият ва қаҳру ғазаб билан айтди, балки ўз ниятини ҳам яшириб ўтирмай атай шундай қилди, атай кинояга ўтди.

– О худойим-ей, бу ҳаммаси мутлақо ундай эмас! – хитоб қилди яна Хохлакова хоним.

– Алексей Федорович, ахир сиз айтсангиз-чи! Сиз нима деркинсиз деб ичим ёниб кетяпти! – нидо чиқди Катерина Ивановнадан ва у бирдан хўнграб йиғлаб юборди. Алеша дивандан турди.

– Майли, майли! – йиғи аралаш давом этди қиз, – кўнглим бузилиб кетди, кеча ухлаёлмадим, аммо сиз билан акангиз олдида, икки дўстим олдида мен ўзимни маҳкам сезаман... чунки биламан... сиз иккинги ҳеч қачон мени ора йўлда қолдириб кетмайсиз...



– Бахтга қарши, эхтимол, эртагаёқ мен Масковга жўнаб кетаман, узок вақт кўришмасак керак... Бахтга қарши, буни ўзгартириб бўлмайди... – бирдан сўзини тугатди Иван Федорович.

– Эртага Масковгами! – бирдан юзи бутунлай қийшайиб деди Катерина Ивановнанинг, – аммо... аммо о худойим, бу қандай омад! – бир зум ичида бутунлай ўзгарган овоз билан кичкирди у ва бир зумда кўз ёшлардан асар ҳам қолмади. Баайни ана шу бир зум ичида у ажиб бир тарзда ўзгарди, бундан Алеша фавқулодда хайратга тушди: ҳозиргина нолафигон, изтироб кўйида кўз ёшларини тўкаётган бечора таҳқирланган киз ўрнида энди ўзини бутунлай қўлга олган, ҳатто нимадандир ўта мамнун, бирдан худди ичига чироқ ёқилгандай хурсанд аёл сиймоси пайдо бўлди.

– О, бахт бу сизни қолдириб кетаётганимда эмас, асло ундай эмас, – гапини тўғрилагандай бўлди қиз бирдан киборларча нозанин табассум қиларкан, – сиз каби дўстим бундай деб ўйламаслиги керак, мен сиздан айрилиб қолаётганимдан жуда бахтсизман (у бирдан шахд билан ўзини Иван Федоровичга отди ва унинг иккала қўлидан маҳкам ушлаб, қайноқ меҳр билан қисди), лекин бунинг хайрли томони шундаки, сиз Масковга бориб ўзингиз шахсан холам билан бирга Агашага менинг бутун ҳозирги аҳволим, бошимга ёғилган кулфатларни оқизмай-томизмай очиқчасига, Агаша ва холамга қаттиқ тегиб кетмайдиган қилиб айтиб бериш имкониятига эга бўласиз, буни сиз қандай айтишни жуда яхши биласиз. Сиз тасаввурингизга ҳам келтира олмайсиз мен кеча ва бугун эрталаб ўзимни қандай ёмон бахтсиз сезганимни, мен уларга бу қуриб кетгур хатни қандай ёзишимни ўйлаб ич-этимни едим... Чунки хатда буларнинг ҳаммасини ҳечам охиригача ифодалаб бўлмайди... Энди менга ёзиш осон бўлади, нега деганда, сиз уларни кўрасиз ва ҳаммасини тушунтирасиз. О, қанчалар хурсандман! Лекин мен фақатгина шунга хурсандман, менга ишонишингизни сўрайман. Мен учун сизнинг ўрнингизни ҳеч ким босолмайди... Ҳозироқ зудлик билан бориб хат ёзаман, – тугатди у бирдан сўзини ва хонадан чиқиб кетиш учун қадам ташлади.

– Алеша-чи? Сиз Алексей Федоровичнинг фикрини жуда ҳам эшитмоқчи эдингиз-ку? – кичкириб қолди Хохлакова хоним. Унинг сўзларида заҳарханда ва ғазабланиш оҳанглари эшитилди.

– Мен буни унутганим йўқ, – бирдан тўхтади Катерина Ивановна, – нега сиз шундай пайтда менга душманлик қиласиз, Катерина Осиповна? – аччиқ таъна билан сўйлади у. – Нима деган бўлсам, шуни қиламан. Менга унинг фикри зарур, бу ҳам оз, менга унинг қарори керак! У нима деса, шу бўлади, мен сизнинг сўзларингизга шунчалар муштокман, Алексей Федорович... Аммо сизга нима бўлди?

– Мен ҳеч ўйламаган эдим, мен буни калламга сиғдиrolмайман, – хитоб қилди Алеша қайғуга ботиб.

– Нимани, нимани?

– У Масковга кетяпти, сиз хурсандман деб кичкирдингиз – сиз атайлаб шундай кичкирдингиз! Ундан кейин сиз дарров мен айнаи шунга хурсанд эмасман, аксинча, дўстим... кетиб қолаётганига ачинапман деб тушунтира бошладингиз, лекин сиз буни ҳам атайлаб ўйин қилдингиз... худди театрда комедия ўйнагандек қилдингиз!..

– Театрда? Қандай?.. Нима гап ўзи? – хитоб қилди Катерина Ивановна бекиёс хайратга тушиб, у дув қизариб кетди ва қошларини чимирди.

– Сиз уни дўстимсан, ачинаман деб қанча ишонтирманг, унинг кўзи учун яна таъкидлаб айтяпсизки, сизнинг жўнаб кетаётганингиз бахт деб... – тутилиб деди Алеша бутунлай бўғилиб қолиб. У стол четида тик оёқда турар ва ўтирмасди.

– Сиз нима деяпсиз, мен тушунмаяпман...

– Э, мен ўзим ҳам билмайман... Менга бир нарса бирдан аён бўлгандай... Биламан, бундай деяётганим яхшимас, аммо барибир ҳаммасини айтаман, – давом этди Алеша ўша қалтираган, узилиб-узилиб чикқан товушда. – Менга аён бўлгани шуки, сиз биродарим Дмитрийни балки умуман яхши кўрмайсиз... аввал бошдан... Э, Дмитрийнинг ўзи ҳам сизни умуман яхши кўрмайди... бошидан бери... балки фақат ҳурмат қилади. Мен яна билолмадим, ҳозир буни нега қандоқ айтяпман, аммо кимдир ҳақиқатни айтиши керак-ку... Чунки бу ерда ҳеч ким ҳақиқатни айтгиси келмаяпти...

– Қандай ҳақиқатни? – кичқириб юборди Катерина Ивановна ва унинг овозида қандадир жазава жаранглаб кетди.

– У мана бундай, – деб бидирлади Алеша худди томдан қулаб тушаётгандай бўлиб, – ҳозир Дмитрийни чақиринг, мен уни топаман, майли, у бу ерга келсин ва сизнинг қўлингиздан тутсин, кейин биродар Иваннинг кўлини олсин ва қўлларингизни бирлаштирсин. Нега деганда, сиз Иванни қийнаяпсиз, чунки уни фақат севасиз... қийнашингизнинг сабаби сиз азоб ичида Дмитрийни севасиз... ноҳақликда севасиз... чунки ўзингизни ўзингиз шунга ишонтиргансиз...

Алеша таққа тўхтади ва жим бўлди.

– Сиз... сиз... сиз кичкинтой девонасиз, сиз шунақасиз! – юзи қумдек оқариб, лаблари алам-аччикдан қийшайиб шартта кесди бирдан Катерина Ивановна. Иван Федорович бирдан кулиб юборди ва ўрнидан турди. Шляпасини қўлида тутган эди.

– Хато қилдинг, жоним укам Алеша, – деди у юзида Алеша илгари ҳеч кўрмаган ифода билан, – бунда қандайдир навқирон самимият ва кучли, тутиб бўлмас очик ҳиссиёт зухур этарди, – Катерина Ивановна ҳеч қачон мени яхши кўрганмас! Мен уни севишимни у яхши биларди, лекин мен уни севишимни ҳеч қачон айтган эмасман, биларди-ю, лекин мени яхши кўрмасди. Бир кун бўлсин, ҳеч қачон унинг дўсти ҳам бўлмаганман, мағрур қиз менинг дўстлигимга зор эмасди. У мени ўз ёнида тинимсиз ўч олиш учун сақларди. Бутун мана шу муддат давомида Дмитрийдан доимий суръатда ва дам сайин ёғилиб турган ҳақоратларни кўтариб ва шу ҳақоратлар учун, ҳатто илк учрашувлари чоғидаги ҳақорат учун мендан ва менинг устимдан ўчини оларди... Чунки уларнинг биринчи учрашувлариёқ унинг ёдида ҳақорат сифатида қолганди. Бу қизнинг юраги мана шунақа! Менинг қиладиган бутун ишим унинг Дмитрийга бўлган муҳаббати ҳақидаги сўзларини тинглашдан иборат эди. Мен энди кетяпман. Катерина Ивановна, аммо маълумингиз бўлсинким, сиз ҳақиқатан фақат уни севасиз. Унинг ҳақоратлари қанча кўпайса, уни шунча ортиқ севасиз. Худди мана шу нарса сизнинг азобингиз. У қандай бўлса сиз уни шундай севасиз, сизни ҳақоратлагани учун севасиз. Агарда у ўзини тузатганда сиз уни дарҳол ташлаб кетардингиз ва бутунлай севмай қўярдингиз. Аммо у сизга керак, вафо-садоқатдаги жасоратингизни тинимсиз хаёлда сақлаш ва уни вафосизликда айблаш учун керак. Булар ҳаммаси сизнинг ғурурингиз туфайли. О, бунда камситиш ва камсиниш бисёр, аммо булар бари ғурурдан... Мен жуда ёшман ва жуда сизни



каттик севганман. Мен биламан, буни сизга айтишнинг хожати йўқ эди, шундай чиқиб кетсам мабодо ўз шаънимни кўпроқ сақлардим, сиз учун бу тахкиромуз ҳам туюлмасди. Бироқ мен узоққа жўнаб кетяпман ва бошқа ҳеч қачон қайтиб келмайман. Азал-абад шундай... Мен азоб-изтироб қошида ўтиришни истамайман... Дарвоқе, мен гапиришни билмайман, ҳаммасини айтиб бўлдим... Хайр, яхши қолинг. Катерина Ивановна, сиз мендан хафа бўлманг, чунки сиздан кўра юз карра кўпроқ жазоландим, сизни бошқа ҳеч қачон кўрмаслик билан жазоландим. Хуш қолинг. Менга кўлингизни берманг. Сиз мени онгли суратда қийнаб келдингиз ва шу дамда мен сизни кечиролмайман. Кейинга қолди узр-маъзур. Энди қўл бермоқ на хожат.

Den Dank, Dame, begehrt ich nicht!

– деб қўшиб қўйди у лабини қийшайтириб кулиб ва айтганча, бу билан у бутунлай кутилмаганда ўзи ҳам Шиллерни ёддан ўқий олишини исботлади, илгарилар Алеша бунга ишонмаган бўларди. Иван Федорович ҳатто уй бекаси Хохлакова хоним билан хайрлашмаёқ хонадан чиқиб кетди. Алеша қўлларини қарс урганча қолди.

– Иван, – деб кичқирди унинг кетидан эсанкираб, – орқангга қайт, Иван! Йўқ, йўқ, энди у ҳеч қачон қайтиб келмайди! – деб аламли хитоб қилди фикри ялт этиб ёришиб, – аммо бу мен, мен айбдорман, мен бошладим! Иван жаҳл қилиб гапирди, ёмон бўлди. Ноҳақ гап қилди, ғазабини сочди... – ақлдан озгандай сўйларди Алеша.

Катерина Ивановна шунда бирдан бошқа хонага чиқди.

– Сиз ҳеч нарса қилмадингиз, ўзингизни худди фариштадай тутдингиз, – мунграйиб қолган Алешага тез-тез жўшиб пичирлади Хохлакова хоним. – Мен бутун кучимни ишга солиб Иван Федоровични олиб қоламан...

Унинг чехрасида қувонч барқ урар, Алеша эса ғоятда дилтанг эди, бироқ Катерина Ивановна бирдан қайтиб кирди. У қўлида иккита жилвакор қоғоз пул ушлаб турарди.

– Сизга жуда катта ўтинчим бор, Алексей Федорович, – у ҳозиргина гўё ҳеч нарса рўй бермагандай осуда ва равон овоз билан тўғри Алешага мурожаат этди. – Бир ҳафта бўлди, ҳа, чамаси, бир ҳафта илгари Дмитрий Федорович қизиққонлик билан бир ноҳақ иш қилиб қўйди, жуда хунук иш. Бу ерда жуда ёмон бир жой бор, қовоқхона. Шу ерда у бир истеъфога чиққан штабс-капитан билан ғиди-биди қилиб тортишиб қолибди, бу одамдан отангиз ўзининг баъзи ишларида фойдаланаркан. Дмитрий Федоровичнинг нима учундур шу одамдан жаҳли чиқиб, унинг соқолидан чангаллаб ушлаб олибди-да, судраб кўчага олиб чиқиб, анча жойгача шу ҳолда ҳақоратлаб борибди. Штабс-капитаннинг шу ердаги мактабда ўқийдиган ўғли, ҳали кичкина болакай бу воқеанинг устида бор экан, уларнинг ёнида чошиб юриб, йиғлаб-сиқтаб отамни қўйворинг деб, ялиниб-ёлвориб ҳаммадан ёрдам сўраган экан, ҳеч ким қарамай, ҳамма кулги қилибди. Алексей Федорович, кечиринг, унинг бу шармандали қилигини эсласам ғазабим келади... Бунақа қилиқни фақат Дмитрий Федорович қаҳр-ғазаби учига чиққанда, эҳтиросларини жиловлай олмай қолганда қилиши мумкин! Мен буни ҳикоя қилиб ҳам беролмайман. Тилим ожиз... Сўзларимда адашиб кетаман. Мен ўша ҳақоратланган одамни суриштирувдим, у жуда ҳам қашшоқ одамлигини билдим. Унинг фамилияси Сне-

¹ Керакмас, хоним, менга мукофот (нем.). Шиллернинг “Кўлқоп” балладасидан иқтибос.

гирев экан. Хизматида бир хатога йўл қўйган экан, бўшатишибди, мен сизга буни баён қилиб беришга нўноқман, хотини касал, болалари касал, бахтсиз оиласи билан у бечора қашшоқликдан бош кўтаролмай қолибди. У анчадан буён бизнинг шаҳримизда тураркан, нималардир қиларкан, қаердадир мирза бўлиб юмуш бажараркан, унга шу кунларда ҳеч бир ҳақ тўлашмас эмиш. Мен сизга нигоҳ ташладим... яъни, мен ўйловдимки, мен билмайман, мен жуда чалкашиб кетдим, биласизми, Алексей Федорович, ўзимнинг оққўнгил Алексей Федоровичим, сиздан шуни сўрамоқчи эдимки, бир баҳона топиб унинг олдига ўтсангиз, ҳа, ўша штабс-капитаннинг олдига, о, худойим-ей, мунча тутилмасам, ва жуда ҳам эҳтиёткорлик билан йўлини топиб – буни фақат айнан сизгина удалашингиз мумкин (Алеша бирдан қип-қизариб кетди) – мана шу икки юз рубль ёрдам пулини қўлига берсангиз. У балки олар... яъни уни олишга кўндирсангиз... Ёки йўқ, қандай қилиб бу? Биласизми, бу муросага келиш учун тўлов эмас, уни шикоят қилишдан тўхтатиш эмас (чунки арз қилмоқчи бўлиб юрган экан), балки оддий бир хайрихоҳлик, оддий ёрдам бериш истаги, мендан, мендан. Унинг ўзидан эмас, унинг қайлиғидан, мендан... Бир сўз билан айтганда, сиз буни эплайсиз... Мен ўзим ҳам борардим, аммо сиз буни анча яхшироқ удда қиласиз. У Кўлбўйи кўчасида фуқаро Калмикованинг уйида туради... Худо ҳақи, Алексей Федорович, шуни мен учун қилинг, энди... энди мен бироз чарчадим. Кўришгунча, хайр...

У бирдан шарт ўгирилиб дарпарда орқасига ўтиб кетди, Алеша оғиз очишга улгурмади, унинг эса айтадиган сўзи бор эди. У кечирим сўрамоқчи, ўзини айблаб кўрсатмоқчи эди, ишқилиб нималарнидир айтмоқчийди, чунки юрак-бағри тўлиб кетганди, инчунин хонадан шуларни айтмай асло чиқмоқчи эмасди. Аммо Хохлакова хоним унинг қўлидан тутди-да, ўзи олиб чиқди. Эшик олдида у яна боягидай уни тўхтатди.

– Мағрур жуда, ўзини енгади, аммо оққўнгил, малоҳатли, меҳрибон! – ярим пичирлаб ёриларди Хохлакова хоним. – О, уни қанчалар ёқтираман, айниқса баъзи пайтларда, о, мен қанчалар хурсандман, энди бари, бари учун! Азиз Алексей Федорович, сиз ахир билмасдингиз-ку, энди яхши билиб қўйингки, биз ҳаммамиз, ҳаммамиз – мен, унинг иккала холаси – шу ҳамма, ҳатто Lise ҳам, мана тўла бир ойдирки, шуни жон-дилдан хоҳлаймиз ва худойимга ёлвориб сўраймизки, қиз ишқилиб суюкли акангиз Дмитрий Федорович билан орани очик қилишсин, акангиз унинг бетига қарамайди, заррача яхши кўрмайди, қизгина Иван Федоровичга турмушга чиқсин деймиз, у билимдон, жуда зўр йигит, қизни дунёда ҳаммадан ҳам ортиқ севади. Биз бу ерда ҳаммамиз тил бириктирганмиз ва ҳатто шунинг учун бу ердан кетмай турибман...

– Аммо у хўрлиги келиб йиғлади-ку! – қичқирди Алеша.

– Қизларнинг кўз ёшига ишонманг, Алексей Федорович, – бундай холда мен доим аёлларга қаршиман, эркакларни ёқлайман.

– Ойи, сиз уни бузаяпсиз ва ҳалок қияпсиз, – эшик орқасидан Lisening ингичка товуши эшитилди.

– Йўқ, ҳаммасига мен сабабман, мен ёмон айбдорман! – такрорлади Алеша ўзининг ҳалиги қилиғидан қаттиқ уялиб ва ўқинчга тушиб, у ҳатто уялганидан юзини қўллари билан беркитди.

– Аксинча, сиз худди фариштадай иш қилдингиз, фариштадай, мен буни минг-минглаб марта такрорлашга тайёрман.



– Ойи, у фариштадай нима иш қилди? – яна Lisening нимча майин овози келди.

– Мен буларнинг ҳаммасига қараб туриб, нимагадир шу гап калламга келиб қолибди, – деб давом эттирди сўзини Алеша худди Lisening саволини эшитмагандай бўлиб, – у Иванни яхши кўради деб ўйлабманда, ўша аҳмоқона гапни айтиб юборибман, энди нима бўлади!

– Ким, ким билан ўзи? – қичқирди Lise, – ойи, сиз мени тириклай ўлдириб кўя қолинг. Мен сиздан сўраяпман, сиз ҳеч жавоб бермайсиз.

Шу пайт хизматкор қиз чошиб кирди.

– Катерина Ивановна ёмон бўляпти... Йиғляптилар... жазава, ўзларини ҳар томонга уряптилар.

– Нима бўлди, – қичқириб юборди Lise хавотирланган овозда. – Ойи, мен жинни бўлиб қоламан ҳозир, у эмас!

– Lise, худо ҳақи, бақирма, менга раҳминг келсин. Сен ҳали ёшсан, катталарнинг гапларини сен билишинг шарт эмас, мен дарров бориб келай, кейин сенга айтиб бераман керагини. О худойим, худойим! Мен мана кетяпман, кетяпман... Жазава – бу яхши аломат, Алексей Федорович, жазаваши тутган бўлса, жуда соз. Бу ўзи шундай бўлиши керак. Мен бундай ҳолларда доим аёлларга қаршиман, мана шу жазавалар ва кўз ёшларнинг барига қаршиман. Юлия, чоп, мен ҳозир етиб бораман. Иван Федорович шу аҳволда чиқиб кетган экан, бунга қизнинг ўзи айбдор. Аммо у кетиб қолмайди, Lise, худо ҳақи, бақирма. Оҳ, ростдан-а, сен бақирмаяпсанми, мен бақиряпманми, ойижонингни кечир, аммо мен хурсандман, хурсандман, хурсандман! Э, сиз пайқадингизми Алексей Федорович, боя Иван Федорович қандай шахдам қадам ташлаб чиқди кетди, ҳамма гапини айтди, айтди-ю чиқди-кетди! Мен уни анавиндай олим, академик деб ўйлабман, у бўлса бирдан шундай лов-лов ёниб, азаматларча ва очикчасига, ёш ва гўр, ана булар шунча чиройли, худди сиз каби... яна анави немисча шеър айтганини қаранг, худди ўзингиз-а! Вой, кетяпман, кетяпман. Алексей Федорович, бояги ишни тезроқ битириб келинг ва тезроқ орқангизга қайтинг. Lise, сенга ҳеч нарса керакмасми? Худо ҳақи, Алексей Федоровични бир дақиқа ҳам ортиқча ушлаб турма, у ҳозир олдингга киради...

Ниҳоят, Хохлакова хоним югуриб кетди. Алеша кетмасидан бурун Lise қошига эшик очиб кирмоқчи бўлди.

– Ҳечам, ҳечам! – қичқирди Lise, – энди ҳечам, ҳеч қачон! Эшикни орқасидан гапиринг. Қандай қилиб фаришта бўлдингиз? Фақат шуни билгим келади.

– Тентаклик қилиб қўйдим, Lise! Хайр, мен кеттим.

– Бундоқ қилиб кетманг! – чинқирди Lise.

– Lise, бошимга оғир бахтсизлик тушди! Мен ҳозир қайтиб келаман, аммо бу оғир, оғир бахтсизлик!

У уйдан югуриб чиқиб кетди.

VI

ЁҒОЧ УЙДАГИ АЗОБ-ИЗТИРОБ

Ростан ҳам, унинг бошига катта бахтсизлик тушган, бундайини у кам кўрганди. У ўртага тушиб қолди ва тентаклик қилди, яна қандай ишда

денг: ишқ можароларида! “Бунақа ишда менинг аклим нимага етади, нимани тушунардим? – юз маротабалаб такрорларди у ичида, қизариб-бўзариб, – ох, қандай уят, шармисор бўлдинг, жазойингни олдинг, ёмони шундаки, мен энди ҳеч шак-шубҳасиз бошқа бир бахтсизликларнинг сабабчиси бўлиб қоламан... Устозим эса мени яраштириш ва қовуштириш учун жўнатган эди. Яраштириш шундай бўларканми?” Шунда унинг эсига уларнинг “қўлларини қандай қовуштиргани” тушди ва ер ёрилмади-ю ерга кириб кетмади. “Мен буларни ҳаммасини чин юракдан қилган бўлсам-да, бу ёғига энди ақллироқ бўлганим дуруст”, – деган бир қарорга келди ва ҳатто ўз қароридан табассум қилиб қўйгани ҳам йўқ.

Катерина Ивановнанинг юмуши учун Кўлбўйи кўчасига бориш керак эди, биродари Дмитрий ҳам шу атрофда Кўлбўйи кўчасига яқин торкўчада турарди. Алеша акасини тополмаслигига кўзи етиб турган бўлса ҳам, штабс-капитаннинг ҳузурига ўтишдан олдин акасини кўрмоқчи бўлди. У акам энди менга атай кўринишни истамай қочиб юрса керак, деб тахмин қилса-да, аммо қандай бўлмасин, уни қидириб топиши керак эди. Вақт эса ўтиб борарди, монастирдан чиққанидан бери жони узилай деб турган устозининг ёди уни бир дам ҳам, бир сония ҳам тарк этмасди.

Катерина Ивановнанинг топшириғида бир нарса уни ҳаддан ортиқ қизиқтириб қўйди, Катерина Ивановна штабс-капитаннинг ўқувчи ўғилчасини эслатди, ўша вақтда у отасига одамлардан ёрдам беришни сўраб йиғлаб турган экан; ўшанда Алеша бу ўша кўлимни тишлаган бола эмасмикин деган ҳаёлга борди. Энди эса Алеша ўзи ҳам негалигини билмаган ҳолда бу аниқ ўша, ўзи савол-жавобга тутган бола бўлиши керак, деб ўйлади. Шу ҳаёлларга андармон бўлиб, бироз чалғигандай сезди ва энди ўзи “сабабчи” бўлган “бахтсизлик”ни ўйламаслик, ўзини ўзи қийнаб, ўртаниб ўтирмасликка аҳд қилди, ишни битираверай-чи, қолгани ўз йўли билан бир гап бўлар, деди. Шу фикрга келиб у анча тетик тортди. Айтганча, у акасининг торкўчасига бурилиб, ўзининг очқаганини сезди ва отасининг уйдан олиб чиққан нонни йўл-йўлакай еб олди. Кучига куч қўшилгандай бўлди.

Дмитрий уйда йўқ экан. Кулбанинг эгалари – дурадгор чол, унинг ўғли, кампир хотини – Алешага шубҳаланиб қарашди. Алешанинг қўймай сўраб-суриштирганига жавобан чол: “Учинчи кун уйда йўқ, кечаси ҳам келмайди, бирон ёққа кетгандир”, – деди. Алеша чол ўзига тайинланган гапни айтаётганини англади. “У Грушеньканикида эмасми, яна Фоманикида беркиниб ётмаяптими?” (Алеша бу гапларни атай очикчасига айтди) деган саволидан сўнг уй эгаларининг барчаси унга кўркиб кетиб қарашди. “Булар уни яхши кўришар экан, сирини очишмаяпти, – деб ўйлади Алеша, – бу яхши”.

Ниҳоят у Кўлбўйи кўчасидаги Калмикованинг уйини топди, тўкилиб қолган эски уй экан, учта деразаси кўчага қараган, ифлос ҳовли, унинг ўртасида ёлғиз сигир қаққайган. Уй ичига ҳовлидан кириб, даҳлизга ўтиларди; даҳлизнинг сўл тарафида уй эгаси қари кампир кексайган қизи билан яшар, икковларининг ҳам, чамаси, қулоқлари эшитмасди. Алешанинг штабс-капитанни сўраб бир неча марта берган саволига уларнинг бири ниҳоят, ижарада турувчиларни сўрашаётганини фаҳмлаб, даҳлизнинг нариги ёғидаги озода уйнинг эшигини бармоғини нуқиб кўрсатди. Штабс-капитаннинг уйи ростдан оддийгина квартира экан. Алеша эшикни очмоқчи бўлиб, темир ҳалқага қўл узатганда, эшик

ичкарисидаги ҳаддан ортиқ сукунат уни ҳайратга солди. Катерина Ивановна штабс-капитаннинг оиламандлигини айтгани, “Ё ҳаммалари ухлаб қолишган, ё менинг келганимни эшитиб, қачон эшикни очишимни кутишяпти, яхшиси, яна бир қарра тақиллатай”, – деб эшикни тикиллатди. Ўн сониялар вақт ўтиб, жавоб эшитилди: – Ким у? – баланд жаҳлдор товуш билан сўради кимдир.

Шунда Алеша эшикни очиб ичкарига қадам қўйди. Уй анчагина кенг-мўл экан, аммо унда турли ашёлару жиҳозлар, одам тикилиб ётарди. Сўл ёқда каттакон рус печи. Печдан бутун хона оша сўл томондаги деразага чизимча тортилган, унга турли-туман латта-путталар осиглиқ эди. Икки ён девор бўйлаб ўнгда ҳам, сўлда ҳам каравотлар қўйилган, уларга тўқилган аделлар тўшалганди. Сўл томондаги каравотда тўртта чит ёстиқ устма-уст тахланган, ёстиқлар бири-биридан кичик эди. Ўнг ёқдаги каравотда эса фақат битта жуда кичкина ёстиқча қўйилган. Уйнинг олди ёғидаги унча катта бўлмаган жой тепадаги чизимчага ташланган парда ёки чойшаб билан тўсилганди. Парда орқасида ҳам сўри ва унга тақалиб турган курсига кўрпа-тўшак тахланганди. Тўрт қиррали қўпол одми ёғоч стол олд томондан ўрта деразага қаратиб сурилганди. Ҳар бирида тўрттадан майда, кўк, моғор босган шиша ойналар қўйилган учала дераза ҳам жуда хира ва зичлаб маҳкам ёпилган, шунинг учун хона ҳавоси бўғиқ ва қоронғироқ эди. Стол устида ёққа ташлаб пиширилган тухум қолдиғи билан това турар, ёнида чала тишланган нон бурдаси ва тагида бир қултумгина ичкилик қолган шиша идиш. Сўл томондаги каравот олдида курсида хонимларга ўхшайдиган бир аёл ўтирар, у чит қўйлак кийганди. Унинг юзи ғоятда озғин, сарғайган, ич-ичига ҳаддан ташқари ботиб кетган икки бети бир қарашдаёқ касали оғирлигидан дарак берарди. Алешани ҳаммадан ҳам шўрлик хонимнинг нигоҳи қаттиқ ҳайратга солди – бу нигоҳ ҳаддан ортиқ саволга тўлиқ ва шу билан бирга ҳаддан ортиқ манманлик акс ётарди. Алеша уй соҳиби билан гаплашаркан, хоним то ўзи тилга кирмагунча, катта-катта қора кўзларини дам у сўзловчига, дам бу сўзловчига саволомуз ва такаббуруна тикарди. Хоним ёнида сўл дераза олдида башараси хунукроқ, сочлари сийрак ва қизғиш, камсукум, аммо ораста кийинган бир ёш қиз турибди. У кириб келган Алешага жирканиб қаради. Унинг рўпарасида каравот олдида бошқа бир қиз ҳам ўтирарди. Бу ёшгина қиз ниҳоятда афтодаҳол кўринарди, унинг ёши йигирмаларда, букур ва оёқлари акашак бўлиб қолганди, Алеша буни кейин билди. Қизнинг қўлтиқ таёқлари бурчакда, каравот билан девор ўртасида турарди. Шўрлик қизнинг ажиб гўзал ва мулойим кўзлари Алешага аллақандай осуда маъсумона боқди. Стол олдида ёши қирқ бешлардаги бир жаноб қовурилган тухум еб охирлатмоқда, бўй-басти ўртача, қотма, куч-қуввати ўзига яраша, сочлари, сийрак соқоли қизғиш, титилиб кетган дасмолга ўхшарди (шу ўхшатиш ва айниқса, “дасмол” сўзи негадир бир қарашдаёқ Алешанинг калласида ярқ этиб пайдо бўлди ва у кейин бу сўзни яна эслади). Афтидан, шу жаноб боя ичкаридан овоз берганди: хонада бошқа эркак йўқ эди. Аммо Алеша хонага кириб келганда, у одам стол олдида ўтирган ўриндиғидан отилиб туриб, тиртиқ сочиқ билан шоша-пиша лаб-лунжини артиб, Алешага пешвоз чиқди.

– Роҳиб роҳибхонага чақиради, одамини топиб келганини қаранг! – овозини баланд қўйиб деди сўл томонда турган қизпошша. Аммо Алешага қараб шитоб билан келаётган афанди пошнасида зудлик билан унга

кайрилди-да, қандайдир ҳаяжонга тушган, тутилган овозда жавоб берди:

– Йўқ, Варвара Николаевна, ундай эмас, топмадингиз! Ўз навбатида сиздан сўрашга ижозат беринг, – у яна Алеша томонга ўтирилди, – келинг, хизмат, қалай бу... заминга тушибсиз-да?

Алеша унга диққат билан разм солди, бу кишини биринчи маротаба кўриб туриши эди. Унинг хатти-ҳаракатлари қовушмаганроқ, шошилинкаираганроқ, тезоброқ эди. Афтидан, ҳозир ичган бўлса-да, маст эмасди. Башарасида бориб турган сурбетлик акс этар ва шу билан бирга, буниси ғалати эди... жуда кўрқоқ кўринарди. У узоқ вақт тобеликда юриб она сути оғзига келган, аммо бирдан кўкрагига уриб олдинга чиққан ва ўзини кўрсатмоқчи бўлган одамга ўхшарди. Ундан ҳам тўғрироғи, у сизни жуда ҳам ургиси келган, бироқ сиз ҳам уни уришингиздан ўлардай кўрққан кимсага менгзарди. Анча-мунча чинқирик овози оҳангларида ва нутқида қандайдир дам аччиқ, дам хуркак девонасор киноя эшитилар, аммо бу охиригача давом этмас, узилиб, тутилиб чиқарди. У “заминга тушиш” ҳақидаги саволни дағ-дағ қалтираган ҳолда берди, унинг кўзлари шоҳқосасидан чиқиб кетай деб турар, у Алешанинг устига шу қадар шитоб билан бостириб келдики, у беихтиёр ўзини бир қадам орқага олди. Афанди дағал газламадан тикилган қорамтир қандайдир ночор пальто кийган, у ямоқ солинган, доғ-дуғ босганди. Шими аллақандай жуда очиқ рангда, бунақасини ҳозир ҳеч ким киймай қўйган, қандайдир жуда юпқа катак матодан тикилган, почалари эзилган ва юқорига кўтарилиб қолган, шунинг учун худди кичкина болакайга кийдирилганга ўхшарди.

– Мен... Алексей Карамазов бўламан... – оҳиста деди жавоб ўрнида Алеша.

– Ўта тушуниб турибман, – шу заҳоти сўзни бўлди афанди унинг кимлиги шусиз ҳам унга худди маълумдай. – Ўз навбатида билиб қўйгайсиз, мен штабс-капитан Снегиревман, аммо ҳар қалай, билсам девдим, сизни нима шамол учирди...

– Ўзим шундоқ кирган эдим. Бор-йўғи бир оғиз сўз айтмоқчийдим... Мабодо ижозат берсангиз...

– Ундоқ бўлса, мана курси, марҳамат, жойлашинг. Қадимги комедияларда шундай дейишган: “Марҳамат, жойлашинг”... – шундай деб штабс-капитан шахд билан бўш курсини тутди (ёғочдан ясалган, одми, дағал, устига ҳеч нарса қопланмаган) ва уни хонанинг нақ ўртасига қўйди, кейин яна худди шундай курсини ўзи учун олиб, Алешанинг рўпарасига унга жуда яқин келиб, тиззаси тиззасига теккудай бўлиб тиғиз ўтирди.

– Николай Ильич Снегирев, рус пиёда қисмларининг собиқ штабс-капитани, гарчи қусурлари боис шамгинликка учрамиш, аммо ҳамон штабс-капитанлигича барибир қолмиш. Балки бошқачароқ айтсак тўғрироқ бўларди, штабс-капитан Словоерсов, Снегирев эмас, зеро ҳаётимнинг иккинчи ярмидан эътиборан словоерслар¹ билан сўзлай бошладим. Таҳқирланиш орқасидагина словоерсларга эга бўласиз.

– Худди шундай, – илжайди Алеша, – фақат беихтиёр эга бўлинадими ёки атайин?

– Худо шоҳид, беихтиёр. Ҳеч гапирмовдим, бир умр гапирмовдим словоерслар билан, бирдан йиқилдим, қарасам, шу словоерслар билан сўзляпман. Бу олий ҳакам боис. Замонавий гаплар билан қизиқишингизни кўриб турибман. Аммо бу эътиборингизга не

¹ Словоерс – русларда илгари сўз охирига “с” товушини қўшиб сўзлаш расми.

боис бўлсайкин, зеро, меҳмоннавозлик учун ноимкон бир аҳволиятда истиқомат қилмоқдадирман.

– Мен... анов ўтган иш юзасидан...

– Анов ўткан ишми? – тоқатсизланиб гапни чўрт кесди штаб-капитан.

– Сизнинг менинг акам Дмитрий Федорович билан кўришиб қолганингиз боис, – хижолат билан деди Алеша.

– Қайси учрашув экан у? Ҳов ўшами, мабодо у? Демак, яна дасмолми, ҳаммом дасмолими, а? – у бирдан шундай сурилдики, бу сафар энди тиззалари билан келиб Алешанинг тиззасига урилди. Унинг лаблари қаттиқ қисилиб ипдай кўринмай қолди.

– Дасмол нимаси? – гўнғиллаб чикди Алешанинг овози.

– Ота, у менинг устимдан сизга шикоят қилиб келган! – дея чийиллади Алешага таниш болакайнинг ингичка овози бурчакдаги дарпарда ортидан. – Мен боя унинг қўлини тишлаб олдим!

Дарпарда бирдан сурилди-да, Алеша ўша бурчак томонда санамлар остидаги сўри билан курсига мослаштирилган кўрпа-тўшак устида ўзининг рақиби бўлган болакайни кўрди. Болакай устига пальточаси ва яна эски пахта кўрпа ёпилган ҳолда ётарди. Чамаси, у бетоб эди, кўзининг чакнашига қараганда иситмаламоқда эди. У Алешага энди боягидек эмас, кўркмай тикиларди: “Уйда мени калтаклаб бўпсан”.

– Нега унақа қўлини тишлайсан? – курсидан туриб кетди штабс-капитан. – У сизнинг қўлингизни тишладими?

– Ҳа, тишлади. Боя у кўчада болалар билан тошбўрон ўйнаётган экан, болалар олти киши, у эса бир ўзи. Мен унинг олдига бордим, у менга ҳам тош отди, кейинги тоши бошимга тегди. Мен сенга нима қилдим, деб сўрадим. У бирдан менга ташланиб қўлимни ёмон тишлади, сабабини билмайман.

– Ҳозир жазосини бераман, ҳа, хозироқ таёқ ейди мендан! – сакраб ўрнидан турди штабс-капитан.

– Э, мен шикоят қилаётганим йўқ, мен айтиб бердим, холос... Мен асло хохламайман уни калтаклашингизни. Унинг ўзи касалга ҳам ўхшайди...

– Сиз жазолайди деб ўйладингизми? Нима, мен Илюшечкани оламану сизнинг олдингизда калтакларканманми, сиз эса томоша қиларкансизми? Сизга шу жуда керак эканми? – деб сўзланди штабс-капитан бирдан Алешага худди уни урадигандай пўписа билан ўгирилиб, – сизнинг бармоғингизга ачинаман, тақсир, лекин Илюшечкани калтаклашдан бурун сизнинг кўз ўнгингизда нафсониятингизни қондириш учун мана шу тўрт бармоғимни мана шу пичоқ билан шарт кесиб ташлайман. Сизга қасос учун шу тўртта бармоқ етарли бўлса керак, деб ўйлайман, бешинчисини ҳам талаб қилмайсизми?.. – У бирдан тўхтади, нафаси томоғига тикилди. Унинг башараси бутун буришиб-тиришиб, қийшайиб кетди, у Алешага ҳаддан ортиқ хезланиб қаради. Худди жазава тутгандай эди уни.

– Менимча, энди ҳаммасини тушундим, – оҳиста ва маъюс жавоб берди Алеша ўз ўрнида ўтирганча. – Маълум бўлдики, ўғлингиз яхши бола экан, отасини яхши кўраркан, менга сизни хафа қилган одамнинг укаси деб ташланибди... Буни энди тушундим, – деб қайтарди у яна ўйга ботиб. – Аммо менинг акам Дмитрий Федорович ўз қилмишидан пушаймон, мен буни биламан, агар сизнинг олдингизга келиш мумкин бўлса ёки янаям яхшиси, сиз билан яна ўша жойнинг ўзида кўриша олса, унда ҳамманинг олдида у сиздан кечирим сўрайди... агарда сиз албатта, буни истасангиз...

– Яъни соқолини юлиб олиб сўнг узр сўраш... Шу билан бас, бари ту-гади, арз-додига етдик, холосми?

– О, йўқ, аксинча, сиз нима десангиз шуни қилади, сизга қандай қулай бўлса, шундай қилади!

– Магарамким, мен ул олий ҳазратларидан ўша қовоқхонада, у қовоқхонанинг номини “Пойтахт шаҳари” дейишади, ёки шаҳар майдонида, олдимга тиз чўк десам, у ростдан тиз чўкадимми?

– Ҳа, у тиз чўкади.

– Тешиб ташладингиз. Мени йиғлатдингиз ва тешиб ташладингиз. Хўрлигим келиб кетди. Изн беринг, сизга оила аъзоларимни танитай: ик-кала қизим ва ўғилчам – менинг нишонларим. Мен ўлсам, уларга ким меҳрибонлик қиларкин? Мен тириқтовон, ярамас инсон шундай юрсам, улардан бошқа ким мени яхши кўраркин? Менга ўхшаган ҳар бир кимсага худойим бир улуғ кори хайр яратибди. Зотан, жоиздирки, менингдек бир кимарсага ҳам ахир бир меҳрибон топилар бу дунёда...

– Оҳ, бу мутлақо тўғри! – хитоб қилди Алеша.

– Бас қилинг майнабозчиликни, битта-яримта тентак келиб қолса ҳам, уятга ўлдирасиз! – кутилмаганда чинқирди дераза олдида турган қизпошша отасига нафратомуз ижирғаниб қараб.

– Сал ўзингизни босинг, Варвара Николавна, бизни йўлимиздан адаш-тирманг, – буйруқ оҳангида қичқирди унга отаси, аммо маъқуллагандай кўз солиб. – Ийе, бизнинг феъл-хўйимиз шунақароқ, – у яна Алешага ўгирилди.

Ва борлиқда ҳеч нени

Айламади у дуо¹.

Буни жинси муаннаса айтса маъқулроқ, яъни аёл дуо қилишни истамади. Аммо изн бергайсиз, сизни завжам билан танитай: бу кишим Арина Петровна, оёқдан маҳрум, қирк уч яшар, оёқ қимирлайди, аммо зиғирдак. Одми фуқаролардан. Арина Петровна, чехрангизни очинг, манави зот Алексей Федорович Карамазов. Туринг, Алексей Федорович, – у Алешани кўлидан тутиб, кутилмаганда куч билан юқори кўтарди. – Сиз хоним билан таништирилмоқдасиз, оёққа туриш керак. Бу анов химм... Карамазов эмас, онаси, у... ҳам ва ҳоказо, ўшанинг укаси, ўзига ярашиқ фазилатлар эгаси. Ижозат этинг, Арина Петровна, ижозат этинг, онаси, ижозат этинг кўлингизни олдиндан ўпай.

У иззат-икром ва ҳатто мулоимлик билан завжасининг кўлидан бўса олди. Дераза олдида турган қизпошша ғазаб билан орқасига ўгирилиб олди, хоним ойимнинг савол аро такаббур чехраси бирдан ёришди ва унда ажиб бир мунислик акс этди.

– Салом, ўтиринг, жаноб Черномазов, – деб кўйди у.

– Карамазов денг, ойиси, Карамазов (биз одми фуқароларданмиз – ҳа), – деб шипшиди у яна.

– Майли, Карамазов бўлса, нимаиди, мен доим Черномазов дейман... Ўтиринг... ўтирсангиз-чи, у нимага сизни турғизди? Оёқсиз хоним дейди-ми, оёқ-ку йўқ эмас, бор, шишиб кетган, худди челақдек, ўзим эса сувим қочиб қуруқшаб қолдим. Илгари корсондай роса семиз эдим, мана энди худди игна ютгандайман.

– Биз одмилармиз, одмилармиз, – яна бир қарра шипшиди капитан.

¹ Пушкиннинг “Демон” шеърисидаги сўнги сатрлар.

– Ота, оҳ отажон! – бирдан тилга кирди букри қизпошша, шу пайтгача у орага сўз қўшмай бурчакда курсида ўтирарди, у бирдан кўзларига рўмолчасини босди.

– Масхарабоз! – валдиради дераза олдидаги қизпошша.

– Кўряпсизми, бизнинг даракчиларни, – қўлларини ёзди онаси қизларини кўрсатиб, – худди булут келаётгандай, булутлар ўтиб кетса, яна ўз мусиқамиз. Авваллари биз ҳарбий бўлган пайтларимиз, уйимизга шундай меҳмонлар кўп келишарди. Мен, отахоним, буни шунчаки бир гап деб айтяпман. Ким кимни севса, у ҳам ўшани севсин. Дьяконинг хотини ўшанда нима дейди денг: “Александр Александрович жуда алламбало одам, Настасья бўлса, ҳа, ўша Петровна, у жаҳаннамнинг ўчоғи” – “Хўп, дедим, кимга ким ёқади, сен эса ўзинг кичкина бўлсанг ҳам сассиқсан”. – “Э, сенинг жиловингни асло қўйиб юбормаслик керак”. – “Оҳ, сенмисан ҳали, қора, – дедим унга, – қилич, кимни ўқитгани келдинг?” – “Мен, – дейди у, – тоза ҳаво олиб қиряпман, сен эса тоза эмассан”. – “Унда сўраб кўр, – жавоб бердим унга, – барча жаноб офицерлардан мен тозаманми ё йўқманми?” Ўшандан бери шу нарса кўкрагимда қадалиб туради, бир куни мана шу ерда худди ҳозиргидай ўтирсам, муқаддас кунга келган яна ўша генерал келиб қолсами. “Нима, – дедим унга, – олий ҳазратлари, аслзода хоним эркин ҳаво чиқариши мумкинми?” “Ҳа, дейди, бу ерда дарча ёки эшикни очса бўлади, нега десангиз, бу ерда ҳаво бузилган”. Ҳаммаси ўзи мана шунақа! Нима, уларга халақит беряптими бу ҳаво ўлгур? Ўликдан бундан баттар сассиқ келади. “Мен, дейман, ҳавони бузаётганим йўқ, оёғимга муюм тиктираману ҳайё-ҳайт деб кетавераман”. Отахонларим, азизларим, онажонга таъна қилманглар! Николай Ильич, отахоним, мен сизга ёқмай қолдимми, менинг ёлғиз Ильюшечкам бор, холос, мактабдан келиб менга қарайди. Кеча олма олиб келди. Кечиринглар, отахонларим, кечиринглар, азизларим, онажонни кечиринглар, мен ёлғизни, мунча сизга ёқмайди мен олган ҳаво!

Шўрлик бирдан хўнграб йиғлаб юборди, кўз ёшлари дарё бўлди. Штабс-капитан сакраб унинг олдида борди.

– Ойиси, ойиси, азизам, бўлди, бўлди! Сен ёлғиз эмассан. Ҳаммамиз сени яхши кўрамыз, бошимизга кўтарамиз! – у яна хонимининг иккала қўлини ўпиб, қафтлар билан унинг юзини силади, сочиқ олиб унинг шашқатор кўз ёшларини аста авайлаб артди. Алешанинг назарида унинг ўзи ҳам йиғлаётгандек кўринди. – Ҳов-в, кўрдингизми-ей? Эшитдингизми-ей? – қандайдир бирдан унга қаҳр билан ўгирилди, қўли билан бечора афтода заифани кўрсатиб.

– Кўряпман, эшитяпман, – бўғилиб деди Алеша.

– Ота, ота! Наҳотки сиз у билан... Ҳайдаб юборинг уни, ота! – бирдан кичқирди болакай тўшакчасидан ярим туриб, у отасига чўғдай ёнган кўзлари билан тикилди.

– Бўлди, йиғиштиринг лўттибозликни, аҳмоқона оҳангжамалар қиласиз, уларнинг сариқ чақалик фойдаси йўқ!.. – қаҳр отига миниб яна ўша бурчакдан кичқирди Варвара Николаевна, ҳатто депсиниб ҳам қўйди.

– Ана энди бутунлай ўзинигиздан чиқдингиз, Варвара Николаевна ва жуда ҳам тўғри қиласиз, мен дарҳол айтганингизни бажо келтираман. Шапкангизни кийинг, Алексей Федорович, мен ҳам картузимни олай – юринг энди. Сизга эшикда жиддий бир сўз айтаман. Манави ўтирган пошша қиз – менинг шириним Нина Николаевна, сизга таништиришни

унутибман. Худонинг ёқимтой фариштаси... биздек махлуқлар орасига учиб келган... балки сиз буни тушунарсиз...

– Вой, намуноча титраб қақшайсиз, акашак туттими, – дарғазаб давом этарди Варвара Николаевна.

– Манави менга оёқларини тапиллатаётган менинг шириним, боя отасини лўттибозга чиқарган – уям худонинг бир ажиб фариштаси, менга тўғри лақаб топди. Юринг энди, Алексей Федорович, ишимизни битирайлик...

У Алешанинг қўлидан ушлаб тўғри кўчага олиб чиқди.

VII

ТОЗА ҲАВОДА

– Ҳаво тоза, менинг кўрғонимда эса ҳақиқатан, нафас олиб бўлмайдиган ҳар томонлама. Юринг, тақсир, аста одимлаб борамиз. Эътиборингизни тортсам девдим.

– Менинг ҳам сизга фавқуллодда бир ишим бор... – деди Алеша, – фақат гапни қандай бошлашни билмай турибман.

– Наҳот менда ишингиз борлигини билмасам-ей? Ишингиз бўлмаса, олдимга ҳеч қачон келмасдингиз. Ёки ростдан болакайнинг устидан арз қилиб келдингизми-ей? Бунга асло ишониб бўлмайдиган-ку. Айтганча, болакай деяпмиз, мен ичкарида сизга ҳаммасини тушунтириб беролмадим. Мана энди озгина пардани кўтарамиз. Биласизми, ўша дасмол бир ҳафта илгари анча қалин, зич эди, мен манави соқолимни айтяпман, бу соқол тушмагурни ҳаммадан олдин мактаб ўқувчилари дасмол деб масхара қилишди. Шу десангиз, ўша акангиз Дмитрий Федорович, ўшанда денг, шу соқолимдан тортиб майдонга судраб қолса денг, худди шу пайтда мактабдан болалар чиқишаётган экан, улар ичида Илюша ҳам бор экан-ей. У мени бу аҳволда кўриб, югуриб олдимга келди: “Ота, деб қичқирди, ота!” Менга ёпишади, кучоклайди, мени тортиб олмоқчи бўлади, анави мени ураётганга бақиради: “Кўйворинг, кўйворинг, у менинг отам, отам, уни кечиринг” – ҳеч тўхтамай бақиради: – “Кечиринг”, – қўллари билан уни маҳкам ушлайди, яна унинг қўлларини ўпади, ўпади-ей... Ўшанда унинг чехраси эсимда қолди, эсимдан ҳеч чиқмайди, ҳеч чиқмайди!..

– Қасам ичаман, – хитоб қилди Алеша, – акам сиздан қаттиқ узр сўрайди, у пушаймон бўлади, ўша майдонда одамлар олдида олдингизда тиз чўқади... Мен уни кўндираман, акс ҳолда у менга ака эмас.

– Э, ҳа, бу ҳали хаёл экан-да. Бу ундан эмас экан-да, сиз олийжаноб қалбингиз билан ёниб-куйиб ҳаракат қилаётган экансиз-да. Бошидан шундай демайсизми. Йўқ, ундай бўлса, акангизнинг энг юксак зобитча мардлиги ва валлакатлигини охиригача айтиб берай, ўшанда у ўзини тозаям кўрсатди. У дасмол соқолимдан судраб-судраб борди-да, кейин кўйиб юборди: “Сен, – дейди, – зобитсан, мен ҳам зобитман, агар муносиб бир секундант топсанг, менга юбор, аблаҳ бўлсанг ҳам, талабингни адо этаман!” Ана, айтган гапи. Валлакат бўлиб кет-ей! Ўшанда Илюша билан бирга уйга қараб кетдик, мана шу воқеа Илюшанинг хотирасига ҳеч қачон ўчмайдиган бўлиб муҳрланиб қолди. Бу аҳволда қандай қилиб дворян бўлиб қолиш мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳозиргина

кўрғонимда бўлдингиз, кўрган нарсангиз нима бўлди? Учта заифа хоним ўтиришибди, биттасининг оёғи йўқ, ақли заиф, бошқаси оёксиз букур, учинчисининг оёғи бору ўзи хаддан ташқари ақлли, курсда ўқийди, яна Петербургга кетаман деб тўполон қилади, ўшоқда Нева бўйларида рус аёлининг ҳақ-ҳуқуқларини ахтариб топаман дейди. Илюшани-ку айтмай кўя қолай, энди тўққизга кирди, битта ўзи, зеро, мен ўлиб кетсам, буларнинг холи нима кечади, сиздан фақат шуни сўрай? Шундоқ экан, мен уни дуэлга чақирсам, у мени ўша заҳоти ўлдириб қўйса, ана ундан кейин нима бўлади? Уларнинг ҳаммасининг холи нима кечади, шўрига шўрва тўкилмайдами? Ундан ҳам бешбаттар бўлса-чи, у мени ўлдирмай, фақат майиб ногирон қилиб қўйса-чи: қўлингдан иш келмайди, оғиз бор-ку, ахир очилган оғиз, ким тўйғизади бу оғизни, ким боқади уларнинг ҳаммасини? Ёки Илюшани мактаб ўрнига кўчага садақа сўрашга чиқараманми. Ҳар куни? Ана, кўрдингизми, уни дуэлга чақиришимнинг нималигини? Аҳмоқона бир сўз, бошқа ҳеч нарса эмас.

– У сиздан кечирим сўрайди, майдоннинг ўртасида сизга тиз чўкиб таъзим қилади, – деб кичқирди тагин Алеша кўзлари ёниб.

– Уни судга бермоқчи эдим, – давом этди сўзини штабс-капитан, – аммо бизнинг ахлоқ кодексимизни варақлаб чиқинг, шахсан таҳқиқланганим учун ҳақорат қилувчидан қанча ҳақ ундираман? Бунинг устига мени дарҳол Аграфена Александровна чақириб, айюҳаннос соляпти: “Судга судраб юришни қаллангга ҳам келтирма! Агар судга чақирсанг, шундай қиламанки, у сени фирибгарлигинг учун ургани бутун дунёга ошқор бўлади, ана унда ўзингни судга тортишади”. Э, худойим ёлғиз кўриб турибди кимдан бу фирибгарлик чиққанини, кимнинг буйруғини мен нотавон бажаришга мажбур бўлганимни, ахир Аграфенанинг ўзи Федор Павлович билан бирга шундай қилишмадими? Яна нима дейди денг устига-устак: “Сени бутунлай ҳайдайман, ундан кейин бир тийин ҳам олмайсан. Савдогаримга ҳам айтиб қўяман (у ўз чолини шунақа дейди, савдогарим дейди), у ҳам сени ҳайдайди”. Ана, энди ўйламай нетай, агар савдогар ҳам қувса, унда қаерда ишлаб пул топаман? Шу иккаласидан бошқа ҳеч ким қолмади ахир, сизнинг падарингиз Федор Павлович бир арзимаган сабаб билан менга ишонмай юрибди, боз устига менинг тилхатларимни рўқач қилиб, судга ҳам тортмоқчи бўлади. Мана шулар бари бир бўлиб мен оғзимни юмдим, сиз эса ичкарини кўрдингиз. Энди бир сўраб қўяй-чи сиздан: у қўлингизни ёмон тишладими? Илюшани айтаман. Ичкарида, ҳамманинг кўз ўнгида мен буни сўрай олмадим.

– Ҳа, ёмон тишлади, қаттиқ жаҳли чиққан эди. Сиз учун мен Карамазовдан қасдини олди, мен буни энди билдим. Аммо у мактабдошлари билан қандай тош отишганини кўрсайдингиз. Бу жуда ёмон хавфли, уни ўлдириб қўйишлари мумкин, болаларнинг ақли йўқ, тош учиб бориб бошни ёриши мумкин.

– Унга тош тегибди, бошига эмас, кўкрагига, юрагининг тепасига, кўкариб кетибди, йиғлаб келди, оҳ-вой қилиб касал бўлиб ётиб қолди.

– Биласизми, у ўзи биринчи бўлиб ҳаммага ташланяпти, сиз учун алам чекапти, болаларнинг гапича, у кеча Красоткин деган боланинг биқинига пакки пичоғини санчибди...

– Эшитдим буни, жуда хатарли: Красоткин шу ерлик амалдор, хали ишқилиб иш чалкашмаса-ей...

– Сизга маслаҳат берган бўлардим, – қизишиб давом этди Алеша, – бироз вақт у мактабга бормаи турсин, сал шаштидан тушсин... қаҳру ғазаб ўтиб кетади...

– Қаҳр-ғазаб! – илиб кетди штабс-капитан, – айна қаҳр-ғазаб-ей. Ўзи зумраша бир бола, яна шунча қаҳру ғазаб. Сиз бунинг ҳаммасини билмай-сиз. Ижозат беринг, бу қиссани сизга тушунтириб ўтай. Гап шундоғки, ўша воқеадан кейин мактабдаги барча болалар уни дасмол деб мазах қилганлар. Мактабда болалар жуда бераҳм бўлишади, алоҳида олсангиз, худойимнинг фаришталари дейсиз, биргалашса, айниқса, мактабларда аксар пайтларда ғоят раҳмсиз бўлишади. Улар мазах қилишавергач, Илюша ҳам жим туролмаган, жангарилиги тутган. Бошқаларга ўхшаган бола бўлса бўштоб – кўникиб кетаверарди, отасидан уяларди, бу бола денг, отаси учун ҳаммага қарши боряпти. Отаси учун, ҳақ учун, ҳақиқат учун-ей. Вой, унинг ичи ачигани, акангизнинг кўлини ҳиқиллаб ўпганлари: “Отажонимни кечиринг, отажонимни кечиринг”, – буни фақат худойим билади ва мен. Мана шунақа экан-да, бизнинг болаларимиз – яъни сизнинг эмас, айна бизнинг болаларимиз – ғамзада, аммо эзгу одамларнинг болалари – ер юзининг ҳақиқатини энди тўққизга кирибоқ билиб етадилар. Бойлар қаёқда, улар бир умр бундай теранликни кўрмай, билмай ўтадилар, менинг Илюшам эса ўшанда майдонда унинг кўлини ўпиб ёлворганди, ана ўша дамда бутун ҳақиқатнинг тагига етди. Шу ҳақ ўшанда унинг мурғак жонига забт билан кириб азал-абад унда қолди, – қайноқ ҳовури кўтарилиб, жиғибийрони чиқиб сўйлади штабс-капитан ва ўнг кўлини мушт қилиб тугиб сўл кўли кафтига урди, “ҳақ” Илюшани қандай забтига олганлигини шундай тарзда кўрсатмоқчи бўлди. – Ўша куни у иситмалади, тун бўйи алаҳлаб чиқди. Кун бўйи мен билан гаплашгиси келмади, нукул индамайди, фақат қарасам, бурчакдан менга тикилади, тикилади, деразага кўпроқ ўгирилиб олади, ўзини дарс тайёрлаётгандек кўрсатади, аммо хаёли мутлақо дарсда эмаслигини сезаман. Эртасига мен ичиб кўйдим, ҳеч нарса эсимда йўқ, гуноҳкор бандамиз, ала-мим ичимга сиғмайди. Ойиси ҳам йиғлашга тушди, ойисини мен жуда яхши кўраман – алаимдан охирги чақага ичдим-да-ей. Сиз, тақсирим, мендан ижирғанманг, Россияда маст одамлар – энг яхши одамлар. Энг яхши одамлар ва энг маст одамлар бизда. Шундай узала тушиб ётибман, Илюшечка яхши эсимда йўқ, ҳолбуки, худди ўша куни болалар мактабда роса масхара қилишган экан: “Дасмол, – деб қичқиришган унга, – отангни ковоқхонадан дасмолидан судраб чиқишди, сен лўкиллаб чопиб ялиниб кечирим сўрадинг”. Учинчи куни у мактабдан келганда, қарасам, рангрўйи ўчган бир аҳволда. Нима бўлди? – деб сўрадим. Индамайди. Қўрғонда гап очадиган аҳвол эмасди, дарров ойиси ва опачалари ўртага тушиб кетишади, қизпошшалар биринчи куниёқ ҳаммасини билишган экан. Варвара Николавна тўнғиллайди денг: “Лўттибозлар, масхарабозлар, сизлардан нима ҳам яхшилиқ чиқарди?” “Ҳақ рост, Варвара Николавна, ахир биздан нима ҳам яхшилиқ чиқарди?” Ўшанда шундай деб қутулдим. Шу кечда болақайни айланишга олиб чиқдим. Сиз билишингиз керак, илгари ҳам болақайни ўйнатгани олиб чиқардим, мана шу ҳозир сиз билан бораётган йўлда айланамиз, эшигимизнинг остонасидан то ҳов анави четан тагида етимдай ётган катта тошгача борамиз, у ёғи шаҳар яйлови бошланади: овлоқ ва чиройли жой. Илюша билан ёнма-ён юриб борамиз, одатда, унинг кўлидан ушлаб оламан, кўли кичкина,

бармоқлари ингичка, совуққина, биласизми, унинг кўкраги оғрийди. “Ота, дейди, ота!” “Нима?” – дейман, кўзлар чўғдай ёнади. “Ота, анов киши сизни ёмон судради, ота!” – “Нима ҳам қилдик, Илюша”, – дейман. “У билан ярашманг, ота, ярашманг. Мактабда болалар у сизга ўн рубль берган дейишди”. – “Йўқ. Илюша, дейман, мен энди ундан ҳеч қачон пул олмайман”. Болакай бутун вужуди билан қалтираб кетди. Қўлларимни иккала қўли билан ушлаб олди-да, яна ўпа кетди. “Ота, дейди, ота, уни дуэлга чақиринг, мактабда болалар ғашимга тегишади, сизни кўрқок, уни дуэлга чақирмайди, унинг ўн рублини олади дейишади”. – “Илюша, мен уни дуэлга чақиролмайман”, – дейман ва боя сизга айтган сўзларимни унга бирма-бир тушунтираман. У диққат билан эшитди. “Ота, дейди, ота, барибир у билан ярашманг: мен катта бўламан, мен ўзим уни чақираман ва ўлдираман!” Кўзлари лахча чўғдай ёнади. Шу билан бирга, нима қилманг, мен отаман, унга ҳақ сўзни айтишим керак. “Туноҳ, – дейман унга, – одам ўлдириш гуноҳ”. – “Ота, дейди, ота, мен катта бўлсам, мен уни йиқитаман, қиличини қўлидан учуриб юбораман, унга ташланаман, ағдараман, қиличимни ўқталаман, сени ўлдиришим мумкин эди, аммо сени кечирдим, ана шу!– дейман”. Кўрдингизми, кўрдингизми тақсир, шу икки кун миёнасида унинг мағиздак бошидан нима кечганларини, қилич яланғочлаб қандай қасос олишини кун-тун ўйлаган, кечаси шуни ўйлайвериб алахлаб чиққан. Фақат мактабдан ёмон калтак еб келаверди, мен учинчи куни билибман буни, боя тўғри айтдингиз, уни бу мактабга бошқа юбормайман. Унинг бутун бир синфга қарши бораётгани, уришаман деб турганини билдим, жуда жиғибийрон, юраги ўтдай ёнапти, мен унинг бу аҳволидан кўрқдим. Яна сайрга чиқиб айландик. “Ота, деб сўради, ота, ахир бойлар дунёда ҳаммадан ҳам кучли экан-да?” – “Шундай, Илюша, дедим, дунёда бойдан кучлиси йўқ”. – “Ота, – дейди, мен бой бўламан, мен Зобит бўламан ва ҳаммани йиқитаман, менга подшоҳ мукофот беради, мен келаман-да, кейин ҳеч кимнинг кучи бизга...” Кейин жим қолди, лаблари титрайди тўхтамай. “Ота, дейди, нега бизнинг шаҳримиз бунақа ёмон, ота”, дейди. “Шундай, Илюшечка, шаҳримиз унча яхшимас”. – “Ота, бошқа шаҳарга кетайлик, яхши шаҳарга борайлик, у ерда бизни ҳеч ким билмайди”. – “Кўчамиз, дейман, кўчамиз, Илюша, мен аввал озроқ пул йиғай”. У нохуш хаёллардан биров чалғиганига хурсанд бўлдим, у билан қандай қилиб бошқа шаҳарга кўчишимиз, от-арава сотиб олишимизни орзу қилдик. Ойиси-ю опачаларини аравага ўтказиб, устиларини ўраб-чирмаб, ўзимиз арава ёнида борамиз, баъзан сен ҳам аравага чиқасан, мен пастда қоламан, нега деганда, отни аяш керак. Бундан унинг димоғи чоғ бўлди, энг қойили, ўзимизнинг отимиз – унга миниб олиш ҳам мумкин. Ўзи ҳаммага маълум, рус боласи борки, от билан туғилади. Узоқ гаплашдик, худога шукур, уни биров бўлса ҳам чалғитдим, кўнглига таскин бердим. Бу учинчи куни кечда бўлган эди, кеча кечқурун эса иш яна бошқача бўлди. У яна эрталаб мактабга кетди, яна тумтайиб, хафа бўлиб қайтди. Кечқурун қўлидан ушлаб айлангани олиб чиқдим, миқ этмайди. Шамол турди, қуёш ботди. Кузнинг ҳавоси келиб қолди, қоронғи туша бошлади, юриб бораяпмиз-у ичимизга чирок ёқса ёришмайди. – “Қани, ўғилчам, йўлга қандай тайёрланамиз?” – деб уни кечаги гапимизни давом эттиришга ундамоқчи бўламан. Миқ этмайди. Фақат бармоқлари кафтимда титраб кетди. “Э, деб ўйладим, чатоқ-ку, янги гап бор, шекилли”. Мана ҳозиргидай биз харсанг тошга

етиб келдик, мен тош устига ўтирдим, осмонда варраклар учади, ванғиллайди, чарсиллайди, ўттизтача варрак. Ҳозир варрак учирадиган пайт. “Ана, Илюша, дейман, биз ҳам ўтган йилги варракни учирсак бўларди. Мен уни у ёқ-бу ёғини тузатай, қаерга яшириб қўйгансан?” Ўғилчам индамайди, бошқа ёққа қарайди, менга ёнлаб турибди. Шунда бирдан шамол увиллади, кум тўзони кўтарилди... У менга бирдан ўзини отди, иккала қўли билан бўйнимдан маҳкам ачомлади, мени қаттиқ қисди. Биласизми, агар болакайлар индамас ва мағрур бўлсалар ва кўз ёшларини узоқ тийиб турсалар ва агар оғир алам етса, бирдан шундай ёриладилар, унда кўз ёшлари оқадигина эмас, худди дарёдек тошиб, отилиб чиқади-ей. У шундай тошқин илиқ кўз ёшлари билан юзимни ювди. Ларзага тушиб, титраб-қақшаб йиғлади, мени кучоғидан қўйиб юбормайди, мен харсангда ўтирибман. “Отажоним, – қичқириб ҳиқиллайди, – отажоним ўзимнинг, сизни қанча таҳқирлади!” Шунда мен ҳам ўкраб йиғладим, кучоклашиб ўтириб кўз ёшимизни дарё қилдик. “Отажоним, дейди, отажоним!” – “Илюша, – дейман унга, – Илюшечка!” Бизни ўшанда ҳеч ким кўрмади, фақат худойим кўрди, балки менинг савоб дафтаримга ёзилиб ҳам қолар-ей. Акангизга раҳмат деб қўйинг, Алексей Федорович. Йўқ, мен ўғилчамни сизни деб калтаклаб ўтирмагайман-ей!

У яна гапини ўша дарғазаб ва девонасор майнабозчилиги билан якунлади. Бироқ Алеша унинг ўзига ишонаётганини ҳис қилди, мабодо унинг ўрнида бошқа одам бўлганида бу тавия у билан бундай “гаплашмас” эди ва унга ҳозир маълум қилганларини асло маълум қилмасди. Бу юраги шу тобда йиғлаб турган Алешанинг кўнглини кўтарди.

– Оҳ, ўғилчангиз билан ярашиб олсам қандай саз бўларди! – хитоб қилди у. – Сиз бунга бош қўшсангиз эди...

– Худди шундай, – маъқуллади штабс-капитан.

– Аммо энди бутунлай бошқа бир гап, бутунлай бошқа, кулоқ солинг, – хаяжонда дерди Алеша, – кулоқ солинг. Менга сизга етказиш учун бир топшириқ беришган: анави менинг акам бўлмиш Дмитрий ўзининг қайлиғи аслзода бир қизни ҳам камситган, сиз эҳтимол, уни эшитган чиқарсиз. Мен бу хўрлаш қандай бўлганлигини сизга айтишга ҳақлиман, мен буни шундай қилишим керак, нега деганда, у сизни камситганлари ва ҳаётий аҳволингизни эшитиб, боя... зиммамга шундай бир вазифа юкладдики... ундан ўз ёрдамини қабул қилишингизни сўради... бу фақат ёлғиз унинг ўзидан, асло Дмитрийдан эмас, Дмитрий уни ташлаб кетди, унинг укаси, яъни мендан ҳам эмас, бошқа ҳеч кимданмас, фақат хоним пошшадан, фақат унинг ўзидан! Унинг ёрдамини олишингизни ялиниб-ёлвориб сўрайди... ҳар иккингизни ўша битта кимса қаттиқ хафа қилди... У ўзи ҳам таҳқирлангандан сўнггина сизни эслади (таҳқир кучи шундай). Бу худди сингил акасига ёрдам бераётгандай... У менга сизни кўндириш, рози қилишни тайинлади, манави икки юз рублни худди сингилнингиз бергандай олар экансиз, ҳеч ким буни билмайди, ҳеч қандай ғийбат, туҳмат бўлмайди... мана, ўша икки юз рубль, қасам ичаман, сиз уни олишингиз керак, бўлмаса... бўлмаса ҳамма бири-бирига бўри бўлиб қолаверади! Аммо ахир дунёда оға-инилар ҳам бор-ку... Сизнинг қалбингиз олийжаноб... сиз буни тушунинг... тушунинг!

Шунда Алеша унга юз рублик иккита рангдор қоғоз пулни узатди. Ҳар икковлари четан тубидаги харсанг тош олдида туришар, атроф кимсасиз эди. Афтидан, бу қоғоз пуллар штабс-капитанда жуда даҳшатли бир

таассурот қолдирди, у азбаройи хайратининг зўридан титраб-сесканиб кетди, у бунақасини хаёлига ҳам келтирмаганди ҳатто, умуман, бундай бўлишини асло кутмаганди, кимдандир бунчалар катта ёрдам олиши тушига ҳам кирмаганди. У пулни олди-ю бир зум лом-лим деёлмай турди, чехрасида қандайдир ямчи ўзгача ҳиссёт акс этди.

– Шу ҳаммаси менгами, а, менгами, икки юз рубль, а! Ох, падарим! Э, мен тўрт йилдан бери бунча пулни кўрмовдим, о худойим-ей! Сингил дейдими... ростданми бу, ростданми?

– Қасам ичаман, сизга нима деган бўлсам, ҳаммаси тўғри! – кичқирди Алеша. Штабс-капитан қизарди.

– Менга қаранг, тақсирим, кулоқ солинг, агар олсам, мен аблаҳ бўлиб қолмайманми? Сизнинг назарингизда, Алексей Федорович, ахир аблаҳ бўлиб кўринмайманми? Йўқ, Алексей Федорович, сиз эшитинг, эшитинг-ей, – шошқалоқлик қиларди у дам сайин Алешани қўллари билан ушлаб, – мана, мени олинг деб қистаяпсиз, сингилнинг ёрдами деб-а ичингизда, ўз-ўзингизча, мендан нафратланмайсизми, агар олсам, а?

– Йўқ-йўқ, сира ундай эмас! Охиратим билан онт ичаман, ундай эмас! Ҳеч ким ҳеч қачон билмайди, фақат ўзимиз: мен, сиз, у ва яна бир жонажон дўстимиз хоним...

– Хоним нима! Кулоқ солинг, Алексей Федорович, яхшилаб эшитинг, энди шундай бир пайт келдики, албатта, эшитиш керак, зеро, сиз ҳатто тушуниб етолмайсиз бу икки юз рубль мен учун нима эканлигини, – давом этарди камбағал шўрлик қандайдир чувалашган алламбало ҳаяжонга тушиб. У нечукдир калавасининг учини йўқотиб қўйган, барча юрагини тўлқинлантирган сўзларни айтишга биров халал берадигандек ҳаддан ташқари шошиллар, ичига сиғмасди. – Ундан ташқари, бу пул ҳалол, шундоқ эъзозли ва табаррук “сингилдан” иона, сиз биласизми, мен энди ойиси билан анов букригинамни, фариштагинамни, қизалоғим Нинамни даволатишим ҳам мумкин? Герценштубе деган бир меҳрибон дўхтиримиз бор, ўша келувди, бир соат уларни обдон кўрди: “Ҳеч нарса-ни тушунмаяпман” деди, бу ердаги дорихонада маъданли сув бор (ёзиб берди), унга жуда яхши фойдаси тегади, оёғини солиб ўтиришга дорилардан ванна буюрди. Маъдан сув ўттиз тийин туради, қирқта кўзачада ичиши керак. Дўхтирнинг қоғозини олдим у юқори токчага санам тагига тикиб қўйдим, ҳалиям ўша ерда ётибди. Ниночкамни қайноқ эритмаларда чўмилтиришни тавсия қилди. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун, қандай қилиб биз ўз қошонамизда бу даволашларни амалга оширайлик, хизматчимиз йўқ, ёрдамчимиз йўқ, идиш-оёқ, оби раҳматимиз йўқ? Ниночкам шўрликни бод деганингиз ўраб-чирмаб ташлаган, мен буни сизга ҳали айтганим йўқ эди, кечасилар унинг бутун ўнг томони сирқираб оғрийди, азоб чекади, ишонасизми, бу худойимнинг фариштагинаси бизни безовта қилмаслик учун тишини тишига босади, бизни уйғотиб юбормай деб инграмай чидаб ётади. Нима тўғри келса, нима топсак, шуни тановул қиламиз, қизгинам ҳаммадан қолган охирги бўлакни олиб ейди, итнинг ризқини ейди: “Мен шунга ҳам арзимамайман дейди, нонингизни яримта қиляпман, елкангизга оғиримни соляпман”. Фариштамнинг назари шуни ифода қилади. Унинг атрофида хизматини қиламиз, у буни ўзига оғир олади: “Мен арзимамайман бунга, арзимамайман, мен нотавон ногиронман, фойдам тегмайди”, дейди. Э, қаранг, у арзимасинми, у фариштадай беозорлиги билан ҳаммамизни худойимдан сўраб олади, у бўлмаса,

унинг майин сўзи бўлмаса кошонамиз жаҳаннамга айланади, у ҳатто Варяни ҳам юмшатиб, инсофга келтиради. Шу Варвара Николавнани ҳам айбга буюрманг, у ҳам фаришта, у ҳам сиқилган. У ёзда келганди, ўн олти рубль пули бор экан, дарс бериб топган пули, қайтиб кетиши учун йўлга йиғиб қўйган, сентябрда Петербургга қайтиши керак эди. Биз эса унинг пуллари олиб еб қўйдик, мана энди қайтиб кетолмай ўтирибди, ана сизга аҳвол. Қайтишнинг ҳам иложи бўлмай турибди, чунки биз учун ўлар ҳолатда ишляпти – уни худди қирчанғидай аравага қўшганмиз, ҳаммага қарайди, ювади, ямайди, тозалайди, ойисини тўшакка ётқизади, ойисини асти қўйинг, жуда инжиқ йиғлоқи, ақли паст-ей!.. Мана энди ахир мен бу пулга хизматчи ёллашим мумкин, тушунасизми, Алексей Федорович, жондан ширин асалларимни даволатсам дейман, талаба кизимни Петербургга ўқишга жўнатаман, лаҳм сотиб оламан, янгидан парҳез бошлайман-ей. Худойим-ей, бир олам орзу!

Алеша бу одам ҳаётига шунча хурсандчилик олиб кирганидан боши осмонда эди ва нақадар созки, камбағал шўрлик ҳам ионани олишга рози бўлди.

– Тўхтанг, Алексей Федорович, тўхтанг, – бирдан ҳаёлига келган яна янги бир орзуга берилди штабс-капитан ва яна жазаваси тутгандай тез-тез сўйлай кетди, – биласизми, биз Илюша икковимиз энди ростдан орзуий-мизни амалга оширамиз: от-арава сотиб оламиз, у қора отни хоҳлайди – албатта қора от оламиз, кейин уч кун аввал келишганимиздек, йўлга равона бўламиз. Менинг К. вилоятида адвокат дўстим бор, болаликдан оғайним, у ишончли бир кишидан тайинлаб юборибди, агар кўчиб келсалар, ўз идорамда мирзаликка ишга оламан дебди, яна ким билади дейсиз, балки олар ҳам... Шундай десангиз, ойисини ўтқизсам, Ниночкамни ўтқизсам, Илюшечка жиловини тутса, мен ўзим арава ёнида пиёда, пиёда бўлиб борсам... ҳаммани йўлда олиб кетсам... Худойим-ей, қанийди, бу ердаги бироз оласи пулим бор, агар шуни ҳам олсам, ҳаммасига етиб ортарди-ей!

– Етади, етади! – хитоб қилди Алеша. – Катерина Ивановна сизга қанча десангиз, шунча юборади, яна биласизми, менинг ҳам пулим бор, сизга қанча керак бўлса олинг, худди укангиз, худди дўстингиздан деб билгайсиз, кейин берарсиз... (Сиз бойиб кетасиз, бойиб кетасиз!) Бошқа вилоятга кўчмоқчи бўлсангиз, бундан кўра яхшироғини ўйлаб тополмайсиз! Сиз халос бўласиз, ўғилчангиз кутулади, биласизми, буни тезроқ қилиш керак, то қиш тушгунча, совуқлар бошлангунча, у ерлардан бизга ёзиб юборасиз, биз ака-ука тутинамиз... Йўқ, бу орзугина эмас!

Алеша уни кучокламоқчи бўлди, шунчалар мамнун эди у. Аммо нигоҳи унинг башарасига тушиб, бирдан сарсилди: у бўйнини чўзиб, лабларини чўзиб, юзи қийшайиб, оқариб кетган ҳолда турарди ва нималарнидир демоқчи бўлаётгандай лаблари асабий пичирларди, аммо овози чиқмас, фақат лаблари пичирлар, аллақандай ғалати эди.

– Нима бўлди сизга! – нимадандир ларзага тушди Алеша.

– Алексей Федорович... мен... сиз... – тутилиб-тутилиб шивирларди штабс-капитан ва унга жуда ғалати олайиб тик қарар, худди ўзини тоғдан пастга ташлайдигандек шокосаси чиқар ва шу билан бирга лаблари худди табассумга мойилдек эди, – мен-ей... сиз-ей... Истайсизми, сизга ҳозир бир ўйин кўрсатаман! – бирдан тез-тез, қаттиқ пичирлади у, аммо нутқида энди тутилмасди.

– Қанақа ўйин?

– Ўйин, ҳийла-мийла ўшанақа, – ҳамон пичирларди штабс-капитан, оғзи чап томонга қийшайган, чап кўзи қисилган, у Алешадан кўзини узмас, нигоҳи михланган эди.

– Сизга нима бўлди, қанақа ҳийла? – ҳавл ичида қичқириб юборди Алеша.

– Мана мановдақа, қаранг! – чинқирди бирдан штабс-капитан.

У шу пайтгача бутун суҳбат давомида ўнг кўлининг бош ва кўрсаткич бармоқлари билан қоғоз пулларнинг бир чеккасидан тутиб турган, мана энди кўтариб уларни кўрсатиб, бирдан қаттиқ қаҳр билан кафтда буклаб эзди ва ўнг кўлининг муштида ғижимлади.

– Кўрдингизми, кўрдингизми! – чинқирди у Алешага, ранги оқарган, авзойи бузук, ёмон тутоққан эди, шунда бирдан муштини юқори кўтардида, ғижимланган ҳар иккала қоғоз пулни бор кучи билан қум устига отди, – кўрдингизми-ей, – яна чинқирди у пулларини қўли билан кўрсатиб, – ана шунақа бўлади-ей!..

Бирдан у ўнг оёғини кўтариб ваҳшат ва ғазаб ичида пулларни пошнаси билан тепкилай кетди, ҳар тепкилаганда ҳарсиллар ва кичқирарди.

– Мана сизга пул! Мана сизга пул-ей! Мана пул! Мана пул! – У бирдан ортга тисарилди ва Алеша рўпарасида қаддини ростлади. Унинг бутун қиёфасида ифодалаб бўлмас бир ғурур акс этарди.

– Сизни элчи қилиб юборганларга айтинг, дасмол ўз номусини сотмайди! – деб кичқирди у қўлларини ҳавода ёзиб. Кейин тез орқасига ўгирилиб, югуриб кетди, аммо беш одим ҳам ўтмай, яна бирдан орқасига қайрилиб, Алешага қўлини кўрсатди. Кейин яна беш одим ташламай у охирги марта орқасига қаради, энди башарасини қийшайтириб кулмади, аксинча, бутун юзини кўз ёшлари ювди. Йиғлаб, ўкириб, ҳиқиллаб, ҳўнграган овозда сўзлари томоғига тикилиб қичқирди:

– Боламга нима дердим уятимни йўқотиб бу пулни олсам? – у шу сўзларни айтиб, югурганича кетди, бу гал орқасига қайрилмади. Алеша унинг изидан маъюс қараб қолди. О, у штабс-капитаннинг ўзи охирги сониягача пулни бундай ғижимлаб улоқтиришни хаёлига ҳам келтирмаганлигини тушунарди. Капитан бирон марта ҳам орқасига қарамади. Алеша унинг орқасидан боришни, чақиришни хоҳламади, нега хоҳламаётганини у биларди. Штабс-капитаннинг қораси кўздан йўқолгач, Алеша ерда ётган пулни олди. Пуллар ғижимланган, тупроққа қоришган, бироқ йиртилмаган бус-бутун эди, Алеша уларни ёзиб текисларкан, ялтироқ қоғоз худди янгидай шилдиради. Алеша уларни силлиқлаб, буклаб чўнтагига солди, сўнг топшириқ адо этилганини маълум қилиш учун Катерина Ивановнанинг уйига йўл олди.

(Давоми кейинги сонда)



ҲЕРМАН ҲЕССЕ

СИДДХАРТХА

Ҳинд киссаси¹

*Рус тилидан
Ойгул АСИЛБЕК қизи
таржимаси*

Сансара

Сиддхартха айшу-ишрат ва лаззатга тўла ҳаётда узоқ вақт яшади, бироқ барибир унинг кўнгли бу ҳаётга бегоналигича қолди. Унинг зоҳидлик пайтида ўлдирилган ҳислари яна уйғонди. У мол-дунёнинг таъмини тотди, ҳукмфармонлик қилди, зино ботқоғига ботди, бироқ шунда ҳам до-нишнамо Камала айтганидек, у қалбан саман бўлиб қолаверди. Худди аввалгидек тафаккур, сабр ва рўза унинг ҳаётидаги учта асосий маслак бўлиб қолаверди. Худди аввалгидек гўдаксимон одамлар унга бегона, у ҳам уларнинг оламига бегона бўлиб қолаверди.

Орадан йиллар ўтди. Сиддхартха тақдир кучоғида аллаланиб, умри ўтганини пайқамади. У бой-бадавлат бўлди, ўз уйи, ўз хизматкорлари ва дарё ёқасидаги катта боғига эга бўлди. Одамлар уни севар, хузурига эҳсон, маслаҳат сўраб келар, лекин Камаладан бўлак ҳеч бир киши унинг қалбига яқин эмасди. Говиндадан айрилиб, Гаутаманинг суҳбатидан бахраманд бўлган кезлардаги, ёшлигининг энг етук чоғида қалбини банд этган руҳни сергак этувчи ўша илоҳий сезим, ҳар қандай илм ва муаллимлардан узилган ўша мағрурлик, ўз қалбидаги илоҳий овозга бўйин эгувчи ўша тобелик, вақт ўтган сари хотиротга айланиб, ўз боқийлигини йўқотганди. Қачонлардир унинг ёнгинасида, унинг ўзида оққан илоҳий чашма, энди олис-олислардан базўр кулокка чалинарди. Тўғри, унда ота-си брахмандан, саманлардан ўрганган илми, Гаутама суҳбатидан кашф этганлари: қаноат қилиб яшаш, тафаккур завқи, зикр онлари, жисм ҳам, онг ҳам бўлмаган боқий “Мен”нинг яширин сирига етиш ҳали сақланиб қолганди. Сақланиб қолгандию, аммо тобора уларнинг бари қаергадир йўқликка фарқ бўлиб, хотирот ва унутулиш тўзонига кўмилганди. Худди тегирмон чархи тўхташдан олдин оғир, секин ҳаракатланганидек, Сиддхартхада зоҳидлик, илм, маърифат ғилдираги тўхташ истагида аста-секин айланарди. Сиддхартханинг қалбига иллатлар ўрмалаб кирди, унинг

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

руҳи ялқовлашди, оғирлашди, уйкуга чўмди. Намчил ерда ётган дарахт шоҳи ҳам худди шундай шишиб чирийди. Лекин унинг туйғулари тирик эди: улар кўп нарсаларни кўрди, кўп нарсаларни ўрганди. Сиддхартха савдогарликнинг, буйруқ беришнинг, аёллар билан ишрат этишнинг ҳадисини олди. У башанг либосларни кийишни, хизматкорларга иш буюришни, хушбўй сувларда ювинишни ўрганди. У ҳафсала билан пиширилган лаззатли таомлардан: балиқ, гўшт, қуш гўшти, ширинлик ва бошқа мазали емаклардан хузур қилишга одатланди. У маст ва хумор этувчи майларни ичишга одатланди. У шошқол ва шатранж ўйнашни, аёллар билан ишрат қилишни, тахтиравонларда чайқалиб, юмшоқ ўринларда ухлашни ўрганди.

Бироқ у ҳамон ўзини бошқаларга ўхшамаган деб билар, ўзини бошқалардан устун кўрар, уларга – фоний нарсаларга нафрат, истехзо ила қаровчи саман нигоҳи билан қарарди. Камасвами хасталаниб, хуноби ортиб, ғазабланган пайтларда ҳам, ниҳоят, уни савдо ташвишлари ҳолдан тойдирган вақтларда ҳам Сиддхартха унга қараб шунчаки истехзоли жилмайиб кўярди.

Орадан кўп ўтмай, ҳосиллар мавсуми ёмғирлар мавсумига айланаркан, унинг мағрурона истехзолари аста-секин сўна бошлади. Бошқалардан устунлик, афзаллик туйғулари ўлиб борарди. Сиддхартха кундан кун тўлиб-тошиб бораётган мол-давлати ичра қоларкан, ўзи ҳам гўдаксимон одамларга ўхшаб борар, улардаги тентаклик, жиззакилик унинг феълида ҳам кўриниб қоларди. Бироқ Сиддхартха бу одамларга ҳасад қилар, уларга қанчалик ўхшаб борган сари шунча ҳасади ортарди. Бу ҳасад ёлғиз ундагина йўқ, аммо бошқаларда бор туйғу бўлиб, бу туйғу уларнинг ҳаёти учун зарурат, қўрқув ва қувонч берувчи эҳтирос эди. У одамларнинг заиф, лекин тотли сева олишдек мангу бахтига ҳасад қиларди. Бу одамлар ўзларини, аёлларини, болаларини, мансабларини, пулларини, орзуларини, умидларини – ҳамиша нималарнидир севардилар. У одамлардан болаларча қувонишни, болаларча тентакликни ўрганмаган, аксинча, аввал ўзи уларда нимани қусур деб билса, шуларни ўрганганди.

У ҳар гал хушвақт ўтказилаган тунлардан сўнг тонг чоғи тўшагида зерикиб, толиқиб ётаркан, ўзини жуда нотавон ҳис этарди. Шикоятлари билан келиб, уни хуноб қилган Камасвамига ҳам зарда ила бетоқатлик қиларди. У шатранж ўйинида ютқазса, аламидан ҳоҳолаб куларди. Унинг юзи бошқаларникига қараганда илҳомбахш, донишнамо кўринса-да, аввалгидек қувноқ кўринмас, бадавлат кишиларникидек норози, заиф, хафақон, кўримсиз тус оларди. Уни бойларнинг қалб хасталиги аста ўради, гўё бир парда, қуюқ бир туман каби ҳорғинлик Сиддхартханинг елкасидан соат сайин хиралашиб, йил сайин оғирлашиб босиб борарди. Гўё янги бир либоснинг вақт ўтган сари ранги униқиб, ғижим, доғ бўлиб, осилиб, йиртилиб эскирганидек, Сиддхартханинг ҳам Говинда билан видолашгандан сўнг бошлаган янги ҳаёти йиллар ўтиб аввалги чиройи ва рангини йўқотган, ажин ва доғ босганди. Баъзан бужмайган афтини кўз-кўз этиб қаердадир унинг ёнгинасида нафрат ва алам кутиб ётарди.

Сиддхартха буни илғамасди. У фақат олис ва энг яхши вақтларда унинг йўлчи юлдузи бўлиб, қалбининг туб-тубида янграган илоҳий овозни аллақачонлар тинганини биларди. Дунё ишлари уни қул қилди. У истакларининг, ҳисларининг асирига айланди. У қачонлардир ўзи разил

иллат деб билган очкўзликнинг қулига айланди. Хукмфармонлик, молу-давлат, бойлик, ниҳоят, унинг ҳукмдори бўлди. Авваллари ўйин деб билгани эндиликда оёғига тушов, қўлига кишан урди. Ғалати ва хийла бир йўл уни энг тубан майл – қиморга ўргатди. У қалбан саманликни ҳам унутиб, авваллари ўзи улғайган гўдакларнинг одатий ўйини деб билган қиморга пул ва қимматбаҳо буюмларни тикиб, шавқу-шиддат билан берилганди. У жуда хавфли ўйинчи бўлиб, у билан бирор киши юрак ютиб баҳслаша олмас, чунки унинг шартлари жуда баланд ва фитнакор эди. У ўзининг очкўз қалбини таҳқирлаб, умидсизларча қимор ўйнар, ютқазмиш, пулни ҳавога совориш унга аччиқ лаззат берар, чунки у бойликка, молдунё санамига бўлган ўз нафратини бошқа йўл билан ошкор эта олмасди. У сурбетларча, бешафқат равишда, ўз-ўзига нафрат, ўз-ўзига жирканчлик ила қимор ўйнар, ютиб олган минглаб ақчаларини яна ютқазмиш учун тўплар, уйини, қимматбаҳо буюмларини, пулларини ютқазар, ютиб олар ва яна қайтадан ютқазарди. У шошқол тошларини ташлаётганда ўйинга тикилган ҳар бир буюмни йўқотиш қўркувидан, ўша юракларни музлатиб юборадиган дахшатли қўркувдан лаззатланишни севарди. У бу туйғуни чиндан ҳам севар, унинг ўтқир таъмини йўқотишни истамас, уни қайта-қайта уйғотиб, унга ҳарорат берар, чунки шу ҳис оғушида у ўзини бахтли кўрар, бу ҳис унга атрофини туссиз, илиқ чиринди ботқоқ қоплаган кичик бир фаровон оролдаги ҳақиқий ҳаёт, ҳақиқий шавқ бўлиб туюларди. У ҳар бир катта ютқазмишлардан сўнг бойлик орттиришни ўйлар, жон-жаҳди ила савдогарлик қилар, яна пулни ҳавога совориш учун, яна бойликка нафратини изҳор этиш учун қарздорларини излаб топарди. Сиддхартхани қачонлардир зарар ва омадсизликларни писанд этмайдиган вазминлиги, қарздорларни кутиб турувчи сабри, камбағалларга бўлган саховати тарк этди. У энди ким бўлмасин, ҳеч кимга қарз беришни истамас, кулибгина ўн минглаб ақчаларни ҳавога совуровчи Сиддхартха хасис ва майда одамга айланганди. У ҳатто тушларида ҳам тилло тангаларни кўрарди. У ҳар гал бу иллатларни ўзидан улоқтиришга уринаркан, ойнадаги ўз акси унга қаримсиқ ва ёқимсиз кўринар, юраги уят ва аламдан увишар, у яна бу ҳислардан қочиш учун ўйинга бериларди. Яна ўзини жисмоний лаззат ва май билан аврар, яна очкўзлик асирига айланар, яна хасислик ва қимор домига тушарди. У олам чархпалагида ёшлиги, куч-қувватини сарф этаркан, ўзини заиф бир хастадек кўрарди.

Кунларнинг бирида у башоратнамо туш кўрди.

Ўша кун оқшом чоғи у Камала билан бирга унинг серҳашам боғида эди. Улар дарахтларнинг соясида суҳбатлашиб ўтирардилар. Камала ўйчанлик ила сўз бошлади. Унинг сўзларида ҳорғинлик ва ғам яширин эди. У Сиддхартхадан қайта-қайта Гаутама ҳақида сўрар, унинг тоза нигоҳлари, пок ва самимий сўзлари, меҳрга тўла табассуми, улғувор ва вазмин юришлари ҳақида билгиси келарди. Сиддхартха улғу Будда ҳақида узоқ гапирди. Камала чуқур хўрсиниб деди:

– Бир кунмас-бир кун, балки тез орада мен ҳам ўша Буддага эргашаман. Мен унга ўз боғимни тортиқ этаман ва муридларидан бирига айланаман!

Аёл шу сўзларни айтarkan, йигитда тийиксиз бир майл уйғотди ва уни сўнгсиз ишқ ўйинларига чорлади. У аламли ва азобли эҳтиросга тўйиб қонар, кўз ёшларию бўсалари билан беқарор, ўткинчи шодликнинг сўнгги лаззатли томчисини сиқиб чиқармоқчидек бўларди. Сиддхартха ҳали ҳеч

қачон бу қадар мубҳам ва бу қадар аниқлик билан ўлим ва шахват шунчалик бир-бирига яқин ҳамда ўхшашлигини билмаганди.

У Камала билан ёнма-ён ётарди. Аёлнинг юзи Сиддхартхага шу қадар яқин эдики, йигит илк бор унинг кўз ости ва лабининг бурчакларида енгил ажинларни илғади. Нозик чизиклар – ажинлар умр кузагининг аччиқ белгилари бўлиб, ўзининг ҳам қирққа етмай сочларига оқ оралаганини билдирарди. Сиддхартха Камаланинг гўзал юзида ҳорғинлик чизгиларини ўқир, бу ҳорғинлик умидсиз, мақсадсиз йўлдош, бу ҳорғинлик сўнишнинг илк излари эди. Бу ҳорғинлик яширин, ҳали айтилмаган, балки ҳали англалмаган хавотир бўлиб, куз, кексалик ва ўлим қаршисидаги кўркув ҳамдир.

У оғир хўрсиниб, Камала билан хайрлашди. Унинг қалби ўкинч ва яширин хавотирга тўлди.

Сиддхартха туннинг қолган қисмини ўз уйида мусиқа, май, раққосалар ила ўтказаркан, қўлидан келган дабдабаю-ҳашамдорлигини меҳмонларга, савдогарларга кўз-кўз қилишга уринди, тинмай май ичди, фақат тун ярмига оққандагина ўз ётоғига йўл олди. Бироқ унинг кўзларига уйқу келмасди. Унинг руҳи оғриқ ва беҳузурликдан қақшар, оғриқ ва беҳузурлик унга чидаб бўлмас азоб берар, у илиқ, кўнгил айнитгудек майдан ичган, ҳаддан зиёд ёқимли ширакайф мусиқа эшитган, раққосаларнинг ҳаддан зиёд эркаловчи кулгиларинию маст этувчи хушбўй сочлари ва кўкракларидан сархуш бўлганди. Бироқ унинг кучли нафрати ўз-ўзидан бўлиб, атир таратаётган сочлари, оғзидан келаётган шароб ҳиди, ўлгудек толиққан танаси – буларнинг ҳаммаси унга жирканч бўлиб кўринарди. Гўё бўкиб еб-ичган киши қайт қилиб енгил тортганидек, Сиддхартха ҳам бу лаззатдан, бу иллатлардан, бемаъни ҳаётдан, ўз-ўзидан батамом ҳалос бўлгиси келарди.

Фақат тонгга яқин Сиддхартханинг кўчасида янги кун шовқин-сурони жонлангандагина унинг кўзи уйқуга кетди. У ярим уйқу ичида борлигини унутди. Шу унутилишнинг оний лаҳзасида, унинг тушига Камаланинг уйида қафасдаги кичик қушча кирди. Недандир ҳар тонг куйловчи бу қушча жимиб қолганмиш. У қафас ёнига келиб унга қаради. Не кўз билан кўрсинки, митти қушча ўлиб ётарди. У қушнинг совуқ жасадини қафасдан олди, бирмунча вақт унга термулди, сўнг дераза ойнасидан кўчага улоқтириб юборди. У шу ондаёқ кўркувдан музлаб кетди, унинг юраги санчди, оғриди. У гўё шу ўлик қушча билан бирга ўзидаги энг муқаддас, энг қадрдон нарсани улоқтириб юборгандек бўлди.

У титраб кетди ва чуқур изтироб ичра уйғонди. Унинг ҳаёти ўзига беҳуда, бемаъни бўлиб туюлди, унда бирорта ҳам арзирли, қадрли, ҳаётбахш ҳис қолмаганди. У барбод бўлган ҳаёти қаршисида кимсасиз ва ёлғиз, гўё тўфонга учраган денгизчидек турарди.

Сиддхартха ғамгин ҳолда тасарруфидаги боғлардан бирига отланди. У боғ эшигини ичкаридан танбалади, манго дарахтининг остига чўкди ва ўз юрагининг ўлим зарбини даҳшат ила эшитди. У кўксидан нимадир сўнаётганини, нимадир аста-секин ўлаётганини, нимадир тугаб бораётганини ҳис қилиб ўтирарди.

Секин-аста унинг ҳаёли ўзига қайтди. Босиб ўтган ҳаёт йўли унинг кўз олдида гавдаланар, ёдидаги илк кундан то сўнгги кунларигача хотирасида тикланарди. У қачон ўзини бахтли ҳис этди? Қачон ҳақиқий фаровон-

ликни билди? О, бу ҳол жуда оз бўлган. Узоқ болалик йилларида, у до-нишмандлар суҳбатида, муқаддас кўшиқларни ёд олишда ёхуд қурбонлик маросимларида барча тенгдошлари орасида зукколиги билан ажралиб ту-рар ва брахманларнинг мақтовига нойил бўларди. Бу вақт унинг юраги “Сенинг тақдиринг юксакларда: сени маъбудлар чорламоқда”, дер эди. Ўсмирлик чоғида унинг барча ўйлари олис осмоний мақсад сари интил-ганда, бу яккаш интилиш уни оиласидан айириб, ўзига жалб этганда, у азоблар ичра Брахман моҳиятига эришишга уринганда, олинган ҳар бир билим унда янги ташналик уйғотганда, у азоб ва ташналик ичра яна ўша “Олдинга, олдинга! Сени маъбудлар танлаган!” деган овозни эшитарди. У юртини тарк этиб, саманлар ҳаётини танлаганда ҳам, олий зот билан уч-рашиб, сўнгра уни тарк этганда ҳам, ўзига ноаён тарафларга йўл олганда ҳам, ўша қалбидаги овозга қулоқ солганди. У узоқ вақт бу овозни эшит-мади, у узоқ вақт юксакликларга интилмади. Унинг улуғ мақсадларсиз, юксакларга интилмасдан, ташналикни ҳис этмай, майда шодликларга ўралашиб, ҳаловат топмай узоқ йиллар кечирган умри равон ва қувончсиз эди. Бироқ шу узоқ йиллар у ўзи ҳам сезмай, ўша гўдаксимон одамларга ўхшашга интилиб, уларга қалбан боғланиб қолганди. Аммо унинг ҳаёти уларникидан кўра ғариб ва туссиз эди, чунки у уларнинг қуюнчақлиги ва мақсадларини бирга баҳам кўра олмасди. Унинг учун бу камасвамирлар-нинг дунёси четда туриб томоша қилинадиган ўйин, комедия, ракс эди. Фақат Камалагина унинг кўнглига йўл топа олар, бироқ у ҳам кеча. Бугун-чи, унга бугун Камала керакми? Камалага у-чи? Ахир улар ниҳоясиз ишқ ўйинини ўйнамадиларми?! Ахир бу яшаш учун зарурат эмасмиди?! Йўк, бу зарурат эмас эди! Йўк, бу сансара эди! Бу ўзига қизиқтирувчи болалар ўйини эди! Бу ўйинни бир марта, икки марта, ўн марта ўйнаш мумкин, лекин бир умр ўйнаб бўладими?!

Сиддхартха бу ўйин ниҳояланганини, энди бошқа ўйнай олмаслиги-ни англади. Унинг бадани жимираб кетди, қалбида эса ниманингдир ўлганини ҳис этди.

У кун бўйи манго дарахти остида отасини, Говиндани, Буддани ўйлаб ўтирди. Наҳотки у ўз яқинларини Камасвами бўлиш учун тарк этди?! У тун чўмганда ҳам шу кўйи ўтирарди. Тунги юлдузларга қараб Сиддхарт-ха шуларни ўйлади.

– Мана, мен ўз боғимда манго дарахти остида ўтирибман.

У астагина жилмайиб кўйди. Наҳотки буларнинг ҳаммаси зарурат бўлса?! Наҳотки бу дарахт, бу боғнинг уники эканлиги аҳмоқона бир ўйин эмас, айна ҳақиқат бўлса?! Ниҳоят, ҳаммаси тугади! Ниҳоят, ҳамма истақлари ўлди!

У ўрнидан турди. Дарахти, боғи билан хайрлашди. У кун бўйи туз тот-маганлигидан қорни очганини ҳис қилди. У шаҳардаги уйини, хобхонаси-ни, тўшагини, таомлар ила тўлдирилган дастурхонини эслади. У ҳорғин жилмайди, бироз жунжикди ва энди унга сира ҳам кераги бўлмайдиган нарсалар билан хайрлашди.

Сиддхартха ўша тунда, ўша ондаёқ ўз боғини, шаҳарни тарк этди ва бу ерларга бошқа ҳеч қачон қайтиб келмади. Камасвамирнинг хизматкорлари Сиддхартхани қароқчиларнинг қўлида нобуд бўлдимикан, дея узоқ изла-ди. Камала эса ўз хизматкорларини ортиқча уринтирмади. У Сиддхартха-нинг ғойиб бўлганидан хайрон ҳам бўлмади. Ахир у бу айрилиқни ҳамиша



кутмаганмиди?! Ахир Сиддхартха беватан жаҳонгашта саман эмасмиди?! У, айниқса, буни сўнгги учрашувда англади ва ўша сўнгги онда ҳам унга шиддат билан интилганини эслаб қувонаркан, унга шу қадар қовушиб, шу қадар сингиб кетганини эслади. Унинг қулоғига Сиддхартханинг ғойиб бўлганлиги хабари етган онда у қафас ёнига келиб, унинг эшигини очди ва кушчани аста олиб, уни самога учириб юборди. У самода парвоз этаётган кушнинг ортидан узоқ термулиб қолди.

Шу кундан буён у ҳеч кимни ҳузурига қўймади, унинг эшиги меҳмонлар учун бир умрга ёпилди. Орадан кўп ўтмай у Сиддхартхадан хомиладор эканлигини сезди.

Дарё бўйида

Сиддхартха шаҳардан анча олисдаги ўрмонда тентиб юраркан, у энди ортга йўл йўқлигини, ўзи узоқ йиллар яшаб, сўнгги томчиси қолгунча сипқориб, қайт қилгудек даражада тўйган ҳаётнинг батамом тугаганлигидан бошқа нарсани ўйламасди. Тушига кирган сайроқи митти кушча нобуд бўлганди: қалбининг қушчаси нобуд бўлганди! Сансаранинг ўргимчак тўрлари уни маҳкам ўраб олган, иллатлар ва ўлим гўё сувни шимаётган пахтадек унинг руҳини шимиб олганди. Унинг қалби беҳузурликнинг аччиқ аламига, тафаккурининг қашшоқлигига, ўлимга тўла эди. Оламда уни халос этувчи, унга нажот ва шодлик берувчи ҳеч нарса қолмаганди. У унутилишни, ҳаловат топишни, ўлишни жон деб истарди. Қани эди, шу онда чакмоқ чақиб уни маҳв этса! Қани эди, бирдан йўлбарс чиқиб, уни бурда-бурда этса! Қани эди, бирор шаробми, захарми бўлсаю, азобларни унуттириб, сархуш этса, ҳеч қачон уйғонмас уйкуга чўмдирса! Оламда у ботмаган балчиқ қолдими?! У қилмаган бирор гуноҳ, бирор телбалик қолдими?! Унинг руҳи азобланмаган бирор укубат борми?! У яна аввалгидек яшашда давом этадими?! Аввалгидек ҳавони тўлдириб нафас ола биладими?! Аввалгидек очқаб, аввалгидек қорин тўйдирадими, аввалгидек ухлаб, аввалгидек хотинлар билан ётадими?! Ахир бу олам чархпалаги ортда қолмадими?! Ахир буларнинг бари батамом тугамадими?!

Сиддхартханинг йўлини дарё тўсди. Бу кенг ўрмон дарёси бўлиб, ундан Сиддхартха қачонлардир йигитлик чоғида Говутама билан видолашгач, қайиқчининг бамбукдан ясалган қайиғида сузиб ўтганди. Мана, ўша дарё яна унинг қаршисидан чиқди. У журъатсизгина қирғоқ бўйига борди. Ҳорғинлик ва очлик уни толиқтирганди. Дарёни кесиб ўтиб нима ҳам қиларди?! Қай мақсадда, қаерга ҳам борарди?! Йўқ, унинг, чиндан ҳам, ҳеч қандай мақсади йўқ эди. Йўқ, унда, чиндан ҳам, шу ярамас тушдан халос бўлиш, шу айниган шароб қолдиғидан кутилиш, чиркин, тубан, жирканч бир мавжудотни йўқ қилишдан бўлак улуғ нияти йўқ эди...

Қирғоқ бўйида шохларини сувга эгиб какос дарахти ўсиб турарди. Сиддхартха дарахт шохига эгилиб, уни қўллари билан маҳкам ушлади ва остидаги ўз-ўзича тиним билмай оқаётган мовий дарёга қаради. У дарёга боқаркан, шохни қўйиб юбориб, шу дарёда мангу йўқ бўлиб кетишни ўйлади. Оёқлари остида машъум бир бўшлиқ уни қаршилаётгандек туюлар, қалбида эса бундан-да ваҳимали бўшлиқ хайкирарди. Ҳа, бу – сўнгги нуқта эди. Унинг ғойиб бўлишдан, йўқлик қаърига сингишдан, ўзининг

бу ҳаётдан маъни топмаган тасқара қиёфасини мажақлаш, қаҳқаҳа ураётган маъбудлар оёғининг остига улоқтиришдан бошқа чораси йўқ эди. Шу лаънати қиёфани йўқ қилиш, ўлдириш – бу унинг энг буюк истаги эди! Майли, Сиддхартха номли бу итваччани, бу телбани, бу нопок танани, бу хароб бўлган ва таҳқирланган руҳни балиқлар, тимсоҳлар есин, иблислар бурда-бурда қилсин!

У бир зум оғриқдан бурушиб кетган юзи билан сувдаги ўз аксидан кўз узмади ва унга туфлади. Ниҳоят, толиққан қўллари дарахт шохини аста қўйиб юбормоққа уринди. Тезроқ ўлим топиш қасдида, сувга тикка тушиш учун қаддини ростлади. У кўзларини юмиб, ўлим сари юзланди. Бирдан унинг қалбининг олис учмоқларидан, кексайган умрининг аллақандай олис, бегона худудларидан унга бир овоз келди. Хира бўғиқ товушда айтилган бир сўз келди. Сўзки, барча брахман ибодатларининг аввали ва охири. Сўзки, мутлақлик ёхуд ниҳояланганлик маънисини англаувчи калом. Бу калом муқаддас Аум эди. Бу сўз унинг қулоғига етган лаҳзадаёқ унинг сўнаётган идроки ўзига қайтди ва у жуда аҳмоқона иш кўраётганини англади. Уни даҳшат чулғади. Ҳа, аҳволи, чиндан ҳам, оғир эди. Мана, у йўлдан адашиб қаерларга кетди, ўз ҳақиқатларини қандай бой берди! Ҳозиргина у ўлимни истарди. Бу болаларча истак, ўз жисмини, ўз борлиғини йўқ қилиш истаги унинг ақлини хиралаштирди. Беҳуда деб билган фаровон йиллари, нафрати, умидсизликлари унинг ақлига муқаддас Аум келган шу оний фурсатни келтирди. Сиддхартхага ўз ғариб, мажруҳлигининг тубсиз чоҳлари, ўз йўлининг хатоликлари кўринди.

– Аум... – деб пичирлади у. – Аум...

Шунда унинг ёдига ҳаётнинг сўнмаслиги, хотиротнинг илоҳийлиги тушди. Бироқ булар гўё чақмоқ каби бир оний лаҳза эди.

Сиддхартха какос дарахтининг остига чўкди, бошини дарахт илдизига қўйиб, чукур уйқуга кетди.

У тиникиб ухларди. У ҳеч қандай туш кўрмай ором олиб ухларди. У анчадан буён бундай мириқиб ухламаганди. Орадан бир неча соат ўтгач унга гўё ўн йиллар ўтиб кетгандек туюлди. У дарёнинг шилдирашини эшитиб ётаркан, не сабабдан бу ерга келиб қолганини эслашга уринди. Ниҳоят, кўзини очиб, тепасидаги осмон ва дарахтларга ҳайрат ила боқаркан, ўтмиш гўё парда янглиғ кўтарилиб, олисларга кетганини, ниҳоятда олис, ниҳоятда зерикарли, ниҳоятда бегона тарафларга кетганини ҳис этди. У аввалги ҳаётини тарк этганинигина эсларди. (Дастлаб уйғонгандаёқ унга олдинги ҳаёти туғилишдан аввалги узоқ ҳодиса бўлиб туюлди). У руҳан мажруҳлигини англаб, бундан жирканиб, ҳаётдан воз кечмоқчи бўлганини, бирдан шу дарё бўйидаги какос дарахтининг шохига осилиб, муқаддас Аумни айтиб ўзига келганини, сўнгра уйқуга кетганини эсларди. Мана, у уйғониб, дунёни яна янги туғилган инсоннинг кўзлари билан кўрарди. У уйқуга кетганда пичирлаб айтган Аум каломи худди бениҳоя уйқу ичра, фикрни бир жойга жамлаб, Аум дегандек, мутлақ ва сўзсиз Аумнинг моҳиятига сингиб унга қўшилиб кетгандек бўлиб кўринди.

О, бу қандай роҳатбахш туш эди. Ҳали ҳеч қандай туш уни бу қадар поклаб, янгилаб, ёшартирмаганди. Балки, у чиндан ҳам ўлиб, янги шакл касб этгандир. Йўқ, ундай эмас! Унга бу қўл, бу оёқлар, ётган ўрни, ўз вужуди, бу қайсар ва телбанамо Сиддхартха яхши таниш эди. Лекин бу Сиддхартха қайтадан туғилгандек ёшарганди, бағоят қувноқ, бағоят кизиқувчан кишига айланганди.



Сиддхартха ўрнидан турди. Унинг кўзи бирдан қаршисида ўтирган нотаниш кишига тушди. Нотаниш киши сочи қириб олинган, руҳонийларнинг сариқ либосида бўлиб, донишмандлардек ўйга толиб жим ўтирарди. Сиддхартха соч-соқоли қирилган руҳонийга тикилиб қаради. Бироқ бу руҳоний либосидаги кишига узоқ термулишга ҳожат қолмади. Сиддхартха улуғ устоз Будданинг даргоҳидан паноҳ топган, болаликдаги дўсти Говиндани таниди. Говинда ҳам кексайганди. Лекин унинг юзидаги аввалги тиришқоқлик, садоқат, мулойимлик, ўйчанлик ҳамон сақланиб қолганди. Говинда ўзига қадалган кўзларни сезиб бошини кўтарди ва Сиддхартхага қаради. Сиддхартха эса Говинда уни танимаганлигини англади. Говинда унинг уйғонганлигидан севинди. У нотаниш кишининг уйғонишини кутиб узоқ вақт ўтирганлиги кўриниб турарди.

– Ухлаб қолибман,– деди Сиддхартха. – Сен бу ерга қаердан келиб қолдинг?

– Сен ухлаётгандинг, – жавоб қайтарди Говинда. – Илонлар ва йиртқич хайвонлар бўладиган жойда ухлаш хатарлидир. Мен, соҳиб, Шакия-муни қабиласининг олий устози улуғ Будданинг сомеълариданман. Бир неча биродарларим билан бу ердан ўтиб кетаётган эдим. Бирдан хавфли жойда ухлаб ётганингни кўриб қолдим. Мен сени уйғотишга уриниб кўрдим, соҳиб, бироқ сен жуда қаттиқ ухлаётгандинг. Биродарларим олдинлаб кетди. Мен эса сени кўриқлаб қолдим, аммо сени кўриқлайман, деб кўзим уйқуга кетибди. Бурчимни тўла бажара олмадим. Чарчаб қолибман, шекилли. Мана, сен уйқудан уйғондинг. Энди ижозат берсанг, мен борай, чунки биродарларимга етиб олмоғим керак.

– Мени кўриқлаб ўтирганинг учун сенга раҳмат айтаман, саман! – деди Сиддхартха. – Сиз Говутаманинг шогирдлари жуда меҳрибон кишиларсиз. Албатта, шошилмоғинг керак.

– Мен кетяпман, соҳиб. Соҳиб доим омонликда бўлсин!

– Сендан миннатдорман, саман!

Говинда у билан кўл силкиб хайрлашаркан, яхши қол, деди.

– Яхши қол, Говинда! – деди Сиддхартха.

Руҳоний тўхтади.

– Рухсат этгайсан, соҳиб, менинг исминни қаердан биласан?

Сиддхартха кулди.

– Мен исмингни анчадан буён биламан. Отангнинг кулбаси, биз борган брахманлар мактаби қурбонгоҳларда қурбонлик қилганда ҳам, саманлар билан бирга яшаганимизда ҳам, Жатавана ўрмонида улуғ Будданинг даргоҳидан паноҳ топган вақтларда ҳам мен бу исмин фаромуш этмаганман.

– Сен Сиддхартхасан! – қичқирди Говинда. – Ҳа, танидим. Нега сени дарров танимадим-а?! Сенга саломлар бўлсин, Сиддхартха! Кўришганимиздан бошим осмонга етди!

– Мен ҳам сен билан яна кўришганимиздан хурсандман! Гарчи эҳтиёжманд бўлмасам-да, сен менинг оромимни кўрдинг. Сенга яна бир бор раҳмат айтаман. Сир бўлмаса, қаерга йўл олдинг, о дўстим?

– Ҳеч қаерга! Биз руҳонийлар ҳамиша йўлдамиз. Ёмғирлар мавсуми келмагунча шаҳарлардан шаҳарларга, қишлоқлардан қишлоқларга юриб, тартиб бўйича ҳаёт кечирамиз, илм тарқатамиз, назру ниёзлар сўраймиз, яна олисларга йўл оламиз. Умримиз шу тарзда ўтади. Бироқ, Сиддхартха, сен қаёққа йўл олдинг?

Сиддхартха жавоб берди:

– Мен ҳам, айтганингдек, ҳеч қаёққа отланганим йўқ. Шунчаки бир йўловчиман. Шунчаки бир жаҳонгаштаман...

Говинда сўз котди:

– Сен жаҳонгаштаман, десанг, мен бунга ишонаман. Бироқ, о Сиддхартха, густоҳлигим учун мени кечир, сен жаҳонгаштага ўхшамайсан. Бадавлат кишилардек кийиниб олгансан, чўнтагинг ҳам пулга тўла. Атир ифорини таратаётган сочларинг ҳам жаҳонгашталик қилаётган саманинг сочларига ўхшамайди.

– Ҳа, қадрдоним, ҳаммаси худди сен айтгандек. Зийрак нигоҳингдан ҳеч нарса четда қолмабди. Бироқ мен сенга саманман демадим. Мен жаҳонгашталик қиялман дедим ва бу ҳақиқатдан ҳам шундай.

– Майли, жаҳонгашта экансан, – маъқуллади Говинда. – Бироқ ҳамма бундай жаҳонгашта эмас-да. Ҳамма бундай кийимда, бошмоқларда, бундай кўринишда юрт кезмайди-да. Узок йиллар юрт кезиб ҳали бундай йўловчини кўрмаганман.

– Сенга ишонаман, о менинг Говиндам. Бироқ мана бугун шундай кийимда, шундай бошмоқ кийган йўловчини учратдинг. Бироқ, унутма, азизим, бу оламга келувчи ҳамма нарса: бизнинг сочларимиз ҳам, кийимларимиз ҳам ўзгарувчан шаклдир. Сен тўғри айтдинг. Мен давлатманд одамларнинг кийимини кийиб олганман. Чунки мен, дарҳақиқат, бадавлат эдим. Тўғри, сочларим ҳам мазахўрак бойларнинг урфига солинган. Чунки мен, чиндан ҳам, ўшалардан бири эдим.

– Ҳозир-чи, ҳозир сен кимсан, Сиддхартха?

– Мен буни билмайман. Худди сен каби бундан менинг хабарим йўқ. Мен ҳозир йўлдаман. Кеча мен бадавлат киши эдим, эртага ким бўлишимни билмайман.

– Сен мол-давлатингни бой бердингми?

– Ҳа, мен уни бой бердим. Балки, у мени бой бергандир. Хуллас, биз бир-биримиздан халос бўлдик. Олам чархпалаги жуда тез айланади, Говинда. Брахман Сиддхартха қани? Зоҳид Сиддхартха қани? Бадавлат Сиддхартха қани? Вақт ҳукмидаги ҳамма нарса ўзгарувчандир. О Говинда, буни яхши биласан-ку!

Говинда шубҳа ила болалиқдаги дўстининг кўзларига узок тикилиб турди. Ниҳоят, у нуфузли кишиларга кўрсатиладиган тавозеъ ила эҳтиром билан таъзим қилди-да, жимгина хайрлашиб, ўз йўлида давом этди.

Сиддхартха лабларида табассум билан унинг ортидан кузатиб қолди. У ҳамон Говинданинг мулойим ва итоаткор қалбини севарди. Муқаддас калом Аумга тўла мўъжизакор тушдан сўнг шу онда, шу бетакрор лаҳзада у кимнидир ёхуд ниманидир севмаслиги мумкин эмасди. Аум калимасининг оқибатида кўрган тушининг мўъжизаси ҳам шунда эди. У кўзига кўринган ҳамма нарсани севар, қалби муҳаббат қувончига тўла эди. Унга фориг бўлган хасталигининг сабаби ҳам шунда кўриндики, у авваллари ҳеч кимни, ҳеч нарсани севмасди. Сиддхартха лабларида табассум билан кетаётган руҳонийнинг ортидан қараб турарди.

Уйқу унга тетиклик бахш этганди, фақатгина очлик ҳисси унга тинчлик бермас, чунки уч кундан буён туз тотмаганди. Авваллари очликка бардош берган пайтлари эса аллақачонлар ўтиб кетганди. У лабида кулги, кўкси эса ҳасратга тўлиб, хотирот оламига чўмди. Қачонлардир у Камалага уч нарса ҳақида, учта қудратли ва улуғ донишмандлик ҳақида мақтанарди. Булар рўза, сабр ва тафаккур эди. Мана шулар унинг бойлиги, кучи,



хукмронлиги, фаровонликлардан бутунлай холи, метиндек ёшлик йилларининг умидбахш таянчи эди. У саманлардан шу уч донишмандликдан бошқа ҳеч нарсани ўрганмаганди. Эндиликда уни шу уч фазилат ҳам тарк этган, уларнинг бирортаси: на очликни енгиш, на сабр, на тафаккур этиш фазилати унда қолмаганди. У уларни дунёдаги энг тубан, ўткинчи нарсаларга, хиссий лаззатларга, дунёвий фаровонликка, мол-дунё эвазига алишганди. Тақдир гўё унга қалтис ҳазил қилганди. Энди эса у чиндан ҳам гўдаксимон одамлардан бирига айланганди.

Сиддхартха ўз аҳволияти ҳақида бош қотирарди, бу иш унга оғир келар, зотан, у ўйлашни истамас, бироқ бунга ўзини мажбур этарди.

– На чора, – ўйларди у, – вақт ҳукмидаги ўткинчи бу нарсалар қўлимдан кетаркан, мен яна аввалгидек болалигимда шу куёш остида, шу замин устида қандай турган бўлсам, шундайлигимча қолдим. Мен бу оламдаги ҳеч нарсани меники, ўзимники деб айтолмайман, мен жуда ожизман, қўлимдан ҳеч иш келмайди, ҳеч нарсага уқувим йўқ. Ажабо! Йигитлигим ортда қолган, сочимга оқ оралаган, белимдан қувват кетган бир вақтда ҳаммасини яна қайтадан бошласам. Яна қайтадан болага айлансам...

У негадир қувониб кетди. Ҳа, начора, унинг чекига шундай қисмат тушган экан. Унинг ишлари ўнгидан келмаган, тақдир йўли пастга қараб оған, мана, у аввалгидек ҳеч вақосиз, гўл, аҳмоқ эди. Бироқ ғамгин эмасди, аксинча, кулгиси қистар, ўз-ўзидан, бу бемаъни дунё ишларидан қаҳқаҳ уриб кулгиси келарди.

– Ишларинг чаток, – деди у ўзига-ўзи. – Умр йўлинг пастга қараб кетмоқда.

У қувноқлик билан кулди. Шу сўзларни айтаркан, дарёга қаради. Дарё ҳам пастга қараб интилар, у ҳамини пастга оқарди ва бундан тўлиб-тошиб бахтиёр шовулларди. Бу Сиддхартхани севинтирди ва у дарёга жилмайиб қараб қолди. Наҳотки, бу қачонлардир – бундан юз йилча олдин у чўкиб ўлишни истаган ўша дарё бўлса, балки бу унинг тушида бўлгандир?!

– Дарҳақиқат, ҳаёт жуда ғаройиб, – кўнглидан ўтказди у. – Ҳа, тақдир менга атаган айланма йўллар жуда ғалати. Болалигимда фақат маъбудлару курбонликлар билан машғул бўлдим. Ўсмирлигимда риёзат, тафаккур, зикр ила банд бўлдим, Браҳманни изладим, Атманга эътиқод қилдим. Вояга етганимда эса тавба қилган гуноҳкорлар изидан кетдим, ўрмонда яшаб, жазирамага, совуққа чидамли бўлишни, очликни енгишни, танамнинг истакларини ўлдиришни ўргандим. Сўнгра менга улуғ Будданинг таълимотида ҳақиқат оламининг бир бутунлиги мўъжизадек ошкор бўлди. Назаримда, у менинг жисмимга кириб, томирларимда қон каби оқарди. Аммо улуғ Будда билан ҳам, унинг олий ҳақиқати билан ҳам айрилмоғим шарт эди. Мен уни бошқа кўп нарсаларни ўрганиш мақсадида тарк этдим, мен Камаладан муҳаббатни ўргандим, Камасвамидан савдогарликни касб этдим, мол-дунё тўпладим, уни сарф этдим. Қурсоғимни тўйдиришни, ҳисларимга эрк беришни ўргандим. Кўп йиллар мен ақлдан фориг бўлиш, тафаккур этмаслик, ягоналикни унутиш билан банд бўлдим. Ахир менинг аста-секин айланма йўллар билан ортга қайтганим, эр кишидан болага, донишманддан аҳмоқ бир гўдакка айланганим тўғри эмасми? Мен учун барибир бу йўл ёқимли, чунки ҳали кўксимдаги ўша сайроқи қушим ўлгани йўқ. О, қанчалик оғир йўл эди бу йўл. Мен бу йўлдан қанча адашишлар, қанча янглишишлар, қанча кусурлар, қанча жирқанчликлар, ёлгонлар ва қийноқлар билан ўтдим. Буларнинг ҳаммаси яна гўдакка айланиб, яна бо-

шидан бошлашим учун экан-да. Бироқ қалбим менга “Шундай бўлиши керак эди!” деб айтмоқда, кўзларимдаги севинч ҳам шуни кўрсатмоқда. Мен ўз раҳм-шафқатимни топиш учун, яна Аум каломини эшитиш учун, яна ҳаловат билан ухлаб, ҳаловат ила уйғониш учун умидсизликнинг аламли азобини тотишим, энг тубан хаёл: ўз-ўзимни ўлдириш хаёлига бормоғим керак эди. Мен ўзимда қайтадан Атманни топмоғим учун нокас бўлмоғим шарт эди. Мен қайтадан покланиш учун гуноҳкор бўлмоғим керак эди. Худди куёнга ўхшаш тутқич бермас бу йўл, бу аҳмоқона йўл мени яна қаерларга бошларкин?! Балки, у мени яна айланма йўллардан олиб ўтар. Майли, қаердан олиб ўтса ўтсин, мен бунга тайёрман!

У кўксидида ўйноқи бир шодлик ўрмалаётганини ҳис этди.

Сиддхартха ўз қалбидан бу севинч, бу шодлик қаердан пайдо бўлди дея сўрарди.

Балки, бунинг сабаби менга шу қадар ором берган ҳаётбахш уйқудир ёхуд Аум калимасидир?! Балки, бу укубатлардан қочиб, яна аввалгидек, болаликдагидек, шу осмон остида эркин нафас олаётганимдир?! О, халос бўлиш, яна озодликка эришиш нақадар ёқимли! Бу ернинг ҳавоси нақадар мусаффо, нафас олиш нақадар энгил! Мен ортга қарамай қочган еримда эса атир, май, зираворларнинг ҳиди, сархушлик ва эринчоқликнинг иси анқирди. Нақадар жирканч эди бу молпарастлар, исрофгарлар, киморбозлар олами! Нақадар жирканч менинг бу даҳшатли оламда узоқ вақт фаҳшга ботиб ётишим! Мен ўзимни қанчалар хўрладим, азобладим, таҳқирладим, талон-тарож этдим, қанчалар кексайдим, нақадар ёвузлашдим! Йўқ! Мен бундан буён зинҳор Сиддхартхани ўзини аввалгидек донишманд деб ўйлашига йўл қўймайман! Аммо-лекин у ҳозир ақлли иш қилди, ҳозир у менинг кўзимга авлиёдек кўринди, ҳозир у мақтовга лойик. Чунки у ўзидаги ёвузликни маҳв этди! Бу телбанамо, хувиллаган, туссиз, бемаъни ҳаётга нуқта қўйди! Яшавор, о Сиддхартха! Шунча йилдан буён жоҳил эдинг, мана, оқибат яна ақлинг кирди. Сен донолик қилиб кўксингдаги сайроқи кушга қулоқ солдинг ва шу овоз сари қадам қўйдинг!

У шу зайил ўз-ўзига тасанно айтди, ўз-ўзидан қувонди, очликдан норози бўлиб қулдираётган курсоғига қулиб қулоқ солди. У сўнгги йилларда, сўнгги кунларда қисматига тушган ўша қийноқларни, ўша укубатларни ҳис этди, уларнинг таъмини, мазасини тотди, тўла бошидан кечирди ва қайт қилгунча, жонидан тўйдиргунча, ўлдиргунча беҳузур қилган сархушликни, чиркинликни ўзидан улоқтирди. Чунки бу зарурат эди. У очкўзлардек пулни ямлаб, пулни ҳавога совуриб, катта курсоғини тўйдириб, руҳини эса азоблаб, Камасвамининг ёнида узоқ қолиши мумкин эди. У узоқ вақт жаҳаннамий парку болишлар ва юмшоқ гиламлар орасида яшайверарди, агар ўша умидсизлик, чорасизлик лаҳзалари келмаганда. Агар ўша тезоб дарё соҳилида дарахтга осилиб, ўз-ўзини ўлдириш онлари бўлмаганда эди, у аввалги ҳаётида яшайверарди. У бу умидсизликларни, бу жирканчликларни туб-тубигача ҳис этди, аммо уларнинг чирик уфунатида ҳалок бўлмади. Кўксидидаги митти кушча, қалбидидаги нурли чашма, бу ҳаётбахш овоз ўлмай қолганди. У ҳамон тирик эди! Мана шунинг учун у севинар, кулгисининг, қувончининг сабаби ҳам шунда, сочига оқ оралаган юзидаги нуронийликнинг боиси ҳам шу эди.

– Билишим керак бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ўзим ҳис этганим яхши бўлди, – дея ўйларди у. – Мен мол-дунё, бойлик ёвузликнинг уруғи эканлигини болалигимдаёқ билардим, бироқ буни эндигина ҳис этдим.

Мен буларни энди чиндан ақл билан эмас, кўзларим, юрагим, нафсим билан биламан. Сиддхартха, буларни билишга кодир бўлганинг учун мамнун бўл!

У ўзининг эврилишлари ҳақида ўйларкан, кўксида шодон сайраётган кушчанинг овозини эшитарди. Ахир қачонлардир шу кушча унинг қалбида ўлмаганмиди? Зотан Сиддхартха кунларнинг бирида унинг ўлимини хис этмаганмиди? Йўқ, бу аввалдан ўлимга маҳкум бўлган бошқа бир нарса эди. Балки, бу жўшқин зоҳидлик йилларида унинг ўзи ўлдирмоқчи бўлган нафсидир? Балки, бу ҳамиша ўздан ғолиб келган, узоқ йиллар енгилга интилган, ҳар қанча риёзатдан сўнг ҳам ўзининг борлигини билдирган, унинг қаршисида қўрқиб, шодликни хис этмаган, заиф, лекин жуда мағрур унинг Менлиги, нафсидир? Балки, шу нафс бугун бу ўрмонда, бу азим дарё бўйида ўлим топгандир? Балки шу ўлим туфайли бугун у яна гўдакдек ишончга, севинчга тўлиб, қўрқувни хис этмаётгандир?

Шунда Сиддхартхага нега у брахман, зоҳид бўлиб нафсни енголмагани аён бўлди. Ҳаддан зиёда билим, кўпдан-кўп илохий кўшиқлар, қурбонлик маросимларининг бисёр қодалари, зуҳд ва тақвонинг, жидду жаҳднинг ҳаддан зиёдлиги унинг мақсадга етишига имкон бермаган. У ҳамиша такаббур, ҳаммадан ақлли, ҳаммадан тиришқоқ, ҳаммадан бир қадам олдинда, ҳамиша ҳозиржавоб, ҳамиша руҳни поклаш билан банд, ҳамиша қоҳин, ҳамиша олим эди. Бу олимлик, бу мағрурлик унинг нафсини қондирган, унинг нафси бу никобларга ўралиб, у рўза ва тавба ила машғул бўлган чоғларда нафси ҳам улғайиб борганди.

У энди бу ҳақиқатни англади, унинг қалб овози ҳақ бўлганини англади. Дунёдаги ҳеч бир муаллим уни бу нафсдан фориг эта олмасди. Шунинг учун дунё ишларига шўнғиб, лаззатларга, ҳукмфармоликка, аёлларга, бойликка ружў кўйди. Нафсидаги мағрур қоҳин ва саман ўлмагунча савдогар, қиморбоз, майпараст, исрофгар бўлди. Шунинг учун у даҳшатли йилларнинг чиркин, бад бўйларига, совуқ туркига дош бермоғи, ўзининг мажруҳ ҳаётининг қовжираган, қашшоқликларига, жирканчликларига тоқат қилмоғи, то умидсизликнинг аччиқ шаробини тотмагунча, то ишратпараст ва такаббур Сиддхартханинг ўлим соати етмагунча бу қийноқларни бошидан кечирмоғи керак эди. Ниҳоят, у ўлди. Унинг ўрнига азим дарё соҳилида янги Сиддхартха дунёга келди. Унинг қисматида барча ўткинчи нарсалар каби кексайиш, яна бир бор ўлиш бор эди. Бироқ бу янги Сиддхартха бугун ёш эди. Бугун у мисоли гўдакдек шодликка тўла эди.

Курсоғининг безовта қулдирашига бепарво кулиб қўяркан, у асалариларнинг визиллашини ҳузур ила тинглаб, шуларни ўйлаб ўтирарди. У ёнидан шошиб оқиб ўтаётган сувга қувониб термуларкан, ҳеч бир дарё унга бунчалик ёқимли бўлмаганини хис этарди. Оқиб кетаётган бу афсонавий дарё унга ҳеч қачон бу каби улуғвор ва гўзал бўлиб кўринмаганди. Дарё унга гўё у ҳали билмаган, лекин билиши керак бўлган жуда муҳим нарсани айтмоқчидек туюларди. У бу дарёга сингиб кетишни истади. Бугун бу дарёда кексайган, умидсиз, хорғин Сиддхартха ҳалок бўлди, ҳозиргина туғилган Сиддхартха эса тинимсиз ўйноқлаб оқаётган тўлқинларни севиб қолганди ва улардан айрилишни сира истамасди.

Қайиқчи

– Мен бу дарё соҳилида қоламан, – дея ўйларди Сиддхартха. – Мен қачонлардир шу дарёни кесиб ўтиб, гўдаксимон одамларнинг ҳаётига йўл олгандим. Ушанда мени саховатгўй қайиқчи соҳилга олиб ўтиб қўйганди. Мен унинг ёнига бораман. Қачонлардир янги ҳаётга ташланган менинг илк қадамим унинг кулбасидан бошланганди, эндиликда бу ҳаёт кексайиб тамом бўлгач, бошланажак бу янги йўлим ҳам шу кулбадан бўлақолсин. У дарёга меҳр ила боқар, унинг шаффоф зангори тубига термулар, сувнинг биллур жарангини, унинг сирли мусиқасини тингларди. У сув тубидан маржондек ўйноқлаб чиқаётган пуфакчаларни, уларнинг мовий осмон нурида жилваланиб товланганини кўрди. Дарё унга минглаб мовий, зангори, оқ, шаффоф нигоҳларда қараб турарди. У бу дарёни қанчалар севарди, дарё унинг нигоҳларида товланарди, у бу дарёдан шунчалар миннатдор эди. У қалбида анчадан буён эшитилмаган ўша овозни эшитди. Овоз унга: “Шу дарёни сев! Ундан айрилма! Ундан ўрнак ол!” – дер эди. Ҳа, у бу дарёдан ўрганади, унга қулоқ солади. Кимки шу дарёни тушунса, унинг асрорига етса, у қўп нарсаларни билади, қўп сирларни, барча сирларни кашф этади, – дея ўйларди у. Бироқ бугун дарё унинг руҳига ҳайрат солиб, ўзининг кўпгина сирларидан фақат биринигина ошкор этди. Дарё тиним билмай оққани оққан, бироқ ҳеч қачон ўз ўзанини ташлаб кетмас, ҳамиша, ҳар қачон шундай ўзгача ва айни пайтда янги эди. О, бу сирни ким ҳам тушунарди, ким ҳам англаб етарди! Сиддхартха бунга қодир эмасди. Унда фақат бир хис уйғониб, хотиротининг олис бурчакларидан илоҳий садонинг жаранги эшитилди, холос.

Сиддхартха ўрнидан турди. Ундаги очлик ҳисси чидаб бўлмас даражада исён қиларди. У ҳислар ва ўйлар оғушида, сувнинг шовуллашию курсоғининг исёнига қулоқ солиб бораркан, оқимга қарши соҳил бўйлаб, дарёнинг бошига олиб борадиган йўлакдан юриб кетди.

У дарё бошига етиб, қирғоқда турган қайиққа кўзи тушди. Қайиқдаги киши қачонлардир ёш саманни дарёнинг нариги қирғоғига олиб ўтиб қўйган ўша қайиқчи эди. Қайиқчининг жуда кексайиб қолганига қарамай, Сиддхартха уни дарҳол таниди. Сиддхартха қайиқчидан:

– Мени дарёнинг у соҳилига олиб ўтиб қўя оласанми? – деб сўради. Қайиқчи шундай давлатманд кишининг ёлғиз пиёда сайр қилиб юрганлигидан ажабланиб, уни қайиққа таклиф этди ва эшкаги билан қирғоқни ниқтади.

– Сен ўзингга жуда яхши ҳаёт танлагансан, – дея гап бошлади Сиддхартха. – Дарёнинг ёнида яшаш, ҳар куни уни кўриш, унда чўмилиш жуда марокли бўлса керак?

Қайиқни чаптастлик билан бошқараётган қайиқчи кулиб жавоб берди:

– Ҳа, соҳиб, ҳаммаси худди сен айтгандек жуда марокли. Ахир бошқаларнинг ҳаёти, бошқаларнинг касби-кори ҳам шундай марокли-ку?

– Балки, сен ҳақдирсан, бироқ менга сенинг ҳаётинг, сенинг ҳунаринг ёқади.

– Бу иш тезда сенинг жонингга тегарди. Бу иш башанг кийинган кишилар учун эмас.

Сиддхартха кулди.

– Сен бугун менинг қимматбаҳо қўйлагимдан хайратланган ва шубҳаланган биринчи одаммансан. Қадрдоним, менга даҳмаза бўлган шу кийимни совға ўрнида оласанми? Чунки сенга берадиган ҳеч вақойим йўқ...

– Соҳиб ҳазиллашяптиларми? – деди қайиқчи кулиб.

– Мен сира ҳазиллашаётганим йўқ, биродар. Сен қачонлардир мени эвазига ҳақ талаб қилмай қайиғингда қирғоққа элтиб қўйгандинг. Бугун ҳам менга бир саховат қилиб шу қўйлакни ол.

– Балки, соҳиб яланғоч ҳолда сайр этмоқчидир?

– Ростини айтсам, ҳеч қаёққа боргим ҳам, сайр қилгим ҳам келмаяпти.

– Бажонидил!

– Биродарим қайиқчи, менга бир эски уст-бош берсанг бўлгани. Яна сен билан қолишимга, сенга ёрдамчи, тўғрироғи, шогирд бўлишга рухсат этсанг. Чунки мен аввал қайиқни тўғри бошқаришни ўрганмоқчиман.

Қайиқчи бу бадавлат кишининг юзига унинг сўзларидан бирор яширин маънони англаш учунми ёхуд ниманидир эшлашга уринибми, узок тикилиб қолди.

– Ҳа, сени энди танидим, – деди ниҳоят у. – Сен қачонлардир, бундан йигирма йил бурунми, менинг кулбамда тунагандинг. Сўнгра мен сени соҳилга олиб ўтгандим ва биз бир-биримиз билан дўстларча хайрлашгандик. Ахир ўша пайтларда сен саманмасмидинг? Ҳатто сенинг исмингни ҳам билмайман.

– Менинг исмим Сиддхартха. Ҳа, биз кўришган пайтларда мен саман эдим.

– Шундай қилиб, хуш келибсан, Сиддхартха! Менинг исмим Васудева. Ўйлайманки, сен бугун менинг меҳмоним бўлиб, кулбамда тунаб қоласан ва бу қимматбаҳо қўйлагинг нима учун сенга ортиқча бўлиб қолганини айтиб берасан.

Улар дарёнинг ўртасигача сузиб боришди, Васудева оқимга қарши енг шимариб эшкак эшишга зўр берарди. У ўз ишини хотиржам бажарар, бақувват қўллари эшкак дастасини маҳкам тутган, нигоҳлари эса олдинга – қайиқнинг тумшугига қараганди. Сиддхартха қайиқда ўтириб уни кузатаркан, қачонлардир зоҳидлик кунларининг сўнги онларида бу инсонга нисбатан қалбининг туб-тубида муҳаббат уйғонганини эслади. У Васудеванинг таклифини бажонидил қабул этди.

Сиддхартха улар қирғоққа етиб келгач, Васудевага қайиқни қирғоқдаги ёғоч қоziқчага боғлашга ёрдам берди. Сўнгра мезбон меҳмонни кулбасига таклиф этиб, уни нон, сув билан меҳмон қилди. Сиддхартха Васудева келтирган манго меваларини иштаҳа билан тановул қилди. Кунботар чоғи улар дарё бўйидаги супачада дам олиб ўтиришди. Шунда Сиддхартха қайиқчига ўзининг оиласи, ўтмиш ҳаётини гапириб берди. У бўлиб ўтган воқеаларни ўша машъум умидсиз онларида қандай тасаввур этган бўлса, шу тарзда айтиб берарди. Унинг ҳикояси тун ярмигача давом этди. Васудева уни камоли диққат ила тингларди. У Сиддхартханинг ота уйи, юрти, болалиги, ёшлиги, қувончи, қайғулари, тинимсиз машғулотларию изланишларининг мағзини чақар, гўё эшитганларининг руҳига сингиб борарди. У энг олийжаноб қайиқчи бўлиб, кўпчилик бажара олмайди-ган иш – тинглашни биларди. Гарчанд Васудева бирор сўз айтмаса ҳам, суҳбатдоши унинг сўзларни жим, диққат, сабр, мулоимлик ила бирор сўзни қолдирмай тинглаётганини, қалбига жойлаётганини, кишини маломат қилмай, мақтамай, унга шунчаки кулоқ солаётганлигини биларди. Сиддхартха ўз ҳаётини, хаёлларини, хавотирларини, дардларини шундай суҳбатдошга тўкиб солиш нечоғлик бахтлигини ҳис этди. Сиддхартханинг ҳикояси ниҳоялаб, у дарё бўйидаги воқеаларни, руҳий тубанликла-

рини, муқаддас Аум каломини, уйқудан уйғониб, шу азим дарёни севиб қолганини айтганида қайиқчи уни ҳайратдан кўзлари порлаб яна ҳам диққат билан тинглади.

Сиддхартха ҳикоясини тугатди, орага узоқ сукунат чўмди. Бу сукунатни Васудева бузди.

– Ҳаммаси мен ўйлагандек бўлиб чиқди. Дарё сен билан суҳбатлашибди. У сени ўзига яқин олган. У сен билан сўзлашибди. Бу яхши. Бу жуда яхши. Биродарим Сиддхартха, мен билан қол. Қачонлардир менинг хотиним бор эди. Биз бирга яшардик. Унинг ўлганига ҳам анча йиллар бўлди, мен ҳам анча йиллардан буён ёлғиз яшайман. Менинг уйимда қол. Уйим кенг. Овқат ҳам икки кишига етади.

– Миннатдорман! – жавоб берди Сиддхартха. – Таклифингни бажонидил қабул қиламан. Мени жон қулоғинг билан тинглаганинг учун ҳам сенга раҳмат айтаман. Мен ҳаётимда инсонларни тинглашни биладиган кишиларни жуда кам учратганман, уларнинг ҳеч бири сендек эмас. Шунинг учун ҳам сенга шогирд тушмоқчиман.

– Сен бу ишни ўрганасан, – деди Васудева. – Менга тинглашни дарё ўргатган. Сен ҳам буни ундан ўрганасан. Бу дарё ҳамма нарсани билади. Ундан ҳамма нарсани ўрганса бўлади. Сен ундан биринчи сабоқни олдинг. Пастга интилмоқ хайрлидир. Чунки излаган нарсангни тубдан – қуйидан топасан. Бадавлат, обрў-эътиборли Сиддхартха оддий бир эшакчига, донишманд, брахман Сиддхартха эса қайиқчига айланади. Буни ҳам сенга дарё ўргатади. Сен ундан бошқа нарсаларни ҳам ўрганасан.

Бироз сукут сақлаб, Сиддхартха гап бошлади:

– Яна қандай нарсаларни ўрганаман, Васудева?

Васудева ўрнидан турди.

– Кеч бўлди, ухлаш керак, – деди у. – Биродарим, сенга бу илмни тушунтириб бера олмайман. Ўзинг буни яхши биласан. Балки, буни кўнглингдан ўтказиб тургандирсан. Кўриб турганингдек, мен донишманд эмасман. Мен чиройли сўзлашни ҳам, ўйлашни ҳам билмайман. Мен виждонли бўлиш кераклигини ва тинглашни биламан. Бошқа нарсаларга ўрганмаганман. Агар мен чиройли гапиришни, ўргатишни билганимда, донишманд бўлардим, бироқ мен оддий қайиқчиман. Менинг ишим одамларни дарёдан ўтказиш. Мен жуда кўпчиликни – минглаб кишиларни дарёдан ўтказганман. Бу кишилар учун менинг дарём йўлда учраган бир тўсиқдир. Улар ҳамиша мол-дунё, ташвишлар, тўйлар, зиёратлар учун шошадилар ва дарё уларнинг йўлини тўсади. Қайиқчи эса уларни бу ташвишдан халос этиш учун яралган. Бироқ шу юзта, мингта кишилар орасида жуда оз киши – балки учтадир, балки бештадир – учун дарё ғов бўлиб кўринмайди. Улар дарёнинг овозини эшитадилар, унга кулоқ соладилар ва худди мен каби улар учун ҳам дарё муқаддас бўлиб кўринади. Энди ухлай қолайлик, Сиддхартха.

Сиддхартха Васудева билан қолди. У тез орада қайиқ бошқаришни ўрганиб олди. Дарёда иш бўлмаган пайтларда у Васудева билан шолиторларда ишлар, ўрмондаги шох-шаббаларни йиғар, бананзорларда мева терарди. У эшак созлашни, қайиқ ямашни, сават тўкишни ўрганиб олди. У ўрганган ҳар бир ҳунаридан завқланар, кунлар, ҳафталар, ойлар ўтаётганини сезмасди. Бироқ унга Васудевадан кўра кўпроқ дарё таълим берарди. У дарёдан ҳамма истаклару эҳтиросларни сўндириб, барча

муҳокамаю мусохабалардан халос бўлиб, умидли ва очик қалб ила, юракдан тинглашни, эшита олишни ўрганди.

Васудева билан унинг ҳаёти осуда эди. Улар жуда кам суҳбатлашишар, узоқ ўйланиб ҳаёлда кечган бир-икки оғиз сўз билангина кифояланишарди. Васудева жуда камгап киши бўлиб, уни суҳбатга тортиш Сиддхартхага осон эмасди. Кунларнинг бирида у Васудевадан:

– Дарё сенга ҳам вақтнинг ўзгармаслиги ҳақида гапирганми? У сени шу сирга ошно қилганми? – дея сўради.

Васудеванинг юзида табассум жилваланди.

– Ҳа, Сиддхартха, – деди у. – Айтганингдек, вақт ўзгармайди. Бу дегани дарё бир вақтнинг ўзида ирмоқларда, ариқларда, шаршараларда, саёз бўғотларда, тўғонларда, денгизларда, тоғларда – ҳамма жойда бўла олади. Унинг учун шу лаҳза, шу айни ўтаётган оний лаҳзадан бўлак нарса мавжуд эмас.

– Ҳа, мен бу ҳақда айтгандим, – деди Сиддхартха. – Мен бу ҳақиқатни ўз ҳаётимни кузатиб англадим. Менинг ҳаётим ҳам бир дарё мисоли. Гўдак Сиддхартхани, эркак Сиддхартхани, кекса Сиддхартхани бир-биридан жисмсиз соягина ажратиб туради. Сиддхартханинг олдинги ҳаёти ўтмиш, ўлим топиб брахманга қовушиши эса келажак эмас. Ўтмиш ҳам, келажак ҳам йўк: фақат шу лаҳза, шу он мавжуддир.

Сиддхартха кашф этган ҳақиқатини берилиб, мароқ билан гапирарди:

– Ахир барча изтиробларнинг сабаби вақт эмасми?! Ахир барча қийноқларнинг, қўрқувнинг сабабчиси шу вақтмасми?! Оламдаги барча азоб-уқубатлар шу вақтни енгсак, уни онгимиздан сиқиб чиқарсак, барҳам топмайдами?!.

Сиддхартха шавқ билан сўзлар, Васудева эса маъқул ишорасини қилгандек бош ирғаб унинг сўзларини тасдиқларди. Сўнгра қайиқчи Сиддхартханинг елкасига аста кўлини қўяркан, тўхтаб қолган ишини давом эттиришини сўради.

Орадан кунлар ўтди. Ёмғирлар мавсуми бошланиб, сувга тўлиб-тошган дарё кутириб оққан вақтда Сиддхартха Васудевага деди:

– Биродарим, дарёни жуда кўп – ҳаддан зиёд кўп овозда сўзлашини биласанми? Унда минглаб овозлар: шоҳларнинг, жангчиларнинг овози, буканинг ўкириги, оқшом кушларининг сайраши, кўзи ёриётган аёлнинг чинқириши, хаёлпараст кишининг хўрсиниши эшитилади.

– Ҳа, худди шундай, – дея бош ирғади Васудева. – Унда барча заминий овозлар жамланган.

– Биласанми, – дея давом этди Сиддхартха, – мен унда минглаб, юз минглаб овозларни эшитганимда дарё менга нима дейди?

Васудеванинг юзида бахтиёр жилмайиш порлади. У Сиддхартханинг қулоғига муқаддас Аум каломини аста шивирлади. Бу айнан Сиддхартха айтмоқчи бўлган сўз эди.

Сиддхартханинг табассуми кун сайин қайиқчининг кулгисига ўхшаб борар, ўшандай нурли, ўшандай бахтга тўла бўлиб кўринар, ҳар бир майда ажинларидаги майин жилмайиш гўдакнинг, нуроний чолнинг кулгисига ўхшарди. Кўпинча йўловчилар бу икки қайиқчини ака-укалар деб ўйлашарди. Улар кўпинча оқшом чоғлари дарё бўйидаги супага ўтириб, оқаётган дарёни жимгина тинглашар, бу дарё улар учун ҳаётнинг, борлиқнинг, мангу эврилишнинг овози эди. Баъзан улар сувнинг сўзсиз сасига қулоқ солиб, кечаги суҳбатлари ҳақида, чехраси, тақдири уларнинг

ёдида қолган бирор йўловчи ҳақида, ўлим ҳақида, болаликлари ҳақида ўйлашарди. Баъзан эса улар кўнгилларида ўтган бир хил саволга дарёдан бир хил жавоб оларкан, бир-бирларига мамнун жилмайиб қўярдилар.

Бу икки қайиқчининг қандайдир хислати борлигини кечувдан ўтаётган кўпгина йўловчилар савки табиийлари билан пайқаб қолишарди. Баъзан қандайдир йўловчи қайиқчилардан бирининг юзига тикилиб қоларди-да, ўзининг ҳаёти, изтиробларидан ҳасрат қилиб, ундан маслаҳат, ёрдам сўрарди. Баъзилар эса улардан ўзлари билан бироз сайр қилишни сўрар, улар билан бирга дарёни тингламоқчи бўларди. Баъзан эса гўё дарё бўйида икки сеҳргар, донишманд ёхуд икки авлиё яшайди, деб қизиқувчи, ғийбатчи кишилар ҳам келиб турарди. Бу қизиқувчан кишилар тинмай саволлар берад, бироқ саволларига жавоб ола олмасдилар. Улар бу ерда ҳеч қандай сеҳргарни ҳам, донишмандни ҳам кўрмас, фақат бироз ғалатирок, бироз эси паст икки чолни учратарди, холос. Бу одамлар кишиларнинг беҳуда миш-мишлар тарқатаётганлигидан нолиб, баъзан эса кулиб, хафсалалари пир бўлиб қайтишарди.

Орадан вақт ўтиб борар, ўтиб кетаётган йилларнинг ҳисобини ҳеч ким билмасди.

Мана, кунларнинг бирида бу ердан Будда Говутаманинг шогирдлари, жаҳонгашта руҳонийлар ўтиб қолди. Улар қайиқчилардан ўзларини дарёнинг нариги қирғоғига олиб ўтиб қўйишларини сўраб, улуғ устозларининг қошига шошилаётганликларини, уларга гўё олий зот Будданинг ўлим тўшагида ётганлиги, руҳи боқий халос бўлиш учун жисмини тарк этаётганининг хабари келганлигини айтишди. Уларнинг ортидан бошқа руҳонийлар ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб келар, уларнинг ҳаммаси бир нарса ҳақда – улуғ Будданинг ўлим тўшагида ётганлиги ҳақида гапирарди. Улар худди урушга ёки қиролга тож кийдириш маросимига отлангандек, чумолилар галасидай ҳар тарафдан тўп-тўп бўлиб, қудратли бир кучга бўйсуниб, даҳшатли бир воқеа содир бўладиган: улуғ Будда ўз ўлимини кутаётган, ер юзидаги инсонларнинг энг буюги мутлақликка эришиб, самога қовушаётган тарафга қараб кетарди.

Сиддхартха шу кунларда юз минглаб оломонни жунбушга келтириб, халқ узра чорлаган, ўзига ҳам таниш бўлган овоз ҳақида, ўзи бир вақтлар муҳаббат ила термулган ўша нуроний чехра ҳақида, улуғ устоз, фано топаётган донишманд ҳақида ўйларди. Унинг Будда ҳақидаги хотиралари бағоят ёрқин эди. У хаёлан Будданинг камолот йўлини кўрди. Йигитлик чоғида улуғ устозга айтган гапларини эслади. Йиллар ўтгач бу сўзлар унга ақлли эмас, кибрли бўлиб туюлар, у бу хотираларни кулиб эсга оларди. У Будда таълимотини қабул қилмаган, бироқ унда кибр ҳисси аллақачонлар сўниб кетганди. Йўқ, ҳақиқатга чиндан ташна бўлган, уни чиндан излаган кишини ҳеч қандай таълимот бағрига олмайди! Ҳақиқатни топган киши эса барча таълимотларни, барча маслакларни, барча мақсадларни бағрига олади! Уни энди мангуликда илоҳийликни топган кўплаб бошқа зотлар билан ҳеч нарса ажратиб туролмайди.

Барча зиёратчилар вафот этаётган Будда сари шошилаётган кунларнинг бирида унинг қошига бир вақтлар куртизанкаларнинг энг соҳибжамоли бўлган Камала ҳам йўл олди. У аллақачонлар ўзининг олдинги ҳаётидан воз кечган, ҳашамдор боғини Будданинг сомеъларига ҳадя этиб, ўзи унинг таълимотидан паноҳ топган, барча дарбадар зоҳидларга дўст ва биродар эди.

У Говутаманинг вафот этаётганлигини эшитиб, фақирона уст-бошда ўғли Кичик Сиддхартхани олиб, пойу пиёда йўлга чиққанди. Камала ўғилчасини етаклаб, дарё соҳилига келди. Бола тезда чарчар, онасини уйга қайтиб кетишга ундар, қорни очлигини, чарчаганлигини айтиб, хархаша қиларди. У барча истакларига хархаша билан эришишга одатланганди, шунинг учун Камала йўлда тез-тез тўхтар, уни овқатлантирар, юпатар, дўқ-пўписа қиларди. Бола бу оғир ва зерикарли сафарда нотаниш ерлардан ўтиб, қандайдир ўлим тўшагида ётган авлиёни кўргани кетишаётганликларининг сабабини тушунмасди. Ўша нотаниш киши ўлса ўлавермайдими, унинг нима иши бор?!

Улар Васудеванинг кулбасига яқинлашиб қолгандилар, Сиддхартха одатдаги хархашаси билан онасини дам олишга кўндирди. Камаланинг ўзи ҳам толиққанди. Сиддхартха банан ейиш билан овора бўлган пайтда у бироз дам олмоқчи бўлиб ерга ўтирди ва кўзларини юмди. У бирдан қаттиқ чинқириб юборди. Кўрқиб кетган бола онасининг оқариб кетган юзини, унинг кўйлагининг тагидан бир қора илон ўтлар ичига ўрмалаб кетганини кўрди. Камалани илон чаққанди! Улар бирор кишидан ёрдам сўраш учун дарё бошига қараб югуришди, бироқ Камала кучдан қолди. У оғриққа чидолмай ерга йиқилди. Бола эса бор овози билан одамларни ёрдамга чақирар, онасини юз-кўзларидан ўпиб йиғларди. То дарё бошида турган Васудева уларни кўриб қолмагунча, Камала ҳам сўнги кучи қолгунча ўрнидан туришга уринарди. Васудева шошиб келди. У аёлни кўтариб қайиққа олди ва учовлон тезда Сиддхартха ўчоққа олов қалаётган кулбага етиб келишди. Сиддхартха бошини кўтариб, болага қаради. Унинг юзи шу қадар таниш бўлиб, гўё узок йиллар унутилган кишини ёдга соларди. Сўнгра у Камалани кўрди. У қайиқчининг кўлида беҳуш ётган аёлни шу ондаёқ таниди. Шунда Сиддхартха чехраси шу қадар таниш бўлган бола ўзининг ўғли эканлигини англади ва юраги ҳапқириб кетди.

Гарчанд захар ўтиб қорайиб қолган, қорни эса шишиб кетган бўлса-да, Камаланинг ярасини ювишди, оғзига шифобахш дамлама томизишди. Камала кўзини очди. У кулбада Сиддхартханинг ўрнида ётар, қачонлардир уни жонидан ортиқ кўрган Сиддхартханинг ўзи боши узра эгилиб турарди. Камала гўё уни тушида кўраётгандек бўлиб, Сиддхартхага жилмайиб қаради. У аста-секин ўзига келиб, бўлиб ўтган воқеаларни эслади ва ўғлини чақирди.

– Безовта бўлма, у шу ерда, – деди Сиддхартха Камалага.

Камала унинг кўзларига қаради.

– Сен қариб қолибсан, – деди у захар таъсирида қотиб қолган лабларини базўр қимирлатиб. – Сочларингга оқ тушибди. Лекин барибир қачонлардир кўйлаксиз, уст-боши чангга ботиб, ялангоёқ ҳолда ҳузуримга келган ёш саманга ўхшайсан. Ҳозир унга Камасвами ва мени ташлаб кетган кунингдан кўра кўпроқ ўхшайсан. Бу ўхшашлик сенинг кўзларингга, о Сиддхартха! Эҳ... Мен ҳам қаридим, кексайдим... Сен ўзи мени танидингми?

Сиддхартха жилмайди.

– Камала, азизам, мен сени бир кўргандаёқ танидим.

Аёл кўзлари билан болага қараб деди:

– Уни-чи, уни ҳам танидингми? У сенинг ўғлинг!

Унинг нигоҳи хиралашди. Кўзлари юмилди. Буни кўрган бола йиғлаб юборди. Сиддхартха болани тиззасига олиб, унинг сочларини аста сила-

ди. У боланинг юзига боқар экан, ёдига ўзи болалигида ўрганган брахманларнинг ибодат кўшиғи тушди. У кўшиқни аста айтarkan, кўшиқ сўзлари унинг олис ўтмишидан, болалик хотираларидан оқиб келарди. Бу оҳангни эшитган бола бир-икки ҳикиллаб тинчланди ва зум ўтмай ухлаб қолди. Сиддхартха болани ўчоқбошида туриб гуруч қайнатаётган Васудеванинг ўрнига ётқизди. Сиддхартха унга қаради, Васудева эса жавобан кулиб кўйди.

– У ўляпти, – деди Сиддхартха секингина.

Васудева бош ирғади. Ўчоқдаги аланга унинг юзида шуълаланарди. Камала яна ҳушига келди. Унинг юзи оғриқдан буришиб кетганди. Унинг кийноқлари оқарган ёноқларида, лабларида акс этар, Сиддхартха унинг юзидаги изтироб саҳифаларини диққат билан, ҳасрат билан ўқир, унинг оғриқларини ўз қалбида ҳис этарди. Камала буни сезар, кўзлари билан уни изларди. У Сиддхартхага қараб деди:

– Кўриб турибман, нигоҳларинг бошқача. Қарашларинг бутунлай бошқача бўлиб қолибди. Менга Сиддхартхани яна нима эслатиши мумкин?! Бу сенмисан ёки бошқа?!

Сиддхартха унинг кўзларига қараб ўтираркан, индамади.

– Излаган нарсангни топдингми? – сўзида давом этди Камала.
– Ҳаловат топдингми?

Сиддхартха жилмайиб унинг қўлидан тутди.

– Ҳа, кўриб турибман, – дерди Камала. – Насиб бўлса, мен ҳам ҳаловат топаман...

– Сен уни топасан, – дея шивирлади Сиддхартха.

Камала ундан кўз узмай узоқ термулди. У Говутаманинг ёнига бормоқчи, улуғ устознинг нуроний юзини кўрмоқчи, ундан паноҳ топмоқчи бўлганини ўйлар, Сиддхартхани топганини, бу худди Буддани топишдек хайрли бўлганини кўнглидан ўтказарди. У буларни Сиддхартхага айтмоқчи бўлди, бироқ энди лаблари қимир этмасди. У Сиддхартханинг юзига жимгина боқарди. Сиддхартха эса унинг юзида ҳаёт аксининг сўнаётганини кўриб турарди. Унинг юзида оғриқнинг сўнгги шиддати ўтиб, жисмини сўнгги титроқ тарк этганда Сиддхартханинг қўли унинг кўзларини мангуга юмди.

У жонсиз юзга қараб узоқ термулиб турди. У Камаланинг лабларига қараб узоқ термулди. У бу ҳорғин, ингичка, қуруқшаган лабларни ёшлигининг барқ урган йилларида кип-қизил ғарқ пишган гилосга ўхшатишини эслади.

У бу оппоқ юзнинг, бу ҳорғин ажинларнинг сирли маъноларини англаб, бу манзарани қалбига жойлаб, узоқ вақт хаёлга толиб ўтираркан, ўзининг юзини ҳам шундай рангпар, шундай совуқ, шундай сўниқ ҳолда ҳис этарди. У бир вақтнинг ўзида ўзининг ва унинг ёшлик чоғидаги чехрасини, қирмизи лабларини, эҳтиросга тўла кўзларини хаёлидан ўтказаркан, айна шу онийлик ва мангулик ҳисси уни бошдан оёқ чулғаб олди. У ҳали ҳеч қачон ҳар бир умрнинг абадийлигини, ҳар бир лаҳзанинг чексизлигини бу қадар ҳис этмаганди.

У ўрнидан турган вақтда Васудева қайнатаётган гуруч тайёр бўлганди, бироқ Сиддхартха овқатланмади. Улар оғилхонада ўзларига похолдан жой ҳозирлашди ва Васудева ухлашга ётди. Сиддхартха оғилхонадан чиқиб, тун бўйи кулба ёнида дарёга кулок солиб, сокин тўлқинлар ила аччиқ ўтмиш хотираларини чайиб, ўтган йилларининг ҳар бир онини,

хар бир дақиқасини бор вужуди билан ҳис қилиб ўтирди. У ҳар замонда ўрнидан туриб, бола уйғонмадимикин, деб кулба эшигига кулоқ соларди.

Эрта тонг қуёш уйғонмасдан олдин оғилхонадан Васудева чиқиб келди. У биродарига яқинлашаркан:

– Ухламадингми? – деди.

– Ҳа, Васудева, мен шу ерда ўтириб дарёни тингладим. Мен ундан кўп нарсани ўргандим. У менга саховат ила тасалли бериб ягоналик, яккаю ягоналик ҳақида гапирди.

– Тўғри, сен қайғуриятсан, Сиддхартха. Бироқ, кўриб турибман, умидсиз эмассан...

– Ҳа, биродарим, тўғри айтасан. Қандай қилиб умидсиз бўлай?! Ахир мен бадавлат ва бахтли эдим, тақдир мени янада бахтиёр ва давлатманд қилди: У менга ўғил берди!

– Сенинг ўғлинг – менинг ҳам қувончим. Бироқ тезда ишга киришмоғимиз керак, Сиддхартха. Қиладиган ишлар кўп. Камала қачонлардир менинг хотиним ўлган тўшақда ўлди. Энди унинг дафн гулхани ҳам хотинимнинг дафн маросими ўтган тепаликда бўлсин.

Улар бола уйғонмай туриб дафн гулханини ҳозирлашди.

Ўғил

Бола онасининг дафн маросимини кўркув ва йиғи аралаш кузатди. У ўзини унинг отасиман деб танитаётган Сиддхартханинг меҳрибонлик билан айтган сўзларига, бугундан буён Васудеванинг кулбаси унинг ҳам уйи эканлигига ишонқирамай, қовоқларини солиб кулоқ соларди. У ранги ўчиб кун бўйи онасининг қабри ёнида ўтираркан, кўзларини яшириб, юрагини ҳеч кимга очмай, тақдирига кўнмай йиғларди. Сиддхартха болага раҳми келиб, дарди арисин, дея уни холи қўйди. Сиддхартха ўз ўғлига бегона эканини, ўғли уни ота деб севмаслигини яхши биларди. У вақт ўтиши билан ўн бир яшарли бу бола серҳашам уйларда улғайган, мазали таомлар, юмшоқ пар тўшақларга ўрганган, хизматкорларга буйруқ бериб ўсган, тантиқ, онасининг эркаси эканлигини билди. Сиддхартха ғам-ҳасрат эзиб ташлаган бу эркатой болани ўз ихтиёри билан бегона жойларга, қашшоқликка кўнмаслигини ҳам тушунарди. У болага зўрлик қилмас, уни боқиш учун бошқа юмушларни ҳам бажарар, унга мазали таомлар келтирар, кун келиб сабр ва яхши сўз билан унинг кўнглини топаман деб ўйларди.

У бола унинг ҳаётига кириб келганда ўзини жуда бахтли ва давлатманд ҳис этганди. Бироқ вақт ўтиб борар, бола эса ҳамон инжиқ ва одамови эди. Унинг қайсар ва мағрур юрагига ҳамон йўл топиб бўлмас, чолларга қўполлик ва беадаблик қилар, ишёқмас ва эрка бўлиб, Васудеванинг мевали дарахтларини синдирар, Сиддхартха эса ўғли унга бахт ва хотиржамлик эмас, оғриқ ва хавотир келтирганини аста-секин тушуна борарди. Бироқ у ўғлини севарди, у бераётган оғриқ ва хавотир Сиддхартха учун ўғлисиз топган бахт ва оромдан ёқимлироқ эди.

Кичик Сиддхартха уларнинг кулбасида яшай бошлагандан сўнг қариялар ўз юмушларини ўзаро бўлишиб олдилар. Васудева аввалгидек дарёда қайиқчилик қилар, Сиддхартха эса кўпроқ ўғлининг ёнида бўлиш учун уй ишларига, даладаги экин-тикинга қарарди.

Сиддхартха узоқ кунлар, беҳисоб ойлар давомида ниҳоят ўғли уни тушуниб кўнгил очишини, севгисига фарзандлик муҳаббати ила жавоб қайтаришини кутиб яшади. Васудева ҳам узоқ кунлар, беҳисоб ойлар жимгина кузатар, сабр билан кутарди.

Кунларнинг бирида окшом чоғи Кичик Сиддхартха навбатдаги қайсарлиги, хархашаси билан отасини қийнаб, иккита сопол лаганни синдирган пайтда Васудева биродарини четга тортиб, шундай деди:

– Биродар, мени кечир, бу сўзларни сенга қуюнганимдан айтяпман. Ташвишланаётганингни, қийналаётганингни кўриб турибман. Ўғлингнинг ташвиши сенга ҳам, менга ҳам тинчлик бермаяпти. Бу ёш лочин бошқа инда бошқача ҳаётда ўсган. Уни бу ерга сени етаклаб келган бойликдан, тўқликдан бешиш, беҳузур бўлиш ҳисси олиб келмади, у мол-давлатини, шахрини ўз ихтиёри билан ташлаб келмади. Мен дарёга мурожаат қилдим, қадрдоним, мен ундан маслаҳат сўрадим. Бироқ дарё кулмоқда: у сендан, мендан кулмоқда. У бизнинг тентакликларимиздан кулмоқда. Ахир сув сойга қараб оқади, ёш ёшга қараб талпинади. Биз каби икки мункиллаган қашшоқ чоллар билан яшаш ўғлингга бирор наф бермайди. Сен ҳам дарёга қулоқ сол. Сен ҳам ундан сўраб кўр.

Сиддхартха унинг ажинлар билан қопланган қувноқ чехрасига қаради.

– Ахир ундан қандай қилиб айрилай?! – деди у оҳиста безовталаниб. – Қадрдоним, яна озроқ сабр қил. Кўряпсан-ку, мен курашяпман, мен унинг кўнглига йўл изляяпман. Мен уни ширин сўзлик билан, сабр билан, меҳр билан забт этаман. Албатта, у ҳам қачондир дарёнинг соҳир овозини эшитади, уни ҳам маъбудлар ярлақайди.

Васудеванинг юзида меҳр товланди.

– Ҳа, албатта, уни маъбудлар ярлақайди, у ҳам мангу ҳаётга эришади. Бироқ унинг қисмати, тақдир йўли, қайғулари, қувончлари на сенга, на менга маълум эмас-ку. Унинг ҳам пешонасида кўпгина азоб-уқубатларни кўриш бор, чунки у такаббур ва тошбағирдир. Тақдир эса бундайларга беҳад изтироб ва қийноқ йўллайди. Улар кўп адолатсизликлар қилади, уларнинг хатолари, гуноҳлари оғир бўлади. Айт-чи, дўстим, сен ўғлингни уриб-сўкиб, жазоламайсанми?

– Йўқ, Васудева, мен бундай қилмайман.

– Биламан, сен уни уриб-сўкиб жазоламайсан. Чунки сен юмшоқ нарса қаттиқ нарсадан, сув тошдан кўра кучли, муҳаббат қаҳрдан кўра қудратли эканлигини яхши биласан. Сиддхартха, сен, дарҳақиқат, мақтовга лойиқсан. Бироқ сен уни жазоламайсан, унга зўрлик қилмай тўғри иш кўряпман деб янглишмаяпсанми? Балки, сен уни ўз меҳринг билан оёғига тушов бўлаётгандирсан? Балки, сенинг раҳм-шафқатинг, сабр-тоқатинг унга азоб бераётгандир? Балки, сен уни гуручни ҳам лаззатли таом деб биладиган, банан еб кун кўрадиган мункиллаган, ҳароратсиз юраги унинг ёш кўнглига йўл топа олмайдиган, ўй-хаёллари унга тўғри келмайдиган фақир чоллар билан яшашга мажбур этаётгандирсан? Ахир бу зўрликмасми? Ахир бу уни жазолаш эмасми?

Сиддхартха дўстининг маслаҳатларига амал қила олмасди, чунки ўғлидан айрилишга унинг бардоши етмасди. У ўғлининг барча инжиқликларини зорланмай кўтарар, унинг бефарқлигига сабр этар, у индамас, тоқат қилар, ҳар куни раҳм-шафқат ила қуролланиб, сабру қаноат ила ҳимояланиб, жангга кирарди. Васудева ҳам босиқлик, донишмандлик

билан жимгина кутарди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам сабр қилиш бобида тенгсиз эди.

Қайсидир бир кун Сиддхартхага боланинг юзи Камалани эслатган вақтда у тўсатдан ёшлигининг авж пайтлари ўтган кунларининг бирида Камала унга айтган сўзларини эслади:

– Сен ҳеч кимни севмайсан, – деганди Камала унга. У бу гапга қўшилган ва ўзини юлдузларга киёслаб, гўдаксимон одамларни хазон япроқларига ўхшатганди. Ўшанда у Камаланинг сўзларида ўтинч ҳис қилганди, тўғриси. У, чиндан ҳам, ўз қалбини борича севиб, бирор кимсага бера олмасди. У бошқа биров учун ўзини унутишни, бировни севиб, унинг учун тентакликлар қилишни билмасди ҳамда гўдаксимон кишилардан ўзининг энг катта фарқи ҳам ана шу ҳисда, дея ўйларди. Энди унинг ўғли ёнида бўлган вақтда эса унинг ўзи ҳам ўша кишилардан бирига айланди. У бировни деб қайғуради, уни севар, шу севгини деб ақлдан озиб, шу севгини деб телбага айланганди. У, ниҳоят, энди, кечикиб бўлсада, ҳаётида биринчи марта бошқа барча туйғулардан қудратлироқ бўлган оташин муҳаббатни ҳис этган, уни деб не-не азоб-уқубатларга дош берса ҳам, барибир шижоатли ва бахтиёр эди, чунки у янги бир ҳисни туйиб, ўзини янада бадавлат кўрарди. У ўзининг ўғлига бўлган муҳаббати, кўркўрона муҳаббати, инсонга хос бўлган бир эҳтирос, сансара деб аталган лойқа бир чашма, қорамтир бир булоқ эканлигини ҳис этарди. У, шунинг билан бирга, бу эҳтирос кадрли эканлигини, зарурлигини, ўз вужудидан бўлганлигини ҳам биларди. Демак, у нафснинг шу иллатини билиши, шу оғриқларга дош бериши, шу аҳмоқликларни қилиши керак экан-да.

Ўғил эса кундан кун ўз телбаликларини қўймаётган, унинг муҳаббатини қозонишга тиришаётган, унинг барча инжиқликларини хўрлик ила итоат билан бажараётган отасига бепарволик билан қараб турарди. Бу отанинг ҳурмат қиладиган ҳеч нарсаси йўқ эди, у ҳатто шунчаки кўрқув ҳам уйғотмасди. Бу ота жуда меҳрибон одам эди. Жуда меҳрибон, шафқатли, хушмуомала, тақводор, балки авлиё ҳамдир, бироқ бу барча ҳислатлар билан боланинг кўнглига йўл топиб бўлмасди. Уни ўзининг қашшоқ кулбасида олиб ўтирган бу ота унинг учун зерикарли ва ёқимсиз эди. Энг ёмони, бу қари тулкиларнинг айёрлиги шунда эдики, улар боланинг ҳар бир кўрслигига кулиб, ҳар бир ҳақоратли сўзларига меҳрли қараб, тошбағирлигига эса раҳм-шафқат билан жавоб қайтаришарди. Бундан кўра, унга қаттиққўллик ва шафқатсиз жазо афзал эди.

Мана, ёш Сиддхартханинг сабр-косаси тўладиган кун келиб, у бор қаҳр-ғазабини отасининг бошига дўлдек ёғдирди:

Ота ўғлига шох-шаббаларни йиғишни буюрди. Бироқ қайсар ўғил жойидан қимир этмади. У кулба ўртасида муштларини тугиб, ер депсиниб тураркан, қаҳру ғазабдан титраб-қақшаганча юрагидаги бор нафрати, аламини отасининг юзига шартта айтди:

– Ўтинларингни ўзинг тер! – қичқирди у ғазаби қайнаб. – Мен сенга кул эмасман. Биламан, мени ура олмайсан. Сабаби журъатинг етмайди. Биламан, сен мени ҳамиша ўз раҳм-шафқатинг, итоатгўйлиг билан хўрлагансан, жазолагансан. Сен мени ўзингга ўхшатмоқчи бўласан, сендек тақводор, сендек мулойим, сендек донишманд бўлишимни истайсан. Билиб қўй: сенга ўчакишиб ўрмон қароқчиси ёки қотил бўлганим яхшироқ! Мен сенга ўхшагандан кўра жаҳаннамда куйишни афзал

кўраман. Мен сени ёмон кўраман! Сен агар онамга ўн карра ўйнаш бўлган бўлсанг-да, зинҳор менинг отаммассан!

Унинг дарду ҳасрати юзага қалқиб, аламли ва шафқатсиз сўзларга айланиб, отасининг бошига дўлдек ёғиларди. Бола шу сўзларни айтиб, кулбадан чиқиб кетди ва тун ярмида уйига қайтди.

Эртаси куни тонгда у ғойиб бўлди. У билан бирга уларнинг қайиқчилик қилиб топган кумуш мис тангалар солинган тўқима саватлари ҳам йўқолганди. Бу ҳам етмагандай, қайиқ ҳам кўлдан кетган бўлиб, Сиддхартха уни нариги қирғоқда кўрди. Бола қочиб кетганди.

– Мен, албатта, унинг ортидан боришим керак, – деди ғамдан бутунлай қадди букилган Сиддхартха. – Бола ўрмонда адашиб қолади. У ҳалок бўлади. Васудева, биз дарёдан ўтиш учун сол ясашимиз керак.

– Биз сол ясаймиз,– деди Васудева. – Бола олиб кетган қайиқни қайтариш учун ҳам уни ясаймиз. Биродар, уни таъқиб қилишнинг эса ҳеч ҳожати йўқ. У энди ёш бола эмас, ўз кунини кўра олади. У шаҳарга йўл олган ва тўғри қилган, буни унутма. У сен унга қилиб бера олмаган ишни ўзи қилди. У ўз тақдирдан норози. У ўз йўлида кетмоқда. Эҳ, Сиддхартха, қанчалик қийналаётганингни кўриб турибман, бироқ қилаётган ишинг жуда қулгили. Бу ишингдан ўзинг ҳам ҳали кўп куласан.

Сиддхартха жавоб бермади. У болтани олиб, бамбукдан сол ясашга киришди. Васудева ҳам унга ёрдам берди. Улар ўтларнинг ўрамидан тўкилган аркон ёрдамида ёғочларни бир-бирига боғлашди. Ниҳоят, улар нариги қирғоққа сузиб ўтишди. Оқим уларни анча пастга олиб кетганди. Шунинг учун улар солни судраганча, оқимга қарши қирғоқ бўйлаб кечув томонга юриб кетишди.

– Нега болтани ўзинг билан олиб олдинг?– сўради Сиддхартха.

Васудева жавоб берди:

– Балки қайиқнинг эшаклари йўқолгандир.

Бироқ Сиддхартха дўсти нимани ўйлаганлигини яхши биларди. Васудева бола бирварақайига қасд олиш ва таъқибдан ҳалос бўлиш учун эшакларни отиб ёхуд синдириб юборган дея ўйлаганди.

Дарҳақиқат, қайиқнинг эшаклари йўқ эди. Васудева дўстига қайиқнинг тубини кўрсатиб, гўё “Ўғлингнинг сенга нима демоқчилигини тушундингми? Ахир ўғлинг уни таъқиб қилишларини истамаётганлигини кўрмайсанми?!” демоқчидай унга кулиб қўйди, лекин у бундай демасди. У янги эшакларни ясашга киришди. Сиддхартха қочокни излаш учун у билан хайрлашди. Васудева уни тўхтатмади.

Орадан бирмунча вақт ўтди. Сиддхартха тобора ўрмон ичкарисига кириб борарди. Бирдан унинг ҳаракатлари ўзига бемаъни бўлиб туюлди. “Бола аллақачон шаҳарга етиб олган бўлса керак, – дея ўйларди у. – Агар у ҳали ҳам ўрмонда адашиб юрган бўлса, ўзининг таъқибчисини кўриб ёки унинг овозини эшитиб, яширинишга уринади”.

У буларни ўйлаб бораркан, ўғли учун унчалик ҳам хавотирланмаётганлигини ҳис этди. У ич-ичидан боласининг соғ-омонлигини, ўрмонда унга ҳеч қандай хатар йўқлигини яхши биларди, бироқ шунга қарамай, у дам олишни ҳам унутиб, йўлида давом этар, ўғлини кутқариш учун эмас, қалбидаги кўр-кўрона истакка, уни кўраман деган сўнгсиз умидга бўйсуниб борарди. Шундай қилиб, у бир нафас дам олмай шаҳаргача етиб келди.

У шаҳар этагидаги катта йўлга чиқаркан, бир вақтлари Камалага тегишли бўлган ва уни илк бор тахтиравонда кўрган ўша кўркам боғнинг қаршисида тўхтади. Ўтмиш хотиротлари унинг қалбида яна жонланди. У яна ўзини ялангоёқ соч-соқоли чангга ботган саман қиёфасида кўрди. Сиддхартха боғнинг очиқ дарвозаси қаршисида тураркан, сариқ жубба кийиб, салқин дарахтлар орасида сайр қилиб юрган руҳонийларни кўрди. У чуқур ўйга толган ҳолда, хаёл кўзларини сассиз олис ўтмишига тикиб, узоқ туриб қолди. У руҳонийларга узоқ тикилиб тураркан, уларнинг ўрнида баланд дарахтлар соясида навқирон Сиддхартха ва ёш Камалани кўрди. У Камаланинг меҳмоннавозлигини, унинг илк бор бўса ҳадя этганларини, ўзининг зоҳидона ўтмишига такаббуруна ва нафрат ила бокқанларини, мағрур ва ҳукмфармолик ила дунё ишларига шўнғиганлигини аниқ кўрди. У Камасвамани, хизматкорларини, базмларни, қиморбозларни, машшоқларни, Камаланинг қафасдаги сайроқи қушчасини кўрди. У буларнинг барини яна бир бор бошидан кечирди, сансара ҳавосидан нафас олди, яна бир бор кексалик ва ҳорғинликни ҳис этди, яна бир бор кўнгли беҳузур бўлиб, ўз-ўзини ўлдирмоқчи бўлди ва яна бир бор муқаддас Аум каломидан шифо топди. У боғ дарвозаси ёнида тураркан, уни бу ерга етаклаб келган истак бемаънилигини, ўғлига ёрдам беришга қодир эмаслигини, унинг кўнглига йўл топа олмаганини англади. У ўғлига бўлган муҳаббати бир чуқур яра мисоли эканлигини ва ҳаёт бу ярани уни асраб-авайлаши учун эмас, балки кун келиб, гулдек очилиши, нур сочиши учун берганлигини ҳис этди. Бироқ ўша кун хали келмаганди, унинг яраси гулдек очилиб нур сочмас, аксинча, уни ғамга тўлдирганди. Энди унинг қаршисида қочоқ ўғлининг ортидан изма-из келиб уни кўриш истаги ўрнида хувуллаган бўшлиқ турарди. У юрагида ниманингдир ўлганини ҳис қилиб, ерга чўқаркан, хувиллаган бўшлиқни, олдинда ҳеч қандай мақсад, ҳеч қандай овунчоғи йўқлигини англади, хаёллар гирдобига чўмиб ўтирар ва ниманидир кутарди. У дарёдан фақатгина шуларни кутиш, сабр қилиш ва эшитишни ўрганганди. У тупроқ йўлда ўтираркан, кулоқ соларди. У ўзининг ғамгин ва ҳорғин юрагига кулоқ соларди. У қалб овози унга нима дейишини кутарди.

У шу кўйи чорасизликдан бир, икки, уч соат бўшлиққа, унинг туб тубларига сингиб, кулоқ солиб ўтирарди. Оғриқ азоб бериб, ўзини эслатган вақтда у ичида Аум каломини айтар, қалбини муқаддас Аумга тўлдирарди.

Боғдаги руҳонийлар уни кўриб қолишди. Унинг анчадан буён шу кўйи ўтирганини, оппоқ сочларини чанг-тўзон қоплаганини кўрган руҳонийлардан бири унинг ёнига яқинлашиб, олдига икки дона банан қўйди. Чол буни сезмади. Сиддхартха елкасига теккан қўлдан бехос сесканиб кетди. У шу ондаёқ бу меҳрибон ва мулоим қўлни таниди ва ўзига келди. У ўрнидан туриб, уни деб келган Васудевани қаршилади. У Васудеванинг майда ажинлар билан қопланган очиқ юзига, кулиб турувчи қувноқ кўзларига қараб ўзи ҳам кулиб юборди. У шундагина ерда ётган бананларни кўрди ва уларни олиб, бирини Васудевага берди, иккинчисини эса ўзи олди. Сўнгра у Васудеванинг ортидан ўрмонга, дарё бўйидаги қадрдон кулбасига йўл олди.

Уларнинг ҳар иккиси ҳам бугунги бўлиб ўтган иш ҳақида оғиз очмади, ҳар иккиси ҳам боланинг исмини тилга олмас, ҳар иккиси ҳам унинг қочиб кетганлиги ҳақида индамас, ҳар иккиси ҳам қалб ярасини тирнамасди.

Сиддхартха кулбага кириб ўз ўрнига ётди. Бир оз ўтиб, Васудева унга какос сути келтираркан, унинг ухлаётганлигини кўрди.

Аум

Сиддхартханинг қалб яраси узоқ вақт оғриб юрди. У кўпинча ўғилми, кизми, фарзандли йўловчиларни дарёдан олиб ўтар ва ҳар гал уларга қараганда кўнглидаги қора хаёллар унга тинчлик бермасди:

Дунёда юзлаб, минглаб одамлар фарзанд бахтидан сармаст, нега ёлғиз менгина бу бахтдан мосувоман? Ҳатто ёвуз одамларнинг ҳам, ўғри, қароқчиларнинг ҳам боласи бор, улар ўз фарзандларини севади, фарзандларининг севгисидан эса бахтиёр. Ҳамма шундай хушнуд, ёлғиз мен бахтиқароман...

Унинг хаёллари шундай содда ва жўн эди, эндиликда унинг гўдаксимон одамлардан сира фарқи йўқ эди. У энди одамларга аввалгидек эмас, аксинча, мутлақо бошқа кўз билан қарарди. Энди унинг нигоҳларида ақл, такаббурлик эмас, илиқлик, қизиқувчанлик, хайрихоҳлик зуҳур этарди. У дарёдан олиб ўтаётган аёллар, ҳарбийлар, савдогарлар, оддий болаларга ўхшаш одамлар эндиликда унга аввалгидек бегона бўлиб кўринмасди. У бу инсонларни тушунар, уларнинг ақл, тафаккурга эмас, истаклар ва хоҳишлар асосига қурилган ҳаёти унга яқин ва тўғри бўлиб туюлар, назарида ўзи ҳам улардек бўлиб қолганди. Гарчанд босиб ўтаётган йўли охирлаб қолган бўлса-да, қалб ярасининг сўнгги оғриқларига чидаб келаётган эса-да, ўша гўдаксимон одамлар унга биродардек бўлиб қолган, уларнинг шуҳратпарастликлари, очкўзликлари, нодонликлари унга кулгили туюлмас, уларни тушунар, муҳаббатга, ҳатто ҳурматга лойиқ деб биларди. Онанинг ўз рўзгорига кўр-кўрона муҳаббати, кексайган отанинг ёлғиз ўғилчасига бўлган аҳмоқона кўр-кўрона севгиси, ёш жувоннинг тақинчоқлар ва эркаларнинг назарига ёввойиларча кўр-кўрона интилиши бу барча майллар оддий, аҳмоқона, бироқ ўта кучли ва ҳаётбахш. Енгиб бўлмас истак ва хоҳишлар эндиликда Сиддхартха учун жўнгина болалар ўйини эмасди, чунки одамлар бу истакларни деб яшашини, уларни деб барча тўсиқларни енгиб ўтишини, уларни деб сафарларга чиқишини, урушлар олиб боришини, уларни деб ҳар қандай синовларга, ҳар қандай жудоликларга тайёрликларини кўрганди. У бу одамларни шунинг учун севар, уларнинг ҳар бир интилишида, ҳар бир ҳаракатида ҳаётни, мангу моҳиятни, азалий Брахманни кўрарди. Бу одамлар ўзларининг кўр-кўрона садоқати, кўр-кўрона кучи ва ҳаётбахшлиги билан муҳаббатга, ҳайратга лойиқ эди. Бу одамлар ҳамма нарсага эга эди. Аҳли донишларнинг, мутафаккирларнинг ушоққина билимини, оламнинг яхлитлиги ва ундаги ҳодисаларнинг боғлиқлигини англашини ҳисобга олмаса, бу одамлар билан тенглаб бўлмасди. Бироқ Сиддхартхани шунда ҳам шубҳа-гумонлар ўз домига оларди. Ўзи, чиндан ҳам, ўша билимларнинг, тафаккурнинг кадр-қиймати борми? Балки, булар олимларнинг гўдаксимон кишиларни-кига ўхшаш инжиқликларидир. Бошқа жиҳатдан эса сансара болалари гўё ёввойи ҳайвонлар табиатда яшаш учун кураш қонунига қатъий, оғишмай амал қилиб, одамлардан кучли бўлганидек, улар ҳам донишмандлардан кўра кучлироқ ва чапдастроқ эди.

Сиддхартхада аста-секин тафаккур меваси етилди. Унда ҳақиқат, до-нишмандликнинг чин маъниси, узоқ йиллар излаган мақсади юз очди. Бу рухнинг тайёргарлиги, ҳар лаҳза ҳаётнинг қизғин онларида ҳам ягоналик қаърига сингишнинг сирли йўли, ҳар лаҳза ягоналикка чўмиш ва ундан нафас олишдан бўлак нарса эмасди. Бу ҳақиқат унинг қалбида аста-секин куртак очар, гўдаклик ва кексалик барқ урган Васудеванинг юзидаги нур бўлиб уни қарши олар, уйғунлик, олам яхлитлигини англаш, табассум ва ягоналик унда акс этарди.

Бироқ қалб яраси унга оғриқ берар, Сиддхартха қайғу ва ҳасрат ичра ўғлини кўмсарди. Кўксини азобларга тутиб, қалбини меҳр ва муҳаббат ила овулар, уни деб аҳмоқликлар кетидан аҳмоқликлар қиларди ва унинг юрагидаги бу олов ўз-ўзича сўнмади.

Кунларнинг бирида оғриқ азоби чидаб бўлмас ҳолга етганда Сиддхартха ҳасрат ичра дарёдан сузиб ўтди-да, қайиқдан тушиб, шаҳарга ўғлини излашга отланмоқчи бўлди. Дарё шу кун сокин ва мулойим оқарди. Ёмғирлар мавсуми аллақачон ўтиб кетганига қарамай, унинг овози бошқача эди. Дарё куларди. У дарёнинг кулганини аниқ эшитди. Дарё кекса қайиқчининг устидан ҳайкириб жарангдор овозда куларди. Сиддхартха тўхтади. У дарёнинг овозини яхшироқ эшитиш учун унинг ирмоқларига эгилди ва сувда ўз аксини кўрди. Бу акс унга аллақачонлар унутилган кимнидир ёдга соларди. У нигоҳларини ўтмиш қаърига соларкан, қачонлардир ўзи яхши билган, яхши кўрган ва кўрққан кишини эслади. Унинг юзи ўз отасига – Брахманга жуда ўхшарди. У анча йиллар олдин зоҳидона ҳаёт кечираман дея отасини қийнаганларини, у билан хайрлашганини, ортга қайтмай, уни тарк этганини эслади. Ахир ўшанда отаси ҳам бугун у ўғлини деб чеккан азобларни чекмаганмиди? Ахир у ўғлининг дийдорига тўймай, ёлғизликда вафот этмадимми? Ахир бугун унинг ўзини ҳам шундай қисмат кутмаяптими? Ахир бу ғалати ва аҳмоқона такрорланиш, бу айлана ичра чопиш, бу ёвуз олам чархпалаги комедиянинг ўзи эмасми?

Дарё шовуллаб куларди. Ҳа, ҳаммаси худди шундай эди: ҳамма нарса ортга қайтарди. Бошдан кечирилган барча укубатлар сансара чархпалагида яна ортга қайтар, ўша бир хил азоблар одамларга такрор-такрор йўлланарди. Сиддхартха қайиққа ўтириб, кулбага қайтаркан, отасини, ўғлини хотирлаб, дарёга кулги бўлиб, шашти сўниб, умидсиз бўлиб, наинки ўз-ўзидан, балки бутун дунёдан қаҳ-қаҳ уриб кулгиси келарди. Унинг қалб яраси ҳамон битмаган, юраги ҳамон тақдирига исён қилар, оғриқлари шодлик ва ғолиблик нурларига чайилмаганди. Бироқ унинг қалби ҳали умидвор бўлиб, кулбага қайтганида эшитиш бобида тенгсиз бўлган Васудевага буларнинг ҳаммасини айтгиси, кўнглини очиб сўзлашгиси келганлигини ҳис этди.

Васудева кулбада сават тўқиб ўтирарди. У энди қайиқчилик қилмас, йилдан йилга кўзининг нури кетиб, билаклари ҳам кучдан қолганди. Бироқ унинг юзидаги қувноқлик ўша-ўша, балки хотиржамлик ва ҳалимлик нурлари билан янада ёрқинроқ кўринарди. Сиддхартха чолнинг қаршисига ўтирди. Унинг сўзлари аста-секин қуйилиб келарди. У авваллари Васудева билан ҳеч қачон гаплашмаган нарсалар тўғрисида: ўзининг шаҳарга бориши, битмаётган қалб яраси, бахтиёр ота-оналарни кўрганда ҳасад қилиши, истаklarининг беҳудалигига қарамай, улар билан аёвсиз курашаётганлиги ҳақида сўзларди. У ҳамма нарса ҳақида айтар, ҳаммасини дил

ёриб сўзларди. У ичидаги гапларини тўкиб солар, иқрор бўлар, ҳатто уятдан қизарганларини ҳам тан оларди: у қалбини очиб гапирарди. У уялмай, қалб ярасини кўрсатар, бугунги қилмишлари, гўё ўсмир боланинг бебош қилиғидек, шаҳарга бориш истагида дарёни яширинча сузиб ўтганлиги ва дарёга кулги бўлганлиги ҳақида гапириб берди.

Бу ҳикоя узоқ давом этди. Васудева уни камоли диққат ила тинглар, ҳолбуки Сиддхартха уни бу қадар ўткир зехн билан сомеъ бўлганини кўрмаганди. У юрагини кўркув ва оғриқ аста-секин тарк этиб, қаршисидаги кишининг сокин қалб ирмоғига оқиб кираётганлигини ва яширин умидлари яна ўзига қайтаётганлигини ҳис этди. Бундай сомеъ қаршисида қалб яраларини ошкор қилиш, уни дарё сувларига айлангунча дарёга солиш билан баробар эди. Сиддхартха гапиришда, иқрор бўлишда, тавба қилишда давом этаркан, қаршисида ўтирган зот наинки Васудева, балки инсон зотиданмаслигини тобора чуқурроқ англаб борарди. Қаршисида кимир этмай ўтириб, унинг тавбаларини гўё ёмғир намлигини шимиб олган дарахтдек шимаётган, уни жимгина тинглаётган кимса дарёнинг ўзи, маъбуднинг ўзи, мангуликнинг ўзи эди. Сиддхартха ўзини, дардларини унутаркан, шу ҳақиқатга, Васудеванинг борлиғига берилар, уни қанчалик кучли ҳис этган сайин, унинг борлиғига шунчалик сингиб борар, Васудева аллақачонлар шундай, балки ҳамиша шундай бўлгану Сиддхартха уни тўла англаб етмаганлигига, эндиликда унинг ўзи ҳам Васудевага ўхшаб қолганлигига кўпда ҳайратланмай тушуниб борарди. Уларни бир ҳис чулғаган бўлиб, у кекса Васудевага одамлар маъбудларни қандай кўрса, шундай қараб турарди. Бу ҳолнинг узоқ давом этиши мумкин эмас, зеро у қалбан Васудева билан видолашганди. Бироқ бунга қарамай, унинг ҳикояси давом этарди.

Сиддхартха гапиришдан тўхтагач, Васудева унга меҳр тўла кўзлари билан боқди. Унинг лаблари бирор сўз демас, аммо аввалгидек зийраклигини йўқотиб, заифлашиб қолган кўзларида муҳаббат, ёрқин севинч, ҳамдардлик ва донишмандлик барқ урарди. У Сиддхартхани қўлидан тутиб, қирғоққа олиб борди-да, қирғоқ бўйида ётган гўлага дўсти билан ёнма-ён ўтириб, дарёга қараб жилмайди.

– Сен унинг кулаётганлигини эшитдингми? – деди у. – Бироқ сен ҳаммасини эшитмагансан. Яхшилаб қулоқ сол, яна кўп нарсаларни эшитасан.

Сиддхартха қулоқ солди. Дарёнинг сероҳанг куйи сокин ва майин эшитиларди. Сиддхартха сувдан кўз узмас, сувнинг сокин оқими узра унинг кўз олдидан шарпалар дам-бадам сузиб ўтарди. У ўғлининг ҳасратида куйган ёлғиз отасини, ёлғиз, оталик муҳаббати ила кишандбанд ҳолда ўзини, худди ўзидек ёлғиз, қайнок, ёшлик эҳтирослари узра бораётган ўғлини кўрарди. Уларнинг ҳар бири ўз мақсади сари борар, ўз мақсади ила банд, ҳар бири ўз дарди ила ёлғиз эди. Дарё ҳасрат ила куйлар, унинг қўшиғи, мақсади сари интилиши эҳтиросга тўла бўлиб, овози ғамгин жаранларди.

– Тинглаяпсанми?

Васудеванинг сўзсиз нигоҳларида шу савол зухур эди. Сиддхартха бош ирғади.

– Диққат билан эшит, – дея шивирлади Васудева.

Сиддхартха диққат билан тинглашга уринди. Отасининг, ўғлининг, ўзининг қиёфаси қўшилиб оқарди. Камаланинг, Говинданинг қиёфалари ва бошқа шарпалар ялт этиб кўзга ташланиб ўтар, уларнинг бари бир

оқимга қўшилиб, азоб-уқубатлар қаъридан ўтиб, бетоқат, жидду жаҳд билан ягона мақсад сари интиларди. Бу дарёнинг овозида худди алангадек ҳасрат бонг урар, қонмас ташналик, аламли азоб жарангларди. Дарё ўз мақсади сари шошарди. Сиддхартха унга яқин ва нотаниш бўлган қиёфалардан, уни кўрган ва у кўрган кишиларнинг ёдидан иборат бўлган бу дарёнинг тинмай шошаётганини кўрарди. Бу катта-кичик тўлқинлар шошар, азобланар, кўплаб манзилларга интилар, кўллар ва шаршараларга, дарё ва денгизларга талпинар, манзилларига етар ва яна янги манзиллар сари шошарди. Сув буғга айланиб самога кўтарилар, ёмғирларга айланиб ерни савалар, булоқларга, ирмоқларга дўнар, дарёларга айланиб яна шошар, яна ошиқарди. Бироқ унинг эҳтиросли овози ўзгарган, ҳамон ҳасратлилиги ва исёнкорлиги тинмаса-да, унга энди эзгу ва ёвуз, бахтиёр ва ғамгин юз минглаб янги овозлар қўшилганди. Сиддхартха қулоқ соларди. У атроф-борлиқни унутиб, бўшлиққа сингиб, ҳар бир овоз, ҳар бир товушни жон қулоғи билан тингларди. У бу санъатни, ниҳоят, сўнгигача эгаллаганлигини ҳис этди. У буларни кўп марта тинглаганди, бироқ бугун бу юз минглаб овозлар янғича эди. У энди бу овозларни бир-биридан ажратолмас, қувончли ва ингрокли товушларни, кекса ва боланинг овозларини фарқига бормасди. Улар бир-биридан ажралмас бўлиб, хафалик ва ҳасрат, шодлик ва донишмандлик, ғазабли қичкириқ ва ўлим ингроғи – бари қўшилиб, қоришиб ягона тус олганди. Бу барча овозлар, мақсадлар, мавжудлик чанқоғи ва истаклар, уқубатлар – буларнинг бари мутлақлик оқими, ҳаёт мусиқаси эди. Сиддхартха шу мусикадан бўлак бошқа бутун оламини унутиб, дарёнинг турфа хил қўшиғини эшитаркан, кулгими, ингрокми, алоҳида овозни эмас (бу овозларнинг ҳар бири унинг руҳига тушов, нафси учун овлоқ пана жой бўлиши мумкин эди), у буларнинг барини жамланган, яхлит ҳолда тингларкан, турфаранг дарёнинг буюк қўшиғи – ягона калом Аум ниҳояланиш ва мутлақликдан иборат эди.

– Эшитяпсанми? – дея сўзсиз сўради Васудева тақрор.

Васудеванинг юзидаги табассум ёрқин жилваланарди. Унинг кулгиси беҳисоб ажинлар босган бу нуроний, донишнамо юзда гўё нур таратаётган булут парчасига ўхшар, дарёнинг беҳисоб овозлари ичра муқаддас Аум каби барқ урарди. Унинг табассуми биродарини кўрганда янада ёрқин жилваланар, Сиддхартханинг юзида ҳам худди шундай табассум порларди. Унинг қалб яраси ниҳоят битган, унинг қалб яраси нур сочар, унинг Мени мутлақликка қовушганди. Унинг ўз тақдири билан кураши, унинг азоб-уқубатлари ниҳоя топди. Сиддхартханинг юзида донишмандлик нурлари порлар, бу шундай донишмандликки, камолотга етган, ҳаёт мусиқаси билан ҳамоҳанг бўлган, ҳамдардликка чўмган, барча истакларини енгиб, қисматига бўйсуниб, ягоналикка қовушганди.

Васудева ўрнидан туриб, биродарининг юзида порлаган донишмандлик табассумини кўраркан, у доимгидек эҳтиёткорлик ва мулоимлик ила Сиддхартханинг елкасига аста қўлини қўйиб деди:

– Мен бу кунни узоқ кутгандим. Мана, у келди. Энди мен сени тарк этаман. Мен бу муқаддас лаҳзаларни узоқ кутдим. Мен қайиқчи Васудева бўлиб узоқ яшадим. Энди вақт-соатим келди. Алвидо, кулба! Алвидо, дарё! Алвидо, Сиддхартха!

Сиддхартха унга эгилиб таъзим қилди.

– Мен буни билардим, – деди у секингина. – Сен ўрмонга кетасанми?

– Мен ўрмонга кетаман. Мен ягоналикка кетаман! – деди нуроний Васудева.

У аста-секин узоқлашди. Сиддхартха унинг изидан қараб қолди. У чуқур қувонч ичра, чуқур ҳаёл ичра кетаётган кимсанинг ортидан қараб қолди. Сиддхартха унинг қадам товушларида сокинлик ва осудаликни эшитди, унинг боши узра порлаган алангани, жисми узра ёғилган нурни кўрди.

Говинда

Кунларнинг бирида узоқ йўл босган Говинда руҳонийлар билан куртизанка Камала Говутаманинг сомеъларига инъом этган Жатавана боғида дам олди. У бу ерда биродарларининг биридан, шаҳардан узоқда, ўрмондаги дарё бўйида яшовчи ва кўпчилик авлиё деб билувчи бир қайиқчи ҳақида эшитди. Сафарлари қариб, йўлга отланар чоғда, кекса қайиқчини ўз кўзлари билан кўриш истагида тўлиб-тошган Говинда дарёга олиб борадиган сўқмоқ сари отланди. Унинг ҳаёти гарчанд тартиб-қоидаларга бўйсунган бўлса-да, ёш шогирдлари унинг ёшини, камтарлигини ҳурматлаб, эҳтиром кўрсатса-да, унинг қалбидан хавотир кетмаган, изланишлари ҳамон ниҳоя топмаган эди. У дарёнинг кечув ерига етиб келгач, чолдан дарёнинг нариги томонига олиб ўтиб қўйишни сўради ва қирғоққа етиб келгач сўз бошлади:

– Сен биз руҳонийларга ва бошқа йўловчиларга ҳам жуда улуғ эзгулик қилдинг. Кўпларнинг мушқулини осон қилдинг. Менга айт-чи, қайиқчи, ахир сен ҳам ҳақиқий йўлни излаш билан бандсан-ку.

Сиддхартха нуроний нигоҳи ила кулиб жавоб берди:

– Эй муҳтарам зот, елкангда Говутама руҳонийларининг хирқаси бўлиб, ёшинг бир жойга бориб қолган бўлса ҳам, ҳамон йўл излаш билан бандмисан?

– Тўғри, ёшим бир жойга бориб қолди, – дея сўз бошлади Говинда. – Бироқ мен ҳамон изланишдаман. Турган гапки, бу изланишлар тугамаса керак. Пешонамга ёзилгани шу бўлса керак. Бироқ, фаҳмимча, сен ҳам илми толиб бўлгансан? Бу ҳақда бирор нима дея оласанми?

Сиддхартха деди:

– Сенга нима ҳам дердим, эй ҳурматли зот. Балки, сен қатъий талабчанлик ила излашга берилиб, излаётган нарсангни кўздан қочиргандирсан.

– Бу нима деганинг?– хайрон бўлди Говинда.

– Киши бирор нимани изларкан, – сўзида давом этди Сиддхартха. – Унинг нигоҳлари изланаётган нарсаси бор дея ўйлаган жойдан бошқа ерга тушмаслиги мумкин. Оқибат, у ҳеч нарса қилолмайди, кўнглига ҳам ҳеч нима сиғмайди. Чунки унинг ўй-хаёли изланаётган нарсаси билан банд бўлади. Сабаби, унинг мақсади тайин, сабаби, унинг мақсади қатъий: “Излаш керак!” Мана унинг мақсади! Топиш эса ундан халос бўлиш бўлиб, бу шундай мақсадни кўзламаганлар учун очикдир. Сен, муҳтарам зот, чиндан ҳам, ўз мақсадига интилиб, яқинидаги, қаршисидаги излаётган нарсасини кўрмаётган кишига ўхшайсан.

– Мен ҳали ҳам сўзларинг мағзини чақа олмаяпман,– деди Говинда. – Менга очикроқ тушунтир, бу сўзларингда қандай маъно бор?

Сиддхартха деди:

– Кунларнинг бирида, бундан кўп йиллар олдин, эй мухтарам зот, сен шу дарё бўйида бўлгансан. Қирғоқ бўйида ухлаб ётган кишини кўриб, унинг оромини кўриш учун ёнида қолгансан. Ўшанда ҳам, о Говинда, сен уни танимагандинг...

Рухоний гўё мўъжизани кўргандек қайиқчининг юзига тикилиб қолди. Ниҳоят, у журъатсиз овоз билан:

– Сен Сиддхартхамисан?.. – дея сўради. – Мен ҳозир ҳам сени танимадим. О, Сиддхартха, сенга омонлик бўлсин. Сени яна учратганимдан қанчалик бахтиёрман! Жуда ўзгариб кетибсан, биродарим. Демак, қайиқчи экансан-да.

Сиддхартха қувониб кулди.

– Ҳа, Говинда, қайиқчиман. Дунёда шундай одамлар борки, касби-корини, шунинг билан бирга, либосини кўп алмаштиради, мен шундайларнинг бириман, қадрдоним. Менинг азиз меҳмоним бўл, Говинда ва бугун менинг кулбам сенга ҳам бошпана бўлсин.

Говинда у билан бирга қолиб, тунни унинг кулбасида, бир вақтлар Васудеванинг ётоғи бўлган ўринда ётиб ўтказди. У болаликдаги қадрдонидан кўп нарсаларни сўрар, Сиддхартха ҳам унга ўз ҳаётидан кўп нарсаларни хикоя қилиб берарди.

Тонг отиб, хайрлашиш пайти келганда, Говинда бироз журъатсизлик ила шундай деди:

– Хайрлашишдан ва йўлга отланишимдан олдин сенга яна бир савол берсам майлими? Сенинг ўз таълимотинг, эътиқодинг, тақволи яшашда асқотадиган ҳақиқатинг борми?

Сиддхартха жавоб берди:

– Биласан-ку, қадрдоним, мен аллақачонлар йигитлик чоғимдаёқ биз ўша қаттиққўл зоҳидлар орасида, ўрмонда яшаган пайтларимиздаёқ таълимотларга, муаллимларга ишонмай кўйгандим, уларга қизиқишим сўнганди. Мен ҳамон ўзгарганим йўқ. Бироқ шу пайтгача менга кўпчилик устозлик қилди. Бир гўзал куртизанка менга узоқ вақт таълим берди, бир савдогар ҳам, ҳатто қиморбозлар ҳам менга илм беришди. Кунларнинг бирида, ҳатто бир муддат бўлса-да, менга Говутама сомеъларидан бир рухоний устозлик қилган. У йўл азобида толиқиб, ухлаб қолган вақтимда уйғонишимни кутиб ўрмонда менинг ёнимда ўтирганди. Мен ундан ҳам баъзи нарсаларни ўрганганман ва ундан жуда-жуда миннатдорман. Бироқ мен энг кўп илмни шу ерда дарёдан ва устозим қайиқчи Васудевадан ўргандим. У оддий киши эди, у мутафаккир эмасди, бироқ у энг зарур илмни билар, ҳатто Говутамадан қолишмасди. У камолотга эришган эди. У авлиё эди!

Говинда деди:

– Кўриб турганимдек, о, Сиддхартха, болалигингдагидек истехзо қилишдан қолмабсан. Мен сенга ишонаман. Биламан, сен биргина устоз билан қаноатланмайсан. Бироқ, майли, наинки таълимот, ҳатто бирор фикр, қандайдир ҳақиқат сенинг жисму жонингга айланиб, яшашингга таянч бўлмадими? Агар бу ҳақида бирор нарса айтиб берсанг, мени жуда қувонтирган бўлардинг.

Сиддхартха жавоб берди:

– Тўғри, мен бундай фикрларни, бундай ҳақиқатни топдим. Баъзан кун бўйи, баъзан эса бир лаҳза мен ўзимда худди юрак зарбида ҳаётни хис этганимдек қандайдир илмни хис этдим. Бундай фикрлар, бундай ҳақиқат

менда кўп бўлган, аммо уларни сенга тасвирлаб бериш бир оз мушкул. Фаҳмлаганингдек, қадрдоним Говинда, мен англаган ҳақиқатлардан бири шундаки, донишмандликни бировга ўргатиб бўлмайди. Донишманднинг бошқаларни доно қилиш учун айтаётган сўзи аҳмоқликка айланади.

– Ҳазиллашяпсанми?– сўради Говинда.

– Ҳазиллашаётганим йўқ. Нимани ҳақиқат деб билсам, шуни айтяпман. Илмни бериш мумкин, бироқ донишмандликни ҳеч қачон бериб бўлмайди. Уни топиш, у ила ҳаёт кечириш, уни ҳаёт елканига айланттириш, у ила мўъжизалар яратиш мумкин, лекин уни панд-насихат билан ўргатиб, таълим бериб бўлмайди. Мен ёшлик чоғларимдаёқ англаган ва мени барча муаллимлардан чалғитган нарса ҳам шу. Мен бир тўхтамга келганманки, Говинда – сен уни ҳам ҳазил ёхуд телбалик деб ўйлайсан – ҳар қандай ҳақиқатнинг акси ҳам ҳақиқатдир. Буни бир сўз билан айтганда, билиш ҳақиқатнинг бир томонини англашдир. Ақл фақат бир ёқлама ҳақиқатнигина англайди ва уни сўз билан ифодалаш ҳам мумкин. Бироқ у ягоналик, яхлитлик, тугалликдан холи бўлиб, ҳақиқатнинг ярминигина акс эттиради. Улуғ устоз Говутама ўз таълимоти, борлик ҳақида гапираркан, у буларни сансара ва нирванага, янглишиш ва ҳақиқатга, азобуқубатлар ва халос бўлишга ажратиб бежиз айтмаган, чунки бошқача бўлиши мумкин эмас. Бошқаларга таълим бермоқчи бўлган кишининг бундан бошқа йўли йўқ. Аммо бу олам, Говинда, биздаги ва бизни ўраб турган бу борлик, нарсаларнинг моҳияти икки кутбга эгадир. Инсон ёхуд унинг бирор қилмиши ҳеч қачон мутлақ сансарада ҳам, мутлақ нирванада ҳам эмас, инсон ҳеч қачон мутлақ авлиё ёки мутлақ гуноҳкор бўлмайди. Буларнинг бари бизга шундай туюлади, чунки биз ўз янглишишларимизда вақтни қандайдир мутлақ воқеълик деб биламиз. Бу ундай эмас, Говинда, чунки мен бунга жуда кўп амин бўлганман. Гарчанд вақт мутлақ эмас экан, мангулик ва бизни ўраб турган олам, азоблар ва фаровонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги чегара ҳам ёлғон, янглишдир.

– Бу қандай гап? – дея сўради Говинда.

– Майли, қолган гапни эшит, Говинда. Дикқат билан қулоқ сол. Гуноҳкор, масалан, сенга, менга ўхшаган киши бўлсин – у шунчаки оддий бир гуноҳкор, холос. Бироқ у кун келиб яна Брахман бўлади, нирванага етишади, Буддага айланади. Бас, шундай экан, Говинда, ўша келадиган кун, ўша вақт ёлғон, янглиш. Гуноҳкор покланиш учун, эзгулик йўлида кетаётган киши эмас, зеро бизнинг ожиз ақл кўзларимизгина уни шу ҳолда кўради. Йўқ, аксинча, ҳар бир гуноҳкорда бугун айни вақтда эртанги Будда бор, унда келажакда юзага чиқадиган барча имкониятлар мавжуд. Сен ундаги, мендаги, ўзингдаги келажакда пайдо бўладиган яширин Буддани кўрмоғинг керак. Бу олам, биродарим Говинда, тугалликка, мукамалликка интилаётган олам эмас, аксинча, у ҳамиша мукамал бўлган ва мангу шундай бўлиб қолажак. Ҳар бир гуноҳда тавба яширин, ҳар бир болада кексалик акс этади, ҳар бир чақалокда ўлим, ҳар бир ўлимда ҳаёт яширин. Инсонларга биродарларининг йўлнинг қай қисмини босиб ўтганлигини кўриш илми берилмаган. Ҳар бир қиморбоз, ҳар бир қароқчида Будда яшайди, ҳар бир брахманда эса қароқчи яшайди. Фақат чуқур Ҳол орқалигина вақтни енгиб, ўз ўтмишингга, келажакнингга, бугунингга назар солиш имконига эга бўла оласан, шунда уларнинг бари сенга жуда гўзал, мукамал ва брахманнинг ўзи бўлиб кўринади. Шунинг учун менга бу борлик жуда гўзал бўлиб кўринади. Мен ўлимда ҳаётни,



гуноҳкорликда илоҳийликни, телбалликда эса ақлни кўраман ва буларнинг бари шундай бўлиши керак. Фақат ҳамма нарса менинг хайрихоҳлигимга, буларни кўра олишга тайёр эканлигимга, муҳаббат ила розилигимга боғлиқ, шундагина улар менга зиён-заҳмат эмас, балки эзгуликка айланади. Мен борлиқ ҳаётим, жисму жоним билан шунга иқрор бўлдимки, гуноҳкорлик мен учун зарурат эди, мен ишратпарастликка муҳтож эдим, жаҳолатга, шуҳратпарастликка интилиб, сўнгсиз умидсизликка тушиб, ўзимдаги исёнкорликни енгдим, оламни ўзим тасаввур этгандек, ўзим ўйлаб топгандек мукамал эмас, борица кўришга ўргандим, уни қандай бўлса, шундай ҳис қилдим, унда яшаётганимдан севиндим, қувондим. Ана шунақа, Говинда, мен топган ҳақиқатлар.

Сиддхартха эгилиб ердан тош олди.

– Мана бу тош, – деди у кафти узра тошни ўйнаб. – Кун келиб бу тош ерга айланар, ердан ўсимликка, ҳайвонга, балки инсонга ҳам айланар. Авваллари мен бу оддийгина тош, у ҳеч қандай қийматга эгамас, у маъданлар оламига тегишли, деб ўйлардим. Қачонлардир унга эврилиш чархпалагида жон ато бўлиб, одамга айланса, мен уни ҳам қадрлардим. Ҳа, мен авваллари шундай ўйлардим. Бугун эса бошқачароқ ўйлайман. Бу айни пайтда тош, айни пайтда жонзот, айни пайтда маъбуд ва айни пайтда Буддадир. Мен бу тошни қачонлардир бошқа нарсаларга айланиши учун эмас, унда ўша моҳият азалдан мавжудлиги учун севиб-қадрлайман. Айнан у тош бўлганлиги учун, бугун, ҳозир у менинг кўзимга тош бўлиб кўрингани учун мен уни севаман, унинг ҳар битта чизиғида, ҳар битта ёриғида, рангида, қаттиқлигида, қўл билан урганда чиқадиган товушида, сиртидаги куруклик ва намликда маъно ва моҳият борлигини кўраман. Худди ёғдек силлик, совундек сирғалувчан тошлар бор, бошқалари эса барғни эслатади, яна бошқалари қумни, уларнинг ҳеч бири бошқасига ўхшамайди, уларнинг ҳар бири ўзича муқаддас Аум каломини шивирлайди, уларнинг ҳар бирида брахман яширин ва айни пайтда улар силлик ва сирғалувчан ёхуд ғадир-будир тош, айнан шунинг учун мен уларни қадрлайман, айнан шунинг учун улар менинг ҳайратимга, муҳаббатимга лойиқдир. Рухсат берсанг, бошқа бу ҳақида гапирмасам. Яширин моҳият сўзда акс этмайди. У гўё ёруғликдан чўчиган зулматга ўхшайди. Бирор нарса ҳақида айтишга уриндингми, у албатта, кўз ўнгимизда ёлғон тасаввур қолдириб, биздан сирғалиб кетади, бизнинг тилимизда қадрсиз сўзларгагина айланади. Бироқ шуниси ҳам яхши, шуниси ҳам гўзал ва менинг кўнглимдагидек, чунки бир киши учун ҳақиқат бўлган нарса бошқалар учун, албатта, аҳмоқликдир.

Говинда унинг сўзларини индамайгина тингларди.

– Нима учун сен тош ҳақида гапирдинг? – деди у ниҳоят Сиддхартха гапиришдан тўхтагач.

– Мен бунни атай қилганим йўқ. Балки, мен бу тошни, дарёни, атрофимиздаги кўриб турган ва биз ўрганишимиз мумкин бўлган нарсаларни севганим учун шундай қилгандирман. Мен тошни, дарахтни, илдиз бўлагини севишим мумкин, Говинда, чунки булар нарсалар. Нарсаларни эса севса бўлаверади. Сўзларни эса севишга қодир эмасман, шунинг учун таълимотлар менга бегона. Улар на қаттиқ, на юмшоқ, уларда на чегара, на ранг, на тъам, на ҳид бор. Уларда сўздан ортиқ ҳеч нарса йўқ. Балки, айнан шулар, улкан сўзлар уюми ҳаловат топишингда сенга халал бераётгандир, ахир халос бўлиш, эзгулик, сансара, нирвана – буларнинг

хаммаси шунчаки сўзлар, холос. О, Говинда, ахир нирвана деган нарса йўқ. Нирвана деган сўз бор, холос.

Говинда деди:

– Нервана фақатгина сўз эмас, у фикр ҳамдир.

– Майли, сен айтгандек, фикр бўлақолсин, – давом этди Сиддхартха. – Шуни тан олиб айтиш керакки, фикр билан сўз ўртасида унча ҳам катта фарқ йўқ. Гапнинг очигини айтганда, мен хатто фикрларда ҳам мукамаллик кўрмаганман. Мен учун энг муҳими мавжуд нарсалар. Шу ерда дарё ёқасидаги кулда кўп йиллардан буён фақат дарёгагина эътиқод қилган менинг устозим авлиё бир киши яшарди. У дарёнинг унга айтган сўзларига кулоқ солиб, ундан таълим олган. Бу овоз унга илм берган, ўргатган. Бу дарё унинг учун гўё худодек эди. У кўп йиллар илмсиз яшади. У ҳар бир шамол, ҳар битта булут парчаси, ҳар бир куш ёки митти кўнғизда ҳам илоҳий илмга тўла, у эътиқод қилган дарё каби ўрганишга муносиб нарсалар эканлигини билмасди. Бу авлиё зот ўрмонда узлат қилган вақтда, ҳамма нарсани ўрганди, у сандан, мендан ҳам кўра илмли эди. У буларнинг барига фақатгина дарёга ишонганлиги учун на бирор китобсиз, на устозларсиз эришди.

– Бироқ сен айтаётган нарсалар чиндан ҳам воқеликми? – сўради ундан Говинда. – Ахир булар шунчаки сароб, шарпалар эмасми? Ахир булар ҳийлакор шакл оламининг маҳсули эмасми? Сен айтаётган бу тош, бу дарахт, бу дарё ҳақиқатлар оламига тегишлими?

– Менга буларнинг аҳамияти йўқ, – жавоб берди Сиддхартха. – Агар бу нарсалар моҳиятан шарпа бўлса, демак мен ҳам шарпаман. Демак, мен ва улар бир нарсалармиз. Шунинг учун ҳам мен уларни кадрлайман, уларни эъзозлашга лойиқ деб биламан. Улар менга ўхшайди, шунинг учун ҳам мен уларни севаман. Мана, Говинда, сенга, албатта, кулгили туюлиши мумкин бўлган менинг таълимотим. Мен учун муҳаббат оламдаги энг олий ва энг муҳим нарса бўлиб кўринади. Оламга тафаккур ила боқиш, уни тушунтириш, уни танқид қилишни буюк мутафаккирлар бажараверсин, мени эса ягона бир ҳис шу борлиқни севиш, ундан иллат изламай, ундан нафратланмай, унга ўзимга, борлиқдаги ҳар бир нарсага муҳаббат, ҳайрат, шавқ ила қараш банд қилган.

– Мен буни биламан, – деди Говинда. – Лекин улуғ устоз буларни ҳам ёлғон, сароб дея атаганди. У бизни муҳаббатга эмас, раҳм-шафқат, сабр-қаноат, хайрихоҳликка даъват этганди. У бизни заминий нарсаларга муҳаббат қўйишдан қайтарганди.

– Мен буни биламан, Говинда, – деди Сиддхартха. Унинг кулгиси гўё олтиндек товланарди. – Мен буни яхши биламан, Говинда. Мана, биз фикр чигаллигини ечмоқчи бўлиб сўз ила баҳслашяпмиз. Мен муҳаббат ҳақидаги сўзларимнинг гўёки Говутаманинг қарашларига зид бўлиб кўринишини инкор этолмайман. Шунинг учун мен сўзларга ишонмайман, чунки бу зиддият ёлғон, саробдир. Мен Говутама билан ягоналик ришталари ила боғланганимни биламан, ахир инсон табиатининг барча тубанликларию жоҳилликларини билган, шунга қарамай, уларни севган, машаққатли ва узоқ умрини уларни кутқаришга, таълим беришга бағишлаган шундай буюк зот муҳаббат нима эканини билмаслиги мумкин эмас. Сенинг улуғ устозингни ҳам мен сўзда эмас, ҳақиқатда буюк деб биламан, менга унинг ҳаёти, фаолияти унинг айтган сўзларидан кўра кадрли, унинг хатти-ҳаракатлари муҳокамаларидан кўра афзалдир, мен

унинг ҳақиқий буюклигини фикрларида, сўзларида эмас, ҳаётида, қилган ишларида деб биламан.

Кекса дўстлар бир муддат жим бўлиб қолишди. Ниҳоят, Говинда ўрнидан турди. Кетишга шайланиб таъзим қилди ва деди:

– Мен билан суҳбатлашганинг учун, Сиддхартха, сендан миннатдорман. Баъзи сўзларинг менга ғалатидек туюлса-да, баъзиларига тушунмаган эсам-да, барибир сендан миннатдорман. Умринг тинч, осуда ўтсин.

Бироқ у шу сўзларни айтarkan, кўнглидан шундай ўйлар ўтарди: “Бу Сиддхартха жуда ғаройиб одам-да, унинг фикрлари ҳам ғаройиб, қарашлари ҳам ғалати. Улуғ устознинг қарашлари мутлақо бошқача эди. Унинг аниқ, соф ва тушунарли таълимотида кулгили, ахлоқона, ғализ сўзлар йўқ эди. Менга Сиддхартханинг кўлида, кўзларида, пешонасида, нафасида, кулгисида, чехрасида, юришида унинг айтаётган сўзларидек муҳамлик эмас, бошқа маънолар кўринди. Мен улуғ устоз Говутама нирванага қовушгандан буён бу каби авлиё кишини кўрганим йўқ. Фақат у Сиддхартхагина шундай кишига ўхшайди. Майли, унинг таълимоти менга ғалати, сўзлари эса кулгили бўлиб туюлса ҳам, бироқ унинг нигоҳи, қўллари, танаси, сочлари ўздан шу қадар осудалик, поклик, хушнудлик таратадики, мен бу қадар ҳалимлик ва илоҳийликни улуғ устоз Будда ўзининг сўнги ҳаётини яшаб, боқийликка қовушганидан буён кўрмагандим...”

Унинг кўнглини шундай қарама-қарши ҳислар чулғаш баробарида муҳаббат деган туйғу ҳам қамраб оларкан, Говинда ўрнида тик қотиб ўтирган Сиддхартхага яна бир бор эгилиб таъзим қилди.

– Сиддхартха, – деди у, – бизлар қариб қолдик. Бу ҳаётимизда яна кўришамизми-йўқми, буни ҳеч ким билмайди. Кўриб турибманки, о се-викли биродарим, қалбинг мутлақ ҳаловат топибди. Менга эса бундай ҳол насиб этмади. О, муҳтарам биродар, менга ўзим билан олиб кетгани осон ва тушунарли яна бир сўз айт. Кетишим олдида менга бир сўз ҳаётига эт, чунки менинг йўлим ҳали мушкул ва зулматлидир, о Сиддхартха.

Сиддхартха унга ўша мулоим ва хотиржам кулги ила жим қараб турарди. Говинда ҳам қимир этмас, унинг биродарига қараган кўзларида кўркув ва ҳасрат қотиб қолганди. Изтироблар ва ниҳоясиз изланишлар акс этган бу очиқ китобдан Сиддхартха мангу саргардонликнинг аламли чизгиларини ўқиди.

– Мен томонга эгил, – деди у аста шивирлаб. – Мен томонга яна ҳам пастрок эгил, яна ҳам пастрок... Менинг пешонамдан ўп, Говинда...

Говинда ажабланиб, бироқ унинг ихтиёрига бўйсуниб, муҳаббат ва хайрихоҳлик ила Сиддхартханинг бошига эгилиб, лабларини унинг пешонасига теккизаркан, мўъжиза юз берди: унинг хаёли Сиддхартханинг ғайриоддий сўзлари ила банд бўлиб, у ғайриихтиёрий тарзда онгидан вақтни сиқиб чиқаришга жон-жаҳди билан уриниб, нирвана ва сансарани яхлит дея ўйлашга тиришаркан, унинг қалбида дўстининг сўзларига нисбатан нафрат ва муҳаббат ўзаро қурашаркан, Говинда ўзида ғайритабиий ҳол юз бераётганлигини ҳис этди. Биродари Сиддхартханинг юзи унинг кўз олдида ғойиб бўлди. Унинг ўрнида юзлаб, минглаб чехралар пайдо бўлар ва беҳисоб чехралар улкан, қудратли оқимга бирлашарди. Улар гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолар, аммо бир вақтнинг ўзида шу дарё ўзани узра оқарди. Улар тинимсиз ўзгарар, янгиланар, лекин бари айна вақтда Сиддхартханинг қиёфасида жам эди. У ўлаётган балиқ калласини, азобдан

оғизларини катта очаётган улкан қисқичбақанинг ялтираган кўзларини кўрди. У янги туғилган чақалоқнинг илк йиғидан қизариб, бужмайиб кетган юзини, кимгадир ҳозиргина тиғ урган қотилнинг башарасини, шу қотилнинг кишанбанд ҳолда жаллод кундасида узилган бошини кўрди; у ишқнинг телбавор ўйинларида гўё чирмовиқ ўтдек қовушиб, чирмашиб ётган яланғоч эркак ва аёлни кўрди; у чангак бўлиб қолган сассиз, совуқ мурдаларни, қушларнинг, ҳайвонларнинг каллаларини, буқаларни, филларни, тимсоҳларни кўрди; у маъбудларни: Кришнани, Агнини кўрди. У бу чехра ва қиёфаларни бир оқимга бирлашган ўзаро муносабатларга қиришган ҳолда кўрарди. У уларнинг бир-бирига ёрдам бераётганини, севаётганини, бир-бирини ўлдираётганини, йўқ қилаётганини, айни пайтда бир-бирини пайдо қилаётганини кўрарди. Бу мавжудотларнинг ҳар бири ўлимга ташна бўлар, борлиқнинг беқарор ҳаракатидан уқубат чекар, бироқ бутунлай йўқ бўлиб кетмай, чексиз олам чархпалагига бардош бериб, пайдо бўлар, йўқолар ва ҳар бир бунёдлик ҳамда барбодлик орасида вақт деган тушунча йўқ эди. Бу чехралар, бу қиёфалар жимгина мангулик узра оқар, бир-бирини пайдо қилиб, бир-бирига сингиб кетарди. У бу қиёфалар узра нозик бир вужудни кўрдик, бу гўё шаффоф ойна, муз, юпқа парда ёхуд нафис шакл ниқоби каби эди ва бу ниқоб кулиб турарди. Бу ниқоб – Говинда пешонасини ўпаётган Сиддхартханинг чехраси эди! У бу ниқобдаги кулги шакллар оқимидаги яккаш кулги эканлигини, минглаб туғилиш ва ўлимнинг айни бир вақтдалигини англаганини биларди. Сиддхартханинг бу кулгиси мулойим, нозик, донишнамо, етиб бўлмас, балки бироз шафқатли, балки бироз истехзоли, ўша у юз бор ҳайрат ичра таҳаммул этган минг қиёфали Гоутама Будданинг кулгиси эди. У камолотга етган кишигина шундай кула олишини англади.

Вақтнинг бор-йўқлигини ҳам билмай, бу мўъжиза юз йилми ёхуд бир лаҳзами юз берганини англамай, Сиддхартханинг ҳам, Говутаманинг ҳам, бошқа бирор кимсанинг ҳам бор-йўқлигини фаромуш қилиб, сеҳрланиб, гўё борлиққа сингиб, гўё илоҳий пайкондан дилпора бўлиб, қалб ярасининг лаззатли оғриғидан қувонаркан, Говинда ҳозиргина ўзи пешонасидан ўпган ҳамда ҳозиргина худди сеҳрли ойнадагидек барча шакл-шамойилларни, вужудга келиш синоатларини, олам сирларини кўрган Сиддхартханинг қотиб қолган чехраси қаршисида турарди. Бу ойна унинг минг чехрали чоҳлари сўниб, беркилса ҳам, худди аввалгидек ўзгармаганди. Унинг юзида худди улуғ устоз Говутаманикига ўхшаш мулойим, ҳаракатсиз, нозик, балки бироз меҳрли, балки бироз истехзоли табассум жилваланади.

Говинда эгилиб таъзим қилди. Унинг кексайиб, ажин босган юзидан ўзи ҳам билмаган ҳолда ёш қуюларди. Унинг кўксини чексиз муҳаббат ва итоатли эҳтиром алангаси чулғаганди. Говинда қимир этмай ўтирган биродари Сиддхартханинг қаршисида пешонаси ерга теккунча таъзим қиларкан, Сиддхартханинг кулгиси унга ҳаётида барча қадрли ва муқаддас деб билган нарсаларини эслатарди.

1922 йил.



АНРИ ДЕ РЕНЬЕ

УЧРАШУВ¹

Қисса

*Рус тилидан
Дилдорхон АЛИЕВА
таржимаси*

Чиндан ҳам mezzanino Верана хоним айтганидек, мутлақо ажралиб қолган уй эди. Унга биз остонасида суҳбат қилиб турган яшил эшикдан кириб бориларди. Торгина ҳовлининг ичкарасидаги менинг кўзим тушган зина эса бошқа қаватларга олиб чиқарди. Агар Верана хоним mezzanino нинг ўзи вақтинча эгаллаб турган битта хонасини топширгудек бўлса, унда шу қаватлардан бирига кўчиб ўтиши керак эди. Агар мабодо мен кўчиб ўтадиган бўлсам, хоним йиғиб-тозлашнию хонамдан кўз-қулоқ бўлиб туришни ва бу хизматлар билан боғлиқ ноқулайликларни бўйнига олишга қарши эмасди.

Верана хоним баён этган унчалик ҳам мақбул бўлмаган бу барча жиҳатлар мени сира иккилантиргани йўқ. Аксинча, бу емирилиб бораётган ғайриоддий уйнинг бутун хароба кўриниши қандай кўнглимга ўтиришган бўлса, кўшнларнинг йўқлигию ёлғизликка маҳкумлигим ҳам худди шундай менга маъқул эди. Барибир мен ўзимни саволга тутдим: Венецияда ижарага бериладиган шунча бинолар турганда, сенга муносиби шу дегандек, Прентиналя нега энди айнан шуни менга таклиф этди экан? Шаҳарнинг оддий одамлари истиқомат қиладиган мавзеларидаги хароба қасрларнинг аксарияти ўзининг қадимги бисотларидан ҳеч нимани сақлаб қололмаганди. У ерлар аллақачон антиквар ишкибозларининг чиғириғидан ўтиб бўлганди. Прентиналя менга йўллаган мактубида нималарни ёзмасин, Палаццо Альтиненго ўша қисматга рўбарў келиб бўлганди. Бундан ташқари, қасрнинг на ташқи кўринишида ва на унинг ҳолатида ҳеч бир гўзалликдан нишон йўқ эди. Шунга қарамай, мени Верана хонимга рўпара қилишдан Прентиналяда ўзига яраша важ-қорсон борлигига энди менда шубҳа қолмаганди. Нима бўлганда ҳам болохонани бир кўздан кечириш керак.

Верана хоним истагимни бажо келтиришга рози бўлди. Мендан олдинга ўтиб, йўл кўрсатишига тўғри келгани учун у одоб билан мендан узр сўради. Эшик ортида деярли қоп-қоронғи зина бор эди; оёғим остидаги унинг пиллапоялари сийқаланиб кетганини сездим. Ундан кўтарилар эканман, деворларнинг шўралаб кетганини пайқадим. Альтиненго қасрининг жуда зах бўлиши турган гап эди. Яна йилнинг энг яхши

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

даврида-я! Унда қишда аҳвол қандай бўлади? Верана хоним берк эшик олдида тўхтаганида, мен унинг эътиборини айна шу масалага қаратмоқчи бўлдим.

Остонада турганча бирмунча ажабланиш ва юзаки ишонч билан яхлит, серкўз ёғочдан ясашиб, мис гардиш қопланган, тарам-тарам йўлларига обдан ишлов берилган эшикка синчиклаб разм солдим, негаки у чиндан ҳам гўзал эди. Верана хоним ишдан чиққан лўкидон билан куймаланиб турганида, мен полдаги қора ва долчин рангли плиталар орасида нимадир ялтираётганини кўрдим. Зич қилиб қатор терилган майда мрамор бўлаклари орасига садаф доначалари сийрак қилиб сепиб чиқилганди. Бу ғайриоддийлик мени қизиқтириб қўйганди. Шунда ёдимга Прентиналя тушди ва у нега Альтиненго қасрини томоша қилишга арзигулик жой деганини ва қадим замонлардаги аллақандай венецияликнинг ясама холига ўхшаш остонасига майда садаф доначалари сепилган, олис ва овлоқ Кармини мавзеидаги бу mezzanino ни Верана хонимдан нега ижарага олишни менга маслаҳат берганини ҳам энди англай бошлагандим.

Биз кирган йўлак кенгбаргина эди. Деворлар ганчқори бўлиб, қизғиш ранг устунлигидаги кўкимтир мураккаб ҳандасавий ва ислимий нақшлар билан дид ила безатилганди. Шифтида ҳам худди ўшандай, ғира-ширада қанақа мавзудалигини англаш мушкул бўлган ганчдан тумор шаклида ҳошияланган нақш бор эди. Бир қарашдаёқ, буларнинг бари ҳаддан зиёд эскириб, путурдан кетганни сезиш мумкин эди. Девордаги бўёқлар кўпчиб, сувоқлар ёрилиб кетган бўлса-да, фақирона ва маъюс, кўҳна Венеция уй-жойларининг мафтункорлигини намоён этиб турган нафосату назокатлар таназулга юз тутгани муқаррар эди. Йўлакдан ўша, серкўз, тарам-тарам ёғочдан ясалган бир нечта эшик бинонинг турли ерига олиб чиқарди. Верана хоним кенг хонанинг эшигини ланг очиб юборди ва у ер қанчалик қоронғи бўлмасин, қадимги яшил мрамартошдан ясалган, серхашам каминни мен барибир дарҳол пайқадим. Хоним муқаддас Маргарита анҳори томонга қараган деразани очганида эса камин яна-да яққолроқ намоён бўлди. Хонада каминдан бошқа эътиборни тортувчи ҳеч нима йўқ эди, гулқоғоз парчалари деворда осилиб ётарди. Тўғриси айтсам, бу ер яшашга мутлақо яроқсиз бўлиб, мен энди Альтиненго қасрига кўчиб келишдан қўрқа бошлагандим. Шу боис энди навбатдаги хоналарни кўргани Верана хонимнинг ортидан истар-истамай эргашдим. Аввалгиларга нисбатан таққослаб бўлмас даражада яхши сақланган бу иккинчи хона ўзига хос тарзда обдан пардозланганди. Тўғри, шифтида ёрилган жойлар анчагина эди, уни қачонлардир тўлдириб турган намоён (панно)нинг ҳам матоси тўзиб, кейинчалик устига бўёқ суртиб чиқилганди, бироқ маҳв этилган бу намоён ганчқори ислимий нақш билан ўралган ва энг тепаси ниҳоятда нафис ишланган афсонавий шакллар туширилган тумор билан безатилганди. Кошинли полда эса осмондан ёғилгандай хонанинг тўрт бурчагидан чиққан ёруғ дунёнинг мўл-кўл неъматларию гул ўрамлари тасвирланган жуда кўп нақшлар хонага кўрк бағишлаб турарди. Бари биргаликда меъморнинг диди нечоғлик нозиклигинию рангларнинг бир-бирига қандай ажойиб тарзда уйғун келганини намойиш этарди. Афсуски, булардан фойдаланиш имконини кўрмаётгандим, шу боис бу ердан фақат ёқимли хотираларнигина олиб кетишни ва маъбудчаларимни жой-

лаштириш учун эса бу ғалати mezzanino дан ва ҳаддан ташқари ноқулай Альтиненго қасридан бошқа бирон жойни излаб топиш фикри менга маъқулдек туюлди. Бу ҳақда Верана хонимга оғиз очмоқчи эдим, бироқ у ғойиб бўлганди, шу пайт мендан аввалроқ кирган хоним навбатдаги хонанинг деразасини шарақлатиб очиб юборди ва мен ҳайратдан донг қотиб остонада туриб қолдим. Оҳ, дўстим Прентиналяни мен шундагина тўғри англай бошлагандим!

Бу деярли чорси, иккита деразали танобий бўлиб, деразалар ўртасига сариқ мраммрдан камин ишланганди ва унинг устидан жимжимаси зарҳалли кўзгу илиб қўйилганди. Девор бўёғи мрамртош рангига ва қадимий олтинга мос тушганди. Деворлар ёқимли малла рангга бўялган бўлиб, улардан асал ҳиди анқирди, бу мўъжизавор ва нафис рангнинг устидан чекилган барча услубдаги тенг ёнли жимжимадор безаклару оппоқ ганчкори нақшлар бир бутунликни ҳосил қилган эди. Шаклшамойили кишини лол қолдирувчи бу жимжимадор нақшлар, тилларанг ва қора бўёқлар Хитой ҳаётининг манзараларини акс эттирган бўлиб, хонанинг учта деворини қамраб олган оқ чиннига туширилган улкан суратни ҳошиялаб турарди. Ҳар бир расмнинг ўнг ва чап томонида худди шундай ганч ҳошияли яна иккита чоғроқ бошқа намоён ҳам бор эди. Шифтига кам- кўсти al fresco шаклидаги қушлар, гуллар ва ҳашаротлар расми билан тўлдирилган ўшандай хитойча услубдаги безаклардан пардоз берилганди. Фарш қилинган полнинг у ер-бу ерига садаф бўлакчалари сочиб ташланганди ва меҳмонхона бурчакларидан бирига ўрнатилган сариқ мрамртош ҳошияли маҳобатли кўзгудан эса хонадаги бор ҳашамату эртакнамо жилвадор манзаралар фавқулодда мафтункор ва сирли акс этиб турарди.

Венециянинг нафис ганчли нақшларини мен кўп маротаба ҳузур билан томоша қилганман, уларда венециялик ҳунармандларнинг маҳорати манаман деб турарди, бироқ ҳозир кўз ўнгимда намоён бўлган, киши ҳаёлини аллақайларга етакловчи беназир ижод маҳсулини ҳали ҳеч ерда учратмаганман. Кўзгулар, ислимий ва яна бошқа услубдаги жимжимадор нақшлар, шакллар, чиннилар – барчаси ўзининг нафислигию кўркемлиги билан тенгсиз нафосатни ўзида мужассам этганди. Олд томони кулранг ва шарти кетиб, парти қолган дераза қопқоғи яшил, кир ва ис босиб кетган эски ва аянчли кўринишдаги бу қадимги қаср ичида бундай тасодифий мўъжизани учратиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаса керак. Венециянинг бир тупкасидаги ташландиқ бу кўҳна қасрга каминани жўнатаётиб, Прентиналя мана шу нафосат мени асир этишини олдиндан сезган! Ўзининг олислигию осойишталиги билан мендек ғарибни ўз бағрига олиб, уни хушбўй бол исига тўйинган муҳити билан эркаловчи, орзулар томон етакловчи, нақшлари билан ҳаёлимни банд этиб, дилгир кезларимда ёқимли ўйинчоқлари суҳбатдошимга айлангувчи, хитойча тасвирлар билан мени юпатишга тайёр тургувчи бундай масканни мен яна қаердан топардим?

Мен Верана хонимга ўгирилдим-да:

– Бу жуда менбоп жой экан, Верана хоним. Марҳамат қилиб, шартномани ҳозирлайверинг, бу ерга мумкин қадар тезроқ кўчиб келмоқчиман, – дедим.

Келганимдан бери чурқ этиб овози чиқмаган Верана хоним хўп деган-дек бошини ирғади. Бундай гунглик менга яхшилик аломати бўлиб туюлди. Хўжалигимни бошқариш арафасида турган хонимнинг эзмалигидан хавотирга тушишга ўрин йўқ эди. Уй бошқарувчиси бўлишга лойиқ бу ичимдагини топ дегувчи аёлни фақат орзу қилиш мумкин; ҳа, уни мен айнан шундай ном билан атагим келарди, негаки, Верана ўзини оғир-вазмин тутиши билан одатдаги хизматкорлардан жиддий фарқ қиларди. Тўғри, хушфёъл опа-сингил Трижаниларнинг қўлидан келадиган ноз-карашмаларни у эплай олмасди, бироқ, барининг эвазига, унчалик ҳам жозибадор бўлмаган, лекин боодоблиги юз-кўзида акс этиб турган бу мўътабар аёлнинг жиллақурса, одатлариму зарур талабларимни ҳурмат қилишига ишонардим.

Вестибюлнинг бошқа тарафида mezzanino таркибига кирувчи яна бир нечта хона бор эди. Верана хонимга эргашиб, мен ҳам ўша томонга ўтишимга тўғри келди. Унча катта бўлмаган ошхона билан ёнма-ён жойлашган шу хоналарнинг бирида хонимнинг ўзи вақтинча қўним топганди. Хоним, мен кўчиб келишим биланоқ қаср қаватларидан бирида яшовчи дўстлари ёнига кўчиб ўтишини айтди. Бинобарин, шу тариқа мен ўз маконимда бутунлай ёлғиз қолишимни аёл шу тариқа маълум қилиб, мени олдиндан огоҳлантириб қўйди. Хоним у ерга фақат мен ундан илтимос қилган майда-чуйда юмушларни бажариш учунгина келиб-кетиши мумкин экан. Яшашга бирмунча яроқли бўлган мана шу хонадан бошқа, саройнинг қолган ярми батамом хароб аҳволда бўлиб, ана тўкиламан-мана тўкиламан деб турарди. Менга тегишли жойнинг охири катта танобий бўлиб, ташқи зинасидан полизи ва бир қанча дарахтлари бор боққа чиқиларди. Боғ этагига антика бино тушганди. Ундаги устунларни ва безакларни кўриб ибодатхонами, дейсиз, аслида бу қасрга тегишли эски Казино¹ эди. Мен буларнинг барига хийла бепарво назар ташладим. Камина тезроқ ганчори танобийга қайтишга ошиқардим.

Куёш нуридан унинг тилларанг жилоси яна-да мафтункорроқ бўлиб кетганди. Умидбахш ғамгинликка тўла танобийда баён этиб бўлмас ҳаяжондан нафасим сиқаётганини ҳис этдим. Бу ерларга мен қайси қонунга асосан бостириб кирдим? Эгасиз қолган бу ташландиқ ер менинг ташрифимга зор эдими? Аслини олганда, уларнинг сирли оламига суқилиб киришга мени нима мажбур этди? Эй воҳ, тортинчоқ мусофир бўлиш ҳар ҳолда менинг қўлимдан келмаса кераг-ов! Мен ўзим билан на ёшликка хос хурсандчиликнию ва на саломатлик йўлдоши бўлмиш табассумни ҳады эта оламан. Ҳаёт билан деярли алоқани узганман, айни пайтдаги аянчли аҳволдан мени халос этувчи бу шаҳар билан ўтмишдаги муносабатларимни тиклаб, қайта жонланиш умидида Венецияга ташриф буюргандим! Беҳуда уринишу телбанамо орзулар! Эски Альтиненго қасри ўзининг чалажон сукунати бағридан оёғини гўр тортиб турган бир ғарибдан бошпанасини дариг тутмас деб ўйлайман. Ва мен мрамор хошияли улкан кўзгуда ўзимни жуда олисда, тушуниб бўлмас хира бир алпозда турганимни кўрдим, гўё вужудим тўсатдан безабон қўланкалар оламига тушиб қолгандек эди...

¹ Боғдаги уй, шийпон.

Янги бошпанамни эпакага келтириш учун роса бир хафта керак бўлди. Энг биринчи бажариладиган иш, у ерни обдан тозалаб чиқиш эди. Бу юмушларни Верана хоним иккита кўшни кампир кўмагида уддалади. Улар деворларни артишди, кошиндор фаршларни сувни аямай астойдил ювишди. Икки ёрдамчи шу ишлар билан андармон бўлиб турганда, қасрнинг бир бурчагидаги ўзимга тегишли уй учун зарур жиҳозларни излаб топишга киришиб кетдим. Жўнаш олдидан Прентиналя менга қолдирган маълумотлар ёрдамида тўшаги ҳали яп-янги, ўзи ялтираб турган темир каравотни ва барча асбоб-анжомларга эга пардоз курсисини ижарага олишга муяссар бўлдим. Ўзимга зарур ёстиқжилд ва чойшаблар ҳам сотиб олдим. Мебелга келсак, эртақлардагидек шундай ажойиб уйимни, қандайдир дидсизлик маҳсули бўлмиш жиҳозлар билан кўримсиз аҳволга келтириш фикридан кўнглим беҳузур бўлди ва мен ҳурматли Лоренцо Зотареллига мурожаат қилишга қарор қилдим.

Зотарелли – венециялик антиквар. Бу одамни бир вақтлар менга ундан мамнун бўлган дўстим С. тавсия этгани ва бундан сира афсус чекмадим. Тўғри, Зотарелли сотаётган буюмларининг барини чиндан ҳам қадимдан қолган деб бўлмасди, бироқ, буни очикдан-очик тан олмасанда, шубҳали буюмларни тақлиф эта туриб, у одоб билан билинар-билимас маъноли жилмайиб кўярди, чунки баъзи бир малакаси етарлиларга унинг моли сохталигини билиш чўт эмасди. Борди-ю, харидор огоҳлантиришни назар-писанд қилмай, ўз билганидан қолмайдиган бўлса, унда Зотарелли эътироз билдириб ўтирмасди. Ҳамма нарсанинг меъёри бўлганидек, ундан ҳам керагидан ортиғини талаб қилиш инсофдан бўлмасди. Ҳар бир касбнинг ўзига ярашиқли ахлоқ-одоб қоидалари бўлади ва булардан Зотарелли ҳам мустасно эмасди. Нодон ишқибозу ўзига бино кўйган ўзбилармонларнинг жазоси шу! Шундай қилиб, савдодаги бундай тушунмовчиликларни Зотарелли ўзидан соқит қиларди, бундан ташқари, у, ҳақиқатан ҳам жуда самимий ва илтифотли, буюрилган ишдан бўйин товламайдиган, ҳожатбарор инсон эди.

Унинг Спадарида, Сан-Марко майдонининг орқа томонида чоғроққина дўкони бўлиб, у ерда шиша буюмлардан тортиб, чинниларгача, тўрдан тортиб, майда-чуйда безак буюмларгача тартибсиз уйиб ташлангани; лекин унинг Санта Мария Формоза ёнида булардан каттароқ буюмларга мўлжалланган яна битта дўкони бор эди. Менинг Зотареллига жуда кўп ишим тушарди, негаки, камина гарчи ноёб буюмлар йиғишга ишқибоз бўлмасам-да, Венецияда бўлганимда, ундаги қадимдан қолган унча-бунча буюмларни жон-жон деб харид қилишдан ўзимни тия олмасдим. Шу боисдан айни вазиятда унга мурожаат этишим мутлақо табиий ҳол эди; мабодо жўнаб кетгудек бўлсам, уларни мен яна қайтариб олиши учун қадимий уй жиҳозларининг зарурини айнан унинг ўзидан сотиб олишни истардим.

Спадаридаги дўконга кирганимда, Зотарелли ўровдаги гулли шиша идишлар, ҳайкалчалар, балюстрада¹ ва устунли пешайвонлардан иборат мураккаб тузилмали сюрту детабель жамламасини битта-битта олиб столга териб кўймоқда ва стол устида ихчамгина, нафис, гўзал боғ ву-

¹ Балюстрада – нақшинкор панжара.

жудга келмоқда эди. Ўзининг сермашаққат ишига шўнғиб кетган антиквар кириб келганимни сезмай ҳам қолди ва мен аввал бундай ишга ҳеч қўл урмаган бўлсам-да, уни узоқдан бемалол кузатишим ҳам мумкин эди, бироқ мени сотувчидан кўра унинг буюмлари кўпроқ қизиқтириб қўйганди. Зотарелли кўзимга калласи катта, қўллари чакқон, паст бўйли бакалоқ одам бўлиб кўринди. Унинг эпчил ҳаракатларига маҳлиё бўлиб қараб турарканман, бирдан менга кўзи тушиб, қувонганидан қичқириб юборди. Шундан сўнг ишга алоқадор қизгин суҳбат бошланиб кетди, унга Альтиненго қасри хусусидаги фикрларимни тортинмай, эркин баён қилдим. У ерга кўчиб боришим уни хиёл ажаблантирди, шекилли, менга ғалати қараб қўйди. Прентиналья номини эшитиши биланоқ афтида онийлик бужмайиш пайдо бўлди ва мен буни ўзимча бирон-бир можаро билан боғлиқ бўлса керак, деб ўйладим. Юзидаги бу ўзгаришга у ҳеч бир қўшимча изоҳ бериб ўтирмай, мени зудлик билан Санта Мария Формозадаги дўконига таклиф этди.

Ўзимга энг маъқул мебелни танлаганимдан сўнг у деди:

– Демак, мен буларнинг барини Альтиненго аи Кармин қасрига, Верана хоним ҳузурига жўнатишим лозим.

Бундан чиқди, у Верана хонимни билар экан-да? Бу аёлнинг кимлигини билиш учун бундан яхши имконият бўларканми! Бу хотин ким ўзи? Унга ишонса бўладими? Ярим вайрона бу қаср қаватларидан бирини ижарага бериш ҳуқуқини у қандай қилиб қўлга киритди экан?

Одатда сергапгина Зотарелли саволларимга эриниб сукут сақлашни маъқул кўрган кишидек истар-истамас жавоб берарди. Верана хоним – яхши оиладан чиққан аёл, у кўп қийинчиликларни бошдан кечирган. Зотарелли аёлни биларди, десак ҳам бўларди, билмайди десак ҳам. У илгари Венецияни тарк этганди. Бу аёл, афтидан, анча ҳурматга лойиқ инсону бироқ, у тўғрисида Зотарелли узил-кесил бир нарса дейишга ботинолмаётганди. Одамларни билиб бўлармиди! Шубҳали нарсалар тўғрисида гап кетганда, киши қай аҳволга тушса, Зотареллининг ҳам юз-кўзида худди ўшандай ифода намоён эди. Ҳафсалам пир бўлди. Охирига етмай қолган бундай чала-чулпа гап кимга керак! Саволнинг кетидан қуваверганим унинг охири ғашига тегдими, хиёл кўрслик билан деди:

– Мен бошқа ҳеч нима билмайман. Саволларингиз ҳам бор бўлсин! Уларни сизни Альтиненго қасрига юборган ўша жаноб Прентинальяга беринг-да, ундан сўраб-суриштираверинг! Ҳа, дарвоқе, яна бир нималар ёдимга тушди: бу Верана деганлари, бир вақтлар Каза дельи Спиритда лорд Сперлингнинг қўлида хўжалик бошқарувчиси бўлган. Сўнг аёл у ердан кетган. Гап-сўзларга қараганда, аёл Альтиненго қасрида оилавий пансион очиш ниятида бўлган, бироқ бу уй омонат, устига-устак жиддий таъмирталаб ҳам эди. Ва бундан ташқари... бундан ташқари... Айтганча, сизга бошқа ҳеч нима керак эмасми?

Венециянинг ҳаёт қайнаб-тошган даҳасию Сан Марко ва Спадаридан олисда хилват бир жойдаги бу кўхна қасрда яшашни ихтиёр этишим, чамаси олийҳиммат Зотареллини таажжубга солганди. У ҳеч бир гапни очиқ-ойдин гапиришга одатланмаганди, бироқ режаларим унга маъқул эмаслиги сезилиб турарди. Мебелларини Фондамента Фоскариндаги олис mezzanino га олиб кетишларини у маънос ҳолда кўз олдига келти-

рарди. Шунга қарамай, у, жиҳозларни ўз манзилига эртагаёк жўнатиб юборишга ваъда берди, бунинг устига, одатда, хизматга доим ҳозир у нозир бундай одамни, молларни шахсан кузатиб боришни, боргач эса жой-жойига қўйишга ёрдамлашишни таклиф этмагани мени ўйлантириб қўйганди. Зотареллида Прентинальяга, Верана хонимга ва Альтиненго қасрига қарши ҳали мен англаб етолмаган қандайдир янглиш фикр мавжуд эди. Венецияликларнинг қалби сир-синоатга тўла эди ва шу боис ҳам қимматли антиквар дўстимдан бундан ортиқ маълумот ололмаслигимга кўзим етганди.

Тушликкача менга ҳали бирталай ишлар мунтазир эди. Турар жойимни тартибга келтириб берган икки кампирга Риальтадаги дўкончадан шолрўмол харид қилмоқчи эдим. Энди ўша томонга йўл олай деб турганимда, бирдан мазам қочиб, ўзимни беҳол сеза бошладим. Бошим айланиб, назаримда, ўзимни ҳозир ташлаб юборай дердим. Бу пайтда мен Санта Мария Формоза черкови ёнида турардим. Риода бўш гондола чайқалиб турарди. Мен гондолагига ишора қилдим. У қуйига энган зина-поянинг олдига келиб тўхтади. Яқин орада айланиб юрган *gampino*¹ гондолани ўзининг чангаги билан ушлаб қолиш учун югуриб келди. Ўзимни ёстикқа ташладиму бироз ўзимга келгандек бўлдим, бироқ бу воқеа ҳали тўла қувватга кирмаганимни англаб туриб турарди. Келган куним окшомдаги ночор аҳволим кўзимни каттароқ очиб, ақл билан иш кўришим лозимлигидан дарак берганди. Кўл бўйлаб сайрдан сўнг аҳволим яхшиланиб қолса керак, деб ўйлагандим. Зўриққан асаблар учун бундан ортиқ даво борми!

Ҳузурбахш Венециянинг бундай саёҳатлари менга ҳамшиша завқ бағишлаган. Мен фақат шу мақсадни кўзлабгина гондоладан фойдаланардим, бошқа пайт унга кўпам ишим тушавермаган, одатда кўпроқ яёв юришни маъкул кўрганман. Бироқ ҳозир кўчада юрадиган аҳволда эмасдим. Агар ёстикқа бошимни кўйиб, енгил қайиқнинг бир маромда тебраниши жонимга оро кирмаганида, дардманд аҳволим бундан бешбаттар бўлиши мумкин эди. Мен ижарага олган гондола ажойиб чиқди. У гондолалари таклиф этилиб, *barcaго*²лари пойгада соврин олган гондолалардек *premiata*³ эди. Менинг *barcaго*им эса баланд бўйли, хушбичим, чаққон ва тажрибали эшкакчилардан бўлиб, билишимча, у эшкак эшишда биринчилардан эди. Биз, Санта Мария Формозани Фондамента Нуоведан ажратиб турган масофани тез сузиб ўтдик, бу ерда деи Мерканти дарёси кўкда ва сувда ўзининг қудратли ва улуғвор мрамарсимон кўприги аркини намоён этганча кўлга қуйиларди.

Кўлга мана шу *gio* бўйлаб Мендикант кўприги тагидан кириб бориш менга жуда ёқарди... Унинг кетидан ўша захоти бир зайлда рангини ўзгартириб турувчи сув теп-текис, ёйилиб оқарди. Венецияни ўраб турган бундай ноёб ва кенг денгиз ойнасини ҳеч қаерда учратмайсиз. Ўлик кўл деб аталувчи кўлнинг бу қисмида сув кўтарилиши кам учрайди ва гўё ўз номини яхшироқ оқламоқчи бўлгандек, у Ўлик оролларни, тушимиздагина кўрадиган ўша қалъанамо, қирмизи кунгурали деворли қизил Сан-Микелни ювиб турарди. Яна шу кўл ўзининг мудроқ босган сувлари, мангу сукунати билан бошқа оролларни ҳам ўраб олганди ва Сан-

¹ Чангакчи.

² Эшкакчи.

³ Мукофотланган.

Микел билан биргаликда, Венеция ороли билан кўшничиликда унинг бир-бирига яқин турган шимолий тўп ороллари (архипелаги)ни ташкил этарди: Мурано – улкан ўчоқларида шиша қайнайдиған маскан; Бурано – тўр тўқувчи аёлларнинг абжир қўллари венецианча тасаввурдаги энг гўзал нақшлар тўқийдиған ер; Торчелло ва Мазарбо – ўзининг франсис-кача сарвларини тенгсиз танҳо сувда акс эттирувчи, кишини талвасага солувчи Сан Франческо ин-Дезерто ин қурган маскан. Гарчи кўл нурнинг ажиб товланишидан баъзи-баъзида ранг-баранг тусда жиллоланиб турса-да, бари ўзига хос тушқун қайфиятни бир бутунликда акс эттирарди. Мен у ерда рангларнинг ажойиб ва ғаройиб товланишини кузатишга муяссар бўлганман, бироқ, одатда у ерда ғам-ғуссадан холи қайғули таассурот, афсусдан холи умидсизлик, кўмсашдан холи ёлғизлик ҳукмрон эди, – бу маскан сокинликка, бир турлиликка ва хомушликка маҳқум эди.

Ўша куни, – айтиб ўтишим лозимки – бари бениҳоя маъюс кўринди. Ҳаддан зиёд нафис туман кўк билан об-ҳаёт ўртасида тўлқинланиб турарди. У Сан-Микелни сернам ва енгил чойшабга буркаб ташлаган, Муранони эса тасаввурдаги оролга ўхшатиб кўйганди. Бу кунни олис сайрга отланишга арзирли кун деб бўлмасди, очик кўлдан лаззатланиш эса, у, шунга ўхшаш қош қорайганда келгувчи ўзгача туйғу – ҳаётдан буткул алоқани узиш туйғуси. Бунинг устига анча кеч кириб қолганди ва мен гондолачига шаҳарни айланиб ўтишни, сўнг Канарежо бўйлаб қайтишни буюрдим. У дарров мен айтгандек қилди. Гондола эшакнинг бир меъёрдаги шапиллаши остида майин сирпаниб борар эди. Мен чала юмилган кўзларим билан товушга қулоқ тутдим; кема куйруғидаги қадам товушларини, дарахт ва сувнинг ҳар турли шовуллашини бепарво тинглардим. У мени, яна ҳис этишга тўғри келган ўша номаълум ғам-ғуссадан, ваҳимага ўхшаш асосиз надоматдан чалғитарди. Бироқ бу бемаъни туйғунинг келиб чиқишига ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Шундай бўлса-да, кўзғалмас сув бўйлаб ҳаракатланиб борганимиз сари мендаги хавотир ортиб борарди. Мен хаёлларимни Зотареллидан олган жиҳозлару Альтиненго қасридаги нақшларнинг баъзи бир қисмларига ва ҳатто олдинда турган тушлик таомномасига қаратиб, ўзимни чалғитишга бекор уринган эканман. Барига қарамай, азоб бермагунча тинчимайдиған зўриқтирувчи бу туйғу менга ўз зулмини ўтказа бошлаганди. Азбаройи аҳволим танглигидан, юракни ғам-ғуссадан фориф қилиш мақсадида гондолачи билан гурунглашишга қарор қилдим-да, унга томон ўгирилдим. Шубҳасиз, у бу ҳаракатимни биз қаердамиз деган саволга йўйди ва менга Венеция кўлидаги дўнгликнинг энг чеккасида, туманлар ичида юксалиб турган тўртбурчак бинони кўрсатди ва эшакка энгашганча қичқирди:

– Бу – Каза дельи Спирити бўлади, жаноб.

Биз чиндан ҳам Каза дельи Спирити рўпарасида турардик. Мен уни сўнги бор, лорд Сперлинг ҳар хил ҳангоматалаб кўзлардан яшириб, албатта, рухий изланишлар лабораториясини жойлаштириш учун лорд Сперлинг сотиб олишидан аввал кўрганимда қандай бўлса, ўшандайлигича турарди, заррача ўзгармаганди. Негаки, Сперлинг оккультизмнинг¹ ашаддий мухлиси эди... Мен у билан илк бора танишган ўша кезлардаёқ у бу мавзу билан шуғулланарди. Каза янги вазифасию янги хўжайинига қарамай, ўзининг аввалги кўринишини деярли сақлаб қололганди. Ташқи

¹ Оккультизм — бидъат ва мўъжизаларга ишониш таълимоти (Тарж.)

кўриниши бирон-бир ўзгаришга учрамаганди; бинонинг олд томони-га аввалгидек, сариқ рангли сувоқ тортилганди. Лорд Сперлинг илгари бекитиб ташланган бир неча деразани аслига келтириш билангина чекланди, ишдан чиққан айвонларнинг айрим кам-кўстини тўғрилади, итальянча уй-жойларга бу қадар хос, баландда жойлашган, саллага ўхшаш қалпоқчали мўриларни қайтадан қуришни буюрди ва Прентиналя айтган ўзгаришларни фақат ичкаригагина киритди, холос. Эҳтимол, Каза, Сальвицилар авлодининг қадимдан қолган бу қасри лорд Сперлингнинг кўнглидагидек кўринишини сақлаб қолгандир. Унда дид ҳам, билишга интилиш ҳам етарли эди. Мен унинг уйида бўлган ўша кезлар ёки биз, Гогенберг ва Прентиналя билан бирга Флориан қаҳвахонасида “хитойликнинг пойида” у билан учрашганимизда, унинг Венецияда ўз келажигини тиклашга тайёргарлик кўриш учун жуда кўп қадимий буюмларни сотиб олаётганига гувоҳ бўлгандим. Ўша пайтларда у меҳмонхонада яшарди ва сотиб олган бойликларини савдогарларнинг омбухоналарида сақларди. Энди улар чамаси, у ердан айвони кўлга қараган боғи бир вақтлар қаровсиз қолган, назаримда ҳозир нақшинкор панжаралар оша деярли сувгача осилиб тушган дарахтларию қалин атиргуллари обдан текисланган Каза меҳмонхоналарини безатиш учун олиб кетилган.

Туман сирли жозиба бахш этган Каза дельи Спирити, шундай гуллаб-яшнаган айвони бўлишига қарамай, ўзининг жозибали кўринишини сақлаб қололмаганди. Лорд Сперлинг шубҳасиз, машғулоти учун ўзига ғоят боп жойни топганди. Рухларни чақиришда ва яна бошқа баъзи бир тажрибаларини ўтказишда унга халақит берувчи бирон зот бу ерга яқин йўламасди. Бу тажрибаларнинг табиати Сперлингнинг Вильям Крукснинг шогирди бўлганига ҳеч шубҳа қолдирмасди! Мен аввал тилга олганимдек, Сперлинг “хитойлар” давридаги нариги дунё муаммолари билан шуғулланган. Уни, вазн йўқотиш, нарсалар жойини ўзгартириш, сирли гулларнинг пайдо бўлиши, моддий тус бериш, фотографик пластинкага қайд этиб кўйиш каби ғалати ҳодисалар борасида Англия олимлари эришган ажойиб натижаларни ҳикоя қилиб берганини кўп бора эшитганман. Назариядан сабоқ олиб бўлгач, Сперлинг, энди, албатта, амалиётга ўтишни хоҳлаганди. Омма берган ва унга яхшилик аломати бўлиб туюлган ном, шубҳасиз, Каза дельи Спиритини сотиб олишга туртки бўлганди. Крукс бу барча “мўъжиза”ларга алоҳида ғайритабиий қобилияти ёрдамида эришганди ва Сперлинг ҳам унга шундай восита билан эришиши лозим эди. Бу масалада Венеция зарур одамларни етказиб беришга доим тайёр турарди. Зотареллининг айтишича, илгари Сперлингда хизмат қилган Верана хоним, Сперлингнинг баъзи бир рухий тажрибаларида ҳам ўзи иштирок этмаганмикан, иккинчидан – Шаҳар Музейидан тасодифан ғойиб бўлган кичкина бюст билан Флориан қаҳвахонасида учрашганимизда иримчи Прентиналя сўзлаб берган фантасмагорик ҳодисалар ўртасида бирон боғлиқлик йўқмикан, дея ўзимга савол бердим. Нима бўлганда ҳам, бунинг менга кўпам дахли йўқ. Энг муҳими, Прентиналя менга Альтиненго қасрини кўрсатди ва яна бундан-да муҳимроғи – бу Верана хоним ўз зиммасига олган вазифани қанчалик пишиқ-пухта бажара олишида. Шаҳар Музейидаги мафтункор ҳайкалчага келсак, у ўз жойидан қандай йўл билан ғойиб бўлган бўлмасин, – бу ўғрининг ишими, ё сеҳргарнинг, – бунинг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ! Ҳайкалчада тасвир-

ланган назокатли венециялик асилзода, у ёки бу тарзда устомонлик билан жуфтакни ростлашнинг уддасидан чиқа олган. Турган гап, у ҳаётда кўп саргузаштларни бошдан кечирган, бироқ бу сўнггиси унинг истехзоли жилмайиб турган соясига мос тушган.

Буларнинг бари ҳақида фикр юритгунимча, гондола аллақачон Кана-режога етиб келганди. Ортимизда туман босган кўл суви ястаниб ётарди, бирдан туз ва балчиқ иси димоққа урилди. Олдиндаги шовқин-суронли ва путури кетган бўлса-да, ҳали жозибасини йўқотмаган хушманзара кирғокда кўхна қасрлар савлат тўкиб турар, улардаги фонус ва дераза чироқлари бир-бир ёна бошлаганди. Ўлик тўлқинлар сукунати ҳаёт қайнаган даҳанинг шовқини билан ўрин алмашди. Биз оғир юк кемалари ва sandolo¹ларга дуч келиб қолдик. Ҳаётга аста-секин, эшакнинг ҳар бир зарби билан баравар қадам кўйиб борардик ва бундан ўзимни, шубҳасиз, енгил ҳис эта бошлагандим, шу боис Риальтога етиб келганимизда, қайиқчига тўхташ ишорасини қилдим. Меҳмонхонага яёв боришни хоҳлардим ва йўл-йўлакай кўприкдаги дўконларнинг биридан, Верана хоним бошчилигида ва ниҳоят, мен ҳадемай кўчиб бормоқчи бўлган Альтиненго қасридаги mezzanino ни саранжом-саришта қилиб берган иккита кампирга венецианча шолрўмол харид қилмоқчи эдим.

* * *

Кўл бўйлаб сайрнинг эртасига Альтиненго қасрига Зотарелли юборган жиҳозлар келтирилди. Жиҳозларни шахсан ўзим қабул қилиб олиш ва уларни қандай жойлаштириш ҳақида бош қотириш учун қасрга барвақт жўнадим. Тирсагимни дераза раҳига тираганча, ташқарига қараб уларни кута бошладим. Ташқарида ҳаво очиқ ва ёқимли бўлиб, кечаги тумандан асар ҳам қолмаганди. Аввалги касалликлардан қолган оғриқни сезмаётгандим. Умуман, зўрайган камқувватлигу нисбатан соғлом ҳолатим орасидаги ўзгаришга кўникиш пайти келмадимикан? Гарчи бетоб бўлмасам-да, майли, айтайлик, энди тузалаётган бемор бўлсам, батамом оёққа туришим учун жисмоний хасталигимга қарамай, мени таъқиб этишда давом этаётган ва бундай вазиятларда асқотувчи яхшигина ёрдамчи бўладиган ўша, ҳаётга ташналик ҳисси етишмаётганини асло ёддан чиқармаслигим керак. Менинг Венециядан бор-йўқ умидим бу – ҳаётни бус-бутунича қабул қилиш ва унинг бир хил, зериктирувчи, маънос турмуш тарзидан таскин топиш. Хурсандчиликсиз бу қониқишни, бахтиёрликсиз осойишталикни яратиб бермоқ учун Альтиненго қасри ўзининг ғарибона ва тинч ҳаётини менга таклиф этганди. У мени меҳмондўстлик билан кутиб олади ва у менга қайсидир маънода тақдир томонидан ато этилган дея ўзимда ўша заҳоти унга нисбатан пайдо бўлган майлни туйдим. Эҳтимол, агар кейинчалик бу майл бузилмас дўстликка айлангудек бўлса, балки ўшанда бутунлай кўчиб келарман. Ҳозирча бу уйни тақдир тухфа этган вақтинчалик бошпана дея қабул қиламан.

Кундузи соат иккилар чамаси Зотарелли жўнатган уй жиҳозлари ортилган юк кемасига кўзим тушди. Бу ҳапқат ва зил-замбил кема Фонда-мента зинаси ёнига келиб тўхтади. Зотарелли юкларни тушириб олиш

¹ Sandolo – таги ясси ов қайиғи.

учун менга иккита одамни ҳам кўшиб жўнатганди. Антиквар шахсан ўзи келолмагани учун мендан узр сўраб, уларнинг биридан хат ҳам бериб юборганди. У янги жойимда соғ-омон ҳаёт кечиришимни тилабди, бироқ бу тилак менга хиёл киноя билан ёзилгандек туюлганди. Чиндан ҳам қадрли Зотареллининг қалбида Альтиненго қасрига қарши “нимадир” пинҳон эди. Мен мактубни яширдим-да, юкларни туширишни буюрдим. Айтишим жоизки, бу кишилар венецияликлар таомилига қарши ўлароқ, ниҳоятда шошмашошарлик билан ишларди. Афтидан, улар ишни тезроқ тугатишни хоҳлардилар. Менинг кўрсатмам билан жиҳозларни хоналарга жойлаштиратуриб, улар атрофга олазарак қараб кўйишди. Ишни тугатиб, ҳақини чўнтакка урган ишчилар шитоб билан зинадан тушиб, жуфтакни ростлаганча ўзларини юк кемасига отдилар ва мен ўша заҳоти кема эшакларнинг кучли зарби билан қандай жойидан кўзғалиб, канал суви бўйлаб узоклашаётганини эшитдим.

Яшаш мумкин бўлган mezzanino нинг уч хонасини мана шу тарзда эгалладим. Камини яшил мрамартошдан қурилган хонага уст-бошимни; тумор шаклидаги безаклар ичига афсонавий тасвир туширилган бошқа хонага – вақт ўтиши билан мўъжизакор антиқа мато тусига кирган қадимги Венеция қоғози қопланган ўн тавақали баланд парда ортига қаравотимни жойлаштирдим. Улкан жавон, курси ва бир неча суянчиқли ўриндиқлар, қадама нақшли фаршга жуда мос тушган, ҳамма ёғига гул ва мевалар расми солинган пастак жавон билан биргаликда уйнинг кам-кўстини тўлдирганди. Девордаги безакларни бирон нима тўсиб кўймаслиги учун ҳаммасидан кўра кўпроқ ғамини ейишим керак бўлган ганчкори нақшли танобий учун мен Зотареллидан XVIII асрда Венецияда жуда кўп ишлаб чиқарилган уч дона улкан ялтироқ курсилардан бирини танлаб олгандим. Унинг асосий сариқ ранги устига қорага олтин суви югуртирилиб, хитойликлар ва ибодатхона тасвирланганди. Бу ерда ўтириш мумкин бўлган фақатгина рококо усулида ишланган диван ва тўртта суянчиқли юмшоқ курсидан иборат жамламагина бор эди, холос. Бор-йўғи шу. Ёритиш учун эса Бассанодан тўртта улкан оёқли қандил ва муран шишасидан сурмананг бир неча осма қандилларни, ихчамгина, ҳар бири ганчдан ва оқ сополдан ишланган расмларнинг устига жойлаштирдим, атрофни эгаллаб турган Карнавал байрамидаги Хитой билан Венециянинг ниқоблар даври қоришиб кетган серҳашам ва мафтункор улкан расмлар ғайриоддий бу ернинг асосий беағи ҳисобланарди... Уй ўчоғи – каминга келсак, у ўзининг сариқ мрамар тошию рококо усулида ишланган олтин хошияли кўзгуси билан шундоқ ҳам жуда кўркам кўринарди.

Кўчиб боришим биланоқ Верана хоним жимгина ҳозир бўлди. Жойлашиб бўлгач, аёлга уч ойлик уй ҳақини олдиндан тўладим, шу баҳона унинг ғайрати жўшиб кетдими, билмадим, менга сандиқ ичидаги бор лаш-лушларни жавонларга тахлаб кўйишда ўз ёрдамини таклиф этди. Аёл бу ишлар билан машғул пайтда, худди аввал бўлганидек, унга диққат билан разм солдим. Верана хоним ўзининг миқти жуссаси, малла чорси юзи ва ичига ботган кўзлари сизга тешиб юборгудек тикилганда, гўё сиз мавжуд эмасдай ҳис этасиз ўзингизни. У ана шундай нигоҳлари ўткир ғалати аёл эди. Ҳа, Верана хоним ўзига хос тоифага мансуб аёллардан эди. Унда, ҳозир ўзи мансуб бўлган муҳитдан кўра, олий табақага хос хусусиятлар кўпроқ экани сезилиб турарди. Вайронага айланган қасрнинг

қаровсиз қолган хоналаридан бир нечтасини қандайдир мусофирга ижарага беришга ва унда оқсоч ролини ўйнашга уни рози қилган бу қандай савдо экан? Тўғри, Зотареллининг айтишича, у лорд Сперлингнинг қўл остида аввал ҳам шу каби юмушларни бажариб юрган. Мен шу хусусда ундан сўрамоқчи бўлдим бироқ тилимни тийдим. Верана хонимнинг энг яхши хислатлардан бири унинг камгаплиги эди. Лекин шундай индамаслар борки, уларни бир тақдирлаб қўйсанг борми, учига чиққан вайсақига айланишади. Хоним энди киришиши кутилаётган вазифа менинг ҳар бир босган қадамимдан унинг огоҳ бўлиб туришини тақозо этарди. Шу боис ундаги камгапликни мен жуда кадрлардим ва бирон-бир баҳона сабаб бу одатдан мосуво бўлишини истамасдим. Шундай қилиб, бу сафар ҳам ўзимни тийдим-да, бундан кейин савол бермасликка онт ичдим. Мен Верана хоним билан унинг келгусида бажарадиган вазифалари тўғрисида яна бир бора шартлашиб, гапни бир ерга қўйиб олиш билан кифояландим. Унинг вазифаси каминага тегишли хонани саранжом-саришта тутиш, чойшаб, уст-бошларни тоза-озода сақлаш ва эрталаблари менга шоколад келтириб беришдан иборат эди. Эрталабки ва тушки хўракка келсак, ресторанга боришни маъқул кўрардим. Бундай сайр узоклик қиладиган айни кунларда, қўшни ердан топилган ихчамгина trattoria¹ мушқулимни осон қилди ва овора бўлиб Сан-Марко майдонига боришдан мени халос этди. Мабодо, уйдан чиқишга мутлақо хоҳишим бўлмаса, унда Верана хоним мени оч қўймасди: тухум, уй нони ва бир пиёла кьянти² билан сийларди. У билан барини узил-кесил келишиб олганимиздан сўнг Верана хоним чилчирокларга шамларни қўйиб чиқди-да, ғамлаб қўйилган шамлар қаерда сақланишини кўрсатди ва атрофга яна бир бор назар ташлаб, чиқиб кетди.

Янги хонамда ёлғиз қолдим, зориқиб кутилган бу дақиқалар эса мен учун ёқимли эди. Зотареллининг бўлмади деган яширин ишораларига қарамай, мени бу кўхна Альтиненго қасрига тортувчи жозибадор куч каминага таъсир ўтказишда давом этарди. Бироқ бу уйда кечиши мумкин бўлган машаққатли ҳаётим хусусида ўзимни ҳеч алдамаганман. Бу ер, айниқса қиш кунлари шинам бўлмаслигини ва ҳар жиҳатдан ноқулай бўлишини яхши билардим. Венеция қасрини иситиш жуда мушқул иш эди, айниқса мен жойлашган ер қаттиқ совуқ бўлишидан дарак бериб турарди. Деразалар зич ёпилмасди, сертугун дарахтдан ясалган путури кетган эшиклар эса елвизакнинг ғўриллаб туриши учун қулай эди. Боз устига, бирон-бир восита билан олдини олишнинг иложи йўқ, ёшини яшаб бўлган бу ердаги жиҳозларга энди намгарчилик ҳам хавф соларди; бунга аввалдан кўникиш лозим эди. Мен ҳатто ўзим яшаётган mezzanino нинг сувга бутунлай ғарқ бўлиши мумкинлигини ҳам назардан қочирмагандим. Қозикоёқлар, шубҳасиз, ниҳоятда яроқсиз аҳволга келиб қолганди, полдаги баъзи бир қияликлар, деворларнинг олдинга туртиб чиққан ерлари ва шифт ёриқлари хавф-хатардан дарак бериб турарди. Нима бўлганда ҳам мен Венеция шаҳар бошқармасининг хушёрлигига таянардим. Венеция нураб, қаровсиз қолган ва қандайдир мўъжиза туфайли ўз мувозанатини сақлаб турган уйларни учратиш мумкин бўлган дунёдаги ягона шаҳар эди. Бу мўъжиза Альтиненго қасрини анчадан буён ўз паноҳига олганди ва умид қиламанки, шаҳар посбонларининг гарчи сезилар-сезилмас

¹ Trattoria – оддий ресторан.

² Кьянти – қизил мусалласнинг бир тури.

бўлса-да, хушёрлигию назорати остида бундан кейин ҳам ўз паноҳида сақлайди. Қолаверса, нима фарқи бор? Бундай хавф-хатар мени ташвишга солмасди. Фақат ҳузур-ҳаловат кетидан қувиб, ҳаётда лоқайдликни касб қилиб олганларга эса буни нима аҳамияти бор?

Шу нуқтаи назардан қараганда, менинг ғариб ва сукунатга тўла ҳаётим эҳтиёжларига жавоб бергувчи нарсани Альтиненго қасридан топа олдими? Бу ерга мен танҳолигу осойишталикни излаб келмадимми? Тўғри, шифокорларимга, уларнинг баъзи кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда, дам олишни енгил жисмоний машқлар билан алмаштириб туришга сўз бергандим, бироқ, энди бу кўрсатмаларга амал қилиш менга осон бўлмаслигини кўриб турибман. Келган кунимдан бошлабоқ жонимга бир неча бор азоб беришга улгурган касалликнинг қутилмаган хуружи на қимирлашга, ва на сайр қилишга кўярди. Мени қуршаб олган атрофдаги жиҳозлар эса аввал пайкаганимдек, надомату хотиралардан вазмин тортган қанотлари билан оғирлигини ташламай, елдай учиб борувчи, вақтнинг заволи бўлган аллақандай ноаниқ орзу хаёлларга каминани мубтало қилиб, уйдан чикмай яшашга кўндирганди.

Ва мен, имиллаб ўтаётган кун ва тунларни ганчкори танобийда, моҳирона ишланган мураккаб нақшлару ақл бовар қилмас хитойликлар тасвири даврасида ўтказа туриб, ловуллаган куз каминининг ёлқини ва шамлар алангаси, оқ сопол намоянда шакллари ибодатхоналарни тебранаётган акс шуъласи билан қандай ёритаётганини, деворий манзараларнинг букик жойларинию рококо усулида ишланган жимжимадор безакларни қандай қилиб ўз нуридан баҳраманд этаётганини, тушуниб бўлмас қандайдир инжиқлик маҳсули бўлмиш фаршдаги қадама нақшларга орачора сепиб чиқилган садафларнинг сирли бўлақларини сокин порлаб туришга қандай мажбурлашини мамнун ҳолда кўз олдимга келтирдим.

Шуларни ўйлаб ўтириб, шамларнинг қачон ёнишини кутардим. Бундай ёруғликнинг оқ сополга ва ганчга тушгандаги таъсирини кўришга ишқибоз эдим ва иқроп бўлишим керакки, кўрганларим кутганимдан ҳам ортиқ бўлиб чикди. Ганчкори танобий ёруғ тушиб турган пайтда ўзига янада кўпроқ маҳлиё этар, атроф нафисликда қиёси йўқ заррин нур билан қопланганди. Ҳеч бир шакл, безак зарраси, печакгул ёки чиғаноқ гўё мана шу нурнинг шуъласидан бебаҳра қолмаётгандек. Хира ва ажабтовур, сирти гўё маъдандек улкан сариқ мрамартош билан хошияланган биргина кўзгу ўзини унга қарши кўярди, холос... У рўпарамда нариги дунёга олиб чиқувчи эшикдек турарди ва гўё тушдек, ўнгимда ўзининг ўша мураккаб нақшларинию шакллари билан биз билган ўша ганчкори танобийнинг акс манзарасини намоён этарди, фақат энди у етиб бўлмас олис ўтмишдаги оламнинг ажиб ва номаълум қаърига кўчганди.

Альтиненго қасрига келганимнинг дастлабки икки ҳафтасида диққатни тортгулик ҳеч бир ҳодиса юз бермади. Эрталаб Верана хоним мени илк нонушта билан сийлади. Хўрак моҳирона тайёрланган шоколаддан, маромига етказиб қовурилиб, устига қалин қилиб сариеғ суртилган нон бурдасидан ва таъми азбаройи ертутни ёдга солганидан “fragola”¹ деб аталувчи бир шингил қора узумдан иборат эди. Иккинчи нонушта ва тушликка келсак, мен Венециянинг қандайдир гавжум ресторанига ташриф буюрдим. Сўнг навбати билан “Vapore”, “Cappoleo Nero”, “Citta di

¹ Fragola – ер тутти.

Firenze”, “Antico Cavaletto” да ва ҳатто коронғи хонасининг пастки қисми тахта билан қопланган ярим деворли, шароб ва шўрсув хиди анқиб туриши менга манзур бўлган “Bella Venezia” да ҳам бўлдим. Флорианга бир пиёла қаҳва ичиб, “хитойликнинг пойида” ўтириш учун бинойидек тез-тез кириб турардим. Тиллага бурканган ганчкори танобийимнинг оқ сопол расмларини бежаб турган қойилмақом хитой амалдорларию нозикойим подшоҳзодаларга муқояса қилганда, бу “хитойлик” уларнинг олдида нима бўпти?

Гарчи ҳаво яхши бўлса-да, сайр қилишга унча хоҳишим йўқ эди. Дастлаб келган кунларим менга азоб берган хасталик, гоҳида хуружи билан безовталиқ туғдирса-да, бироқ, хушёқувчи бутун жисмимни эгаллаган қандайдир мажолсизлик, ялпи ланжлик билан ўрин алмашгандан сўнг мени ортиқ қийнамай қўйди. Рухий аҳволим ҳам бундан қолишмасди. Бошдан кечирган азобларим ҳамон хаёлимдан кетмасди, бироқ бундан оғриқларим пасайганди, буни вақт даволадимикан ёки жойнинг ўзгариши уларни ўз таянчидан маҳрум этдимикан; эҳтимол, мени шу қўйга солган ўша рухий азоблар вужудимдан куч-қувват аригани учун сезилмай қолгандир. Назаримда, аввалги ҳаётим мени тарқ этаётгандек, кун сайин ўзимга-ўзим бегоналашиб бораётгандек эдим ва мени бу ерга етаклаб келган воқеаларни деярли унутиб, ганчкори танобийда узоқ вақт ёлғиз қолиб кетишимга тўғри келарди. Кимсасиз, бир қолипдаги ҳаёт мени кониктирарди, жамиятга бўлган ҳар қандай эҳтиёж ҳам уни ўзгартиришга мени мажбур қилолмасди. Бир ёки икки бора Зотареллини йўқлаганиму бир неча бор Верана хоним билан бўлган бир онлик суҳбат – икки ой ичида одамлар билан бор-йўқ алоқам шу эди. Ошнам Прентинальяга келсак, унинг Флориан қаҳвахонасида сўзлаб берган ажойиб ҳикояси бир неча бор хаёлимга келмаганида, уни эсламаган ҳам бўлардим.

“Бир неча бор” эмас, тез-тез ўтди десам ҳам бўлади. Ҳайкалчанинг ғойиб бўлиши билан боғлиқ ҳодиса хотирамда кўп бора беихтиёр пайдо бўлиши менга мутлақо табиий туюлди. Сўнгги пайтларда ҳар қандай воқеа-ҳодисадан холи ҳаётим қандай бўлмасин бирон-бир мавзуда ўйлашга мойил қилиб қўйганди ва хаёлчанлигимга енгилгина озука сифатида мен бажонидил айнан шу ҳодисани ўзимга маъқул кўрдим. Шу боисдан ҳам, бу дарҳақиқат “прентинальянча” ҳикоя тасаввуримда камроқ жойни банд этиши учун уринмадим ҳам. Лекин шуниси ҳам борки, диққат билан мулоҳаза қилиб кўрганимдайди, нима учунлигини билмадим-у, қадрли Прентиналья тўқиган уйдирмалар пайдо қилган кизиқиш даражасида ҳайратга тушган бўлардим. Бироқ буни ҳам тушунтириб бериш қийин эмасди. Ўша оқшом Прентиналья Флорианда гўёки Шаҳар музейидан ғойиб бўлган ҳайкал ҳақида сўзлаб берганида, мен ўзгача, ўта дилгир бир ҳолатда эдим. Венецияни яна бир бор кўриш насиб этгани сабаб бўлиб, саёҳатдан толиққанам, ўзгача ҳис-туйғулар ва келган кунимнинг илк соатлариданоқ бошдан кечирган хасталик, рухий эзилиш – бари яна-да аниқроқ ва ишонарли тарзда Прентинальяннинг шунга арзирли сўзларини хотирамда муҳрланиб қолишига имкон туғдирди. Бунинг устига ҳикоя услуби ҳам уни хотирада яхшироқ сақланиб қолишига сабаб бўлганди. Прентинальяннинг истаги қандай бўлишидан қатъи назар, – сирли ҳодисаларга ҳавасми у, ё алдашга ишқибозликми, – иқроп бўлишим керакки, у ўз ниятига етди. Альтиненго қасрига кўчиб келган

кунимдан бошлабок, рококо услубидаги оромкурсида ўтириб, вақтни ўтказиш учун кўлларимни локланган столга тираганча, ганчкори танобийни томоша қиларканман, девордаги мураккаб нақшлардан тортиб, Венециянинг қадимги кўркамлигию унинг нафис манзарасини жонлантириб турган ҳашаматли ва мунгли хонани гўё жуда олисда акс эттираётган сариқ мрамартош билан ҳошияланган улкан кўзгугача бирма-бир назардан ўтказар эканман, дарбадар ҳайкал кўз ўнгимда жўн бир буюмдек тез-тез намоён бўларди.

Бу ғайриоддий машғулотга энди-энди киришган дастлабки пайтларимда фикру зикрим бор-йўғи ҳайкалнинг йўқолишигагина доир икир-чикирлар билан банд бўлганди, холос. Бундай ҳийла-найрангни қандай амалга ошириш мумкинлигини англаш учун мен тасаввур қилмаган тахмин қолмади. Баъзилари ўта мураккаб бўлиб, бизнинг энг сара изкувурлик романларга арзирли деса ҳам бўларди. Бироқ мен уларни ҳар қандай хаёлий унсурлардан астойдил халос этмоқчи бўлдим, негаки, илгари айтганимдек, бу масалада уларнинг иштирокига қадрли Прентиналя гарчи ишора қилган бўлса-да, ғайритабиий кучларнинг аралашувига йўл қўйишга унчалик ҳам мойил эмасдим. Мен бундай сафсаталарга эътибор бермадим ва ҳайкал қанчалик санъаткорона ишланиб, мени қойил қолдирган бўлмасин, асл нусхадаги афт-андом ҳам каминани шундай мафтун этган эди, бинобарин, шу қадар ҳаётий ва ўзига хос бу асарни ўғри қандай устмонлик билан қўлга киритганини тагига етишни маъқул топдим. Мана, у бошидан ўтказган воқеаларни ҳайкалча чехрасининг ўзи хаёлимдан аста-секин сиқиб чиқара бошлади. Бу исми номаълум венециялик ким эди? Унинг ҳаёти қандай кечган экан? Бу саволни мен қачонлардир музейнинг ойнаванд қутисидан турган кулгили туйғуларни жунбишга солувчи нафис чехра эгаси бўлмиш нотаниш ҳайкалдан завқ олган кезларим ўзимга бергандим; энди бўлса, бирмунча вақтдан бери мен улкан сабот ва оташин қизиқиш ила унга қайтмоқда эдим. Ўзимдан қанча кўп сўрасам, ҳозир тасвирлашга ҳаракат қилаётган ғалати ҳодиса шунча аниқ юзага чиқиб келмоқда эди.

Тиберио Прентиналя Флориан қаҳвахонасида ҳайкалчанинг ғойиб бўлиши борасида гап очганда, менинг кўз олдимда ҳайкалчанинг аниқ-равшан қиёфаси яққол намоён бўлганди. Унинг кинояли ва ақлли чехраси, бурни ва оғзи, боши ва кўзида акс этган белги нигоҳим олдида элас-элас гавдаланди. Бироқ тасаввуримда пайдо бўлган қиёфа, ўзининг аниқ ва равшанлиги билан ўша, хотираси яхши, бир неча бор эътибор ва қизиқиш билан кўргандан сўнг табиий равишда юзага келадиган одамлардаги тасаввурдан ортиқ эмасди. Очиғини айтганда, турли музейлардаги йигирмадан ортиқ портрет ёки ҳайкалчалар ҳам сирли ғойиб бўлиши билан мени унинг тузилишини ёдга олишга мажбур этган мана шу венециялик асилзода сингари хотирамда жуда аниқ муҳрланиб қолганди.

Бироқ энди мен нимадир ўзгарганига ишонч ҳосил қилишим керак эди: Шаҳар музейидаги нотанишнинг айна дастлабки қиёфаси ажабланишли даражада хунуклаша бошлаганди.

Бироқ, “хунуклашиш” сўзи унчалик ҳам аниқ эмасди ва бу сўз мен айтмоқчи бўлган фикрни англатолмасди. Менинг кўз ўнгимда пайдо бўлган қиёфа айтарли “хунуклашмаганди”, балки бир қадар “ўзгариб, бошқача шаклга кирганди” ва ўзининг янги ҳолатида ҳам шундай аниқ-

равшан эдики, ҳатто ҳайкалтарош ҳам бундай теран ва тўла ифодага зўрға эриша олган бўлурди. Ҳаммасидан қизиғи шундаки, нотанишнинг юзи менга ўзидек катталаштириб кўрсатувчи ойнага солиб қарагандек, мутлақо аниқ ва ҳайратланарли даражада ишонарли намоён бўларди.

Бироқ, бу мен айтмоқчи бўлган ягона ҳодиса эмас. Бунга мени ҳаяжонга солувчи яна бошқаси келиб қўшилди: ҳайкалча катталашиб, гавданинг бошқа бўлаклари билан бутланиб борарди! Гоҳ унда қўл пайдо бўлар, гоҳ у белигача ёки яна пастгача узаярди. Баъзида у ҳатто оёқли бўлиб қоларди. Бу ҳодиса ҳамма вақт бўлмаса-да, бироқ тез-тез содир бўлиб турарди. Қаршимда шунчаки кўкрагигача ясалган ҳайкалча эмас, деярли бус-бутун одам гавдаси турарди.

Мен “деярли бус-бутун” деяпман, чунки, тушунтириб бўлмайдиган кутилмаган ҳодиса сабаб, у ўзини ҳеч қачон тўла-тўқис намоён этмасди. У бирон марта ҳам яхлит тасвир сифатида гавдаланмаган, бироқ унинг менга кўринган бўлаклари доим ҳайратомуз аниқ намоён бўларди. Агар нотаниш кимса оёқда турган бўлса, унга муқаррар битта ёки иккита қўл етишмасди. Баъзида фақат биргина қўл, ёки биргина оёқ кўринарди, холос. Томошабинларга аталган бундай кўринишларга шу қадар кўникиб кетгандимки, жуда ғалати кўринувчи бу ўзига хослик каминани унчалик ҳам ажаблантирмади. Лекин, ҳар ҳолда, бу ҳақда ўйлаб кўришимга тўғри келарди, негаки, у туйғуларимнинг ғайритабиий ҳолатига ва асаб тизимимнинг бузилишига ишора қилаётганди. Агар бунга эътибор қаратгудек бўлсам, унда Альтиненго қасридаги ҳаёт тарзим менга унча маъқул эмас, дея хулоса чиқаришимга ва яхшиси, шифокорлар кўрсатмасига амал қилишимга тўғри келарди. Вақтимни бўлар-бўлмас орзу-хаёлларга берилиш билан беҳуда ўтказмасдан, шифокорларнинг маслаҳатларига қулоқ тутган ҳолда буюрилганидек дам олишни енгил жисмоний машқлар бажариш билан алмаштириб туриш айни муддао бўларди. Бироқ, мен бундай ҳаётнинг мазахўрагига айланиб бўлгандим ва ғариб кўнглимни кўтариш учун тақдирнинг ўзи хаёлларимни банд этишга қодир ганҷкори танобийдек ҳамроҳни ато этганди ва мен уни камдан-кам ҳоллардагина тарк этардим.

Бир куни кечга яқин, окшомги ғира-шира қуюқлаша бошлаган пайт мен Верана хонимнинг танобийга янги шамлардан қўйишни унутганини ва устига-устак доим қўл остида бўлгувчи кўр ҳам тугаб қолганини кўриб бироз афсусландим. Аввал айтганимдек, мен жойлашган бино ва саройнинг юқори қаватларидан бирида Верана хоним эгаллаб турган хона орасида ҳеч бир алоқа воситаси йўқ эди. Мен томондан хонимга қўнғироқ сими ўтказилмаганди; бундан ташқари аёл уйда бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Куннинг ҳар хил пайтида мен уни ойнадан бошига аллақандай ғалати қалпоқ кийиб, рўдапо сербар пальтога бурканганча ташқарига чиққанини ёки қайтаётганини кўп бора кўриб қолардим. Бундай кулгили либосда у, бошини эгиб, букчайганча худди ишга отланган фолбин ёки тирноқ безовчи аёлдек девор ёқалаб кетиб борарди. Хўжалигим бошқарувчиси бўлган бу аёл, эҳтимол, бирон-бир иш билан ташқарига чиққандир, ахир бу жувоннинг ҳам ўзига яраша юмушларию дўсту дугоналари бўлиши мумкин-ку. Менинг ёнимда тилини тийиб юргани учун ўзини бирон нима билан хурсанд қилиши ва венециялик кексаларнинг одатий машғулотига айланиб қолган юракни бўшатишдек эҳтиёжни қондириши ҳам керак-ку; улар кўприкнинг усти бўладими, майдонми, кўча чорраҳасими – ба-

рибир, тўхтаб, ўзаро сирли суҳбатга киришиб кетишарди, уларнинг бу суҳбатларини томошага чиққанларнинг на биқинга ниқташию ва на ўткинчиларнинг туртиб-суртишлари бўлиб қўя оларди.

Айни пайтда мен учун ягона ва энг оддий чора – бу яқин орадаги дўконлардан бирига бориб, шам сотиб олиш эди. Каминага керак дўкон шу ўртада, Сан Панталеон черкови рўпарасида эди. Қалпоғим ва пальтомни олиш учун хонамга ўтдим, чунки октябрь ойи охирлаб, анча салқин тушиб қолганди. Бир кун бурун мен Верана хонимдан бир қанча тараша сотиб олишни ва уларни одам турмайдиган хоналардан бирига тахлаб қўйишни илтимос қилгандим. Энди, шам масаласида Верана хонимнинг эътиборсизлиги ошкор бўлгач, ўтин борасидаги илтимосимга ҳам худди шундай бепарво тарзда муносабатда бўлса керак, деган ўй хаёлимдан ўтди ва хонимни текшириб кўришга қарор қилдим. Шундай қилиб, мен, вестибюль орқали mezzaninoning хонимга камина эгаллаб турган хоналарни иситишга мўлжалланган ўтинларни тахлаб қўйинг, деб айтган томонга йўл олдим.

Бинони ижарага олган куним Верана хоним мени олиб борган қасрнинг бу қисмига ҳали ўшандан буён қадам босмагандим. Қаровсиз, шарти кетиб, парти қолган, тўкилиб тушай деб турган бу хоналарни кўриб, аввалгидан кўпроқ ҳайратга тушмоқда эдим. Шифтлар хатарли тарзда тоб ташлаб, ёғоч қопламаларнинг бир қисми чириб, нам сувоқлар палахсапалахса кўчиб, кошинли фаршда ёриқлар пайдо бўлганди. Бу хоналарга туз ва моғор хиди ўтириб қолганди. Қовжираб ёрилиб кетган деразалар тирқишидан кираётган ёғду кишида ажиб таассурот уйғотарди. Баъзи бир деразаларнинг эшиги йўқ, бошқаларининг эса фақат қийшайган кесакиларигина сақланиб қолганди, шу боис у ерга кирган ёруғлик атрофни бемалол кўздан кечиримизга имкон берарди. Хонама-хона юра-юра ахийри ўша боққа чиқадиган жойгача етиб олдим, бироқ излаганимни ҳеч ердан топа олмадим. “Верана хонимга эсидан чиқмайдиган қилиб танбеҳ бериш қолибди”, дея хаёлдан ўтказдим ва нимагадир қия очиб қўйилган эшик диққатимни тортди. Верана хоним ўтинларни ўша ерга тахламадимикан?

Бу шифти ҳаддан ташқари пастак, тангу тор қазноққа ўхшаш хужра эди. Девордаги ёғоч қопламадан қолган қолдиқларга синчиклаб разм солиш учун, гарчи ойналари чанг босган бўлса-да, энсиз деразадан тушаётган хира ёруғлик етарли эди. Намоёнлардан бирида, ганчли безаклардан иккита ёнма-ён хошия юзага келганди. Улардан бирига сурат жойлашган бўлиб, бу, чамаси, киши сурати эди ва у шу қадар илвираб қолгандики, бир нечагина бўёқ доғини аранг ажратиб олардингиз. Бошқа хошияларнинг эса тепалари йиртилиб, орқа томони аянчли бир ҳолатда осилиб тушган матога ишланган суратни базўр ушлаб турарди. Унинг ҳам биринчисидан бешбаттар эканига шубҳа қилмаса бўларди. Нима бўлганда ҳам бунга ишонч ҳосил қилишим осонроқ эди.

Ҳақиқатан, иккинчи расм қаттиқ ғорат кўрганди, – каттакон ёриқ уни деярли қоқ иккига бўлиб ташлаганди. Бироқ унда ифодаланган афтандомни ҳали илғаса бўларди. Устидаги яхши сақланиб қолган ёзувдан ҳар ҳолда, мен унинг кимлигини билиб олгандим. Дарҳақиқат, мен бўзга энгашганча: “*Vincente Altinengo, nobile Veneziano*¹. MDCCL XXII”, – деган ёзувни ўқидим.

Бу ҳеч шубҳасиз, қасрнинг узок ўтмишдаги сохибларидан бириники

¹ Veneziano – венециялик зодагон.

хамда mezzanino ни ўзига махлиё қилгудек ганчкори нақшлару чиннилари билан беаган ва уни хашамату шукухга буркаган одамники эди. Сана мени кундан-кунга ўзига махлиё қилиб бораётган безаклар услубига мос келаётганди. Шундай қилиб мен, бу уйларда ўзимгача яшаб ўтган ва бу ерларни шундай дид ва хашамат билан безай олган ўтмишдошим билан юзма-юз турардим. Ғамхўр оламнию унутилаёзган ҳаётни излаб бу ерга келган каминадек ғарибга маъюс ва тилсимли шундай маконни таппатахт қилиб қўйган венециялик бу асилзода ҳаётлигида қандай кўринишда бўлгани мени жуда қизиқтирарди.

Чўнтагимдан дастрўмолни олдим-да, қалин чанг босган расмни артдим. Сўнг ички деворларга қопланган тахталардан битта михни суғуриб, шунинг ёрдамида суратни чорчўпга маҳкамладим ва бир неча қадам орқага тисландим. Суратга қарадиму хайратдан қичқириб юбордим. Бу одамни мен кўпдан бери танирдим! Истеҳзоли боқиш, жўшқин, зийрак табассум, узун бурун ва энсиз ориқ юз – бари таниш. Бу маккор чехра менга таниш эди; упа-элик билан пардозланган манглайдаги ясама сочни ҳам кўрганман. Шаҳар Музейидаги ихчамгина бюстда тасвирланган Винченге Альгиненго ва Нотанишнинг бир одам эканига энди шак-шубҳа қолмаганди! Сурат билан ҳайкал ўртасида ақлга сиғмас ўхшашлик бор эди ва мен бу бахтли воқеа туфайли ўша заҳоти уларни айнан бир одам деб ҳисоблашга муяссар бўлдим. Музейда турган қадимий чорчўпдаги Нотаниш мана шу Альгиненго эди. Бир вақтнинг ўзида олис қадим ўтмиш қаъридан ва яқиндан, деярли жонли назар ила боқаётган ўша, бошқанинг нигоҳларидан нигоҳимни узолмай, тўхтаб деворга суянганча қолдим, жойимдан жилдирмай мени лолу хайрон қолдирган бундай кашфиётни очиш нега энди айнан менга насиб этди экан?..

Миямга келган дастлабки фикр – Шаҳар Музейи директори, жаноб Тальвентининг ёнига бориш ва бу кашфиётни у билан баҳам кўриш эди. Чиндан ҳам тасодиф менга Венеция иконографияси бўйича қизиқдан қизиқ маълумотларни тақдим этганди. Бироқ, камина ихчамгина ҳайкалчанинг сирли тарзда ғойиб бўлиши марҳаматли Тальвентининг дилини вайрон қилганини Прентинальядан эшитгандим. Бу қадар ибосизлик ила унга билдирмасдан жуфтакни ростлаб қолган нафақахўрнинг ҳаётлигида исми Винченге Альгиненго бўлганини айтиб, унинг ярасини янгилашнинг нима кераги бор? Бироқ бу, мақсадларимни амалга оширишга ҳалал берувчи ва шунингдек, мени IV танобийдаги ойнаванд қутидаги қочоқнинг исмини билишимга имкон берувчи воқеаларнинг бир-бирига тўғри келиб қолгани тўғрисида Прентинальяга ёзишдан тўхтатиб қолувчи ягона ваз ҳам эмасди. Ўзимни ундан ва бошқасидан тийганимнинг асосий сабаби, бу, ҳодиса сўзлаб берилган кундан кейин содир бўлган ва камина бир неча бор тилга олиб ўтган касалликнинг хуружларидан бирини бошимдан ўтказганим эди. Ундан аввал ҳам менга роса азоб берган ва уни англашга уринишларим бесамар кетган ўша руҳий тушқунлик туйғуси мени қайтадан ўз домига олганди. Бу орада касалликнинг ҳеч бир аломатлари кўринмади. Иштаҳам жойида, уйқум ҳам унчалик яхши бўлмаса-да, ҳар ҳолда чидаса бўларди. Мени сурункали зерикиш ҳиссидан бўлак ҳеч нима безовта қилмаётганди.

Яна шуни ҳам айтишим керакки, мен бошдан кечирган азоб-уқубатларга зерикишнинг ҳеч бир тааллуқли ери йўқ эди. Венецияга келмасимдан

аввал жисмоний жиҳатдан танг аҳволда қолган пайтларимда орттирган аччиқ аламларим кўнглимни ҳали ҳам тарк этмаганди. Қалбим тилка-пора бўлганини ва бу зарбадан сўнг энди ўзимни ўнглолмаслигимни билардим; ва мен ҳеч бир нолишларсиз беихтиёр тақдирга тан бердим, негаки, барча қайғу аламлару ночорликларга қарамай, қийноқларга барҳам бериш учун ўзимда журъат топа олмадим. Рухиятимдаги асабий зўриқишга ўтмиш ҳақидаги аччиқ хотиралар сабабчи эмасди.

Буни об-ҳавонинг алмашишидан кўриш, назаримда, мутлақо табиий бўлурди. Бир неча туманли ва ёмғирли кунларни айтмаганда, бутун октябрь оғи жуда ажойиб ўтди; мана бир неча кундирки, ҳарорат яна сезиларли даражада пасая бошлаганди. Айнан шу мени Верана хонимга ўтин сотиб олиши учун буйруқ беришга ундаган ва бир йўла кашфийетимга ҳам сабаб бўлганди. Альтиненго қасрининг хоналарига унча-мунча иситиш қор қилмасди. Ганчқори танобийдаги улкан каминга ловуллаб ёнадиган олов зап боп тушарди. Мен тажриба ўтказмоқчи бўлдим.

Муранлик ойнасозлар ўз иситиш қурилмаларини ёқиш учун қўшни Альпдан олиб келинган танаси узун ва йўғон дарахт бўлақларидан фойдаланар эдилар. Сарик мрамартошли улкан каминнинг ўлчами айнан шундай ўтинлардан фойдаланишга мўлжалланганди. У ерда олов ўз учқунларини сачратиб чарс-чурс қилиб ёнарди ва қимматбаҳо тошдек чакнаб, ўзидан мўъжизавор чўғ қолдирарди. Оловнинг бу дабдабаси, заррин нақшлар, чиннилар ва майда безаклардаги ҳашамга мўъжизавор тарзда мос тушарди ва ҳавога ҳозирги касалманд аҳволимга шифо бағишловчи ёқимли илиқлик тараларди.

Танг аҳволим ва каминнинг илк кузги иссиғи одатдагидан кўпроқ уйда ўтириш истагини туғдирарди. Агар нонуштани ресторанда қилишни маъқул кўриб ташқарига чиққан бўлсам, кечга томон тушлик учун иккинчи маротаба чиқишга ўзимни мажбурлай олмадим. Верана хоним каминнинг буйруғи билан тайёрлаган баъзи бир егуликларни жавондан олардим ва енгилгина таом билан столнинг бир бурчагида камтарона дастурхон тузашни афзал кўрардим. Шу тарзда Альтиненго қасрини бир кунда бир маротабадан ортиқ ташлаб кетмасдим ва шу боис ҳам кўпинча Сан-Марко майдонига етиб боролмай, уйда йўқ соатларимни қисқартирувчи яқин орадаги чоққина ресторанга бориш билан қаноатланардим-да, яна тезда қасрга қайтардим.

Айни шу қисқа вақт уйда йўқ пайтларимда кўпинча, сизга айтган касалим қайталарди; унга ҳамроҳлик қилувчи номаълум тушқунлик ҳисси уйга яқинлашишим биланоқ сусаярди. Оёғимни қўлга олганча Кампо Санта Маргерита ва Карминигача етиб борардим. Альтиненго қасрининг ярим хароба олд томонига, унинг эндор айвонларию тавақасиз дераза ромларига, деразаларининг кўкариб ётган ойналарию нақшиндор кўра қўндирилган икки устунли пештоқига кўзим тушиши ҳамано касалим яна хуруж қилиб, мени ҳолдан тойдира бошларди. Каминани ҳар ҳолда бу уйга ҳеч ким таклиф этмаганди. Одатда қадрли гўшамизга қайтганимизда бизни кўзи тўрт бўлиб кутиб турувчи на бир дўстона табассум, на бир суюкли чехра ва на яқинларнинг қадам товушлари, на биронта қадрли сас менга интизор эди у ерда. Маъюсгина ёлғизлигимнинг қутилмаган суянчиғи бўлган бу маконнинг ҳувиллаган хоналарида ҳеч бир хотирага ўрин қолмаганди. Шунга қарамай, ғам-ғусса мени камина учун бир за-

монлар шу қадар севимли бўлган Венециянинг энсиз, тор кўчаларидан кува бошлаши биланоқ у ерга қайтишга ошиқардим. Мен у ердан юрагим уриб ва одимларим вазминлашиб ўзимга бошпана излардим.

Бу шу қадар тез такрорланар эдики, ўзимни тасодифий хатарга дучор қилмасликка ҳаракат қила бошлардим. Мен аста-секин майхонада овқатланишдан воз кечдим ва ўша ондан бошлаб тамомила узлатда яшай бошладим. Эрталабки ювиниш-таранишдан сўнг, ичига кўплаб афсонавий суратлар солинган шакллари бисёр ва ислимий безаклар берилган хонамни тарк этардим-да, ганчкори танобийга келиб жойлашардим. Верана хоним сариқ мраммартошли каминга ўт ёқди. Оловни кун давомида ва ярим тунгача сақлаб туриш учун узун-узун тарашалар кошинли ерга етарли микдорда тахлаб қўйилганди; негаки мен у ерда кечқурунлари соатлаб ўтирардим ва улар орасида вақтим туганмас хаёллар оғушида қандай чопкиллаб ўтиб кетганини ҳам сезмай қолардим. Ёлғизлигимга ҳалал берувчи бирдан-бир кимса бу Верана хоним эди; бироқ унинг келиб-кетганини деярли пайқамай ҳам қолардим. Альтиненго қасрида мен ҳеч кимни қабул қилмасдим. Прентиналя ва лорд Сперлинг ҳали қайтишмаганди; уларнинг Сицилия бўйлаб саёҳати ҳали тугамаганди. Прентиналя бирон марта ҳам менга дарагини солмади. Шундай бўлса-да, қўнғироқ овози аҳён-аҳёнда эшитилиб қоларди. Хат ташувчи менга ора-сира Париждан келган мактубларни олиб келиб турарди. Манзилимни шифокорим, доктор Ф.га ва яна икки-учта оғайнимга бермай иложим йўқ эди. Хат ташувчи мактубни шу мақсад учун мўлжалланган ва менга тегишли бино дахлизи деразасидан чокқина ҳовличага тушириб, арқон учига осиб қўйилган саватчага ташларди, – венецияликларнинг бу таомилидан мен ҳам бебахра қолмагандим.

Умуман айтганда, Альтиненго қасридаги ҳаётим узлатда кечиши олдиндан қўйилган талаб бўлса-да, мен, деярли мутлақо ёлғизликдаги бу дамларни анча дуруст босиб ўтдим, десам ҳам бўлади. Лекин келган кунимнинг ҳали илк ҳафтасидаёқ гарчи саломатлигим кўтариб, Венециянинг ўша “барча учрашадиган”, айни Сан-Марко ва унинг қаҳвахонасидек ерларга қадам ранжида қилишга улгурган бўлсам-да, бу билан узлатдаги ҳаётим издан чиқди дегани эмасди. Мен Венецияда таниш-билиш ортиришдан ҳамма вақт ўзимни тийганман. Бу шаҳарда менинг мулоқотим Прентиналя ва лорд Сперлинг билан кифояланарди. Парижлик танишларимга келсак, йилнинг ўша фасли мени улардан етарли даражада ҳимоя қиларди. Парижликлар – сентябрь ойининг меҳмонлари. Октябрнинг ўрталарига бориб, ҳатто энг сабр-тоқатлилари ҳам бу ердан жуфтакни ростлаб қолишарди. Ноябрь ойига келиб, Венеция яна аввалгидек бутунлай венецияликларники бўлиб қолаверарди.

Агар руҳий ва жисмоний ҳолатим кўтарганида эди, бундай хавфсизликдан мен ҳам жон-жон деб фойдаланган бўлардим. Шаҳарнинг тор кўчалари ва майдонларидан, анҳорларидан ва шунингдек, кўлнинг ўзига бу қадар ром этувчи кеч кузакдаги бор жозибасидан, маъюс ҳусну тароватидан ҳузур қилардим. Бундай кунлар ҳақида менинг ёдимда жуда кўп қимматли хотиралар сақланиб қолганди ва барини яна қайтадан бошдан кечириш каминага қувонч бағишлаган бўлур эди. Венециянинг турли-туман нашъу намолари нечоғлик битмас-туганмас эканини билиш учун мен шаҳардан яхшигина хабардор эдим. Унда энг дабдабалигию ошқор этиб

бўлмайдигани қайси, бундан буткул бохабар эдим. Унинг барча донғи чиққан ерларию ҳар бир бурчаги, бор-йўқ чиройию бор сир-асрори менга маълум эди. Бироқ айна пайтда бошдан ўтган ўтмиш таассуротларга яна берилиш учун ўзимда етарли куч борлигини ҳали ҳис этмаётгандим. Эҳтимол, сал кейин биров маъюс ҳаётимга қайтолсам керак, дея хаёлдан ўтказдим.

Ҳозирча ўзим учун энг мақбули бу – Альтиненго қасрини сира тарк этмаслик эмасмикан?

Ҳамиша ғам-ғуссанинг бениҳоя азобловчи хуружи билан ниҳоя-ланадиган бу беҳуда сайр-томошанинг нима кераги бор? Кунларни яхшииси ловуллаб ёниб турган камин ёнида мутолаага ёки сукунатни фақат ўтинларнинг чирсиллашию мужмал, базўр илғаш мумкин бўлган товушлар бузиб турган, – англаш мушкул изҳори дили ила мана шу серҳашам ва гўзал танобийда хаёлларга чўмган ҳолда ўтказганим дуруст эмасми?

Шундай қарорга келишим ва ўз инон-ихтиёримга зуғум ўтказишни бас қилишим биланоқ ўша заҳоти ўзимни енгил ҳис эта бошладим. Барча хавотирларим тумандай тарқади. Оромини бузган ташвишлардан озод бўлган вақт, одатдан ташқари шундай жадаллик билан ўта бошладики, кўп ўтмай мутолаани йиғиштирдим. Париждан ўзим ёқтириб олиб келган баъзи китобларни бошқа очмадим. Париждан олган мактубларга аранг кўз югуртириб чиқдим. Уларга жавоб беришга келсак, хатлар ҳали ноаниқ режалар рўйхатида сақланиб турарди ва эрта-индин дея орқага сурилаверарди. Мен Прентинальяга Шаҳар Музейидаги ҳайкалчага тааллуқли кашфиётим ва ўта синчковлигим боис Альтиненго қасридаги қаровсиз қолган хоналардан бирида топилган киши сурати шарофати билан ҳайкалчада ким тасвирланганини аниқлашга муваффақ бўлганим хусусида лом-мим деганимча йўқ эди. Бир вақтлар фикру хаёлимни ўғирлаган ҳайкалчанинг ғойиб бўлиши воқеасининг энди менга қизиғи қолмаганди. Мен у ҳақда ўйламай ҳам, хаёл сурмай ҳам қўйгандим.

Шу муносабат билан бир қизиқ воқеа устида муфассал тўхталиб ўтмоқчиман. Бу воқеа билан қизиқиб қолган кезларим ҳар сафар диққатимни Шаҳар Музейидаги нотанишга қаратишимга тўғри келарди, у хаёлимда жуда аниқ гавдаланарди, бироқ бунда, аввал айтганимдек, баъзи бир ўзгаришларга дуч келарди, асосийси, у деярли аслидай, бор бўйича ўсиб, гавданинг баъзи аъзолари билан бутланиб борарди, бироқ шундай бўлардики, мен уни ҳамиша ҳам бус-бутун ҳолда кўра олмасдим. Борлиқни нотўғри идрок этиш энди деярли бутунлай тўхтади ва буларнинг тўхташи – қайд қилишга арзийдиган нарса – тасодиф Альтиненго қасридаги қазноққа беркитиб қўйилган эски матодаги нотаниш кимса исмини ошкор этган ўша кундан бошланди. Каминани унинг қасрининг бир қисмида истиқомат қилувчига айлантирган ажиб бу ўхшашлик мен учун узоқ вақт жумбоқ бўлиб келаётган бу шахсга нисбатан бурунги ва кейинги қизиқишларимни ошириш ўрнига, аксинча, қизиқишимга бутунлай барҳам берди. У ҳақда ўзимга шу қадар дам-бадам берган саволлар Верана хонимнинг бепарволиги туфайли киришимга тўғри келган ўша тешик-телуги йўқ зах қазноқда нобуд бўлаётган сурат, ҳайкалчада тасвирланган шахс Винченце Альтиненго эканини билганим заҳоти мени бошқа безовта қилмай қўйганди.

Унда мени ўзига мойил қилувчи нимадир бор эди. Танобийни барок-

ко усулидаги мўъжизавор ганчкори нақшлар билан безатиб, ҳаётимга мазмун олиб киргани учун мен ундан миннатдор эдим. Ўзининг антиқа жиҳозларию ранглари, нақш қисмлари билан бу серхашам ва қойилмақом танобий, Верана хоним mezzanino га мени олиб кирган ўша лаҳзаданок қалбимни ўзига қай даражада асир этганини айтиб ўтгандим. Ва бу мафтунлик кучайса кучайдики, асло сусаймади. У узлатдаги ҳаётимнинг бирдан-бир овунчоғи эди. Нақшдаги чирмашиб кетган чизикларни, ганчкори нақшларнинг шаклини, кошинли фаршдаги расмларнинг майда-чуйдасигача назардан ўтказиш учун озмунча вақт кетдим! Мен ҳатто садаф майдаси фаршдаги қадама нақшларнинг қайси бўлаклари орасига сочиб ташланганини ҳам яхши эслайман. Кундузги ёруғликнинг жилваларини ва зарҳалланган шаклчаларга эга чиройли намоёндаги шам ёлқинини ҳам ўрганиб чиққанман. Бу подшоҳзода хонимлару қадим хитой амалдорлари куннинг қай пайтида қандай тусга киришини, уларнинг бор жилоларию товланишларини биламан. Уларнинг расмини шифтдаги шаклларга ёки рококо усулида ишланган камин тепасидаги чокқина кўзгунинг гирдидаги теварагини ўраб турган чиғанок тошларга ўхшатиб хотирамда чиза олардим.

Бироқ бу қадар жимжимали ва ажибу ғариб безаклар ичида, айниқса, бир нарса диққатимни тортди. Аввал айтганимдек, ганчкори нақшин танобийда учта эшик бўлиб, улар жозибадор қизғиш рангдаги туганакли ёғочдан ясалганди. Дераза қаршисидаги иккитасидан даҳлизга ўтиларди. Тумор шакл ичига афсонавий суратлар солинган хонага ўтиладиган учинчи эшик нақ дабдабали кўзгунинг рўпарасига тўғри келарди ва мен аввал тилга олиб ўтган, мутаносиб акси билан яна худди шундай мрамор хошияли тўртинчи эшикни юзага келтирганди. Шундай қилиб, катталиги жиҳатидан Венеция санъатининг дурдонаси ҳисобланмиш улкан кўзгу ҳаёлий тўртинчи эшик вазифасини бажарарди. Вақт ўтиши билан у ерости сувларидек чуқурликдаги тасвирлаб бўлмас ажойиб тусга эга бўлиб борганди ва унда пайдо бўлган барча қиёфалар гўё қандайдир сирли ва олис туман билан қоплангандек эди. Оловлар ҳам бу кўзгуда туманлидек акс этарди. Ундаги ҳамма нарса гўё нариги дунёдан келиб қолгандек ғоят таъсирли ва олис кўринарди.

Бу хусусияти билан у охири мени ўзига мафтун этганди. Ғарибона ҳаётимга мазмун олиб кирган орзу-хаёлларга асирликда, менинг ташнаком ва синчковлиги кучайиб бораётган нигоҳларим, Шаҳар Музейидаги ҳайкалчани ва ташландиқ казноқдаги расмни кўриб, чиндан-да, ажойиб тасодиф сабаб уни бир эмас, икки мартаба таниш бахти менга насиб этган, сергак боқаётган юзи сирли ва истехзоли, қаср ҳали ҳануз унинг номи билан аталишда давом этаётган ва бари, ўша, Худо ярлақанган Альтиненго соҳибнинг инжиқликлари шарофати билан бунёдга келган ва мени, ажабтовур жиҳозлардан тортиб бор-йўғини акс эттираётган мрамор чорчўпдаги ғайриоддий манзарага тушди.

Бир қанча ҳодисаларга асос бўлган “воқеа” содир бўлган оқшомнинг бошқалардан сира фарқи йўқ эди. Барча воқеаларни тўғри англаётганимга ишонч ҳосил қилишим ва хотираларимнинг тиниқлигига таянган ҳолда аниқ санани айтмоқчиман: бу 27 ноябрда содир бўлганди. Ҳақиқий ҳистуйғуларимдан ҳали жудо бўлмаганимни исботлаш учун бу кунни қандай ўтказганим тўғрисида тафсилотни кўшимча қилмоқчиман. Эрталаб одат-

дагидек анча кеч уйғондим. Мени Верана хонимнинг ганчкори танобийдаги кадам товушлари уйғотиб юборди. Хоним узоқ ухлашимдан фойдаланиб, у ерни йиғиштириб, каминга олов ёқди ва нонушта тайёрлади. Ишларини тугатгандан сўнг у эшигимни қоқди ва ювиниш хонасидаги каминга ўт ёқди. Ўрнимдан туриб, уй кийимимни кийдим-да, бир пиёла шоколад ичгани кетдим: бу орада Верана хоним хонамни йиғиштириб, менга иссиқ сув олиб келди.

Хоним менга иккинчи нонуштани келтирди ва егуликни унинг кўмагисиз бирёғлик қилганимдан сўнг уни тушликни тортиб, бирйўла нонуштадан қолганини йиғиб-териб кетишга соат бирда келгандагина кўрдим.

Ўша куни бари одатдагидек ўтди. Ўрнимдан туриб, ганчкори танобийга ўтдим. Каминда олов ловуллаб ёниб турарди; унга тараша ташладим, гарчи ҳаво очик бўлиши кутилган бўлса-да, хона барибир салқин эди. Ташқарида тиниқ мовий осмон кўзга ташланарди. Ҳавонинг тозалигига гап йўқ эди, чунки Кармини ва бошқа кўшни черков қўнғироқлари тиниқ садо берди. Қўнғироқ товушларини ўзига хос оҳанглирига қараб аниқлаш менга завқ бағишларди. Мен Сан-Себастьяно, Фрари, Арканжело Рафаэле жомларини бир-биридан яхши фарқлай олардим. Хиёл титроқ овозли Кармини қўнғироғи яқин ўртада бўлгани боис мен унга унчалик эътибор бермасдим. Бирок, шамол баъзан анча олисдаги қўнғироқ жарангини ҳам олиб келарди ва мен у каердан келаётганини аниқ айтиб беролмасдим. Венеция иқлимининг ўзига яраша инжиқликлари бисёр эди. Унда, ҳаво оқими ҳам худди шаҳардаги денгиз канали тармоқларидек чатишиб кетганди.

Бу куннинг бирдан-бир воқеаси қиёмдан сўнг соат иккиларда юз берган қайиқчиларнинг жанжали бўлди. Бирига мевалар, бошқасига тахта ортилган иккита оғир юк кемаси Санта-Маргерита каналида тўкнашиб кетди; булар, ҳар бирининг қуйруқ қисми қизил ўйма нақшли қопқора ва бесўнақай иккита юк кемаси эди. Тўкнашув зарби анча кучли бўлиб, иккала қайиқчи ҳам юк кемаларни ажратишга ҳаракат қилганча, бир-бирларини аямай сўка кетдилар. Улар орасидаги бу бақир-чақир ёқалашигача бориб етса керак, деган хаёлга бориш мумкин эди, бироқ рақиблар, юк кемаларидан бирида каттакон кўппакнинг қаттиқ-қаттиқ вовуллаши жўрлигида бир-бирларига лаънат ўқиш билан чекланиб қўя қолишди. Кўз очиб-юмгунча Фондамента Фоскарини, Кампо деи Кармини ва канал устидаги кўприк томошабинга тўлди: тўпланганлар орасида болалар ҳам, шолрўмолли аёллар ҳам, тасодифий ўткинчилар ҳам бор эди. Жанжал авжига минди, ва бирдан, ҳеч бир сабабсиз таққа тўхтади, балки бу икки шоввоз йигитнинг луғатидаги ҳақоратли сўзлар тугаб қолганидандир. Нима бўлганда ҳам, бўшаган юк кемаси йўлида давом этиш учун аста жилиб қолди. Кўппакнинг вовуллаши эса анчагача эшитилиб турди. Оломон тарқалди ва кимсасиз қолган канал сукунатга ғарқ бўлди.

Чўккан сукунат тунгача бузилмади. Кейинги соатларда мен бошқа ҳеч нарса эшитмадим. Фақат каналда сирпаниб сузаётган гандолаларнинг ёки юк кемаларининг овози ва Фондамент тоштахталари устидаги кадам товушларию аёл ва гўдак саси, кўчманчи мол сотувчиларнинг бақир-чақири ва Жудекки каналидаги кемаларнинг хуштагию сиреналари би-

лан қоришиб кетган барча ҳаракатсиз нарсаларнинг хўрсиниғи ва ҳаяжон тўла сукунатнинг сирли шитирлаши бундан мустасно. Верана хоним одатга кўра шамдонга ўрнатган янги шамларни ёкиш учун оромкурсидан тургунимга қадар ҳаммаси шундай давом этди...

Бу лаҳзаларни мен, аввал айтганимдек, ҳар куни бетоқатлик билан кутардим. Шубҳасиз, мен қуёш нурларининг улуғвор ва фусункор ганчқори безаклардаги товланишини яхши кўрардим, бироқ туннинг нозиктабиат жилваси олдида бошқа барчаси ўтаверсин. Девордаги улкан чинни суратда Хитой манзаралари акс этган – маликалару катта амалдорлар, тахтиравонлару ибодатхоналар, паррандалару гуллар ўзининг серҳашам жозибасини кўз-кўз этиб турарди. Қадимий зарҳал жонланиб, бутун хона ажиб ҳашаматга бурканганди. Қадама нақшли фаршдаги садаф доначалар худди тунги денгиз ёғдуси каби нафис ярақлаб турарди. Ўчоқ ёлқини шам ёлқини билан қўшилиб кетганди ва мен ҳеч ҳам кўнгилга урмас бу сирли тебранишни берилиб кузатдим.

Бироқ, кўп ўтмай, бундай ҳузурбахш томошага қарамай, нигоҳларим улкан кўзгули эшик томон йўналди. Мен ҳикоя қилаётган оқшомда бари одатдагидек ўтди. Каминда ловуллаб ўтин, шамдонда эса шамлар ёниб турарди ва улкан кўзгу, одатдагидек, ўзининг олис ва хира нури қаърида танобийнинг янада ўзига хос бўлиб кўринаётган қойилмаком ва оҳангжамали жиҳозларини акс эттириб турарди. Бу манзарадан мириқиб завқ олдим. Ундан фақат наридан-бери қорин тўйдиришу куч тўплаш учун бир неча дақиқагагина узоқлашдим, сўнг ёниб тамом бўлган шамлар одатда ухлаш вақти бўлганидан дарак бергунига қадар яна хаёлга берилдим.

Мен кўзимни очиб мудраб ўтирардим ва шамлардан бири мудроғимни бузди... Қутичага афтидан адашиб тушиб қолган ва бошқасига қараганда кичикроқ ўлчамдаги шамнинг чарсиллаши эътиборимни тортди, у дярли ёниб бўлганди ва ундаги тугаб бораётган ёлқин энди шамдондаги тармоққа уловчи шиша мосламага хавф солиб, уни ёрай-ёрай деб турарди. Мен уни ўчириш учун ўрнимдан турдим.

Бу шам сохта эшикнинг шундоқ ўнг томонида жойлашганди. Ғалати бир нимани сезишим ҳамон олдинга базўр бир қадам ташладим. Ганчқори танобий кўзгуда ҳар доимгидек менга бошдан-оёқ кўринди. Девордаги улкан расм, шамдон, ўчоқ ва уй жиҳозлари – барчаси ўз ўрнида, у ерда фақат менгина йўқ эдим, холос. Олис бўлса-да, бироқ атрофдаги бор-йўқ буюмларнинг барини аниқ кўринишда тақдим этаётган кўзгу айнан мени кўрсатмаётганди.

У ерда йўқлигимдан таажжубланиб, бир жойда қотиб қолгандим; сўнг яна бир қадам олға ташладим. Акси кўринаётган танобийда аввалгидек яна камина йўқ эди. Қўлим билан ойнага тегиб кўргани унга яқинроқ бордим. Барибир на қўлим, на юзим ва на жисмим кўзгуда акс этарди. Агар мен жисмсиз, шаффоф, қўланка бўлган тақдиримда ҳам кўзгу мени булардан ортиқ кўрмаган бўларди. Улар орасида мен чақирилмаган меҳмон ҳисобланган серҳашам, жимжимадор жиҳозларгина кўринарди, холос.

Нима бўлганда ҳам ҳали тирик эдим, шубҳасиз, тирик. Нафас олардим, қимирлардим. Бу туш эмасди. Унинг олис қаърида, аввал ҳам барча буюмлар орасида ўз қиёфамни аниқ акс этган ҳолда кўп маротаба кўришга мушарраф бўлган ўша шиша эшик қаршисида мен ва айнан мен

турардим. Камина ҳамон ўша-ўша аввалгидек эдим, ён-атрофимда ҳам ҳеч нима ўзгармаганди. Шамдонда шамлар ёниб турар, каминда қизғиш олов ловулларди. Альтиненго саройи ҳам ўша-ўша бурунги Альтиненго саройи эди, Венеция ҳам ўша-ўша қадимги Венеция эди. Шунга қарамай, мен бирдан фавқулудда одамга айланиб қолганимга иқрор бўлишга тўғри келарди ва ўша дақиқаларгача каминага батамом одатдагидек туюлган шу бугунги кун мени ақлга сиғмас мавжудликка кўчишимдан дарак берарди, – башарти бу кўзгули эшик, ўзимга аталганидан мутлақо беҳабар аҳволда камина остонасида турган ва у орқали сирли ва ақл бовар қилмас оламга қадам кўйиш мумкин бўлган сеҳрли дарвозанинг шартли белгиси бўлиб чиқса-чи?

Чиндан ҳам ўзим учун хаёлий жонзотга айланиб қолишга сира тайёр эмасдим. Бундай савдога рўпара бўлиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди. Ғайритабиий нарсаларга ҳамиша бепарво қараб келганман. Хаётимда ажойиб ҳодисага сира дуч келмаганман, бу сўзнинг ҳар икки маъносида ҳам... Менинг хурсандчилигим ҳам, ғам-қайғум ҳам, машғулотларим ҳам оддий одамларникидек бўлган, энди қарабсизки, – томдан тараша тушгандек, бирдан араб хикояларидаги қахрамонга айланиб ўтирибман!

Бундай ўзгариш каминани ҳангу манг қилиб қўйиши керак эди. Аксинча, бу ҳолга жуда хотиржам ва бепарво, ҳеч бир ҳаяжонсиз муносабатда бўлдим, башарти агар, тасвирланган воқеа ўткинчи бўлиб, уни бир лаҳзалик кўз чалғишидан иборат дея изоҳлаш мумкин бўлганда, унда тушунса бўларди. Бироқ аҳвол бундай эмасди. Воқеа бир-бирига шу қадар ўхшаш вазиятда такрорланар эдики, уни кутилмаган хомхаёл деб қабул қилиш мумкин эмасди.

Эртасига эрталаб ўрнимдан туришим билан, биринчи қиладиган ишим, яқиндагина менинг аксимни кўрсатишни ғалати тарзда рад этган кўзгуга назар ташлаб қўйиш эди. У итоат билан ўзининг яшил қаърида менинг қиёфамни намоён этди. Бу тажрибамни якунига етказиб, одатдаги турмуш тарзимга қайтдим ва Верана хонимдан мен учун ихчамгина қўл кўзгусини сотиб олишини сўрадим. Аёл кетгандан сўнг аҳён-аҳёнда сеҳрли эшикка назар ташлаб, яна камин олдида ўтириб хаёл суришу мутлақо қилишда давом этдим. Ҳар сафар у ерда ўзимни кўрдим. Аста-секин қош қорая бошлади ва шамни ёқадиган пайт келди. Мен шошмай шам ёқа бошладим. Шу зайлда бутун танобийни айланиб чиқдим ва сўнг “эшик” олдида келдим. Унинг ойнадек силлиқ юзаси бўм-бўш танобийни акс эттириб турарди.

Шу тажрибани қаторасига уч кеча такрорладим. Кун давомида салобатли кўзгу менинг қиёфамни қабул қиларди, кечга бориб эса уни рад этарди. Бироқ Верана хоним сотиб олган кўзгу ўзини бошқача тутарди. У мени акс эттиришни сира қанда қилмасди. Демак, ҳодисанинг сабаби кўзнинг панд берганида эмасди. Бироқ бундан у яна-да ғалатиноқ бўлиб борарди. Нега айнан кеч кириб, шамлар ёниши биланоқ, қалбаки эшикнинг ойнали намоёни мени ўраб турган атрофдаги буюмларнинг икир-чикиригача акс этдиради-ю, бир мени кўрсатмайди? Мен учун жумбоқлигича қолган қандайдир сирли хоҳишдан бошқа сабаби йўқ физикавий қонундаги бундай истисно қаердан келди ўзи?

Фақат тўртинчи оқшомдагина нима содир бўлаётганини тушуна бошладим. Бу оқшом, мен жуда аниқ тасвирлаб берган воқеага янада ғайриоддий

бошқаси келиб қўшилди. Аввал ўтган оқшомлар каби мен шамларни ўт олдиргандан кейин ўчоқ олдидаги оромкурсига келиб чўқдим. Бошимни чангаллаб, бир мунча вақт жойимдан қўзғалмадим ва шу тобда ғалати бир нима юз беришини кўнглим сезгандек бўлди. Бу айнан нима экани менга қоронғи эди, бироқ юрак ниманидир аниқ сезарди, шу қадар аниқ сезардики, ҳатто нигоҳларим ўша синоатнинг юз беришига ишонганча ойнали эшикка қадалди.

Мен адашмагандим: ганчкори танобийнинг ичкарасида ҳали унчалик яхши кўринмаётган мавҳум қиёфанинг акси туртиб чиқиб турарди, бироқ у меники эмасди, негаки мен жойимдан қимирламай турсам ҳам акс ҳаракатланарди. Бу инсон тасвири менинг мавжуд бўлмаган қиёфам ўрнини босиб турарди; у равшанлаша борган сайин мен буни яна-да яхшироқ англаб ета бошлагандим. Қиёфа аста-секин шу қадар тиниклаша бошладики, ўзини кўрсатган бу одамни мен олдиндан билардим. Унинг эгнида узун ёмғирпўш ва қалта шим, ясама сочнинг устидан эса уч-бурчак бош кийим кийган бўлиб, юзи ҳали кўринмаётганди. Бари каби ўша пайт у ҳам гўё булут ичида қолгандек бўзарган тусда анча аниқ акс этиб турарди. Бу одамнинг туриши сал тараддудли эди. У баайни анча вақтдан сўнг уйига қайтаётган саёҳатчига ўхшарди. Бир вақт у қўлини юзига яқинлаштирганча қимирлай бошлади. Шунда мен, илгари ўзимга бир парча булут бўлиб туюлган ўша нимадир қадимда венецияликлар фойдаланган карнавал ниқобларидан бири эканини пайқадим; бироқ, у ниқобни ечмасданоқ тунги йўқловчим ким эканини сезгандим. Шунча аломатлар унинг пайдо бўлишидан дарак бергани учун мен уни чиндан ҳам кутиб туришим керакмиди? Венецияга етиб келган кунимнинг илк оқшомида мен Флориандаги “хитойликнинг пойида” ўтириб, Прентина-ляянинг ҳикоясини тинглаётган пайтимда у атрофимда аллақачон тентираб юрган бўлса-чи? Балки унга тегишли қасрга келиб жойлашишимни ўзи истагандир? Менга исмини ошкор этган ҳам унинг ўзи эмасмикан? Мавжудлигини менга билдириш учун бошқаларнинг ичида у каминани танладимикан? Буларнинг барини мен ўша куни шундай теран ҳис этгандимки, энди ажабланишимга ҳеч бир ўрин қолмаганди. Шундай мафтункор ганчкори танобийга эгалик қилишни яна қайта қўлга киритса, бу адолатдан бўлмасмикан? Унга икки букилиб таъзим қилишиму: “Ассалому алайкум, Винченге Альтиненго, ассалому алайкум! Ўз уйингизга хуш келибсиз!” дейишим қолганди, холос. У ниқобни олиб, юзи аниқ-равшан кўришиб турганда энди шубҳага ҳеч ўрин қолмаганди. Винченге Альтиненго ўзининг ҳар икки сурати – ҳайкалчадагига ҳам, портретдагига ҳам жуда ўхшарди. Қаршимда, кўзгу қаърида мени суриб чиқарган унинг қиёфаси, ҳақиқий Винченге Альтиненго турарди. Хол-хол садафли қадама нақшли фаршни у, рангдан маҳрум, вазнсиз, деярли ҳали мавжуд бўлмаган оёқлари билан депсиганди; унинг ташрифи шундай оддий ва табиий бўлиб кўринардикки, мен ҳатто бунинг мағзини чақишга ва сирли мақсадини англашга ҳаракат ҳам қилиб ўтирмадим.

* * *

Винченге Альтиненго салобатли эшик ойнасида ҳар куни ҳам бир



хил кўринишда пайдо бўлавермасди. У ҳар сафар шамни ёқишимни кутиб турса-да, бироқ қаршимда ҳар доим ҳам учбурчак бош кийимда, эгнига ёпинчиқ ташлаган, юзида ниқоби билан – хуллас, илк кўринишда намоён бўлмасди. Баъзида у столда тирсагига суяниб ўтирган бўларди; гоҳо кўчани томоша қилаётгандек дераза ёнида турарди. Баъзан шундай бўлардики, тез-тез чуқур ўйга чўмган одамдек танобийнинг энию бўйини “ўлчаб” юриб чиқарди. Бу қадар хилма-хил ҳолатларни ягона янгилик деб ҳам бўлмасди. Кун сайин кучлироқ акс этаётган бошқа ўзгаришлар ҳам содир бўлиб борарди. Чунончи, қиёфанинг зичлик даражаси ҳам аста-секин ўзгара бошлаганди. Бошда айтганимдек, Винченге Альтиненгонинг шарпаси қандайдир мавжуд эмасдек, вазнсиздек ва устига-устак туссиз, хира-кўкимтир рангда эди; бироқ кўп ўтмай, у менга вазни ортиб, моддийлашаётгандек кўрина бошлади. Шу билан бирга у аввал анча рангпар эди, бироқ энди бир-биридан сезиларли даражада ажралиб турувчи муайян рангларга қира бошлаганди. Винченге Альтиненго бу ўзгаришлар юз берган сайин аста-секин кўланкага ўхшамай қолаётганди. Бир мунча вақт ўтиши билан мен унинг энгилбошинию матонинг сифатини ажратишга муваффақ бўла бошладим. Юзи ва қўлларига секин-аста жон қираётганди.

Мен барини диққат билан кузатиб борардим. Тунги ошнамга аллақачон одатга айланиб қолган қизиқишу эътибор билан синчиклаб разм солардим. Салобатли кўзгу қаърида қандай у ёқдан-бу ёққа юраётганини кузатардим. У ҳам мен каби ўз ғарибона ҳаёти билан андармон эди; биз юзмаюз турардик ва ҳар иккимизга тегишли ҳар икки ғариб оламни юпқа ойна шишаси ажратиб турарди.

Ҳодисанинг бу тарздаги кўриниши унча кўп давом этмасди. Шу орада Винченге Альтиненго илгари қисқа муддатга кўринган бўлса, энди у билан учрашув тобора узоқроқ чўзилиб борарди. Ўзининг илк ташрифидан шарпа бир мунча машаққат билан қиёфа шаклига кириб, ўз наздида аниқликнинг энг авж нуқтасига етиб борарди-да, ғойиб бўлишдан аввал хира тортиб, аста-секин йўқолиб кетарди. Энди у мавжуд қиёфага анча тез эга бўла бошлади ва бу кўринишни у шамлар ўча бошлагунга қадар сақлаб турарди.

Гарчи мен бошқаларга ўхшамайдиган йўқловчимга тез кўниқиб кетган бўлсам-да, олдидан барибир битта савол кўндаланг турарди. Менинг мавжудлигимни Винченге Альтиненго сездимикан? Мен уни кўра олганимдек, у ҳам мени кўра олдимикан? Шу каби тахминларга боришимга биронта сабаб йўқ эди, бироқ шундай фараз қилиш мумкин бўлган дақиқалар ҳам келди. Ўша кеча Альтиненго қўлини орқага қилганча, у ёқдан-бу ёққа юрди; унинг бор қадди-басти ўша окшом жуда аниқ кўринди. У дабдурустдан таққа тўхтади-да, бирдан мен томонга ўгирилди ва ажабланиб қўйди, сўнг яна сайрини давом эттирди; бироқ у нимадандир хавотирланаётгани, нимадир уни ҳаяжонга солаётгани аниқ эди, эҳтимол, бу безовталиқнинг сабабчиси мендирман.

Бу ўй-хаёллардан камина эртанги окшомга қадар ҳам қутулолмадим, негаки, Альтиненгодаги саросима борган сайин кучайиб борарди. Бу унинг изтиробли важоҳатида, менга ташлаган кўз қарашларида, баъзи бир ишораларида намоён бўлиб турарди. Альтиненго мени гоҳ ошкора, гоҳ яширин кузатарди. Баъзида у эндигина ўтириб олган оромкурсидан

шартга турарди-да, бир неча бор хонани айланиб чиқарди, сўнг қулоғини динг, кўзини лўқ қилиб турган ерида тонг қотиб қоларди. Мен уни кўриш қобилиятининг панд беришидан халос бўлишга уриниб, кўзини одамга ўхшаб бир неча бор ишқалаётганини кўрдим. Мана, қандай шароит сабаб, энди мени сўнгги шубҳа-гумонлардан озод қиладиган оқшом ҳам етиб келди.

Бу оқшом Альтиненго танобийни анча вақт айланди ва мен унинг тўсатдан эшиклардан бири томон кетаётганини кўрдим. Унинг имо-ишорасидан ёнига кимдир ташриф буюрганини ва келганнинг кимлиги менга номаълумлигича қолган бўлса-да, унинг муддаоси ҳам, суҳбатнинг мавзуси ҳам менга аён бўлганди. Суҳбат шубҳасиз мен ҳақимда борарди. Альтиненго ўзи кузатган ҳайратомуз ҳодисалар тўғрисида ҳикоя қиларди. У суҳбатдошининг эътирозини рад этар, шериги чамаси, буларнинг бари тасаввур ўйини эканини уқтиришга уринарди, бироқ Альтиненго ҳеч бир далил-исботни эшитишни истамаган одамдек бош чайқарди. Альтиненго ва мен бир-биримиз учун яшардик!

Менга шу қадар яқин ва айни замонда ёт-бегона зот билан алоқага киришишга бўлган иштиёқнинг туғилиши ва, назаримда, Альтиненго ҳам худди шундай иштиёқ борлиги мендаги ишончнинг маҳсули эди. Кўнглимиз яқинлигига ажабланишнинг ҳожати бормикан? Бизни – парижлик, ҳозирги давр кишиси бўлмиш мени ва ўтмишдаги венециялик бўлмиш уни учраштирган асли шу сирли ҳодиса эмасмикан? Ё бу тақдирнинг бизга атаганимикан? Қадимдан қолган бу қаср бизнинг учрашув жойимиз бўлишини истаган фалакнинг сирли гардиши измига тушиб қолмадикмикан? Мен, гарчанд бу ажиб саргузаштга ҳеч бир тайёр-гарликсиз рўпара келган бўлсам-да, уни ажабланишсиз қарши олдим... Модомики, у менинг ёнимга шундай оддий ва шундай бир табиий тарзда ташриф буюрган экан, нега энди мен унга пешвоз чиқмаслигим керак? Бу арвоҳларни безовту қилиш ёки биронта сеҳр-жодунинг натижаси эмасди. Бўлиб ўтган бир неча аҳамиятсиз, боши-кети қовушмаган воқеалар мени аста-секин унга яқинлаштирганди. Модомики у менга пешвоз чиққан экан, нега энди мен ундан ўзимни олиб қочишим керак? Ва, ниҳоят, бо-адаблик ила унинг қорасига кўлимни узатиш, менинг, Винченге Альтиненгонинг меҳмони бўлмиш каминанинг бурчим эмасми?

Альтиненго ҳам бу масалага худди шундай ёндашаётганди; бунга энди имоним комил бўлди. У шу пайтгача хонанинг қаърида бўлишни хуш кўрди, энди эса кун сайин олдинга чиқиб келарди. Ҳозир мен уни жуда яқиндан кўрдим. Биз бир-биримизни соатлаб юзма-юз туриб кузатардик. Бизни атиги юпқа ойна қаватигина ажратиб турарди ва биз унинг чилпарчин бўлишини билардик, негаки унинг синиши турган гап эди. Шундай бўлиши шубҳасиз, зарур ва муқаррар эди. Бироқ бундай дадил қадамни ташлашга иккимиздан қай биримизнинг журъатимиз етаркин? Альтиненгонингми ёки менинг? Шарпанингми ёки тирик жоннинг? Иккимиздан қай биримиз ботирроқмиз, – иккаламиз ҳам юзма-юз туриб, ўз оламимиздан бир-биримизга савол назари билан боқардик, бу пайтда орқа томонда, шамлар ёруғида дабдабали ва жилвадор қадимий ганчқори нақшлару чинилар олтин тобидан яракларди, бошимиз узра эса вақт таъсирида чириб путури кетган кўҳна Альтиненго қасрининг қозик оёғи юксалиб турарди; бу вақтда эса ташқарида, атрофини ўраб турган кўлларию ич-

карида илонизи бўлиб буралиб-буралиб кетган минглаб канал сувларида ўз меъморчилиги санъати маҳсули бўлмиш кошинларни икки карра кўпайтирганча ўз кўланкаси устида кеккайиб турган нозик, тушуниб бўлмас ва мўъжизавор, сирли тунги Венеция, – тепасида, қаср фаршидаги садаф бўлагидек, қайтаётган ой гардиши порлаб турган Венеция ястанган эди...

Ҳар оқшом муқаррар ҳодиса яқинлашиб келарди. У ўй-хаёлларимни батамом банд этганди. Мен Альтиненгога бевосита алоқадор барини унутгандим. Ўзимни ҳам эсдан чиқаргандим. Агар мендан бундай эски қасрга бекиниб олганча нега Венецияда яшаётганимни ва бу ерга мени қандай шароит етаклаб келганини сўрашса, бу саволга эҳтимол жавоб беролмаган бўлардим. Бироқ ҳеч ким менга бу саволни бермади. Ғариб кўнглимни кўтаришга ҳеч ким келмади. Мени ўраб турган сукунатни эса ёлғиз Вера на хоним билан кундаги бир-икки оғиз гап сотишларгина бузарди, холос; бу пайтда кузги тўлқинларни чакирувчи Венеция каналлари кўзғалиб, сув соҳилбўйи кўчаларининг зиналаридан то бандаргоҳгача, ундан қаср йўлагигача кириб борарди, бу орада гувиллаб эсаётган кучли шамол ва бўрон уларнинг баланд мўриларини тебратганча болохона айвонларининг ўқ ёғочларини ларзага келтирарди. Тўлқин баъзан шу қадар қутуриб кетардики, ғовлардан ҳам ошиб ўтиб, Сан-Марко майдонини кичкина тўлқинчалар ҳосил бўлган кўлга айлантларди-да, ўзини, мрамартошдан қилинган ва кошинланган, ҳаворийларнинг шоҳона биносига ўхшаш Венеция кемаси Букентавер сузиб юргандек қилиб кўрсатганча Пьяцеттга келиб қўйиларди; порфир устунда шер ўзининг очкўз тумшуғи билан шўр тўлқин ва денгизнинг қудратли шамолидан ўпкасини тўлдириб нафас оларди ва унинг бринчдан ясалган қанотлари тасаввурдаги парвоздан кўрққанча қалтираб борарди...

Буларнинг бари менга нега керак? Мени фақат бир нарса қизиқтирарди: биз иккимиз ҳам кутаётган, негаки буни биз иккимиз ҳам истаган, иккимиз ҳам уни хоҳлаган бу ҳал қилувчи қадамни ким босади, иккимиздан қай биримиз, Альтиненгоми ёки мен? Юзларимиз деярли бир-бирига тегиб, нигоҳларимиз бениҳоя синчковлик билан тўкнашиб, қўлларимиз бир-бирини излай бошлади. Бу мўъжизани амалга ошириш кимга насиб этаркин, Альтиненгогами, ёки менга, ёки, пировардида, бу жўнгина содир бўлармикан?

* * *

Мен ғалати туш кўриб уйғондим. Назаримда, у анча узоқ давом этди ва уни бир кечадаги туш деб бўлмасди. Таг-туби кўринмас бу туш ҳаётимни бутунлай тўхтатиб қўйиш билан кечди. Мендаги бори – жисимим ҳам, қоним ҳам, хотираму бугунги куним, ўтмишим ҳам, бари беҳуш қилинганди. Бу уйку – тубсизлик қаъридан аста-секин, шошилмайгина уйғондим; мана мен сиртга тегдим, мана, яна ҳаётга қайта бошладим. Мен ҳали яшашни бошлаганим йўқ, бироқ ҳозир яшай бошлайман. Ҳадемай кўзимни очаману оёқларимни қимирлатиб, ҳаракатга келтираман ва тилга кираман.

Сукунат ичида атрофга алангладим. Ҳамон ўринда ётардим. Атрофим-

да деворлари оққа бўялган, камтарона жиҳозланган хоналар кўзга ташланди. Эгнимда дағал газламадан кўйлак. Нимадир бошимни сиқарди. Бу боғланган жароҳат эди. Мен ўзи қаердаман? Нега кўрпа-тўшак қилиб ётибман? Бу яна қанақа оқ кулба бўлди? Қандай воқеа содир бўлди ўзи? Қўлимни кимирлатгандим, кўнгироқ нокчасига тегиб кетдим. Ёшгина ҳамшира ёнимга келди. Ҳамшира кулимсираганча бармоқларимдан тутди-да:

– Ҳа, бугун ёқимтой беморимизнинг аҳволи анча дуруст! Сизга бирон нима керакми? Мен ҳозир шифокорни чақираман, у ўз хонасида... У менга буюргандики... – деди.

Мен уни тўхтатдим-да:

– Аввал айтинг-чи, қаерда ётибман?

Ёшгина ҳамшира кулиб юборди.

– Ҳа, сиз Жудеккедаги доктор Беллинчонининг клиникасидасиз.

Жудеккени бир неча бор сайр қилатуриб, қалпоқчали баланд мўриси бор ва эшигига шифохона белгиси сифатида катта қизил хоч ўрнатилган уйнинг ёнидан ўтгандим. Ҳатто бир кун ташқари томондан вестибюль орқали кўриниб турган боғни бироз сайр қилиш учун ичкарига ҳам киргандим.

– Лекин бу клиникага қандай тушиб қолдим?

– Сабр қилинг, докторнинг ўзи сизга бир бошдан ҳаммасини гапириб беради.

Шифокор Беллинчони соч-соқоли яхшилаб олинган, юзлари сипсиллик, тўладан келган, қувноқ ва кўринишдан ёқимтойгина киши эди. Саволларимга жавоб беришдан аввал у мени кўриқдан ўтказди. Кўрик натижалари афтидан уни қониқтирди, шекилли, охирига етказибок бемалол каравотнинг оёқ тарафига ўтириб олди-да, қўлларини бир-бирига ишқалаганча, деди:

– Хўш, хўш, азизим, бари яхши кетяпти. Энди хавф-хатар ортда қолди. Ҳа, яна бироз дам олишу етарли парвариш ва осойишталик бўлса, бас. Жароҳат ҳали битганча йўқ, бироқ ҳар қандай нохуш ходисаларга мутлақо барҳам берилди. Жин урсин, зап зарба бўлган экан ва бу сизга жиддий шикаст етказган!

Мен ёстикдан бошимни бироз кўтардим.

– Қандай зарба, доктор?

– Қандай зарба? Қандай зарба бўларди, ўз чорчўпидан чикиб, бошингизга кулаб, ағдарилиб, чил-чил синган залворли кўзгунинг зарбаси-да! Сиз ҳозир даволанаётган оғир жароҳатингизга бу синган ойна парчаларию лат еган ерингиз сабаб бўлган. Тағин ҳам сиз тирик қолибсиз. Фикримни билдиришга ижозат этсангиз, шуни айтмоқчи эдимки, эски, путури кетган Альгиненго қасрига келиб жойлашишингизни маслаҳат берган шахс сиз учун жуда нобоп ерни танлаган, чунки кўзгунинг ағдарилиб, сизни шикастлагани етмагандек, бу фалокатнинг эртасига деворнинг ярми кулаган ва уйнинг фарши ўпирилиб тушган. Қаср сиз келмасингиздан бурун хатарли даражада омонат бўлган ва бино тўлқиннинг кучли босимига ҳам, бўронга ҳам қаршилиқ кўрсата олмаган. Иморатнинг таг-туғи билан каналга кулаб тушишига бир баҳя қолган. Ҳозир шаҳар бошқармаси бинони ижарачилардан бўшатишга фармойиш берган ва уни бутунлай бузиб ташлашни мўлжаллаётди.

Шифокорни сўзларини диққат билан тингладим. У сўзида давом этди:

– Бу фалокат тунда содир бўлган. Ҳайрон коларли ери шундаки, қасрда истикомат қилувчилардан биронтаси бу шовқин-суронни эшитмаган. Тўғри, сиз жойлашган бино бутунлай ажратиб қўйилган ва бунинг устига тундаги кучли шамолдан тўс-тўполон кўтарилган. Тонгда эса хонангизга кирган хўжалик бошқарувчиси Верана хоним сизни у ердан хушсиз, қонга беланган ҳолда топган. Аёл оқилона йўл тутиб, сизни ўша заҳоти менинг клиникамга етказган. Сиздан хабар олиш учун бир неча бор аёлинг ўзи, шунингдек, Зотарелли исмли қандайдир илтифотли антиквар, ва яна, сиз бахтсиз ҳодисага учраганингиздан икки кун ўтиб, саёҳатдан қайтган биродарингиз Прентиналя ҳам келиб кетишди. У жуда изтиробли кўринарди ва буларнинг бари қандай юз берганини мендан сўраб-суриштирди; бироқ мен унга батафсил сўзлаб беролмадим. Сиз, балки, барини мендан кўра яхшироқ тушунтириб берарсиз ва сизни нариги дунёга равона қилишига сал қолган жин ургур ўша лаънати эшик билан сизнинг орангизда аслида нима содир бўлганини, эҳтимол, эслай оларсиз. Дарвоқе, бугунга етар, шундай ҳам жуда кўп гапириб юбордик. Энди сиз кечки ярани боғлаш вақти келгунга қадар ётиб, бир неча соат дам олишингиз керак.

Мен шифокор Беллинчонига итоат этдим-да, кўрсатган ғамхўрлиги учун миннатдорчилик билдирдим ва ўйга толдим. Доктор Беллинчони айтган сабабларни эътиборга олсаммикан? Мен бир неча ҳафта давомида қурбонига айланган мия чалғишига балки мана шу ҳодиса нукта қўйгандир? Бехосдан кулаган эшикнинг менга етказган тан жароҳатидек Винченге Альтиненгонинг омонат кўланкасига ҳам зиён етдимикан? Бизнинг сирли мусохабамиз тасодифан узилиб қолдимикан? Мен гўёки остонасида турган сирли саргузашт ҳали поёнига етмай туриб, нахотки шу тариқа аҳмоқона жароҳат олиш билан якун топса? Доктор Беллинчонини шу қадар ҳайрату ташвишга солган, ғайритабиий бу уйку яна давом этармикан? Балки Винченге Альтиненго ташқарига чиқишни истаган ва каминани ҳам эргаштириб кетмоқчи бўлган ўша сирли оламда у билан уйқумда бўлгандирман? У ерда бошимдан не ўтган бўлмасин, барчасидан айрилдим. Шундай қилиб, бир лаҳзага бўлса-да, қайғули борлигим чегарасидан сўнгги бор ҳатлаб ўтиш имконидан маҳрум бўлдим! Эҳтимол, бир замонлар Винченге Альтиненго ҳам худди шу ганчқори ва чинни билан безатилган танобийда мен каби ўша руҳий тушқунликдан азоб чеккандир ва мен энди ҳеч қачон эшитолмайдиган таскин сўзларини айтиш учун ёнимга келмоқчи бўлгандир? Ёки буларнинг бари, ҳар ҳолда, мен мабодо ҳикоя қилиб беришни лозим топсам, доктор Беллинчонини кулдиришга мажбур этувчи пачоқ бошимнинг алахсирашимикан?

Оқшом доктор, анча машаққатли бўлган жароҳатни боғлаш муолажасидан сўнг докани тўғрилаганча деди:

– Мана, энди жароҳат анча дуруст, анчагина дуруст. Мабодо эртага Зотарелли ва Прентиналя жаноблари сизни кўргани келиб қолишса, уларга олдингизга киришларига ижозат бераман.

Биринчи бўлиб жаноб Прентиналя келди. У ётган еримга ўзини отганча қўлларимдан чўлп-чўлп ўпа бошлади.

– Афсус, дўстим, минг афсус, мен ўзимни шундай койидимки! Ахир бу менинг айбим! Бу бало-қазоларнинг барига сизнинг Прентиналянгиз айбдор. Бу лаънати Альтиненго қасрини сизга кўрсатган мен эмасмидим?

Оҳ, жароҳатланган шўрлик бошингиз! Бунинг учун ўзимни ҳеч қачон кечирмайман!

Шундай дея бир қўли билан у кўксига урди, бошқаси билан докани кўрсатди. У ҳар доимгидек чойшабдек ёмғирпўшига бурканганча, кулгили сахна асари қаҳрамонидек ўзининг одатдаги машак башараси билан қаршимда турарди. Унинг бармоғида Фондамента Фоскаринидаги қасрнинг ва Верана хонимнинг манзили кўрсатилиб, менга юборилган мактуб муҳрланган сирли узук ярқираб турарди. Кўзлари олайган, индамас Верана билан никоблангандек башарали бу Прентиналя ўртасида қандай умумийлик бўлиши мумкин? Қаза дельи Спиритидан бўлган савдойи лорд Сперлинг билан ишлар қай аҳволда? Прентиналя у билан Римгача борди ва у Миланга “рухий ходиса” тадқиқотчиларининг конгрессига бориш учун ўша ерда қолди. Улар яқинда “хитойликнинг пойида” йиғилишармиш, шу ростмикан? Прентиналя – бепарвогина қўшимча қилди:

– Ҳа, айтмоқчи, азизим, мен сизга ҳикоя қилиб берган Шаҳар Музейидаги ихчамгина ҳайкалчанинг ғойиб бўлиши билан боғлиқ воқеа ёдингиздами? Гап бундай, ҳайкалча яна ойна кутидаги ўз жойига қайтди! Бир куни эрталаб уни ўша ердан топишди, у одатдагидай ясама сочда, табассум қилиб турарди. Фақат ҳайкалчани кўтариб келаётиб, фирибгар уни тушириб юборган бўлса керак, чунки унда кўзга ташланадиган анча-мунча ёриқлар борлиги маълум бўлди. Уни ҳозир асил ҳолига келтиришяпти... Лекин мен, азизим, роса жонингизга тегдим! Яқин орада кўришгунча! Ҳали яна келаман.

Шундай дея бошига момик қалпоқ кийган ва эгнига ёмғирпўш илган Прентиналя кўздан ғойиб бўлди ва у хайрлашув ишорасини қилаётганда кўрсаткич бармоғидаги тамғаси сеҳрли қимматбаҳо тошли қизғиш узук ярқираб кетди.

У кетгандан сўнг ўзимни ҳорғин ҳис этдим ва кўзимни аста юмдим. Оппоқ хонамда ёлғиз қолгандим. Мени Жудеккенинг чуқур сукунати қуршаб олганди. Хаёлан Фондамента Фоскаринини, дераза ромлари яшил, олд кўриниши кулранг кўҳна қасрни, унинг пўртаҳол рангли пардаларини ва туртиб чиққан дўмбоқ долонларини, ейилиб кетган зинапояларини, шўр босган деворларини, терма нақшли фаршига садаф бўлакчалари қадаб чиқилган чокқина даҳлиз сахнини, вестибюлини, ҳандасавий шаклларга бой хонасини, безакдор ганчкори танобийсини, уй ўчоғинию зарҳал шаклли чинниворларни яна бир бора кўришга муяссар бўлгандим. Қаршимда мрамор билан ҳошияланган ойнали эшикни кўрдим, унда кўҳна уй-жойида янги меҳмонни кутиб олиш учун тубсизлик қаъридан, нариги дунёдан венециялик Винченце Альтиненгонинг тасвири қошимда пайдо бўлди. Унинг сиймоси билан мен сўнги бор саломлашдим ва гўё у ҳам сирли, истехзоли ва маънос табассуми билан Реденторе ва Санта-Эуфелия қўнғироғи ўз жаранги билан биллурдек шаффоф ҳавони айни титроққа солаётган пайт саломимга алик олди, сўнг хайрлашув маъносидан им қоқиб қўйди-да, кўздан ғойиб бўлди. Шундан кейин мен уни бошқа кўрмадим.

АДАБИЙ АЛОҚА – АБАДИЙ АЛОҚА

Ўзбек ва қирғиз адабий алоқалари узоқ тарихга бориб тақалади. Бу алоқалар XIX асрдаёқ бир маромда ривожлана бошлаган: Қўқон хони Муҳаммад Алихон асрнинг 20-йиллари ўрталарида ташқи душмандан муҳофазаланиш учун ҳозирги Бишкек, Тўқмоқ, Қораболта шаҳарлари ўрнида мустаҳкам қалъалар қурдирган, қирғиз ёшлари учун мактаблар очилган, мадрасаларда таълим тизими йўлга қўйилган. Машҳур манасчи Соғимбой Ўрозбаков ўзбек муллasi қўлида савод чиқарган. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида тасвирланишича, Ўш, Андижон, Наманган мадрасаларида ўзбеклар билан бирга қирғиз талабалари ҳам бирга ўқишган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб қирғиз ёзма адабиёти ана шу негизда пайдо бўлди, десак муболаға бўлмайди. Унинг дастлабки вакиллари мактаб-мадрасаларда таълим олган ёшлар эди.

XIX аср охирида ўзбек уламosi Шокир домланинг шогирдлари орасидан Алдаш мулла, Мулла Ниёз, Мулла Қилич, Тўғалоқ мулла, Нурмўлда, Ўсмонали Сидиқ ўғли, Исоқ Шайбеков, Абулқосим Жутакеев каби ўнлаб ёзма адабиёт вакиллари етишиб чиқди. XX асрнинг йигирманчи йилларига келиб эса, жуда кўп қирғиз талабалари Тошкентда билим олишди.

Адабий алоқалар йилдан йилга ривожланиб борди. Қирғизистон халқ ёзувчиси Али Тўқамбоев бундан етмиш йилча муқаддам Алишер Навоий ҳақида илмий мақола ёзди, “Лайли ва Мажнун” достонини қирғиз тилига ўгирган таржимонларга бош-қош бўлди. Устоз Миртемир улкан “Манас” эпосининг биринчи қисмини зўр маҳорат билан ўзбекчага ўгирди. Ушбу таржимани атоқли адиб Чингиз Айтматов юксак баҳолади. 1934 йили Илёс Муслим қирғиз носир



Қосимали Боялиннинг “Ҳожар” қиссасини ўгириб, алоҳида китоб тарзида чоп эттиради. Эллигинчи йиллардан бошлаб эса қирғиз тилидан таржима қилиш янги куч олди. Бу даврда атоқли адиб Тугалбой Сидиқбековнинг “Замонамиз кишилари”, “Тоғ болалари” ва “Тоғлар орасида” деган уч романи Илёс Муслим, Қодир Аҳмадий каби мутаржимлар ўгирмасида чоп этилди. Шукурбек Бейшеналиевнинг болалар учун ёзган “Балли”, “Қичан” номли икки қиссаси, Муса Жонғозиевнинг “Ажойиб тоғлар” шеърлар тўплами, “Мовий Иссиққўлда” қиссаси каби ўнлаб асарлар ўзбек ўқувчилари қўлига бориб етди.

Шундан кейинги йилларда қирғиз адабиётининг мумтоз вакили Тўктагулга бағишланган тўпламлар, А.Тўқамбоевнинг “Дўстларимга”, С.Эралиевнинг “Тоғлар фарзандиман”, Т.Уметалиевнинг “Тўрғай навоси”, С.Жусуевнинг “Довон” шеърлар тўпламлари, Ш.Абдирамановнинг “Танишларим”, Т.Қосимбековнинг “Синган қилич” романи, М.Байжиевнинг “Менинг олтин балиқчам” насрий асари, қатор драмалари катта-катта адабларда нашр этилди. Болалар учун тартиб берилган “Бир қалпоқ олтин”, “Сехргар билан бола” сингари эртак китоблари жажжи ўқувчиларга яхши совға бўлди.

Қирғиз бадий сўз санъатининг ўзбек хонадонларига кириб келишида икки улкан адабий воқелик – “Манас” эпоси ҳамда улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов асарларининг ўрни алоҳида. “Манас” эпоси қисқартирилган вариант тарзида 1958 йилда илк бор уч жилд (тўрт китоб)да нашр этилган эди. Бу тарихий ёдгорликни кейинчалик ўзбекчалаштиришда Миртемир, Султон Акбарий, Турсунбой Адашбоев, Зуҳриддин Исомиддиновларнинг хизматлари катта бўлди. Чингиз Айтматовнинг жамики асарларини Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суюн Қораев, Абдураим Отаметов каби мутаржимлар маҳорат билан ўзбек тилига ўгирдилар.

Ўзбекистонда қирғиз адабиёти намуналари ўзбек, қорақалпоқ тилларига таржима қилинишидан ташқари, ўтган асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёнинг маданий маркази ҳисобланган Тошкентда очилган “Радуга”, “Прогресс” нашриётлари ташаббуси билан Чингиз Айтматов, шунингдек, яна бошқа айрим қирғиз адибларининг асарлари урду, хинд, козоқ, уйғур, форс ва бошқа тилларга таржима қилиниб, нашр этиш орқали уларни халқаро миқёсда тарғиб этиш жиҳатидан ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Икки қардош мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланган бугунги кунда Чингиз Айтматовнинг ўлмас адабий-бадий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг гуманизм ва эзгулик ғояларини, миллий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган асарлари бугун мамлакатимизда севиб мутолаа қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қарори асосида суюкли адиб таваллудининг 90 йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланмоқда. Адиб ҳаёти ва ижодини тадқиқ ва тарғиб этишда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида фаолият юритаётган “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” доимий экспозициясида ўтказилаётган тадбирлар, адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира китобининг нашр этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ



Чингиз Айтматовнинг кенг қамровли ижоди, дунё микёсида тан олинган бадиий асарлари, қисса ва романларидаги турфа тақдирли қахрамонларнинг дунёқараши қирғиз тасвирий ва амалий санъати ривожига улкан ҳисса қўшди. Адиб асарларидаги соф миллий туйғулар, фалсафий ва гуманистик ғоялар, миллий ва умумбашарий муаммолар талқини таъсирида яратилган асарларда адиб оламининг ўзига хос жиҳатлари, ўй-қарашларидаги янгича йўналишлар, бадиий ифода услубидаги новаторлик, ҳаётий воқеликка муносабат каби хусусиятлари анъанавий ва янгича ифода услубларида очиб берилган. Г.Айтиев номидаги Қирғизистон Миллий тасвирий санъат музейида жамланган асарларнинг аксариятида айна шу жиҳатларни кўриш мумкин.

Адиб фаолиятига бағишлаб ташкил этилган кўргазма асосан икки қисмдан, профессионал мусаввирларнинг асарлари ва ёш рассомларнинг ёзувчи ижодидан илҳомланиб чизган ишларидан иборат. Шуниси диққатга сазоворки, Чингиз Айтматов ижоди қирғиз адабиёти ривожига қанчалар ҳисса қўшган бўлса, ўтган асрнинг иккинчи ярмида тасвирий ва амалий санъатнинг янгича йўналишларда ўсишига ҳам бундан кам бўлмаган даражада таъсир кўрсатди. Адибнинг ҳар бир янги асари турли жанрларда санъат асарларининг пайдо бўлишига тurtки берди. Буни Л.Ильина, В.Рогачев, М.Аҳмедов, Р.Жанқарачева, К.Давлетов, А.Кашкуревич асарларида кўриш мумкин. Музейида сақланаётган Арлен Кашкуревичнинг 18 та литографик туркуми адибнинг “Бўронли бекаат” асари асосида ишланганлиги фикризмизга мисол бўла олади.

Рассомлар Чингиз Айтматовнинг образини яратишга ҳам алоҳида эътибор бердилар. Бу мавзуга биринчи бўлиб А.Усубалиев (1964) қўл урди, кейинчалик Т.Усубалиев адибнинг портретини (2007) яратди. Хайкалтарош Т.Содиқов ишлаган бюст ҳам музей экспонатлари орасидан муносиб жой олган.

Адиб портретини яратиш тажрибаси замонавий қирғиз рассомлар ижодининг ахамиятли жиҳатига айланиб улгурди, десак хато бўлмайди. Айтматов портретини чизишга қўл урган қай бир рассом борки, унинг сурати ва сийратини турлича бадиий идрок этиб, талқин этишга интилади. Сўнгги йилларда яратилган портретлар орасида С.Мурзахонов, Т.Койчуманов, Ж.Қалмирзаев каби мусаввирларнинг асарлари Чингиз Айтматов олами кенг қамраб олинганлиги, бадиий қиймати билан диққатга сазовордир. С.Мурзахонов ишлаган “Чингиз Айтматов портрети”да адиб сиймосига космогоник ёндашилган. Асарда ўтирган ҳолатида, ўрта планда тасвирланган адиб қиёфасидаги виқор ва салобат яққол кўзга ташланади. Унинг атрофида – фонда акс этган коинот ва ер, табиат ва жамият, ижтимоий муҳит ва бадиий образлар, муҳаббат ва хаёлот тимсолларида улуғ ижодкорнинг бутун бадиий оламини, унинг бир инсон, фуқаро ва банд сифатидаги дунёсини ва тафаккур даражасини уқиш мумкин.

Ёзувчи таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан рассом Т.Койчуманов чизган портрет ҳам ўзига хос талқинда бўлиб, унда Айтматов

сиймоси юксак бир маъвода – юлдузлар қаърида, тунги тоғларга хиёл елкадош тургандек тасвирланади. Адиб эса фикр ва меҳрга тўла нигоҳ билан олис-олисларга – инсониятга боқиб турибди. Рассом ушбу портрети билан Айтматовнинг улуғворлигини, у ёзиб қолдирган асарлар худди юлдузлар сингари инсон ҳаётини, қалбини ёритишда давом этишини тасдиқ этгандек.

Яна бир эътиборга молик портрет – рассом Ж.Қалмирзаевнинг ижод маҳсулидир. Унда адиб сиймоси йирик планда арт-стринг усулида ишланган. Замоनावий тасвирий ва амалий санъатнинг янги жанрларидан бўлган ип ва симлар воситасида асар яратиш қирғиз санъатига ҳам жадал кириб келиб, тобора оммалашиб бормоқда. Ж.Қалмирзаев ишлаган адиб портретини бу йўналишдаги тажрибаларнинг энг сара намуналари сафига киритиш мумкин.

Айтиш мумкинки, адиб ижоди таъсирида қирғиз миллий санъатида кўплаб янги қирралар очилди ва бу жараён изчил ривожланмоқда. Чингиз Айтматовнинг ижод олаmidан илҳомланган кўплаб рассомлар (А.Алакунов, Б.Темиров, А.Давлетов, З.Қочқинбек ўғли, А.Шаршакеев ва бошқалар) яратган асарларда қирғиз диёрининг бетакрор табиати, тоғлар салобати, қишлоқ одамларининг турмуш тарзи, орзу-умидлари ўз ифодасини топган. Бир гуруҳ ижодкорлар (Н.Кебек ўғли, К.Арасулов, К.Галбаев, Д.Позиллов, Н.Жороев, М.Шейшенбоев, Р.Тоқтобоева ва бошқалар) реалистик ва декоратив-пластик услубда Айтматов асарлари қаҳрамонларининг портрет ва скульптураларини яратдилар.

С.Торобековнинг “Айтматов олами” триптихи, З.Илиповнинг “Она Буғу” туркуми, Р.Пазилловнинг “Асрни қаритган кун”, А.Имоналиевнинг “Турналар”, У.Сереновнинг “Фронтдан мактуб”, А.Шаршекеевнинг “Кириск”, Д.Темировнинг “Танабой”, “Қиёмат”, А.Байрамгулованин “Қўшиқ”, “Афсона” асарлари адиб ижоди таъсирида юзага келган санъат намуналаридир.

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА

ТЕАТР



Бугунги кунда Қирғизистонда йигирма бешта профессионал театр ижодий фаолиятда бўлиб, улар мамлакатнинг турли худудлари, хусусан, пойтахт ва бошқа шаҳарларида жойлашган. Бишкекнинг ўзида ўн битта, Ўшда эса тўртта, Жалолобод шаҳрида иккита, Норин, Жумғол, Баткен, Иссиқкўл, Олой, Қўчқор, Тўқмоқ, Талас шаҳарларида биттадан театрлар мавжуд. Бу театрлар ўз ижодий хусусиятига кўра, кўғирчоқ ва болалар театри, мусикали, драматик, опера ва балет йўналишларига мослашган бўлиб, аҳолининг турли қатламларига маданий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Қирғиз театрининг ташкил топиши ва ривожланиш тарихи асосан икки йирик даврни ўз ичига олади. Анъанавий ҳаваскорлик шаклидан аста-секинлик билан европача типдаги профессионал тизимга ўтиш жараёни минтақанин бошқа худудларидагидек XX аср бошларида бошланган. Те-

атрчилик ҳаракатлари жадаллашиб, халқ оғзаки ижоди, маросимлар, халқ ўйинлари, оқинлар айтишуви ва қизиқчиларнинг фаолияти билан боғлиқ равишда ҳаваскорлик театр труппалари ташкил топа борган.

1914 йили Мирзо Раҳмонберди хожи Муҳаммадаъзим Аълам ўғли Мадазимов раҳбарлигида Ўш шаҳрида рус-тузем мактаби ўқитувчиси Болтихожи Султонов билан биргаликда театр тўғараги ташкил этилган. Шунингдек, Раҳмонберди Мадазимов раҳбарлигида Туркистон fronti ҳарбий кенгаши қошидаги концерт бригадаси негизида Ўш ҳаваскор театр тўғараги тузилган. Иброҳим Масабоев, Бекназар Назаров, Жўраҳон Зайнобиддинов, Назирхон Камолов, Абдурашид Эшонхоновлардан иборат мусулмон актёрлар мазкур труппанинг илк ижрочилари бўлган. Раҳмонберди Мадазимов Қирғизистондаги театр ҳаракатининг асосчиларидан бири ва Ўшдаги ўзбек театрининг биринчи бадий раҳбари ва ташкилотчисидир. У театр труппаси билан Ўшнинг барча туманларини айланиб, концерт ва спектакллар қўйиб чиқади ва босмачиликка санъат қуроли орқали кураш олиб боради.

1918 йил Қорақўлда илк қирғиз ҳаваскорлик халқ театри тузилган. 1919 йили театр тўғараги драма труппасига айлантирилган. Ушбу труппа Қирғизистонда нафақат театр санъати, балки профессионал мусиқа санъатининг ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутган. Кейинчалик театр труппаси Ўш давлат академик мусиқали драма театрини тузишга асос бўлган. Бобур (собик Киров) номидаги Ўш театри Марказий Осиё театрлари ичида Ўзбек Миллий академик драма театридан кейинги энг кекса профессионал театр дир.

Бу йилларда Пишпек ва Норин уездларида ҳам ҳаваскорлик театрлари фаолият бошлади. Шунингдек, театрда ўқув студияси ҳам ташкил этилиб, унда таҳсил олган ёшлар театрларда фаолият юритиб, таниқли актёрлар сафига қўшилишди. Булардан А.Қуттибоев, К.Мадамилов каби театр-студиянинг бошқа битирувчилар номларини келтириш мумкин.

Театрчилик ҳаракатининг дастлабки даврида труппага аёлларни жалб этиш ман қилинган бўлиб, аёллар ролини ҳам эркаклар ижро қилган. Жумладан, труппанинг биринчи йирик асари “Туркистон табиби” (М.Уйғур) спектаклидаги аёл ролини труппа артисти Жўраҳон Зайнобиддинов ижро этган. Биринчи қирғиз аёл ижрочиси Розия Мўминова бўлиб, у лапар айтиб, рақсга тушиб томошаларда иштирок этган.

Профессионал театрлар 1920 йилларда юзага кела бошлади.

1926 йилда мусиқали драма студияси ташкил этилиб, 1930 йилда профессионал драма театрига айлантирилди. Бу театрда жаҳон драматургиясининг мумтоз вакиллари бўлган Лопе Де Вега, Шекспир, Мольер, Гольдони, Шиллер, Островский, Гоголь асарлари қаторида кўпгина маҳаллий ёзувчиларнинг асарлари саҳналантирилди. Мазкур саҳнада ижод қилган М.Рискулов, Д.Қуюков, Т.Турсунбаев, И.Рискулов, Ш.Қосималиева, А.Умуралиев, А.Қодирназаров, З.Молдобаева, Г.Дулатова, Ж.Содиқбекова, Б.Шалтаев, С.Далбаев, М.Далбаева, И.Раимкулова, Б.Омуралиев, Ж.Абдуқодиров, М.Назаралиев, Г.Ажибекова каби санъаткорларнинг меҳнати театрининг ижодий тақдирида алоҳида ўрин тутди. Ушбу Қирғиз миллий академик драма театри атоқли драматург Тохтаболат Абдумўминов номи билан аталиб, ҳозирда мамлакатнинг бош театри ҳисобланади.

Пойтахт театрлари орасида ўз ўрнига эга яна бир театр Бишкекдаги Бакен Кидикеева номидаги давлат ёш томошабинлар театридир. Театр

дастлаб 1929 йилда ташкил этилиб, унга атоқли санъаткор О.Сарбағишов режиссёрлик қилган. Унда халқ эртаклари, дoston ва эпослар асосида кўплаб ижодий ишлар амалга оширилганига қарамай, 1943 йилда фаолияти тўхтатилган ва 1989 йилга келиб яна қайтадан очилган. Театр ҳозирда актриса Бакен Кадикеева номи билан аталади. Капар Медебеков, Назира Мамбетова, Болат Бейшеналиев, Чинор Қолибеков, Бакирдин Алиев каби йирик санъаткорлар изидан Дария Кусеинова, Умрзоқ Тохтамуратов, Гулмира Тошматова, Руслан Курманалиев, Муҳаббат Бойқобилова сингари актёрлар авлоди айни шу театр саҳнасида етишиб чиқди.

1935 йилда Москва театр санъати институти битирувчилари билан бирга рус драма театри ташкил этилди. Театр жамоаси кўплаб қирғиз драматургларининг миллий асарларини рус тилида саҳнага олиб чиқди. Масалан, Ч.Айтматов, М.Байжиев, Т.Абдумўминов, М.Тўйбоев, К.Эшмамбетов, Р.Шукурбеков сингари таниқли қирғиз адибларининг асарлари театрнинг ижодий муваффақиятларида муҳим роль ўйнади.

2008 йилда Қирғизистон президентининг қарори билан ушбу театрга



улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов номи берилди.

1937 йилда Норин вилоят мусикали драма театри ташкил топди. Театр саҳнасида кўплаб классик ва замонавий драматик асарлар саҳналаштирилди. У.Шекспир, Н.Гоголь, В.Вишневскийларнинг ўлмас асарлари қаторида қирғиз драматурглари

Ч.Айтматов, К.Жонтошев, Т.Абдумўминов, Б.Жақиев ва бошқаларнинг асарлари театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олди.

Бишкекдаги Қирғиз драма театри труппаси 1941 йилда тузилган. Бу театр жамоаси қирғиз халқининг ҳаёти акс эттирилган кўпгина спектакллар яратишга муваффақ бўлди. “Отанинг қисмати” (Б.Жақиев), “Қичан” (Ш.Бейшеналиев), “Янги келин” (М.Тўйбоев), “Юзма-юз”, “Момо ер” (Ч.Айтматов) каби саҳна асарлари шулар жумласидандир.

Қирғиз театри ҳақида сўз борганда, А.Молдибоев номидаги Қирғиз миллий академик опера ва балет театрини эсламасликнинг иложи йўқ. Театр 1926 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар мамлакатнинг энг нуфузли театрларидан саналади. Биринчи қирғиз операси “Айчурек” 1939 йилда, биринчи қирғиз балети “Анор” эса 1940 йилда айни шу театрда саҳналаштирилган. Бу йиллар давомида у ерда кўплаб йирик саҳна асарлари дунёга келди. Қирғиз миллий балети ҳам шу масканда ривож топди. Анча-мунча шуҳрат қозонган “Манас”, “Тўхтагул” опералари, “Лауренсия” (1941), “Раймонда” (1947), “Боғчасарой фонтани” (1948), “Оққуш кўли” (1949), “Эсмеральда” (1952), “Уйқудаги гўзал” (1956), “Ромео ва Жульетта” (1962), “Италия осмони остида” (1954), “Спартак” (1969), “Прометей” (1971) сингари жаҳон мумтоз ва замонавий балетлари театрнинг шонли тарихини бунёд этди. Сайра Кийизбаева, Болат Минжилкиев, Ҳусейн Мухтаров, Ортиқ Мирзабаев сингари атоқли опера хонандалари, Бибисора

Бейшеналиева, Чўлпон Бозорбоев, Уран Сарбағишов, Ойсулув Тўқонбоева каби балет юлдузлари сиймосида қирғиз сахна санъати мамлакатдан ташқарида ҳам машҳур бўлди.

С.Ибрагимов номидаги Ўш давлат драма театри Қирғизистондаги йирик театрлар ичида энг ёши ҳисобланади. У 1972 йилда Жалолобод шаҳар маданият саройи қошида ташкил этилган. Театр ижодий жамосининг асосий қисми ёшлардан иборат.

Мамлакатда фаолиятда бўлган К.Жонтошев номидаги Иссиққўл вилояти мусикали драма театри, М.Рискулов номидаги Норин вилояти мусикали драма театри, Ш.Термечиков номли Чўй вилояти комедия театри, М.Жонғозиев номидаги Бишкек давлат кўғирчоқ театри ва бошқа театрларда кечаётган ижодий жараёнлар бир бутунликда қирғиз халқи маданий ҳаётидаги катта бир тармоқни ташкил этади. Уларнинг репертуари миллий ва жаҳон драматургиясининг турфа намуналари асосида бойиб, қирғиз халқининг ўлмас анъаналари, юрт тарихини келажак авлодга етказишга бўлган интилиш замонавий театр шакллари билан бақамти ривож топиб бормоқда.

*Нилуфар АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва
маданият институти ўқитувчиси*

КИНО

Жаҳон кино санъатида ўзига хос миллий руҳияти ва анъаналарини сақлаб келаётган қирғиз миллий кинематографиясининг юзага келиши 1940-1950 йилларга тўғри келади. Аммо Қирғизистонга XX аср бошидаёқ овозсиз фильмлар кириб кела бошлаган. Жаҳон киноси намуналари Тянь-Шань тоғи бағирларига – хусусан, Париждаги Капуцина кинотеатридан Пишпекдаги “Метео” ва “Марс” кинотеатрларига кириб келади. 1914 йили Пишпекда 400 кишилик “Эдисон” кинотеатри қурилади. 1920 йилга келиб, Қирғизистондаги деярли барча шаҳарларда кинотеатрлар барпо этилади. Уларда “Қирғиз бозорида”, “Чўл кўчманчилари – қирғизлар” каби этнографик қисқа метражли фильмлар намоиш қилинади.

Қирғизистонда илк овозсиз бадий фильм – “Ёпиқ фургон” 1927 йилда суратга олинган. Фильм режиссёри О.Фрелих. Унда қирғиз актрисаси А.Тюменбаева машҳур ўзбек актёрлари Р.Тўрахўжаева, Н.Ғаниев ва Р.Пирмуҳаммедовлар билан биргаликда роль ижро этади. Фильмда қирғиз халқи урф-одатлари, гўзал табиат манзаралари акс эттирилади.

1920-1940 йиллар орасида “Ёпиқ фургон” ва “Ойгул” бадий фильмлари суратга олинган бўлишига қарамай, 1955 йилда тасвирга олинган “Салтанат” фильми биринчи қирғиз миллий бадий фильми сифатида эътироф этилади. Бу фильм режиссёр В.Пронин томонидан “Мосфильм” билан ҳамкорликда Қирғизистондаги Фрунзен хроника-ҳужжатли фильмлар киностудиясида тасвирга олиниб, асосий роллар қирғиз артистлари томонидан ижро этилган. Бу фильмнинг олдинги бадий фильмлардан фаркли



жиҳати шунда эдики, унда миллийлик тарихий-саргузашт сюжетнинг шунчаки фони сифатида эмас, миллий характер гавдалантирилишнинг асоси бўлиб хизмат қилган эди.

“Салтанат” фильми Республика ва унинг ташқарисида катта шов-шувга сабаб бўлади. Бош қаҳрамон Салтанат образини яратган актриса Б.Кидикеева илк бор кинокамера қаршисида турган бўлишига қарамай, ўз қаҳрамони характерини тўлақонли очиб беришга муяссар бўлади. У Салтанат образи орқали миллатнинг асрий анъаналарига бўлган фахр ҳиссини ўз мақсадлари йўлидаги қатъийликни намойиш эта олди. Машҳур кинорежиссёр С.Герасимов Салтанат образини таҳлил қилар экан, шундай ёзган эди: “Бакен Кидикеева Салтанатнинг айни ўзи. У ўзи яратган образнинг ажралмас қисмидир. Қирғиз томошабинлари учун Салтанат образи янги мамлакатнинг қиёфаси тимсолида гавдаланди.

Қирғиз кинематографиясининг кейинги ривожиди Толомуш Океев, Геннадий Базаров, Болотбек Шамсиев ва Алгимантис Видугирис каби режиссёрларнинг алоҳида ўрни мавжуд. Уларнинг самарали ижоди туфайли қирғиз киносининг янги саҳифалари очилди. Шу жумладан, 1967 йилда Т.Океев суратга олган “Болалигимиз осмони” номли бадий фильми қирғиз кино санъатини яна бир бор чўққига кўтарди. Ушбу фильм фалсафий драма жанрида бўлиб, унда аждодлар анъанасининг янгиланиши ва авлодлар алмашинуви орасидаги зиддиятлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шаҳарга хос замонавий ҳаёт зайлининг чўл-яйловларга кириб келиши, ёш авлоднинг янги цивилизацияга интилиши кекса авлоднинг норозилигига сабаб бўлиши фильмнинг қисқача мазмунини ташкил этади.

Режиссёр мазкур фильм орқали анъанавийлик ва янгиликни уйғунликда кўра билиш ғоясини олға сурган. “Болалигимиз осмони” фильмининг бадий қиймати шундаки, “асар драматургиясининг юқори чўққиси соф кино тилида, рамзий ифода орқали берилган. Яъни, асарда янги қурилган тоғ туннели ичра чавандозлар от чоптириб кетадилар.



Туннель сўнггида эса ёруғлик акс этади. Т.Океев бу рамзий тасвир билан авлоддан авлодга ўтиб келаётган осмон ижобий томонга янгиланишига умид билан қарашини изоҳлайди”.

Мазкур фильм Т.Океевнинг дебют фильми бўлиб, халқаро кино фестивалларда муносиб совринларга сазовор бўлган. Жумладан, 1967 йилда Душанбе шаҳрида ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон ёш кинематографчилар танловида “Катта тоғ қандили” соврини билан тақдирланган бўлса, шу йилнинг ўзида Франкфурт-на Майндаги Осиё фильмлари ҳафталигида ҳам шундай муносиб рағбатлантирилган.

Қирғиз киносининг ривожиди ҳақида сўз кетар экан, буюк ёзувчи Чингиз Айтматов ижодининг аҳамияти ва бу соҳага таъсири хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор. Ёзувчининг аксарият асарлари экранлаштири-

лиши кино санъатига анчагина ютуқлар олиб келди. Жумладан, адиб асарлари асосида “Биринчи муаллим” (1965 йил, режиссёр А.Михалков-Кончаловский), “Момо ер” (1968 йил, режиссёр Г.Базаров), “Жамила” (1969 йил, режиссёр И.Поплавская), “Оқ кема” (1976 йил, режиссёр Б.Шамшиев) фильмлари яратилди.

Ўзбек кино мухлисларига яхши таниш бўлган Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” қиссаси асосида 1976 йилда режиссёр Б.Шамсиев томонидан яратилган шу номли бадиий фильм Ўрта Осиё кино оламида жуда илиқ кутиб олинади. “Оқ кема” фильми сценарийси Ч.Айтматов ва Б.Шамсиевлар томонидан ёзилиб, асарнинг адабий хусусияти сақланиб қолинган ҳолда экранга кўчирилган. Болакайнинг эртақнамо дунёси билан катталарнинг бешафқат ҳаёт тарзи қиёсий тасвирлаб берилган ушбу фильмда болакайнинг ички дунёси моҳирона очиб берилган. Умуман, “Оқ кема” да қўлланилган мусиқа ва табиат манзаралари томошабинни асар муҳитига тўлақонли олиб киради. Ижодкорларнинг асар орқали айтмоқчи бўлган фикрлари тасвирий ифодалар ва актёрлар ижроси билан томошабинга аниқ етиб боради. Нурғазии Сидиғазиев, Собира Кумушалиева, Орозбек Кутманалиев, Асанқул Куттубаев каби актёрлар асар қаҳрамонлари руҳиятини табиий ва таъсирчан тарзда очиб беради. “Оқ кема” бадиий фильми 1977 йилда Италиянинг Тренто шаҳридаги халқаро кино фестивалда “Олтин эделвейс” номли Гран-при ва Авеллино шаҳридаги “Кумуш лачена” мукофотларига лойиқ топилган.

XXI асрга келиб, Қирғизистонда кинематографияни ривожлантиришга катта аҳамият қаратила бошлади. Кино ишлаб чиқариш саноатида юзага келган янгиланишлар ўз маҳсулини бермоқда. 2006 йилда давлат арбоби, режиссёр, продюсер Содиқ Шер-Ниёз ташаббуси билан “Айтиш фильм” киностудияси ташкил этилган. Ушбу киностудия иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш орқали қирғиз кинематографиясини ривожлантиришга хизмат қилаётган йирик корхона саналади.

Студия ҳар йили ўнга яқин бадиий, ҳужжатли, анимацион ва қисқа метражли фильмлар яратилишига имкон яратиб келмоқда. Унинг кўмагида Темир Бирназаров, Акжолтой Бекболотов, Айгул Баканова, Нозим Мендебаиров каби ёш режиссёрлар ўзларининг илк фильмларини ушбу студия ёрдамида суратга олишга муваффақ бўлдилар. Бу ўз навбатида қирғиз замонавий кино санъатида арзирли бурилишлар содир этди.

2008 йилда А.Бекболотов “Ҳаммаси яхши” қисқа метражли фильмини шу киностудия кўмагида суратга олди ва нафақат Қирғизистон балки, жаҳон кино оламида ҳам бир мунча эътиборга тушди. Ёш режиссёр А.Бекболотовнинг “Ҳаммаси яхши” қисқа метражли фильми онасидан эрта етим қолган Шерали исмли боланинг ачинарли тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Шерали ўзи меҳрга муҳтож бўлишига қарамай, бир дайди болага ғамхўрлик қилади. Асар қаҳрамонининг отаси ва уйи бўлса-да, кўчадан паноҳ топади. Чунки ота ичкиликка берилиб кетиб, фарзанди ҳақида қайғурмайди. Охир-оқибат болакай машина йўлида тиланчилик қилиб юрганида аянчли ўлим топади. Қаҳрамон ҳақида унинг дўсти дайди бола ғам чекади, холос. Режиссёр фильм сюжетини шундай қурганки, томошабинни ачинишга мажбур қилувчи сахналардан йироқдир. У Шерали образининг атрофдагиларга муносабати ва феъл-атвори орқали қаҳрамон яшаётган шарт-шароит ва муҳит ҳақида тушунча беради. Фильм мазор сахнасидан

бошланади. Шерали янги дўсти билан онасининг қабрига келиб, онасига лицейда таълим олаётганлиги, ҳаётида ҳаммаси яхши эканлиги ҳақида гапиради. Дўсти Шералининг ёлғон сўзлаётганлигидан хайрон бўлади. Фильм қаҳрамони эса онасининг у ҳақда қайғурмасдан нариги дунёда осойишта ҳаёт кечириши кераклигини айтади. Болакай кичкина бўлишига қарамай, унинг юраги нақадар улкан эканлигини томошабиннинг ўзи англаб олади.

Ушбу фильм Туркиядаги “Одан” талабалар халқаро фестивалида 1-даражали мукофотга, Озарбайжондаги “Старт” талабалар фестивалида ҳакамларнинг махсус совринига, Эрондаги XV Техрон халқаро кино фестивалида Гран-прига, Бирлашган Араб амирликларидаги Дубай халқаро кино фестивалида 2-даражали мукофотга, Қирғизистондаги “Қирғизистон-Германия-Франция” фестивалида ва “Умут” номли биринчи Миллий ёшлар кино фестивалида Гран-прига лойиқ деб топилди.

2011 йилда “Айтиш фильм” киностудияси ёрдамида режиссёр А.Баканова “Ёмғир” қисқа метражли фильмини суратга олади. Ушбу фильм ҳам жаҳон экранларида намойиш этилди. “Ёмғир” фильми 2011 йилда Бишкекда бўлиб ўтган “Қирғизистон – қисқа метражли фильмлар мамлакати” номли халқаро кино фестивалда “Энг яхши фильм” деб топилди. Шу билан бирга Швейцариядаги “Эртанги кун леопардлари” халқаро кино фестивалининг асосий танловида иштирок этади.

Фильмда эри хорижга (Россияга) ишлагани кетган Бегойим исмли бир ёш жувон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Аёл хомиладор бўлиб, эрининг кўнғирок қилишини кутиб яшайди. Қайнонаси эса унинг ҳолига қарамай бир дам тин олишга бермайди. Бегойим хали туғилмаган фарзандига отасининг тез кунларда келиб қолиши тўғрисида гапириб, ўзини овутиб юради. Аммо чет элда эри билан бирга ишлаб келган қўшнисидан бўлажак фарзандининг отаси бошқа аёл билан яшаётганлиги ҳақида билиб қолади. Бегойим ўзининг ҳам фарзандининг ҳам эрига керак эмаслигидан куюнади. “Ёмғир” қисқа метражли фильми “Ёмғир кўшиғи” билан яқун топади. Режиссёр А.Баканова ушбу кўшиқ билан Бегойимнинг ички кечинмаларини чуқур ва таъсирли равишда тасвирлаб беришга муяссар бўлган. Аёл кўшиқ хиргойи қилар экан, қалбидаги барча алам-андуҳларни тўкиб сочади. Мазкур фильм орқали режиссёр нафақат Қирғизистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида юз бераётган оғир ҳолатни кўрсатмоқчи бўлади. Шунинг учун бу фильм дунёнинг турли давлатларида ўз мухлисларини топди.

Қирғизистонда кинематографиянинг ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган “Айтиш фильм” киностудиясини ташкил этган Содиқ Шер-Ниёз қирғиз кино санъатига дунё эътиборини тортиш мақсадида Бишкекда “Қирғизистон – қисқа метражли фильмлар мамлакати”, Лос-Анжелесда Осиё киноси халқаро кино фестивалларини ташкил этган. Шу билан бирга Қирғизистон кинематографистлар уюшмасининг “Оқ Элбурс” номли кино соврини таъсис этилишига сабабчи бўлган шахслардан бири ҳисобланади. Содиқ Шер-Ниёзнинг фаолияти кино санъати билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги туфайли қирғиз кино санъатининг равнақи учун ҳар томонлама имкониятлар яратишга ва ўзи ҳам ижод қилишга ҳаракат қилади.

2014 йилда жаҳон экранларига чиққан “Қурбонжон Дадхоҳ” тарихий биографик фильми Содиқ Шер-Ниёзнинг режиссёрлик ишларидан биридир. Ушбу фильмда қирғиз маликаси Қурбонжон Дадхоҳнинг миллат, халқ

фаровонлиги йўлида қилган эзгу ишлари бадиий талқин қилинади. Асарда қирғиз тарихида муҳим ўринга эга маликанинг ёшлик давридан то қарилик давригача бўлган ҳаёти қамраб олинган. Қурбонжон Дадхоҳ образининг турли ёшдаги даврини яратиш учун тўртта актриса жалб этилганлиги бу тарихий фильмнинг нақадар катта қамровда ишланганлигидан дарак беради. Кўпчиликнинг меҳнати туфайли ишланган фильм дунё олқишига сазовор бўлди. XI Қозон халқаро мусулмон киноси фестивалида россиялик режиссёр Владимир Меншов Гран-прини ушбу фильмга тақдим қилар экан, шундай деган эди: “Қурбонжон Дадхоҳ” тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикоя бўлиб, уни тушуниш зарур... Бу фильм жасорат, бу фильм воқеа”. Ушбу тарихий фильм 2014 йили Канададаги Монреал халқаро кино фести-валида ва АҚШдаги Палм-Спрингсе 26-халқаро кино фестивалида 2014 йилда яратилган энг яхши фильмлар рўйхатига киритилди.

Замонавий қирғиз киноси эришаётган шу каби ютуқлар бу халқ ижодий тафаккурининг янги ривожланиш босқичидан дарак беради.

*Нодира ҚОСИМОВА,
Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти ўқитувчиси*

МУСИҚА

Қирғиз халқи мусиқа маданиятининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қирғизларнинг мусиқа ва шеърят анъаналари кўп асрлар тарихи давомида ички ва ташқи омиллар таъсирида ўзгаришларга учраган бўлса-да, ўзининг асл бадиий спецификасини йўқотмади. Ушбу анъаналар биргаликда миллий мусиқа санъатининг муайян тизими – қирғизларнинг мусиқий фольклорини ҳосил қилдики, у этник муҳитда сақланиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Мусиқий фольклор тарихан қирғиз миллий маданияти ривожининг қуйидаги йирик даврларини акс эттиради:

а) қадим замонларда, аввало, қўшиқчилик ва чолғу ижодиётининг бирламчи турлари ва шакллари пайдо бўлди;

б) феодализм даврида эса мавжуд жанрлар билан бир қаторда, эпик ижодиёт ҳам ривожланишга эга бўлди;

в) замонавий даврга келиб, ташқи алоқаларнинг кенгайиши билан маданият ривожиди миллий мусиқий фольклорнинг барча мезонларини янгилаш биринчи ўринга чиқди.

Умуман қирғиз халқ мусиқаси ўзининг ҳудудий-услубий аломатлари билан иккита катта қисмга бўлинади – бу жанубий ва шимолий қисмлардир. Уларнинг ҳар бирига тарихан жорий бўлган, специфик ижтимоий-маданий шароитларда шаклланган этнобадиий анъаналар ҳосилдир. Қирғизистоннинг жанубий қисми иккита вилоятни ўз ичига олади – улар Ўш ва Жалолобод. Шимолий қисми эса тўртта вилоятни қамрайди – Чуй, Талас (“сол қанат” – “чап қанот”) ва Иссыккўл, Норин (“он қанат” – “ўнг қанот”).



Республиканинг ушбу ҳудудларидаги муסיқа маданияти ўз навбатида, ички фольклор лаҳжаларига ҳам бўлинади. Мазкур вазиятда лаҳжа деганда маҳаллий халқ кўшиқлари, чолғу ва дostonчилик анъаналари назарда тутиладики, улар Қирғизистоннинг турли жуғрофий зоналарида кенг тарқалган бўлиб, бир-биридан ўзига хос аломатлари билан ажралиб туради.

Қирғиз халқ муסיқасида иккита йирик, ўзаро таъсир этувчи оммабop-халқчил (соф фольклор) ва профессионал қатлам мавжуд. Оммабop-халқчил муסיқа фольклори – аҳолининг энг катта қатлами, аниқроғи, унинг муסיқий истеъдодга эга вакиллари ижодидир. Профессионал фольклор – бу халқ муסיқа маданиятининг муҳим ижтимоий қатлами бўлиб, у ижрочилик ва бастакорлик маҳорати бўйича биринчисидан юқорироқ туради ва ихтисослашган характер касб этади. Халқ орасида оғзаки тарздаги профессионал санъат намояндалари “эл шайири” деб аталади.

Таъкидлаш жоизки, қирғиз халқи ҳаётида кўшиқчилик санъати муҳим ўрин тутди. Зеро, унда халқнинг бой тарихи, маънавий ва ижтимоий муносабатлари, маиший ва меҳнат тажрибаси ўз аксини топган. Кўшиқ қирғизларга ҳар доим ва ҳар жойда ҳамроҳ, уни куйлаш эса бутун халқнинг жону дили. Оғзаки шаклдаги кўшиқчилик маданияти асрлар давомида жорий бўлиб, ривожланиб, такомиллашиб бордики, натижада унинг бадий-ифодавий ҳамда мантиқий-конструктив тамойиллари ва воситалари шаклланди.

Халқ ижодиётининг вокал соҳаси кенг маънода, ҳам эпик асарларни, ҳам оқинлар композицияларини, ҳам кўшиқчилик санъатининг ранг-баранг “кичик” жанр турларини ўз ичига олади.

Вокал фольклорининг асосий атамалари “обон” ва “ир” дейилади. “Обон” атамаси асли форсча сўз бўлиб, “оҳанг, куй, кўшиқ” маъноларини англатади. Қирғиз вокал фольклорида “обон” тушунчаси ниҳоятда эгилувчан тусда қўлланилади: яъни, “обон” инварианти (асосий вариант) га боғланган кўшиқ матнлари, ўз навбатида, улар бир қатор оҳанг версияларини тақдим этади. Обончу эса кўшиқлар яратувчиси ва ижрочисидир.

Қадимги турк атамаси “ир” – муסיқа ва сўзнинг синкретик санъат тури сифатида “кўшиқ” маъносини англатади. Бу атама маъносининг бошқача варианты “шеър”дир. Кўшиқ маданиятининг фаол ижрочиларини ирчи (хонанда) деб атаганлар. Бу атама халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, у турли савия ва тоифалаги халқ хонандалари ихтисослигини англатади. Анъанавий тушунчалар трансформацияси натижасида замонавий муסיқа маданиятида опера, камер ва эстрада хонандалари ҳам шундай номланади (опералик, камералик, эстрадалик ирчи).

Қирғиз оммабop-халқчил муסיқа меросининг ўзи ҳам икки турга ажралади: махсус маросим жанрлари ва ҳеч қандай вазият, тадбир ва маросим билан боғлиқ бўлмаган, эркин мавзули жанрлар. Биринчи гуруҳга меҳнат кўшиқлари, маросим ва афсун-жоду айтимлари; диний айтимлар кирса, иккинчи гуруҳга лирик жанрлар; болалар ва ёшлар кўшиқлари, ҳажвий кўшиқ жанрлари; тарихий кўшиқлар; янги услубий тоифадаги кўшиқлар мансуб.

Қирғиз эпоси – халқ оғзаки ва муסיқий-шеърый ижодиётининг профессионал кўринишидир. Эпосда халқ дунёқараши ва бадий тасаввурларининг бойлиги тўлиқроқ ва ёрқинроқ намоён бўлади. Қолаверса, унда жамият

онги ва ҳаётининг глобал тамойиллари муҳрланган: бу қирғизларнинг тарихи, диний эътиқоди, моддий ва бадий маданияти ҳамда менталитетидир.

Умуман олганда, қирғиз эпоси – кўп таркибли воқеликдир. Бу турли мазмун, ҳажм ва услубдаги кўплаб эпик асарлар йиғиндисидир. У иккита йирик катта ва кичик қатламдан иборат. Катта эпос деганда халқ ҳаётининг тўлақонли ва ранг-баранг қамровда баён этиш бўйича жаҳонда тенги йўқ “Манас” эпопеяси назарда тутилади.

Аниқроғи, ушбу эпик трилогиянинг асосий қисмлари “Манас”, “Семетей”, “Сейтек” дир. Мазкур эпос ўтмишда улуғ хон ва халқ қаҳрамони бўлган Манас ва унинг ўғли Семетей ҳамда набираси Сейтекларга бағишланган.

Кичик эпос деганда, ҳажман “Манас”дан анча ихчам кўп сонли достонлар мажмуи тушунилади. Катта ва кичик эпосни шеърӣ сатрлар сони бўйича ўзаро таққослаб, улар ўртасидаги кескин фарқни кузатиш қийин эмас. Шундай қилиб, агар “Манас”нинг достончи Саяқбай Қаралаевдан ёзиб олинган варианты 400 мингдан зиёд мисрани ташкил этса, кичик эпоснинг аксарият асарлари, жумладан, “Эр Тештук”, “Эр Табилди”, “Эр Султанай”, “Жаударбешим”, “Кедейкан”, “Сейитбек”, “Жаниш-Байиш”, “Қурманбек”, “Қожожаш”, “Ўлжабай менен Кишимжан”, “Гулгааки”, “Жанил Мирза”, “Саринжи Бекей”, “Ақ Мўўр” достонларининг барчаси биргаликда 84319 шеърӣ сатрдан иборат.

Кичик эпосларнинг номланиши, асосан, бош қаҳрамонларнинг номларидан олинган.

Қирғиз халқ мусиқа чолғулари миллий бадий маданиятнинг ҳам мусиқӣ ижодиёт атрибути, ҳам амалий санъат маҳсули сифати энг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар замонавий жамиятнинг турли жабҳалари ва вазиятларида қўлланилади. Чолғулар ҳам якка, ҳам жўрсоз, шунингдек,



ансамбль ва оркестр таркибида, уй шароити ва оммавий концертларда янграйди. Чолғу ижрочилигига мусиқа мактабларида, ўрта ва олий мусиқа ўқув юртларида ўқитилади.

Шундай қилиб, тарихий мусиқа амалиёти халқ чолғулари функциясига, жумладан, уларнинг ташки кўриниши, тузилиши ва тембрига таъсир кўрсатади.

Органология (чолғуларни ўрганувчи фан) нуктаи назардан қирғиз чолғулари тўртта асосий гуруҳларга таснифланади:

- 1) Торли чолғулар (қил аспаптар – хордофонлар) – бу гуруҳга комуз, қил қияқ каби чолғулар киради;
- 2) Дамли чолғулар (уйнеме аспаптар – аэрофонлар) – бу гуруҳни чоор, чопо чоор, сибизғи, сурней, керней, муйиз керней, жез керней сингари чолғулар ташкил этади;
- 3) Зарбли чолғулар (урма аспаптар – мембранафонлар) – бу гуруҳга добулбаш, доол, қарсилдақ каби созлар мансуб;

4) Ўзи садоланувчи чолғулар (қақма апаптеар – идиофонлар) – темир оғиз комуз, темир комуз, жиғоч соз комуз, жилажин, қўнғироқ, шалдирик, аса таяк, дилдирек, зувилдақ кабилар мазкур гуруҳ чолғуларидир.

Айтим жанрлари билан айрим умумийликларга эга бўлган қирғиз халқ чолғу мусиқасининг жанрлари тарихан муайян функционал тизим сифатида жорий бўлган. Бу алоқадорлик оммавий ёхуд касбий ижод соҳасига, бадий фаолиятнинг аниқ бир кўринишига (оммавий чиқишлар, маросим, ўйин, диний амаллар ва ҳ.к.), у ёки бу турдаги образли мазмунга нисбатан кузатилади. Айни пайтда, чолғу аънасанинг жанр тизими ўз спецификасига ҳам эга.

Умумий ҳолатда қирғиз чолғу мусиқаси худди айтим мусиқаси каби иккита йирик тармоққа бўлинади. Биринчиси, соф халқчил мусиқа, яъни, оммавий чолғу фольклори. Иккинчиси, оғзаки аънададаги касбий (профессионал) мусиқа. Албатта, бу бўлиниш шартлидир, аммо у реал асосларга эга. Зеро, қирғиз чолғу мусиқасида кундалик ҳаёт тарзини безовчи оммавий фольклор ижоди билан бир қаторда, буюк профессионал бастакорлар томонидан яратилган юксак бадий савияга эга мумтоз намуналар ҳам мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, Қирғизистонда маҳаллий бастакорлар ва композиторлар томонидан нафақат миллий мусиқа, балки кўп овозли Европа мусиқаси жанрларида (опера, балет, симфония, камер-чолғу, камер-вокал, вокал-симфоник ва ҳ.к.) ҳам юксак савияли асарлар яратилмоқда.

К.Молдобасанова номидаги Қирғизистон миллий консерваторияси эса Республиканинг етакчи ўқув юрларидан бири сифатида ўз фаолиятини миллий мусиқа аъналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, жаҳон мусиқа маданияти тажрибасини ўрганиш ҳамда уни таълим ва ижрочилик-ижодкорлик фаолиятида татбиқ этишга қаратгандир.

*Шаҳноза ОЙХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти,
санъатишунослик фанлари номзоди*





ДАҲОЛИКДАН БЕХАБАР ДАҲО

Дунёга машҳур актёр, том маънодаги кинематограф Чарли Чаплин шахсига бугунги давр нигоҳи билан назар солинса, кичик жуссали йирик сиймо, хоссаси ноёблик билан белгиланувчи, вақт ҳукми заҳа етказолмас бир бебаҳо даҳо намён бўлади. У яратган образлар замон силсиласида нафақат санъатдаги янгилашиш, бетакрорлик тимсоли, шунингдек, мумтозлик мақомига муносиблигича қолмоқда.

1966 йилда америкалик журналист Ричард Мэрименнинг Чарли Чаплин билан қилган суҳбатида бу буюк санъаткорнинг ижодий қарашлари, илҳом манбаи нима эканлигини чаплинча лўндалик ва оддийлик билан ошкор этилган. Мазкур суҳбат турли сабабларга кўра, ўттиз йил мобайнида оммага эълон қилинмаган. Суҳбатни ўқиб, ўз даҳолигидан беҳабар даҳонинг содда ва самимий оламига яна бир бор таширф буюрасиз, деган умиддамиз.

Ричард Мэримен: Суҳбатимиз фақат ва фақат ижодий фаолиятингизга бағишланади. Иш жараёнларингиз қандай кечишини бироз ёритсам дегандим...

Чарли Чаплин: Буни икки оғиз сўз билан шундай таърифлаш мумкин: мен ишимга бефарқ эмасман. Нима биланки шуғуллансам, ҳеч бирига лоқайд қаролмайман. Мабодо кўлимдан кўпроқ бошқа иш қилиш келганида, ўша иш билан шуғулланар эдим. Лекин бошқа иш кўлимдан келмайди.

РМ: Суҳбатимиз аввалида дайди образининг қандай қилиб дунёга келганини сўзлаб берсангиз.

ЧЧ: Ҳаммаси кутилмаганда содир бўлди. Оператор мендан қандайдир кулгили грим ўйлаб топишимни сўради, хаёлимга эса бирон-бир жўяли нарса келмасди. Шунда кийимхонага йўл олиб, ўйлай бошладим: тасаввуримиздагидан бироз бошқачароқ, қандайдир тескари образ яратилсачи, дейлик, копдайин шим, тор пальто, катта бошига кичиккина шляпа кўндирган одам. Қийналган, аммо шунга қарамай, жентльмен. Ўшанда бу образнинг юзи қандай қиёфада бўлиши кераклигини ҳали билмасдим, лекин у, албатта, қайғули ва жиддий бўлиши зарур эди. Ундаги комизмни беркитиш истагида калта мўйловни ўйлаб топдим. У персонаж характери кўрсатиш учун эмас, бор-йўғи айрим тентакликларини билдириб туришга мўлжалланганди. Калта мўйлов юз ифодамни очик кўрсатишга халақит бермасди.

РМ: Ўзингизни бу қиёфада илк бор кўриб, қандай фикрга келгансиз?

ЧЧ: Фикрим ёмон эмасди. Фавқулудда ҳаяжон бўлмаган, токи камера қаршисига чиқмагунимча. Кадрга кираётиб, шунга мос кийимда бўлганим учун бу менга яхши туртки берган. Ўзимни жуда яхши ҳис қилганман, шунданми, қахрамон ўз-ўзидан жонлана бошлаган. “Мейблнинг ғаройиб вазиятдаги аҳволи” фильмидаги сахна меҳмонхона фойесида кечади, ўткинчи дайди у ерда баҳузур ўтириб, бироз дам олиш имконига эга бўлиш учун ўзини меҳмонлардан бири қилиб кўрсатишга уринади. Атрофдагиларнинг барчаси уни шубҳа билан кузатишарди, мен эса одатда айнан

меҳмонхонадагилар бажарадиган ишларни қилишга интилардим: қайдлар дафтарини кўздан кечирардим, тамаки тутатиб, ёнимдан ўтиб кетаётган одамларга разм солардим. Кейин бирдан тупдонга қоқилиб кетаман. Бу мен ижро этган биринчи кулгили эпизод эди. Шу тариқа персонаж дунёга келган. Назаримда, ёмон чиқмади. Бироқ кейинчалик ижро этган персонажларим ҳар доим ҳам комедик эпизодларда айни шу усулдан фойдаланишмаган.

Ўзгаришсиз сақлаб қолишни истаган ягона нарсам – бу дайдининг кийиниши ҳам эмас, балки унинг хаста оёқлари эди. У ҳарчанд тиниб-тинчимас ва серғалва бўлмасин, оёқлари мудом толиқиб, шишиб юрарди. Товонларим ўлчами кулгили даражада кичкина бўлгани боис, эскирган бир жуфт катта пойабзал сўрадим ва ўша оёқ кийими юришимга кулгили тус бағишлади.

РМ: Сизнингча, дайди образини бугунги кунда ҳам яратиш мумкинми?

ЧЧ: Замонамизда дайдининг ўз ўрнини топиб кетиши амримаҳол, менимча. У даврлардан буён бизнинг дунё анчайин тартибга келиб қолди. Аммо бахтлироқ жойга айланди, деб сира ўйламайман. Соч ўстириб, калта кийимларда юрган йигитларни учратганим бор, фикримча, уларнинг аксарияти дайди бўлишни хоҳлаган бўларди. Энди эса бурунги камтарликдан асар ҳам йўқ. Улар камтарлик нималигини тасаввур ҳам қилишолмайди, бу тушунча ўзига хос саркитга айланди. Камтарлик, соддалик ўзга даврники. Мана шунинг учун ҳам бугун дайдига ўхшаш образни ярата олмаган бўлардим. Бунга яна бир сабаб, шубҳасиз, овоздир. Очиғи, дайдининг овози қандай бўлиши кераклигини тасаввур ҳам қилолмайман. Шу боис, экрандан кетишига тўғри келди.

РМ: Уни бунчалик кўзга яқин қилган жиҳат нимада?

ЧЧ: Дайдида олижаноб қашшоқлик бор эди. Ваҳоланки, ҳар қандай сув сотувчиси ҳам башанг кийинишни хоҳлайди. Персонажимнинг менга маъқул томони – унинг ҳар ишда синчковлиги ва нозик дидга эғалигидир. Кўзга яқинлигига келсак, бу мени кўп ҳам қизиқтирмаган. Дайди – ботинимдаги мен ифодалашни истаган қиёфа эди. Томошабинларнинг унга муносабати мен учун муҳим бўлса-да, ҳеч қачон уларга бевосита суйанмаганман. Чунки аудитория фильм суратга олинаётган пайтда эмас, у яқунлагандан сўнг пайдо бўлади. Мен баъзан руҳиятимнинг ўзида кузатиладиган маълум кулги услубига ҳар доим мурожаат қилганман. Бу чиндан ҳам ажойиб.

РМ: Кулгили ҳолатларнинг изчиллик касб этиши-чи? Бу ўз-ўзидан содир бўладими ёки маълум жараёнлар натижасими?

ЧЧ: Бунда ҳеч қандай жараён йўқ. Энг қизиқарли ғоялар бевосита вазиятдан келиб чиқади. Агар яхши бир кулгили вазият туғилиб қолса, у янгидан-янги тўлдиришлар билан бойиб бориши мумкин. Худди “Муз майдони” фильмидаги эпизодлар кетма-кетлиги каби. Мен шунчаки бир пой конкини оёққа илдириб, учиб кўрдим, ҳолбуки, бутун аудиториянинг йиқилиб тушишимга ишончи комил эди. Мен эса қойилмақом тарзда бир оёқлаб конки учишда давом этардим. Томошабинлар дайидан сира ҳам бунақасини кутишмаганди. Ёки “Осойишта кўча”даги фонарли устун билан боғлиқ эпизодни олайлик. У менинг полициячи бўлиб, безорини бирёқлик қилишга уринаётган вазиятимдан келиб чиққан. Унинг бошига тўқмоқ билан тўхтовсиз туширардим. Гўёки кўрқинчли тушга ўхшайди. Безори ҳеч нарса бўлмагандай, енгини шимариб, мен томон яқинлашиб келарди. Кейин даст кўтариб, қайта ерга қўяди. Шунда хаёлимга бир фикр келди: агар у шунчалик баҳодирона кучга эга экан, демак, фонарли устунни ҳам

ағдара олади. Мен эса ўша пайт ортидан сакраб чиқиб, газланган фонарни тўғри унинг бошига кийдиришим мумкин.

Бироқ ҳаракатларим замирида жон талвасаси, деган тушунча ҳам бор эди. Шундай ғамнок кунлар ҳам бўлардики, қанча уринмайлик, ҳеч вако чиқмасди ва бу ҳол кишини баттар эзиб ташларди. Одамлар юзига табассум улаша оладиган нимадир ўйлаб топишим керак эди. Бунга эса фақатгина кулгили вазиятлар орқали эришилади. Дейлик, масхарабозликка хос қандайдир нарса яратиш ёки кутилмаган ҳолатга учраш мумкин, бироқ, аввало, вазиятнинг ўзи кулгили бўлиши шарт.

PM: Бу эпизодлар ортида реал шахслар яширинганми ёки уларнинг барчаси ҳаёлотингиз маҳсулими?

ЧЧ: Йўқ, биз ўз дунёмизни яратганмиз. Менинг дунём – бу Калифорниядаги студия. Ҳаёлимга бирор гоё ёки шунчаки сюжет лавҳаси келиб қолиб, бариси ўз-ўзидан юришиб кетган лаҳзалар ҳаётимдаги энг бахтиёр онлар бўлган, ажойиб туйғу эди у. Менга шунинг ўзи етарли эди. Калифорния оқшомлари анчайин кимсасиз, айниқса, Голливудда. Шунга қарамай, ўз кулги оламингни яратиш ғаройиб эди. Бу олам бутунлай ўзгача, одатдагидан тамоман фарқли. Бунинг устига, қизиқарли. Мана, сен ўтирибсан, ярим кун тайёргарлик кўрдинг, энди эса суратга олишга киришасан – вассалом.

PM: Реализм комедиянинг таркибий қисми ҳисобланадими?

ЧЧ: Шубҳасиз. Ўйлашимча, ҳақиқийлик абсурд вазиятларга ҳам мутлақо реал ёндашишга мажбур қилади. Томошабинлар ҳам буни билди, шу руҳиятни ҳис этади. У шунчалар ҳақиқий ва бир вақтнинг ўзида шунчалар абсурдки, томошабинни қувонтирмай қўймайди.

PM: Унинг бир учи фильмларингизда кўп учрайдиган шафқатсизликка бориб тақалади.

ЧЧ: Шафқатсизлик – комедиянинг муҳим мезонларидан бири. Бизга тўғридек кўринувчи нарсалар аслида тентакликдир, агар шуни етарлича таъсирли намоиш этолсангиз, томошабинларга манзур келиши керак. Чунки улар бу нарсаларда ҳаётнинг устидан қаҳ-қаҳ отилганини кўради ва ғамдан куйиниб ўлмаслик ва кўзёши тўкмаслик учун ўзлари ҳам унга қўшилиб ҳаётнинг устидан кулишга тушадилар. Бир қария банан пўстлоғига тойиниб, йиқилиб тушса, кулгимиз келмайди. Лекин агар бу ҳол яхшигина кийинган, ғурури баланд туппа-тузук жентльмен билан содир бўлса, кулгимиз қистайди. Уялиш ва хижолат тортиш билан боғлиқ вазиятлар, айниқса, уларга юмор билан ёндашилса, қизиқарли чиқади. Масалан, масхарабоз билан ниҳоятда ғаройиб воқеалар юз беришини бемалол кутишимиз мумкин. Бироқ бир кимса ресторанга минг бир ҳаёл билан кириб келса-ю, унинг шимида каттагина йиртиқ шундоқ кўриниб турса – бу энди кулгили бўлиши аниқ.

PM: Комедияларингиз қисман ҳолат комедияси ҳисобланади. Улар ақлни чархламайди, кулги эса айна экранда кечаётган жараёнлардан туғилади.

ЧЧ: Мен ҳамиша ўзаро боғлиқ ҳодисалар маълум воқеликни юзага келтиради, деб билганман. Бу бильярд столидаги соққалар жойлашувини ёдга солади. Ҳар бир соққа – ўзича ҳодисот. Бунда энг муҳими уларнинг бир-бирига дахлдорлигидир. Бирлашибгина улар учбурчакни ҳосил қилади. Мазкур образ фаолиятимда жуда муҳим ўринга эга.

PM: Ҳодисаларни жадал тарзда бир-бирига боғлаб, воқеалар суръатини кучайтиришни ёқтирасиз. Бу ҳол Сиз учун қанчалик хос деб ўйлайсиз?

ЧЧ: Тўғриси, қанчалик хослигини ўзим ҳам аниқ билмайман. Гоҳида суръатни тушириб юборадиган комикларни кўрганман. Мен эса вазмин кадамлар билан давом этувчи воқеалардан кўра, юқори суръатга эга жараёнларда яхшироқ ижро қиламан. Оҳисталик билан кечадиган ҳаракатларда қилаётган ишимга нисбатан менда ишонч бўлмайди.

Аммо ҳар доим ҳам воқеликнинг ўзи етарли эмас. Экранда кечаётган ҳамма нарса муштарак юксалиб бориши керак, акс ҳолда, реалликни ҳис этиш йўқолади. Кўлингиздаги мавзунини янада пишиқроқ қилишга тиришасиз, бироқ атайдан шунга урғу бериш шарт эмас. Сиз қандай йўл тутиш кераклиги, саъй-ҳаракатларнинг табиий натижаси қандай бўлишини сўрарсиз. Реалликка таяниб, ишонтиришга асосланмоқчи бўлсангиз, бу сўроқлар тобора мураккаблашиб бораверади. Муҳими, суянишни истаган ана шу сифатларингиз мантиқий бўлсин, йўқса, ҳаминқадар комедия чиқади-ю, ҳеч кимни завқлантира олмайди.

РМ: Ортиқча ҳиссиётга берилиш ёки сийқаси чиққан кўринишлар Сизни ташвишлантирадими?

ЧЧ: Айнан пантомима нуқтаи назаридан – йўқ. Бу нарса ташвишга солмайди, шунчаки, уни четлаб ўтишга ҳаракат қиласиз. Сийқаси чиққан кўринишлардан кўркмайман – ахир бутун ҳаётимизнинг ўзи шулардан иборат. Масалан, қандайдир бошқача тарзда уйқудан туролмаимиз-ку. Яшаш ва омонатни топшириш ҳаммамизга хос, кунига уч маҳал овқатланамиз, кимгадир кўнгил кўямиз ва кимдандир ҳафсаламиз пир бўлади. Сийқаси чиққан энг кўп қолиплар севги воқеаларида учрайди ва токи уларга нисбатан қизиқиш сўнмагунча бу андозалар давом этаверади.

РМ: “Олтин талвасаси”да пойафзални ейиш билан боғлиқ эпизод учун қанча вақт сарфланган?

ЧЧ: Бу эпизодни тахминан икки кун суратга олганмиз ва шу икки кун давомида шўрлик кекса актёр Макк Суэйннинг кўнгли беҳузур бўлиб юрган. Қизилмиядан ишланган пойафзаллардан у ниҳоятда кўп еб қўйганди. Ўшанда актёр: “Жин ургур бу пойабзалларга ортиқ тоқат қилолмайман” деганди. Эпизод ғояси Доннер гуруҳи (1846 йил Сьерра-Невадада қор кўчкисига учраган карвон) ҳақида эшитиб қолганимдан сўнг туғилган. Улар коннибализмга чалиниб, оёқ кийимларини ейишган экан. Шунда ўйланиб қолдим: димланган ботинкалар? Бундан қандайдир қизиқарли нарса чиқиши мумкин.

Мен токи очликдай оддий вазиятга тўхталмагунимча, ўша воқеага сабаб қидиравериб, ўзимни кўярга жой тополмаганман. Вазият мантиғига жавоб топишинг, унинг юзага чиқишини, ҳақиқийлигини ва рўй бериш эҳтимолини кўришинг билан эса ғоялар бирин-кетин ёғила бошлайди. Пойафзал фильмдаги энг ажойиб нарсалардан бири бўлди.

РМ: Овозга ўтиш жараёнида сизни қандайдир ҳадик ёки гумонсирашлар қуршаганми?

ЧЧ: Бўлмасам-чи. Биринчи галда, менда тажриба бор эди, бироқ академик мактаб кўрмаганман, буларнинг ўртасида қатта тафовут мавжуд. Истеъдод ва табиат томонидан инъом этилган актёрлик маҳоратига эгалгимни ҳис қилардим. Гапиришдан кўра пантомимани тасвирлаш мен учун анча осонроқ. Артист бўлганим учун суҳбат жараёнида кўп нарсалар ҳавога кўтарилишини яхши биламан. Муваффақиятнинг ярмини таъминлайдиган беназир дикция ва овозга эга бошқа кишилардан ўтиб кетишим амримаҳол эди.

PM: Овозсиз кинематография кўримлиликка шикаст етказиши мумкин бўлган овоз масаласи реалликка нисбатан кўшимча талабларни тақозо этмадими?

ЧЧ: Шубҳасиз. Мен ҳар доим пантомиманинг анчайин жозибалироқ ва ҳаммага тушунарли (яхши постановка бўлган тақдирда) универсал мазмунга эгалигини таъкидлаб келганман. Сўздан фойдаланишинг билан бариси ортиқ даражада силлиқ бўлиб қолади. Овознинг ўзиёқ ажойиб, у ҳаддан зиёд ошқора, мен эса санъатда у қадар очиқ бўлишни истамайман, акс ҳолда, маълум чегара юзага келиши мумкин. Ҳаракат худди куш парвозидек табиий бўлган бир пайтда, чуқур иллюзия яратиш ёки унга эришиш имконини берувчи овозга эга одамлар бармоқ билан санарлидир. Кўз қарашларида ҳеч қандай сўз мавжуд эмас. Одамлар умидсизликка тушганда соф юз ифодасини яшира олмайдилар. Кинода гапира бошлаганимдан сўнг, шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олишим керак эди. Сўзамоллик борасида жуда кўп нарсаларни йўқотганимни биламан. Лекин у барибир овозсиз даврдаги намоишлар каби ажойиб бўла олмайди.

PM: Фильмларингиз орасида қайси бирини кўпроқ ёқтирасиз?

ЧЧ: Менимча, “Катта шаҳар чироқлари” бўлса керак. Фильм анчайин яхлит, зўр ишланган. Ҳақиқий комедия.

PM: Ҳақиқатан фильм жуда ҳам кучли. Картинада комедия ва трагедиянинг бир-бирига ғоят яқинлиги менда чуқур таассурот қолдирган.

ЧЧ: Бу жиҳат мени унчалик қизиқтирмаган. Фикримча, фильмнинг диллимга яқинлиги, ундаги шахсият билан уйғун қандайдир сезгилардир. Бу туйғу ҳамиша менга ҳамроҳ бўлган, маълум маънода, у иккинчи “мен” имга айланди. Эҳтимол, бу мени қуршаб турган муҳит билан боғлиқдир. Менимча, одамларга нисбатан ҳамдардлик ва муҳаббат ҳисси туйилмаса, юмор ҳам яшай олмайди.

PM: Балки гап азоб-укубатларимизни енгиллатишга интилишимиздадир?

ЧЧ: Йўқ, ўйлашимча, ҳаёт – анчайин юксак тушунча. Агар гап сиз айтган нарсада бўлганда, ўз жонига қасд қилишлар анчайин кўпроқ кузатиларди. Одамлар яшашдан кўра ўлимни афзал биларди. Мен эса ҳаётни ажойиб нарса деб тушунаман ва ҳар қандай ҳолатда, ҳатто қайғуда ҳам, уни муносиб яшаб ўтиш керак. Шахсан мен умргузаронликни танлаган бўлардим. Бекор ўтмаслик учун тажриба тўплардим. Назаримда, юмор соғлом фикрни сақлаб қолишимизга ёрдам беради. Ортиқча фожиавийлик сабр-косамизни тўлдириши мумкин. Трагедия, шубҳасиз, ҳаётнинг бир қисми, аммо бизга ҳар қандай нарсани енгил ўтиш ва ўзимизни ҳимоя қилиш учун ёрдам берадиган воситалар ато этилган. Трагедия ҳаётимизда катта ўрин тутади, юмор эса таъкидланган ҳимояни топишимиз учун бизга етказилган. Юмор универсалдир, у маълум маънода, ҳамдардликдан келиб чиқади.

PM: Нима деб ўйлайсиз, даҳолик деган тушунча мавжудми?

ЧЧ: Мен ҳеч қачон даҳо ўзи кимлигини билмаганман. Фикримча, даҳо – бу истеъдоди бор ва буни қалбан ҳис этадиган, лекин шу билан бирга, ўз ишининг устаси бўла оладиган инсондир. Ҳар биримиз қайсидир маънода қобилиятлимиз. Оддий одам ўзига яраша иш танлаши керак, даҳо эса бундай танлов йўқ. У бошқаларга хос бўлмаган ўзгача ишлар билан шуғулланади, бироқ ўша ишни қойилмақом қилиб бажаради. Қўлидан кўп иш келадиган кўплаб маҳорат эгаларини янглиш тарзда даҳо деб қабул қилишган.

*Рус тилидан
Азиз МАТЁҚУБОВ таржимаси*

“БИРОДАРЛАР, ХАЙР ҚИЛИНГЛАР...”

* * *

Лондон четидаги ўрмонда икки киши ов қилиб юрибди. Кутилмаганда улардан бири хушдан кетиб йиқилади. Шериги энгашиб қараса, кўзлари шишадай қотиб қолган, нафас олаётгани йўқ. Қўл телефонидан касалхонага кўнғироқ қилади:

– Шеригим ўлиб қолди. Шундоққина кўз олдимда ўлди. Маслаҳат беринг, нима қилишим керак?

Навбатчи жавоб берди:

– Сиз аввал унинг чиндан ҳам ўлганига ишонч ҳосил қилишингиз керак, сэр.

Кўнғироқ қилган овчи бироз жим қолди. Сўнг гўшакдан ўқ овози эшитилди.

– Хўш, энди нима қилай?

* * *

Шотландиядаги полиция мактаби битирувчисига комиссия аъзолари савол беришди:

– Борди-ю, бир ўзингизга намоийшчиларни тарқатиб юбориш вазифаси юклатилса, нима қилар эдингиз?

– Бошимдан фуражкамни олиб, “Биродарлар, хайр қилинглар” дер эдим, – жавоб берди битирувчи.

* * *

Ўртача даромадли инглиз бой-бадавлатлар савдо қиладиган магазинга кириб, аввалига у ерда сотилаётган товарларни обдон томоша қилди. Сўнг сотувчига юзланди:

– Хоним, марҳамат қилиб айтинг-чи, хув анави шляпа қанча туради?

– Минг фунт стерлинг, жаноб.

– Вой жин урсин-ей, шунақа қимматми, ёнидагисичи?

– Униси “икки марта жин урсин” туради, – жавоб берди сотувчи.

* * *

Хизматкор эшикни аста тақиллатиб, хонасида газета варақлаб ўтирган хўжайиннинг олдида кирди.

– Сэр, тикувчингиз келди. Жаҳли шундай чиққанки, унга тушунтириш қийин бўляпти. Олдинги иккита костюмнинг пулини олмагунимча бу ердан кетмайман, дейди.

Хўжайин газетадан бошини кўтармай жавоб қилди:

– Жуда соз. Унга хона тайёрланглар...

* * *

Тарбияли англиз раҳбар котибасини ишдан бўшатар экан, буни унга шундай маълум қилди:

– Мисс Жонс. Сиз ўз вазифангизни шу қадар қойиллатиб бажарасизки, билмадим, сизсиз ҳолимиз нима кечаркин-а. Шундай бўлса-да, душанбадан эътиборан бундай яшашга ҳаракат қилиб кўраимиз...

* * *

Кекса лорд хизматкоридан сўради:

– Жорж, анчадан бери полда ётган кимнинг скелети?

– Фаррошнинг скелети, сэр. Хонани тозалайдиган одам йўқ. Беш йилдан бери хонани аваалгидек тозалайдиган хизматкор топа олмаймиз.

* * *

Кечки пайт. Кекса лорд уйининг меҳмонхонасида “Таймс” газетасини варақлаб ўтирибди. Кутилмаганда уй девори ташқаридан урилган зарба боис оёқлари остига қулайди. Энг сўнгги русумдаги машина унинг ёнгинасига келиб аранг тўхтади.

Лорд газетадан бошини кўтармай машина ҳайдовчисига дейди:

– Йўл бўлсин, жаноб?

– Кеча очилган озиқ-овқат дўконига кетаётгандим.

– Мўлжални сал хато олибсиз, биродар, ошхона орқали юришингиз керак эди, – деди лорд хотиржамлик билан.

* * *

Шотландиялик бир киши Лондон кўчасида сайр қилиб юрар экан, кутилмаганда бир шиллингини тушириб юборди. Пул аччиғи – жон аччиғи деганларидай, олдига полициячи келиб, “Жаноб, уй манзилингизни қолдириб кетинг, топсак почта орқали жўнатиб юборамиз”, дегунича қидирди.

Орадан бир йил ўтгач танга йўқотган одам яна Лондонга келиб, тасодифан шу кўчадан ўтиб қолади. Кўрасаки, метро қуриш учун кўчани ағдар-тўнтар қилиб қовлашаётган экан. “Э, қойил, сўзида турадиган одам экан”, дейди у сал нарироқда кўча ҳаракатини бошқариб турган полициячига қараб.

* * *

Англиялик жентльмен камоқхонага тушиб қолибди. Камерадошлари ундан сўрашибди:

– Нега ўтирибсан?

– Хотиним учун, – жавоб берибди у.

– Дўппосладингми?

– Йўқ, мен жентльменман, умримда аёл кишига қўл кўтарган эмасман. Хотинимнинг ўзи мени урди.

- Унда нега сени қамашди?
- Айтдим-ку, хотиним учун ўтирибман деб.

* * *

Кекса шотландиялик биринчи марта учрашувга кетган бўйдоқ ўғлини узоқ кутиб ўтирди. Тун ярмидан оққанида бўлажак куёв учрашувдан мамнун холда қайтиб келди.

- Ота, кеч қолдим, хавотир олган бўлсангиз керак-а, деди у.
- Ҳа, учрашувга қанча сарфладинг экан деб, дурустгина ташвишга тушдим, – деди ота.
- Кўп эмас, бор-йўғи тўрт шиллинг кетди.
- Ҳа, яхши, унча кўп кетмабди.
- Кўпроқ кетиши ҳам мумкин эди-ю, қизнинг шундан бошқа пули йўқ экан-да, – деди ота ўғил.

* * *

Англиялик бир йигит чўмилгани дарё ёқасига борибди. Қулочкашлаб сузиб, анча олисга бориб қолгач, шундоққина ёнида бошқа бир одам эғнида костюм-шим, бошида каскаси билан чўмилаётганига кўзи тушибди.

- Кунингиз хайрли бўлсин, сэр, бугун ҳаво жуда зўр бўлди-да, – дебди у нотаниш ҳамроҳига қараб.
- Фикрингизга қўшиламан, сэр, чиндан ҳам бугун ажойиб кун бўлди, – жавоб қайтарибди у хотиржамлик билан.
- Қизиққанлигим учун айбга буюрмайсиз, нега энди кийим билан чўмилаётганингизни билмоқчиман.
- Биласизми, сэр, гап шундаки, сиз чўмилаяпсиз, мен эса чўқаяпман, – дебди нотаниш одам.

* * *

Англиялик таниқли лорд кечқурун дам олиш хонасида каминга яқин жойлашиб, иссиқ чой хўплаб газета ўқиётган экан. Хонага хизматкор йигит ховлиққанча кириб келибди.

- Сэр, меҳмонхонангизда ўғрилар юрибди, ҳаммаёқни ағдар- тўнтар қилиб ташлашди.
- Лорд газетадан кўзини узмай буюрибди:
- Яхши, Марк, сен бориб милтиғимни, ов костюмимни олиб кел. Катак костюмимни олиб келсанг янада яхши.

* * *

Инглиз оиласида чақалоқ туғилди. Соппа-соғ туғилган бўлса ҳам, ўн беш ёшга тўлгунича бир оғиз гапирмади. Аммо... у бир куни нонушта пайти кутилмаганда “Котлетни куйдириб юборишибди” деворди.

- Туппа-тузук тилинг бор экан, нега шу чокқача гапирмадинг? – ҳайрон бўлиб сўрашибди ота-онаси.
- Куйган котлетни биринчи ейишим, – дебди бола.

Тўпловчи М.АҲМЕДОВ

МАЪРИФАТ БЎСТОНИ

Шогирд деди:

– Устоз, мен олим бўлмоқчиман. Бунинг учун нима қилишим керак?

Устоз деди:

– Сабр сувини қониб ич, қаноат кўчасидан узоқлашма.

* * *

Шогирд деди:

– Устоз, кексалигим фароғати учун қанча мол-дунё йиғиб қўйишимни маслаҳат берасиз?

Устоз деди:

– Ақл-идрок омборингни тўлдирсанг бас, бўтам.

* * *

Шогирд деди:

– Устоз, илм олишга кеч қолмадимми?

Устоз деди:

– Азроил келгунча илм олсанг бўлади.

* * *

Шогирд деди:

– Устоз, хайрли иш қилмоқчиман.

Устоз деди:

– Хайрли ишни оиладан бошла. Ота-она, ака-ука, опа-сингилларингга, қариндош-уруғга, кейин қўши-қўшни, ёр-биродарларингга мурувват кўрсат!

* * *

Шогирд деди:

– Рақибимга қарши қандай қурол билан курашишим мумкин?

Устоз деди:

– Ақл-идрок, фаҳм-фаросат, аниқ ҳисоб-китоб билан.

* * *

Шогирд бошлиқ бўлиш истагида эканини айтди.

Устоз деди:

– Бунинг учун аввало нафсингни жиловлашинг керак. Бу – ўта оғир иш.

*Тўлқин МУҲИДДИН
тайёрлади.*

ЎИРЎИЗИСТИОН ТАСИРИЙ САЊАТИ

ЎИРЎИЗИСТИОН тасвирий санъати ривожланиши бу мамлакат ҳаётининг ижтимоий-маданий тарихи билан бевосита боғлиқ. Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари сингари ЎИРЎИЗИСТИОН тасвирий санъатининг ривожланиши худди санъатнинг бошқа соҳалари каби ўтган аср бошида янги босқичга ўтган. Жумладан, қиРЎИЗИСТИОН тасвирий санъатининг янги ижодий услублар билан бойишида рус рассомларининг таъсири катта бўлган. Айниқса, В.Образцов, С.Чуйков каби рус мусаввирлари ХХ аср бошида ЎИРЎИЗИСТИОНда ижод қилган. Улар асарларининг аксар қисмини қиРЎИЗИСТИОН халқи турмуши ва табиати манзаралари ташкил этади. Образовнинг “Соронбаев портрети”, “Радио эшитишмоқда”, “Қизча” каби асарлари шулар жумласидандир.

Ижодий муҳитнинг ўзгараётгани маҳаллий рассомларнинг изланишларида ўз ифодасини топади. ЎИРЎИЗИСТИОН рассомлари орасида ХИХ аср ўрталаридан ХХ асрнинг биринчи ярмигача асосий йўналиш ҳисобланган дастгоҳли рангтасвирдаги ярим асрлик этнографик ориентализмни ҳисобга олмаганда, ҳаракатлар предметсизлигининг юқори нуқтасига етган пайтда бошланди ва у ижтимоий-сиёсий вазият тақозоси билан чуқурлашиб кетди. Шунга қарамай, қиРЎИЗИСТИОН тасвирий санъати тарихий-ижтимоий ўзгаришлар кесимида шаклланишда давом этди.

Профессионал ютуқлар 20-30 йилларда намоён бўлади, шу жумладан, 1930 йилда ЎИРЎИЗИСТИОН Рассомлар Уюшмаси ташкил этилади. С.Оқилбеков, Г.Айтиев, А.Тошбоев, Гальченко, Т.Евпаков сингари рассомлар ижтимоий-психологик образлар акс этган портретлар, манзара ва тарихий жанрдаги асарлари билан мазкур давр санъати қиёфасини белгилаб беради.

50-йилларга келиб, қиРЎИЗИСТИОН санъатига бир қатор янги номлар кириб келди. Жумладан, Москва ва Петербургда таҳсил олган Жакуль Кожаметов, Кульчоро Керимбеков. Алтимиш Усубалиевлар қайтиб, соҳада муайян ютуқларни бошлаб берди. Жумладан, Кожаметов сюжетли тарихий композициялар билан, Керимбеков манзара жанрида ижод қилиб, Усубалиев қиРЎИЗИСТИОН халқининг буюк шахслари портретларини яратиб маданий муҳитда муайян силжишларни пайдо қилди.

1960-70 йилларда қиРЎИЗИСТИОН санъатида асарлар мукаммаллаша бошлади, образлар аниқ, ранглар эса декоратив хусусиятга эга бўлган. Маиший, портрет, манзара ва мавзули жанрлар билан бирга натюрморт жанри ҳам ривожланди.

Д.Уметова, А.Даирова, С.Чокморова, А.Каменского, С.Бакашева, Б.Жумабаева, А.Осмонова, А.Воронина, Н.Евдокимова, Т.Койчиева, Т.Герцена, М.Мукамбетова, В.Буторина каби бир қатор қобилиятли рас-

сомлар авлоди кириб келиб, ранг-баранг йўналишда яратган асарлари билан кекса авлод ижодкорлари анъаналарини бойитди.

Қирғизистон санъатида ўзига хос мактаб яратган етакчи рассомлардан Образцов янги шаклдаги инсон портретларини яратишга киришди ва умрининг охирига қадар замондошлари портретлари галереясини яратди. Мазкур галереяда аёл образлари биринчилардан бўлиб пайдо бўлади. Шарқ аёлининг реалистик портрети бу йилларда жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳодиса эди. Рассомнинг шундай образларидан бири “Қирғиз кизи”дир. Бу асарда хиёл ёнга ўгирилган ўсмир қизнинг боши нозик қизил рангли тонларда ҳайкалтарошона ишланган. Ўзининг очик чехралиги билан мафтункор дунёни қабул қилишга тайёр, ишончли, биров ҳайратланган, уятчан қиз томошабин қаршисида гавдаланади. Рассомнинг янги эстетик қарашлари очик акс этган яна бир аёл образи “Она” портретида намоён бўлади.

Сермаҳсул ижодкорлардан Г.Айтиев “Чуйск даласидаги куз”, “Шомдан сўнг”, С.Оқилбеков “Қирғиз жанубидаги куз”, С.Чуйков “Мангуликка дахлдор”, А.Игнатъев “Нурин тагида осилган кўприк”, Л.Деймант “Кечки суҳбат”, А.Усубалиев “Автопортрет”, Ж.Кожаметов “Нафақахўр”, С.Чокморов “Каралаева портрети”, С.Ишенов “Нуртай кинооператор” каби асарларида миллий рангтасвирнинг профессионал ютуқларини кўрсатишга эришди. Шунингдек, С.Бакашева, А.Каменского, Б.Жумабаева, А.Осмонова, А. Садикова, М. Бекжанов, М.Сидикбаев каби ёш рассомлар асарларида кўзга кўринарли ўсишлар кузатилади.

Қирғиз санъатининг ўзига хос тараққиёт даврига назар солганда, шуни айтиш жоизки, рус авангард тасвирий санъати қирғиз тасвирий санъатига у қадар катта таъсир кўрсатмаган. Чунки, бу даврдаги дастгоҳли ранг-тасвирда рус авангарди услубида яратилган жиддий асарлар акс этмаган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қирғиз авангарди у қадар ютуққа эришмаган. Рассомлар анъанавий сюжетлардан фойдаланган ҳолда Шарқ тафаккурининг ички қатламларини очиб беришга, сирли ва афсонавий оламни англашга ҳаракат қилган.

1970-йилларга келиб, ранг-тасвирда Шарқ мавзусидаги авангард асарлар ўрнини ижтимоий йўналишдаги асарлар эгаллайди. Улар рассомлар ижодий дунёқарашидаги зўраки бурилишдан гувоҳлик бериб туради. Ижтимоий буюртмага тобелик асарларнинг бадиий сифатига, рангтасвир-пластик ечимлар тозалигига салбий таъсир кўрсатади. Бу жараённинг ўзига хослиги ва қирғиз миллий маданияти тарихидаги ўрнини ўрганиш бугунги кунда кенг тус олмақда.

Энг асосийси, бу даврда яратилган ноёб асарларнинг кўпгина қисми Ўзбекистон музейларида сақланмоқда. Бу асарларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: Рус-Европа санъати таъсирида яратилган асарлар ҳамда Рус-Европа ва миллий санъат уйғунлигидаги асарлар.

Авангард 1980-90 йилларнинг бадиий жараённинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. 1980-90 йиллар авангарди аср бошидаги авангарддан услубий жиҳатдан анча фарқланади. Маълумки, Фарбий Европа мамлакатларида постмодернизм модернизм санъати ўрнини эгаллаган. Постмодернизм XX асрда европача бадиий андозага мослашиш йўлини босиб ўтди. Айрим давлатларда постмодернизм санъати аллақачон ривожланиб бўлган. Қирғизистонда эса бир неча ўн йиллардан буён постмодернизм модернизм

билан бирга яшаб келмоқда. Рассомлар кубизм, экспрессионизм, неоприми-
тивизм, абстракционизм, инсталляция, перформанс, объект, фотоарт
каби турли услубий йўналишлар ва оқимларни бегона тажриба сифатида
эмас, балки теран моҳиятга эга ва жозибали маданий негиз сифатида қабул
қилишган. Уларнинг асарлари пластик ечимларга бой. Аини чоғда рассом-
лар ўз маданияти анъаналаридан ҳам узоқлашмаган. Шунингдек, уларнинг
асарларида миллий анъанага хос жиҳатлар бўрттириб ҳам кўрсатилмайди.

Ўрта Осиё тасвирий санъати кейинги пайтда этномаданий анъаналар ва
XX асрдаги барча бадиий тажрибаларни ўзлаштириш, Ғарб ва Шарқ янги
маданиятининг илғор жиҳатларидан таъсирланиш асосида ривожланмоқда.

Қирғизистон тасвирий санъатининг барча тармоқларида ҳам шундай
жараён кўзга ташланади. Бугунги кун қирғиз рангтасвирчилари орасида
Бузурманкул Мирзалиев, Дарья Кулик, Асилбек Қудайбергенов, Салтанат
Жакипова, Марина Мулина каби бир қатор рассомлар ижодида миллий ва
дунё санъати анъаналари уйғунлигини кузатиш мумкин. Рассомларнинг
мавзу ва унинг талқини борасида оригиналликка ва замонавийликка инти-
лиши бу халқ маданиятини бойитиб бормоқда. Эътиборга молик изланиш-
лари билан танилган замонавий қирғиз рассомларидан бири Юристанбек
Шигаевнинг “Гуллар”, “Чўл” ва “Автопортрет” каби бир қатор манзара
ва натюрморт ишларида рангтасвир тили график чизмалар уйғунлигида
сезиларли даражада ўзгарган. Композиция ўзининг қатъий геометрикли-
гини йўқотади, ҳаракатга бой спиралсимон тус олади, аммо ана шу кучли
ҳаракат ортида кўркем ва гармоник қонуният кўриниб туради. Оқ-қора
ранглар қарама-қаршилигида тимсоллар ечими очиб берилади.

Шунингдек, фалсафий-интеллектуал тимсолларга, лирикага бой асар-
лари билан ўз истеъдодини намойиш этган Ж.Молдахматов ижоди ҳам
Қирғизистон рангтасвирида янги жараённи акс эттиради. Унинг ижоди
Она Ватан тарихи ва оила мавзусига бағишланган туркум асарлари билан
ажралиб туради.

Сўнги йилларда Қирғизистон ҳайкалтарошлигида асосан боғ-парк
санъат ландшафтига мўлжалланган ҳайкалтарошлик композициялари
оммалашиб бормоқда. Ҳабибулин, Шестопап, Жолчуев ва Шаршекев каби
ёш ҳайкалтарошлар ижодида айнан шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади.

*Фазилат ТУРҒУНОВА,
Камолитдин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
музейшунослик кафедраси
ўқитувчиси*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИՏҚАЧА ҚОМУСИ

БЕРГАМАСКА – XVI-XVII асрларда юзага келган итальян мумтоз рақси. Рақсинг бундай номланиши Италиянинг Ломбардия вилоятидаги Бергамо шаҳарчаси номи билан боғлиқ. Маълумотларга кўра, итальян кишлоқларининг ҳар бирида ўзига хос рақслар бўлган. Бергамоликларнинг ушбу рақси гоят кўтаринки руҳда бўлиб, қувноқ оҳангдаги куйлар жўрлигида ижро этилган. Бергмаска сарой аҳли орасида эмас, асосан маҳаллий халқ ва Ғарбий Европанинг Англия, Франция, Германия каби худудларида машҳур бўлган. XVII аср бошларидан бергамаска экцентрик жанр сифатида инструментал мусиқага ҳам жадал кириб келади. Борокко давридан то импрессионизмгача бўлган даврда яшаган кўплаб йирик композиторлар ижодида бергамаска жанридаги асарлар учрайди.

БЕЛЛА АХМАДУЛИНА – атоқли рус шоираси, ёзувчи, таржимон. Кўплаб миллий ва халқаро адабий мукофотлар совриндори. 1937 йил 10 апрелда Москва яқинидаги Переделкино шаҳарчасида таваллуд топган. 2010 йилда вафот этган. Унинг ижоди XX асрнинг иккинчи ярми жаҳон шеъриятининг энг яхши ҳодисаларидан саналади. Ахмадулина машҳур шоир Иосиф Бродский таърифлаганидек, рус поэзиясида лермонтовча, пастернакона йўналишнинг чинакам давомчиси сифатида эътироф этилади. “Тор”, “Мусиқа дарси”, “Шамчироқ”, “Грузия ҳақида тушлар”, “Сукунат шовқини”, “Сир”, “Боғ”, “Декабрда бир куни”, “XX аср. Кўзгу”, “Сандиқча ва калит”, “Титроқ”, “Хитой пиёласига ташланган тугмача”, “Турмуш лаҳзаси” сингари ўттиздан ортиқ китоблари эълон қилинган. Унинг сценарийлари асосида “Зилол ҳавзалар” (1965 йил. Режиссёр А.Сахаров), “Стюардесса” (1967 йил. Режиссёрлар В.Краснопольский, В.Усков) бадиий фильмлари суратга олинган. Ахмадулинанинг ижод намуналари “Тақдир ҳазили ёхуд қушдек енгил бўлинг”, “Ишдаги ишқ”, “Келдим ва гапираман”, “Бешафқат романс”, “Эскича комедия” каби кўплаб машҳур фильмларда фойдаланилган. Шеърлари асосида Валентина Пономарёва, Алла Пугачёва ва бошқа қатор хонандалар қўшиқлар куйлаган.

БИБАБО – қўлқоп шаклидаги куйлак ва бошдан иборат кичик ва содда қўғирчоқ тури. Бибабо қўғирчоқ театрининг бармоқлар ҳаракатига асосланган ўзига хос шакли бўлиб, у асосан қўлга кийилган ҳолда ўйнатилади. Ижрочининг кўрсаткич бармоғи қўғирчоқнинг боши, бош ва ўрта бармоқлари унинг қўллари вазифасини ўтайди. Бибабо қўғирчоқ спектакллари асосан яқиндан томоша қилишга мўлжалланади. Рус қўғирчоқ театрининг дунёга машҳур сиймоси Сергей Образов театр санъатида мазкур қўғирчоқ турининг оммалашишига катта ҳисса қўшган.

БРОДВЕЙ ТЕАТРАЛARI – Нью-Йоркнинг Бродвей мавзейида чуқур илдиз отган тижорат театрлари. Актёрларни йиғиб, бир асарни то томошабин тарқалгунча ҳар окшом кўрсатиб, кўп даромат олиш бундай театрларнинг асосий принципи ҳисобланади. Бродвей театрларининг бирор спектакли муваффақиятсиз чиқиб қолса, труппа тарқалиб кетади. Шу сабабдан бродвей театри етакчилари томошавийликни ошириш учун астойдил изланган. Саҳнада ёриткичлар орқали эффект пайдо қилиш уларнинг кашфиётидир. Шундай тижорий томошаларнинг оммалашувида Давид Беласко, Жон Барримор, Кетрин Корнелл каби намояндлар етакчилик қилган. Гарчанд улар адабий драмани тан олмаган бўлсалар-да, саҳна техникаси борасида изланишлари ва эришган ютуқларини рад этиб бўлмайди. Бироқ, тижорат тизимнинг ўрнатилиши мамлакатда театр санъатини танг аҳволга солиб қўйди ва бродвей театрлари чинакам санъат масканига айланолмади. XX асрнинг 20-йилларида Бродвейда 80-90 та театр мавжуд бўлган бўлса, кейинчалик уларнинг сони деярли шунинг тенг ярмига қисқариб кетган.

БУФФОНАДА – ёхуд слэпстик – актёрлик санъатидаги бўртгирма-комедик мазмундаги ижро услуги. Атаманинг келиб чиқиши италянча “buffanata” – “ҳазилкашлик, қизикчилик” сўзлари билан боғлиқ. Буффонада ижро услубининг ўзига хос жиҳатларини майдон томошалари, халқ ҳаваскорлик театрларида шаклланган кулгили намоишларида кўриш мумкин. Ўзбек халқ майдон томошаларида ижтимоий ҳаётдаги адолатсизликлар, бой ва очкўз кишиларнинг иллатлари қизиқлар, лўттибоз ва масхаралар томонидан кулгига олиниб, бўртгириб ижро қилинган. Бундай ижро шакли бутун дунё томоша санъати тарихида мавжуд бўлиб, қадимги юнон мим санъати, қадимги Римда ателлан томошалари буффонада аънаналарига хосдир. Буффонада бугунги кунда театр санъати, телевидение, кинематография, мультипликация, цирк сингари санъат соҳалари ижрочилигида кенг оммалашган.

БУТАФОРИЯ – Театр санъатига хос соҳалардан бири. Саҳна асарлари учун керакли буюмларнинг сунъий нусхасини яшаш санъати. Атаманинг келиб чиқиши италянча “butta fuori” – “ташла”, “улоқтир” сўзлари билан боғлиқ бўлиб, маълумотларга кўра, бу режиссёрнинг актёрга шундай буйруғидан келиб чиққан. Бутафория пластмасса, картон, металл, синтетика, қоғоз, мато сингари хомашёлардан тайёрланади. Театрда шундай предметларни ясовчи уста бутафор деб аталади.

*Феруза ҚОРАЕВА
тайёрлади*



РЕЗЮМЕ

●●● Очередной номер журнала посвящен республике Киргизстан. Публикуется отрывки из кыргызской эпической поэмы «Манас», образцы произведений известных кыргызских поэтов и писателей, статьи о современной кыргызской культуре и искусства. Читатели познакомятся с рассказами “Родная земля” Тулагана Касимбекова и “Первая любовь” Тоша Мияшева.

●●● Продолжается публикация материалов в рубрике “Навоий сабоқлари”.

●●● В данном номере напечатана продолжение романа “Братья Карамазовы” знаменитого русского писателя Фёдора Достоевского, а так же концовка романа “Сиддхартха” немецкого писателя Германа Гессе.

●●● Исполнилось 90 лет со дня рождения великого писателя Чингиза Айтматова. Статья «Родная планета - единый корабль» Ахмаджона Мелибоева, посвящена жизни и творчеству великого мыслителя и итогам Международного Иссык-кульского форума.

●●● Вниманию читателей журнала предлагается интервью со знаменитым актёром Чарли Чаплиным, где раскрывается своеобразный характер и нравственные принципы известного клоуна.



RESUME



..● This issue of the magazine is dedicated to the neighbouring Republic of Kyrgyzstan. A part from the epos “Manas” which is an example of an epic imagination of Kyrgyz people, works of well-known Kyrgyz writers and poets, comments about modern Kyrgyz culture, theatre, art, cinema and visual arts are presented in this issue.

..● Tulagan Qosimbekov’s “Motherland” and Tosh Miashev’s “The First Love” stories are presented to readers.

..● For popularization and researching a great poet Alisher Navoiy’s works among foreign readers we present another ghazal by Navoiy, comment to it and its translation into Russian and Uzbek in traditional “Lessons by Navoiy” rubric.

..● The continuation of well-known Russian writer Fedor Dostoevsky’s novel “Brothers Karamazovs” and the end of narrative “Siddhartha” by German writer Herman Hesse are also published in this issue.

..● This year is the 90th anniversary of the great author of Turkish world Chingiz Aytmatov. Ahmadjon Meliboyev in his article “Mother Planet Is a Single Boat” wrote about main pathos, ideas and principles, place and importance of Aytmatov’s creative works in cultural progress of humankind, also about results of an international forum which took place in Issiqkul on October 4-7 this year.

..● Charley Chaplin was a great artist who had a special place in cinema of XX century. He did a lot for development of the modern cinema. Interesting information about his character, views, feelings, opinions are given in a conversation titled “The Genius Who Unaware of Greatness” in “Figures of Art” rubric.

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: М.МУҲАММАДАМИНОВА
Техник муҳаррир: О.СОБИР ўғли
Мусахҳих: Ш.НИЁЗМЕТОВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:

100011, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 16.11.2018 й. Бичими 70x108^{1/16}. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 1824 нусха. 324 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2018 й.